

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ  
ВАЗИРЛИГИ**

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТАРИХ ФАКУЛЬТЕТИ**

**Ўзбекистон тарихи  
кафедраси**

**“ЎРТА ОСИЁ СУЛОЛАЛАРИ  
ТАРИХИ”**

**ТАЛАБА ТАНЛОВИ ФАНИДАН**

**МАЪРУЗАЛАР МАТНИ**

**Термиз - 2013**

**Ушбу маърузалар матнида “Ўрта Осиё сулолалари тарихи” талаба танлови фани бўйича бугунга қадар тўпланган маълумотлар, фан соҳасида юзага келган янги ғоя, инновациялар, Ўрта Осиёда ва чунончи ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида ҳукмронлик қилган сулолалар билан боғлиқ муаммоларнинг бугунги кундаги ечими ҳамда уларнинг талабаларга етказиш усуллари ёритиб берилган. Ушбу маърузалар матни олий ўқув юртларининг мутахассис йўналиш талабалари, илмий тадқиқотчилар ва шу соҳа билан қизиқувчиларга мўлжалланган.**

Муаллифлар:

доц. А. Тўхтаев  
ўқит. А.Боқиев

Такризчилар:

т.ф.д. Ш. Шайдуллаев  
доц. Э.Қобилов

Масъул муҳаррир:

т.ф.н. Т.Аннаев

# Ўрта Осиё сулолалари тарихи фанидан маърузалар тўплами.

## 1 – Мавзу. Илк давлатчиликнинг асос топиши ва Ўрта Осиё сулолаларининг милоддан аввалги тарихи.

1 – Маъруза.

Режа.

1. Ўрта Осиёнинг қадимги туб жой аҳолиси ва унинг “Авесто”, Аҳамонийлар, Юнонлар, Хитой ва маҳаллий манбаларда акс этиши.
2. Милоддан аввалги VII–I асрларда Хоразмшоҳлар (Сиёвушийлар) сулоласи.
3. Милоддан аввалги VII –I асрларда Сўғдиёна. Адабиётлар.
  1. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. –Т., “Шарқ”, 2000, 42 - 64 б.
  2. Асқаров А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. – Т., “Университет”, 2007, 30 – 34, 45 – 52, 106 – 115, 219- 220 б.
  3. Аҳамонийлар давлати. Ўзбек совет энциклопедияси. 1- жилд. – Т., “Ўзбек совет энциклопедияси бош редакцияси”. 1971, 587 – 588 б.
  4. Аҳамонийлар давлати. Ўзбек совет энциклопедияси. 1- жилд. – Т., “Ўзбек совет энциклопедияси бош редакцияси”. 1971, 587 – 588 б.
  5. Авесто. М. Исҳоқов таржимаси. Маърифат. 2003 йил, 22 ноябрь
  6. Авдиев И. Қадимги шарқ тарихи. - Т., 1956 й.
  7. Абдолниёзов. Б, Исҳоқов М. Авеста ва қадимги чорвачилик. – Т, 2008, жами – 93 б.
  - 8.. Буниятов З.М. Государство Хорезмшахов – Ануштегинидов. – М., 1986, с. 8 – 13.
  9. Вайнберг Б. И. Монеты древнего Хорезма. – М., 1977.
  10. Дандамаев М. А. Иран при первых Ахеменидах. – М., 1963.
  11. Ерали Оспанулы. Военная стратегия кочевников. 2009, вс.стр. - 17
  12. Жуманова Б. Ойсулуннинг жасорати ( Дорога қарши кўзғолон ҳақида). Маърифат, 2001, 15 декабрь.
  13. Исҳоқов Мирсодиқ. Тарихни тилга киритган ёзув. Фан ва турмуш. 2006, 1- 3 сон, 33 – 35 б.
  14. История Каракалпакской АССР (С древнейших времен до В, О. Сац. Революции) 1 – том. – Т., “Фан”, 1974, стр.15 - 54.
  15. Кўҳна Хоразм жумбоғи. Фан ва турмуш. 2006, 1-3 сон, 17 – 19 б.
  16. Мусакаева Альфия. Жанубий Суғд тангалари. Фан ва турмуш. 2006, 5 -6 сон, 52 – 54 б.
  17. Низомулмулк. Сиёсатнома ёки сияр ул – мулук. – Т., “Адолат”, 1997, 37, 176 178 б.

18. Сабурова Севара. Сиёвуш ва Африғийлар сулоласи даврида Хоразм. Сино журнали. 2006, 26 – сон, 34 – 36 б.
19. Толстов С.Р. Қадимги Хоразм маданиятини излаб. 1964.
20. Толстов С.Р. Древний Хорезм. – М., 1948.
21. Тупроққалъа. Фан ва турмуш. 2006, 1-3 сон, 7 – 12 б.
22. Эшов Б. Ж.. Сўғдиёна тарихидан лавҳалар. –Т, “Университет”, 2002,76–85 б.
23. Эшов Б. Ж.. Қадимги Бактрия, Хоразм ва Сўғдиёна давлатлари. Ўзбекистон давлатчилиги тарихи. – Т., “Маърифат”, 2009, 1 – қисм, 63 – 103 б.
24. Ширинов Т. Қадимги Бактрия подшолиги. “Катта Хоразм”(эрамизгача бўлган VII – VI асрлар. Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари. – Т., “Шарқ”, 2001, 8 – 15 б.
25. Ғуломов Яҳё . Хоразмнинг суғорилиш тарихи. – Т., “ЎзФА”, 1959 йил.
26. Ғуломхон Ғофуров. Кўҳна Турон (Африғийлар ҳақида). Иқтисод ва ҳисобот. 1996, 6 – сон, 78 – б.
27. Ҳомидов Ҳамиджон. “Шоҳнома”нинг шухрати.-Т., “Ўзбекистон”, 1991, жами 94 б.
28. Ҳасан Ато Абуший. Масоғетларнинг Форс подшоҳи Кайхисрав ила ғазолари. Туркий қавмлар тарихи китоби. –Т., “Чўлпон”, 1995, 58 – 61 б.

1) Аҳоманийлар мил. авв. 558 - 330 йилларда Эронда ҳукмронлик қилган сулола. Аҳоманийлар сулоласига мил. авв. VII асрда Элам яқинидаги Паруса (Юнонча Персида) туманида яшаган қадимги форс қабилаларининг бошлиғи Аҳоман (қадимги форсча – ҳаҳоманиш) асос солади. Аҳоманнинг ўғли Тенисп (Чишпаш) ва унинг авлодлари Кир I (Кайхусрав I), Кўмбиз I, Кир II Шимолий Эламдаги Аншана подшолари деб аталган.

Кир II қадимги Шарқнинг катта қисмини ўз ҳукмронлиги остида бирлаштирган ва Аҳоманийларнинг Буюк империясига асос солган. Аҳоманийлар ҳукмронлиги А. Македонский ҳужуми билан тугайди. Аҳоманийлар сулоласи; Кир II(мил. авв. 558 – 530 йй), Кўмбиз II(530 – 522 йй), Доро I (522 – 486 йй), Ксеркс I (486 – 465 йй), Артаксеркс I (465 – 424 йй), Ксеркс (424 йй), Соғдиан II (424 – 423 йй), Доро II (423 – 404 йй), Артаксеркс II (404 – 358 йй), Артаксеркс III (358 – 338 йй), Арсес (338 – 336 йй) ва Доро III (336 – 330 йй).

Аҳоманийлар давлати мил. авв. 558 – 330 йилларда шимолда Қора ва Каспий денгизларининг жанубий қирғоқларидан, жанубда Арабистон денгизи ва Форс қўлтиғигача, ғарбда Эгей ва Ўрта ер денгизларидан, шарқда Ҳинд дарёсигача бўлган худудларда ҳукмронлик қилган кулдорлик давлати. Мил. авв. 558 йилда Эроннинг Форс(Перуса) вилоятида Кайхисрав II (Кир II) томонидан барпо этилган бу ҳокимият ( китобда харитаси ҳам бор) . Мил. авв. 550 йил Мидияни, мил. авв. 545 – 539 йилларда Кичик Осиёнинг катта қисмини, мил. авв.558 йилда Бобилни, Мил. авв. 525 йилда Мисрни, Мил. авв. 519-512 йилларда Фракия ва Македония ҳамда Ҳиндистоннинг шимоли – ғарбий қисмини босиб олиб,қадимги шарқнинг буюк давлатига айланди.

Доро I (Мил авв. 522 – 486 йй) замонида маъмурий ва пул ислохотлари ўтказилиб, малакат 20 та ҳарбий – маъмурий вилоятларга – сатраплика бўлинади.

Аҳоманийлар давлатининг пойтахти аввал Персепол, сўнгра Бобил, Суза ва Ақбатана шаҳарлари бўлиб, аҳолисининг этник таркиби ва ижтимоий тузилиши турлича бўлган. Аҳоманийлар босиб олган вилоятларда маҳаллий халқларнинг урф – одатлари, дини, қонун – қоидалари, оғирлик, узунлик ўлчовлари, ёзувлари ва тилини сақлаб қолганлар. Мамлакатда қадимги форс тили билан бир қаторда оромий тили кенг тарқалиб, давлатнинг идора тили ҳисобланган. Бундан ташқари девон ишларида элам тилидан ҳам фойдаланилган. Эроннинг Аҳоманийлар даври маданияти ва санъатида Юнонистон, Оссурия, Миср ва бошқа чет эл халқлари маданий анъаналари таъсири кучли бўлган. Миср, Бобил, Мидия, Кичик Осиё ва Ўрта Осиёда бир неча марта Аҳоманийларга қарши қўзғолон кўтарилди. Масалан, Мил.авв. 522 йилда Мидия ва Марғиёнада, Мил. авв. 500 – 498 йилларда Кичик Осиёда ва Мил. авв. 405 йилда Мисрда Аҳоманийлар ҳукмронлигига қарши қўзғолонлар кўтарилди. Мил. авв. V асрнинг охиридан бошлаб сатрапликлар ўртасида ўзаро урушлар кучаяди. Мил. авв. 500 – 493 йилларда Юнон – эрон урушлари натижасида Аҳоманийлар давлатининг ҳарбий кучи бирмунча заифлашди. Мил. авв. 330 йилда эса у А. Македонский томонидан ғарбага учраб барбод бўлади.

2) Хоразм ҳукмдорлари тарихда хоразмшоҳлар номи билан машҳур бўлганлар. Хоразмда хоразмшоҳларнинг тўртта сулоласи бошқарган; Африғийлар (305 – 995 йй), Маъмунийлар (995 – 1017 йй), Олтинтошийлар (1017 – 1034 йй) ва Ануштегинийлар сулоласи (1097 – 1231 йй). Юқорида айтиб ўтилган сулолалар ичида Африғийлар даври тарихи ва маданияти, асосан, археологик материалларда сақланиб қолган. Энг кўп ёзма ёдгорликлар эса Маъмунийлар ва Ануштегинийлар даврларига мансубдир. Бу даврларда яратилган ёзма мерос Хоразмшоҳлар салтанатида илм – фаннинг турли соҳалари ривожланганидан дарак беради.

Хоразмликлар, - деб ёзади Беруний, - йил ҳисобини ўз мамлакатларида аҳоли жойлашган вақтдан, Искандардан (А, Македонский) аввалги 980 йилдан, яъни салавкийлар эрасидан олдин (Салавкий эраси Бобилни Салавка босиб олган вақтдан - эски ҳисоб билан мил. авв. 312 йил), яъни мил. авв. 1292 йилдан бошлайди. Шундан кейин мил. авв. 1200 йиллардан бошлаб афсонавий саркарда Сиёвуш ибн Кайковус Хоразмшоҳлар сулоласига асос солган. Демак, Берунийнинг сўзларига қараганда, X асргача ҳукмронлик қилган буюк хоразмшоҳлар сулоласининг пайдо бўлиши мил. авв. XIII аср охирларига тўғри келади.

Берунийнинг таърифича, форслардан қабул қилган йил ҳисоби “уларнинг(хоразмликларнинг) мамлакатини идоа қилган ва шоҳ унвоига эга бўлган Кайхисравлар сулоласидан чиққан ҳукмронлик қилган йилларга қараб” юритилган. Бу сулолага мансуб подшоҳлардан Африғ ҳукмронлигига қадар шундай бўлиб келган. Шуниси қизиқки, мил. авв. I асрдан милодий VIII асргача, яъни араб истилосига қадар даврга оид топилган Хоразм тангаларида

тасвирланган чавандоз образи кўп жихатдан хоразмшоҳлар сулоласига асос солган қаҳрамон Сиёвуш образини эслатади. Қадимги афсона ва дostonларда тасвирланган, “Авесто”да Сиёваршаш номи билан тилга тушган, паҳлавий адабиётида ва машхур “Шоҳнома”да ҳам, ҳатто, А.Р. Беруний асарларида ҳам Сиёвуш (яна бир диққатга сазовор номи Сиёвахш) фақат ярим худо – қаҳрамон сифатида тасвиланади.

Тупроққалъа саройи залларининг бирида бошга тож кийган ва қўлига бургут ушлаган подшо ҳайкалининг топилиши, шунингдек, Анқақалъа яқинида ҳам бошида тож, қўлида бургут ушлаган киши расми солинган танганинг топилиши ва бу тангаларнинг шу жойда зарб қилинганлиги - маҳаллий сулола ҳокимияти ўрнатилганлигидан гувоҳлик беради. Топилган тангаларда латин алифбосида “S” ҳарфига ўхшаш ёзув сиёвушийлар авлодига ишорат бўлиши мумкин. Ушбу сулола дастлаб Африқийлар (305-995 йй), кейин Маъмунийлар (995-1017 йй) давригача, яъни милодимизнинг 995 йилигача ҳукмронлик қилган ва қўшни давлатлар билан доимий иқтисодий ва маданий алоқада бўлиб турган. Мил. авв. 1 минг йилликнинг бошларида Ўрта Осиёда (жумладан Хоразмда) пайдо бўлган қудратли давлатлар ўз ҳукмронлигини ўрнатиш ва уни мустаҳкамлаш учун муайян ғоявий воситага муҳтож ҳам эди.

3) Сўғдиёна Ўрта Осиёнинг Зарафшон ва Қашқадарё ҳавзаларида таркиб топган тарихий - маданий марказларидан бири бўлиб, тарихий манбаларда мил авв. 1 минг йилликнинг биринчи ярмидадан тилга олинади. Археологик изланиш натижаларига кўра, бу минтақа аҳолиси қадимдан суғорма деҳқончилик, кўп тармоқли ҳунармандчилик ва чорвачилик билан шуғулланиб келади. Ёзма манбаларга қараганда, ўлканинг ўтроқ аҳолиси эроний тилларнинг сўғдий лаҳжасида сўзлашган. Мил. авв. 626 йилларда турклар тарихида биринчи давлат пайдо бўлди. Алп Эр тўнга ( эронликлар уни Афросиёб деб аташ эдилар) ана шу давлатнинг асосчиси эди. Бу давлат тарихида сак(искиф) турк давлати деб ном олди. Сак – искиф турк давлати мил. авв. VII милодимизнинг II юз йилликларида яшади. У Доғистондан Кичик Осиёга қадар чўзилган ҳудудни ўз ичига олган эди.

Афросиёб – Алп Эр тўнганинг номи, Эрон шоҳи Кайхисрав (Алп Эр Тўнгани зиёфатга чақириб заҳар бериб ўлдиради) ўйлаганидек, тарих зарварақларидан ўчиб кетмади. Унинг шаънига қўшиқлар битилди, марсиялар тўқилди. Милодий XI асрда яшаган туркшунос олим М. Қошғарий “Девону луғатит – турк” асарини ёзиш учун материал тўплаб, Юқори Чин(Хитой), Ўрта Осиё, Сибирь ва бошқа туркий қабилалар яшайдиган ўлкаларни кезиб чиқар экан, Алп Эр Тўнгага бағишланган марсиянинг парчаларини халқ оғзидан ёзиб олди.

А. Фитрат эса Алп Эр Тўнгага бағишланган марсияни маълум бир тартибга келтириб, “Энг эски турк адабиёти намуналари” (1927 йил) китобида чоп эттирди. Алп Эр Тўнганинг ўлими бутун турк халқини ларзага солди. Унинг ўлимидан кейин давлат кучсизланди, ёмон ва ёвуз одамлар кўпайиб кетган, “дунёнинг беги” қўлдан кетган эди. Милодий XI асрда ҳам Алп Эр Тўнганинг шон – шуҳрати турк халқи орасида жуда машхур эди. М.

Қошғарийга замондош Ю. Хос Ҳожиб “Қутадғу билиг”(Саодатга етакловчи билим) асарида Алп Эр Тўнганинг шухрати ҳақида тўхталиб ўтган эди. Алп Эр Тўнга туркларнинг қаҳрамонлик рамзи бўлиб қолди. Мотамларда унинг номи доимо эсланадиган бўлди. Ҳар гал унинг номини хотирлашганда турклар ҳушёр турадиган бўлдилар.

Отнинг ўлими итнинг байрами деганларидай, эронийлар Алп Эр Тўнга халок бўлган кунни “сак байрами” ёки “саклардан қутилиш куни” деб хурсандчилик қилдилар. Одамзод пайдо бўлибдики, ниманидир ўзи учун худо деб билади. Алп Эр Тўнга авлодлари учун Кўк тангри (Осмон тангриси) худо эди. Қадимги Туркий ёзув Урхун -Энасой ёзувининг илк кўриниши давлатнинг маънавий ҳаётида шубҳасиз катта роль ўйнади. Манбаларда Алп Эр Тўнга асос солган давлатдан кейингилари тарихи ғира шира ёритилган Сак – турк империяси миллий тарихимизнинг илк босқичларидан бири саналган “Бўзқир давлати”га асос солди.

Аммо “Бўзқир давлати”нинг шаклу – шамойили ҳозирча унчалик яхши ёритилган эмас, уни фақат Алп Эр Тўнга асос солган давлатнинг давомчиси сифатида билишади. Бу даврдаги турк қавмлари “искит” номи билан юритилган эди. Европада эса “скиф” деб аталади. Аммо Европа олимлари “скиф” номини туркларга эмас, балки ғарбдаги халқларга (украин, осетин ва хоказоларга) нисбатан қўллайдилар. Туркларни эса прототурк (кўхна турк) деб атайдилар. Эронийлар эса скифларга “сак” отини беришган. Эрамизгача VIII – IV асрларда бугунги Ўрта Осиё ва Қозоғистон ҳудудидаги қабилаларнинг ҳаммаси “сак” номи остида юритилган. Геродот ва бошқа давр тарихчилари сакларни Осиё скифлари деб ёзадилар. Улар мил. аввалги VI – V асрларда Аҳамонийлар сулоласи қўли остида эди дейилади.

Аммо эрамизгача VII, эрамизнинг II асрларида Жанубий Сибирь, Энасой(Енисей) ва иртиш дарёлари бўйлари, ҳозирги Можористон(Венгрия) ва Чехословакия, Ҳазар денгизи бўйлари, Эрон, Ироқ, Сурия ва Туркия давлатларининг ўрнида Сак искит империяси барпо бўлган эди, Эронийлар сакларга ўзларини қарши қўйган эканлар (саклардан қутулиш кунини байрам қилган кунларини эслайлик) демак саклар асосан туркийлардан ташкил топган. Қадимги Самарқанд шаҳрининг номининг аталиши тўғрисида Абу Тоҳирхўжа Самарқандий (XIX асрнинг бошларида туғилган вафоти 1874 йил) ўзининг “Самария” номли асарида 4 та сабаб келтириб ўтган.

Биринчи сабабида “Бурхони қотей” китобида Самар исмли бир киши бу ерда жойлашиб ўз теварагига одамларни тўплагани ва шунинг учун “Самаркент” аталгани Араблар босиб олгач Самарқанд аталгани. Иккинчи сабабида “Масолик ул – мамолик” китобида Самар деган хон Фарғона ва Қашғар томонидан келиб душманлик қилиб шаҳар деворларини бузгани учун “Самар қазди” маъносида. Учинчи сабабида – “Тарихи табарий” китобида Самар исмли хон шу шаҳарни солдиргани учун энг аввал самар исмли хон шу шаҳарни солдиргани учун энг аввал “қанд” уруғи деган турк уруғи бунда ўрнашгани учун “Самарқанд” аталди. Тўртинчи сабаби – Самар деган киши томонидан булоқ қазилганлиги сабабли бу жой “Самарқанд” деб аталди деб маълумот беради.

Абу Тохирхўжа Самарқандий Самарқанд шаҳрининг кўрғони кимдан бошлаб қурилгани ҳақида ҳам маълумот бериб биринчи иморат “Осор ул Билад” китобида Кайқубоднинг ўғли Кайковус иморат солдиргани лекин тўғри ривоят шуки у деворни Мухросиб ўғли Куштосиб тортганлигини айтади. Самарқанд кўрғонининг иккинчи иморатини биринчи малики Туббаъ солганини Туббаъ Яман ва арабистон подшоларидан бўлиб бу шаҳарни эгаллаган деб ёзади. Учинчи иморати – Малик Искандар Зулқарнайн қурдирган бўлиб бу девор ҳозирда “Девори қиёмат” деб аталади. Тўртинчи иморат – А. Темур кўрагон томонидан қурилган деб маълумот беради.

### **1 – Мавзу. Илк давлатчиликнинг асос топиши ва Ўрта Осиё сулолаларининг милоддан аввалги тарихи.**

2 – Маъруза.

Режа.

1. Милоддан аввалги VII – I асрларда Бактрия сулолалари.
2. Милоддан аввалги III – I асрларда Парфия сулолалари.
3. Милоддан аввалги VII – милодий V асрларда Кенгарас(Кенагас) лар сулоласи.
4. Милоддан аввалги III милодий II асрларда Фарғона сулолалари.

Адабиётлар.

1. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. –Т., “Шарқ”, 2000, 34 - 48 б.
2. А.Асқаров. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. – Т., “Университет”, 2007 йил, 34 – 37, 118-119, 171 – 182, 223 – 226 б.
3. Аннаев Т.Ж ва Шайдуллаев Ш.Б. Сурхондарё Салавкилар ва Юнон – Бактрия подшолиги даврида (Мил. авв. IV – II асрлар). Сурхондарё тарихидан лавҳалар. – Т., “А. Қодирий”, 1997, 31 – 36 б.
4. Бокшанин А. Г. Парфия и Рим. – М., 1960, с – 216.
5. Гумилев Л. Н. Қадимги турклар. – Т., “Фан”, 2007, 133, 478.
6. Дьяконов М.М. Сложение классового общества в северной Бактрии. // СА. 1954, XIX.
7. Кармишева Б. Х. Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана. – М., «Наука», 1976, с. 109.
8. Матбобоев Б. Қадимги Фарғона давлати(Давань). Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари. – Т., “Шарқ”, 2001, 27 – 44 б.
9. Насимхон Раҳмон. Турк хоқонлиги. – Т., “А. Қодирий”, 1993, 11 – б.
10. Пьянков И. В. Бактрия в античной традиции. – Душанбе., 1982.
11. Ртвеладзе Э. В. Новые древнебактрийские памятники на юге Узбекистана. // БД, Лен, 1976.
12. Сагдуллаев А. С. Усадьбы древней Бактрии. –Т., 1987.
13. Ставиский Б. Я. Кушанская Бактрия; проблемы истории и культуры. – М., «Наука», 1972.
14. Сыма Цянь и его «Исторические записки». (Электрон варианты бор).
15. Тревер К. В. Памятники греко – бактрийского искусства. – М, Л, “АН

СССР”.

16. Шайдуллаев Ш. Памятники раннежелезного века Северной Бактрии. Авто реф.канд. ист. наук. – Самарканд. 1990 г.

17. Ширинов Т. Қадимги Бактрия подшолиги. “Катта Хоразм”(эрамизгача бўлган VII – VI асрлар. Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари. – Т., “Шарқ”, 2001, 8 – 15 б.

18. Эшов Б. Қадимги Бактрия, Хоразм ва Сўғдиёна давлатлари. Ўзбекистон давлатчилиги тарихи. – Т., “Маърифат”, 2009, 1 – қисм, 63 – 103 б.

19. Яхшиев А. Шимолий Бактрия ҳудудларида антик давр товар – пул муносабатлари. Ижтимоий фикр инсон ҳуқуқлари. 2004, 1- сон, 118 – 123 б.

20. Қадимги Ўрта Осиё тарихидан лавҳалар. – Т., “Фан ва технология”, 2008, 66 – 73 б.

1) Милоддан аввалги минтақамиз сиёсий харитасида Хоразмдан ташқари Бактрия, Сўғдиёна, Парфия, Фарғона ва Тоҳаристон каби давлат бирликлари фаолият кўрсатган. Шунинг учун ҳам улар ҳақида алоҳида – алоҳида тўхталиб ўтиш ўринлидир. Бактрия – бу географик вилоят (макон), вилоят номи эса Бактр(Балхоб) дарёси номи билан боғлиқ. Бактриянинг пойтахт шаҳри Бактр ҳам (ҳозирги балх шаҳри) худди шундай боғлиқликда. Юнон тарихчилари Бактриянинг географик чегарасини жанубда Ҳиндикуш (Парнасс, Панопамис), шимолда Сўғдиёна, ғарбда эса Марғиёнагача (Мурғоб воҳаси) белгилашади.

“Авесто”да Бактрия (Бахди) “байроқлари (доим) баланд хилпираб турадиган” яъни шон – шавкат ўлкаси сифатида тилга олинади. Қадимги Бактрияни бошқарган сиёсий сулолалар тўғрисида ҳозирча бирон – бир илмий хулосага келингани йўқ. Лекин бу борадаги мавжуд афсоналардан бактриялик ҳукмдорлар, уларнинг куч – қудрати ва ўз замонасида машҳур бўлганлигини билиб олиш қийин эмас. Масалан, Юнонистонлик Ктесий Оссуриялик подшоҳ Нин Белиднинг Бактрияга ҳарбий юриши ҳақида сўзлаб, Нин Белид Бактриялик аёл Семирамидага уйланганини ва уни ўз юртига олиб кетганини ёзади. Орадан кўп ўтмай Семирамида (Саммурамаат) милоддан аввалги IX – VIII аср бошларида Оссурия маликаси бўлади. Бобил ва Оссурия подшоҳлигини ўз қўлига олади ва ўз ватани Бактрияга қайтиб келади.

Семирамида Бактрияда катта қўшин тўплаб Ҳиндистон юришига ҳозирлик кўради. Семирамида ўзи ҳақида “Тарчи табиат мени аёл қилиб яратган бўлса ҳам, мен ҳам ўз жасоратимни ботир эркаклар жасорати билан тенглаштирдим. Нин подшоҳлигига ҳамда шарқдаги Гунама дарёсидан то шимолдаги шак ва сўғдларгача бўлган ерларга ҳукмронлик қилдим” – деб ёзиб қолдиришни буюрган. Мил. авв. сўнгги аср – милодий I асрларда яшаган Помпей Трог Нин Белиднинг Бактрияга юриши ҳақида нақл қилар экан, бактрияликлар подшоҳи Зардўшт (Зороастр) бўлган дейди. Хуллас, Бактрияда энг қадимги даврларда ҳукмронлик қилган сулолалар ҳақида аниқ маълумотлардан кўра ривоятлар кўпроқ учрайди.

Аҳамонийлар - Бактрия илк муносабатлари ҳақида ҳам маълумотлар етарли даражада деб бўлмайди. Тарихчи Ктесий Куруш(Кир) ва бактрияликлар ўртасида содир бўлган тўқнашувларда бирон – бир томон

устун келгани йўқ, ўзаро келишувга асосан бактрияликлар ахамонийлар ҳукмдорини тан олганлар, деб хабар беради. Доро I даврига келиб эса Бактрия қатъий равишда ахамонийлар қўл остидаги мулклар қаторида санаб ўтилади. Доро Бактрияга ноиб этиб форс Додаршишни тайинлаган.

Тарихчи Геродотнинг маълумот беришича Куруш ва унинг ўғли Камбис ҳукмронлик қилган йилларда (Мил. авв. 529 – 522 йй) уларга қарам мамлакатлардан муайян бир солиқ олинмаган. Бироқ уларга тобе юртлардан совға – саломлар юбориб турилган. Дорони форслар савдогар дейишларига сабаб – деб ёзади геродот, у биринчи бўлиб солиқ тизимини жорий этганлигидандир. Бактрия ҳақиқатан ҳам ахамонийларга тобе вилоятлардан ўн иккинчисига кирган.

“Бактрияликлардан эгларгача (Хўжанд вилояти атрофида яшаган қабила?) бўлган ҳудуд йилига 360 талант тўлаб туриши керак бўлган. Ахамонийларнинг йиллик солиқлардан ташқари бошқа йўллар билан ҳам тобе халқлар чўнтагини қоқиб келганликлари ҳам маълум. Геродотнинг ёзишича, қақраб қолган далаларни суғориш учун деҳқонлар ахамоний ҳукмдорлар саройига бориб сув йўлини тўсиб турган тўғонларнинг дарвозаларини очиб юборишни сўраб нола қилар эканлар. Шунда ҳукмдор тўғонни очишга фармон берар экан. Бактриянинг ахамонийларга қарамлиги то Александр Македонский босқинига қадар давом этади.

А. Македонский ўлимидан кейин(мил. авв. 323 йил 13 июнь) ҳокимият учун кураш авжига чиқади. Аввал Бобилни (Мил. авв. 312 йил), сўнг Бактрия ва Сўғдиёни ҳам қўлга киритган Александр лашкарбошиларидан ҳисобланмиш Салавк салавкийлар сулоласига асос солади. Салавкийлар ўзларига тобе ўлкаларда ғоят қаттиққўллик сиёсатини олиб борганлар. Агар Александр қарам ерлардаги аҳолига нисбатан мурасасозлик йўли билан ҳам сиёсат юргизган бўлса, салавкийлар аксинча маҳаллий аҳолини, унинг маданиятини умуман инкор этиш, ноибларни фақат юнонликлар орасидан тайинлаш, маҳаллий бошқарувда кўплаб ҳарбий истехкомлар, иншоотлар куриб, ҳарбий куч орқали аҳолини бўйсундириб туриш тадбирларига зўр берганлар.

Масалан, А. Македонскийнинг юнон ва маҳаллий маданиятларни ўзаро уйғунлаштиришдаги саъй ҳаракатлари бўлганини билган ҳолда, салавкийларнинг, аксинча, тобе халқлар орасида фақат юнон маданиятини тарғиб этишни вазифа деб билганликларини қайд этиш лозим. Шу ўринда эллинизм маданияти тўғрисида бир – икки оғиз сўз айтмасдан иложи йўқ. Ушбу тушунчани илмий таомилга XIX асрнинг биринчи ярмида тарихчи И.Г. Дройзен киритган. Бунда у эллинлар (юнон – македонияликлар) маданиятининг ўзларига тобе мамлакатлар маданияти билан ўзаро уйғунлашуви натижасида вужудга келган маданий ҳолат ва муносабатларни назарда тутган.

Салавкийлар ҳам ўзларига тобе сатраплар (ноиблар) орқали бошқарганлар. Тахминан мил. авв. III аср ўрталарида (мил. авв. 253 йил атрофида) Бактрия салавкийлар салтанати таркибидан ажралиб чиқишга муваффақ бўлади. Ўтиборни жалб қиладиган томони шундаки, бу ўзгаришга

Бақтрия ноибӣ, юнонлик Диодот сабабчи бўлган. Уни шу тадбирга ундаган асосий сабаб, бир томондан, салавкийлар марказида (Сурия) ҳокимият учун ўзаро курашнинг авж олиши оқибатида марказий ҳокимиятнинг заифлашиши бўлса, иккинчи томондан, Бақтрия(Сўғдиёна ҳам унинг таркибида эди) аҳолисининг четга қарамликдан қутулиш учун ҳар нарсага тайёргарликларидан иборат бўлган.

Бақтрияни мустақил равишда бошқара бошлаган юнонликлар бақтрияликларнинг кучига суяниб келганликларини тасдиқловчи маълумотлар бор. Масалан, ўзларини анча ўнглаб олган Салавкийлар қўлдан кетган ўлкаларни қайтариш тараддудига тушганларида Бақтрияда Евтидем (Эвфидем) деган юнон (мил. авв. 230 йилдан бошлаб) ҳукмронлик қилар эди. Полибий (мил. авв. II аср) нинг гувоҳлик беришича Евтидем ва салавкийлар ўртасидаги курашда 10000 бақтриялик отлик аскар Евтидем томонида турган. Бақтрияликларнинг шижоати туфайли ўзаро сулҳ тузишга келишинади ва шу тариқа Бақтриянинг салавкийлар салтанатидан мустақиллиги янада мустаҳкамланади.

Тез – тез бўлиб турадиган жангу – жадаллар, қарамлик аҳволига қарамай Бақтриянинг тараққиёти бир зум ҳам тўхтамаган. Юнон тарихчилари Бақтрияни “минг шаҳар ўлкаси” деб бекорга таърифламаганлар. Бу таъкид Бақтрия ижтимоий – сиёсий ҳаётида шаҳарлар тутган ўриндан далолат беради. Ҳақиқатан ҳам бу даврда Бақтр ва Термиз каби шаҳарларда хунармандчилик, савдо – сотиқ ривож топган. Бақтрияда пул муносабатлари пухта йўлга қўйилган.

Масалан, Бақтрия ҳукмдорлари зарб этган олтин, кумуш, мис, никел, танга намуналарининг Хоразм, Сўғдиёна ва Фарғонадан топилиши ҳам савдо – сотиқ муносабатлари даражасидан, ҳам пулнинг кадр – қимматидан далолат беради. Минтақадан ташқаридаги Хитой, Ҳиндистон ва Эрон каби мамлакатлар билан ҳам савдо – сотиқ фаол олиб борилган.

Бақтрияликларнинг деҳқончилик ва чорвачиликдаги тажрибалари мақтаса арзигулик бўлган. Юнон ва Хитой манбаларида ёзилишича, бу ерда дончилик, шоличилик, полизчилик, узумчилик ва мевачилик яхши ривожланиб келган. Бақтрияликларнинг қазилма бойликларини қайта ишлашда моҳир бўлганликлари ҳам маълум. Масалан, Бақтрияда олтин қайта ишланган. Пул зарб этишда ишлатилган никел ҳам худди шу ердан чиққан бўлса ажаб эмас. Юнонлар ҳукмронлик қилган даврда Бақтрияда юнон тили расмий тил ҳисобланган.

Шу билан бирга оромий, асли Панжобда юзага келган карошти ёзувлари ҳам муомалада бўлгани маълум. Фан соҳасидаги ютуқлар ҳам диққатга сазовордир. Физика, математика, астрономия ҳамда фалсафа каби илмлар ривожда бўлган. Бақтрияликлар маданий ҳаётида мусиқанинг ўрни алоҳида аҳамият касб этган. Шунинг учун бўлса керак, мусиқа асбобларининг тури хилма – хил бўлган. Турли маросимлар, байрамлар, саройдаги тадбирларда уд, най, ноғора, чилтор(арфа), бурғу ва камонча билан чалинадиган асбоблардан фойдаланилгани маълум.

Археологик изланишлар натижасига кўра, қадимги бақтрияда

хайкалтарошлик, сураткашлик ҳамда наққошлик каби соҳалар ҳам ўз даври учун юксак савияда бўлган. Бақтриядаги маънавий ҳаёт тўғрисида гапирадиган бўлсак, аҳоли турли динларга сиғинган. Қадимдан эъзозланиб келинадиган зардуштийлик, анахита, митра худолари билан бирга аҳоли орасида буддага, юнонларнинг Зевс, Афина, Аполлон ва Геракл каби худоларига интилиш ҳоллари ҳам табиий ҳол ҳисобланган. Турли эътиқодларга тегишли диний муассалар қуриб берилган. Тахминан мил авв. II асрнинг 30 йилларида Бақтрия юнонликлар бошқарувидан батамом қутилади. Шимолдан кириб келган қабилалар ҳарбий кучи зарбаси остида қулаган юнонликлар ҳокимияти ўрнида тохарлар(юэчжилар) ҳукмронлиги даги янги сиёсий бирлик – Тоҳаристон пайдо бўлади.

2) Минтақамизнинг Атрек ҳамда Гўргон дарёлари юқори ҳавзасида жойлашган ( Ж. Туркменистон, Шимоли – шарқий Эроннинг бир қисми) тарихий маконлардан бири қадимда Парфия номи билан юритилган. “Авесто”да Ахура Мазданинг бешинчи бўлиб Нисайа ўлкасини яратгани ҳақида сўзлар бор. Нисайанинг ҳозирда Ашгабат яқинидаги харобалари сақланиб қолган кўҳна Нисо шаҳри Парфиянинг дастлабки маркази билан боғлиқлигига шубҳа қилмаса ҳам бўлади. Парфиянинг милоддан аввалги 1 минг йилликнинг биринчи ярмидаги аҳволи борасида аниқ фикр айтиш қийин. Чунки, бу масалада маълумотлар жуда оз. Шу билан бирга мавжуд маълумотлар асосида баъзи бир мантиқий хулосалар чиқариш мумкин.

Масалан, Помпей Трог скифлар (саклар) ҳақида сўзлар экан, “улар Парфия ва Бақтрияга асос солганлар” деб ёзади. Бошқа бир жойда эса юнонлик тарихчи яна Парфия ҳақида тўхталиб, “Римликлар билан бутун дунёни ўзаро бўлиб олган парфияликлар ҳозирда бутун Шарқ узра ҳукмдордирлар ва улар (аслида) қачонлардир скифлар орасидан бадарға қилинганлардандирлар, уларнинг номи (яъни Парфия – бунга ишора, зеро, скифлар тилида “Парфи” сўзининг маъноси бадарға қилинганларни англатади”).

Ктесий Оссурялик Ниннинг ҳарбий юришлари ҳақида баён этиб, у парфияликларни ҳам бўйсундирган, дейди. Афтидан, Оссуряликлар мил. авв. 1 минг йилликнинг VIII аср бошларида Мидияга қарши юришларида Парфияга ҳам бостириб кирганлар. Парфия – Мидия муносабатларига тўхталсак, мидиялик Киаксар(Увахшатра) ҳукмронлик қилган йилларда (Мил. авв. 625 - 584 йй) Парфия Мидияга бўйсундирилган. Бироқ кўп ҳам ўтмай, тахминан сўнгги мидиялик ҳукмдор Астиаг (Мил. авв. 584 – 550 йй) даврида Парфия Мидия тобелигидан чиқади ва юнон тарихчиси тили билан айтганда, парфияликлар “ўз юртларини сакларга топширдилар”.

Шунда Мидия ва саклар (Хоразм) ўртасида уруш бошланади. Охир – оқибатда ҳарбий сулҳ ва иттифоқ тузилади. Аммо тез орада Мидия давлати қулайди ва табиий равишда Парфия яна мустақиллигини тиклайди. Умуман олганда эса Парфия шимолдаги Хоразм сиёсий кучлари манфаатлари доирасида бўлиб келгани шубҳасиз. Унинг бу доирада бўлиш бўлмаслиги хоразмлик сиёсий кучларнинг маълум даврлардаги мавқеи ва қудратига боғлиқ бўлиб келганлигига шак шубҳа йўқ. Мил. авв. VI асрнинг иккинчи

ярмида Парфия аҳоманийлар қўл остига тушади ва салтанатнинг XVI сатрапи таркибига киритилади. Шунга қарамай парфияликлар тажовузкорларга қарши курашни тўхтатмайдилар.

Доро 1 ҳукмронлигининг дастлабки йилида Парфияда озодлик ҳаракатлари авж олади. Бу вақтда Парфияни Доронинг отаси Виштасп бошқариб турар эди. Халқ қўзғолони бир неча ой давом этади. Виштасп эса ҳеч нарса қила олмайди. Доро эса бу вақтда Бобилдаги халқ қўзғолонини бостириш билан банд эди. Фақат мил. авв. 521 йилга келиб Доро томонидан юборилган катта кучга суянган ҳолда Виштасп парфияликлар қаршилигини енгишга эришади. Беҳистун ёзувларига кўра ҳал қилувчи жанг мил. авв 521 йил 12 июлда рўй берган. Милоддан аввалги IV асрнинг 30 - йиллари сўнгида Парфия навбатдаги тажовузкор юнонлик А. Македонскийнинг тобелигига тушади. Энди парфияни А. Македонскийнинг ноибни Андрaгoра бошқара бошлайди. Юнонликларнинг Парфия устидан ҳукмронлиги Александр Македонский ўлими билан боғлиқ сиёсий ўзгаришлардан сўнг ҳам тўхтагани йўқ. Масалан, мил. авв. IV асрнинг сўнги ўн йиллигидан бошлаб Парфия Салавкийлар таъсирига тушади. Бундай ҳолат мил. авв III аср ўрталарига қадар давом этади.

Тахминан шу даврда парфияликлар салавкийлар тобелигидан озод бўладилар. Бунга доир маълумотларни биз қадимги юнон ва арман манбаларидаги гувоҳликлардан билиб олишимиз мумкин. Хусусан, асли келиб чиқиши сакларнинг дай қабиласидан бўлмиш. Тажан дарёси бўйларида яшовчи парна уруғи сардори Аршак салавкийларнинг Парфиядаги ноибини ағдариб, ҳокимиятни ўз қўлига олади. Шу тариқа у аршакийлар сиёсий сулоласига асос солади. Парфияда тартиб ўрнатиш ишлари Аршакнинг бўйнига тушган бўлса, унинг ўлиmidан сўнг укаси Тиридат қўшни Гиркания ҳамда Эроннинг бир қисмини ўз таъсир доирасига тортишга эришади. Тиридат мустақкам қалъалар барпо этиш, қўшинни ҳар жиҳатдан кучайтириш тадбирларига катта эътибор беради. Унинг бу соҳадаги кўплаб саъй – ҳаракатларининг сабаби маркази Сурияда бўлган салавкийларнинг қудрати ҳануз сакланиб келаётганида эди.

Тиридатнинг ўлиmidан кейин (мил. авв. 211 йил) Парфия тахтини унинг укаси Артабан II турган даврда, салавкий ҳукмдор Антиох III жуда катта қўшин (юнонлик Помпей Трогнинг ёзишича, 100 минг пиёда, 20 минг отлик аскар ) билан аршакийларга қарши юриш қилади. Антиох III ғолиб келса – да, охир – оқибатда ўзаро иттифоқ тузилади. Антиох III ўлиmidан кейин салавкийлар қудрати заифлашиш йўлига киради. Бундан усталик билан фойдаланган навбатдаги аршакий ҳукмдор Митридат I (мил. авв. 171 – 138 йй) Эрон ҳамда Жазира(Месопатамия)ни ҳам ўз тобелигига қаратишга эришади. Тахминан мил. авв. 124 – 123 йили тоҳарлар Парфияликлар билан жангга киришиши натижасида парфиялик ҳукмдор Артабаннинг оғир яраланганлиги тўқнашувлар шиддатли кечганлигини кўрсатади. Кейинги парфиялик ҳукмдор Митридатнинг саъй – ҳаракатлари туфайлигина тоҳарларнинг шарққа томон интилишларига чек қўйилган эди. Митридат II (мил. авв. 123 – 87 йй) ҳукмронлиги даврида аршакийларнинг куч – қудрати

янада ошди.

Масалан, у ҳатто салавкий ҳукмдор Деметрий III ни қўлга туширишга муваффақ бўлади. Бу салавкийлар сиёсий фаолиятига чек қўйилиб, энди тўғридан – тўғри Рим салтанати билан рақобатлашиш йўлига кириш, дегани эди. Ҳақиқатан Ород II (мил.авв. 55 – 38 йй) даврига келиб римликлар Парфияга қарши ҳарбий юриш уюштирадilar. Мил. авв. 53 йили Жазира шимолидаги Карр шаҳри яқинида икки томон ўртасида тўқнашув содир бўлади. Хоразмликларнинг тилга олинган ҳарбий тактикасини ишга солган аршакийлар лашкари римликларга қақшатқич зарба беради. Шундан сўнг ташаббусни қўлга олиб, улар бирин – кетин Сурия, Кичик Осиё ҳамда Фаластин каби мамлакатларни ҳам бўйсундиришга эришадilar.

Худди шу вақтларда аршакийлар пойтахтни Дажла дарёсининг чап қирғоғида жойлашган Ктесифон шаҳрига кўчирадilar. Бошқача айтганда, борган сари асли Парфия аршакийлар салтанатининг бир чекка ўлкасига айлана боради. Шу сабабдан ҳам III асрнинг 20 йилларигача бўлган даврда салтанат ҳаётида кечган асосий сиёсий воқеалар кўпроқ Ғарбий Эрон ва Жазира билан боғлиқ бўлган. Парфияликлар мил. авв. I аср ўрталарида Жазирада(Месопотамия) Рим салтанатининг 7 легион, 4 минг отлик, найза отардан иборат кучли қўшинини тор – мор этиб, жангда 20 минг кишини ўлдириб, 10 мингини эса асир олиб қайтганликлари тўғрисидаги гувоҳликларни юнонлик Плиний (милодий I аср) ҳамда Плутарх (милодий I - II аср) асарларидан топиш мумкин. Умуман олганда оғир отлик сафлари билан жанг қилиш санъати бошқа мамлакатларга ўлкамиздан тарқалганини алоҳида қайд этишимиз лозим.

Аршакийлар сулоласи

Аршак

Тиридат (Аршакнинг укаси) – Мил. авв. 211 йил вафот этган.

Артабан II (Аршакнинг укаси)

Митридат I – Мил. авв. 171 – 138 йиллар.

Митридат II – Мил.авв. 123 – 87 йиллар.

Артабан V

3). Ў. Осиёда Хоразм, Сўғдиёна ҳамда Бақтрия давлатлари билан бир қаторда Ў. Осиёнинг кўп жойларида бошқа турк давлатлари ҳам қурилди. Сак – искиитлар (Скиф) билан баравар мил. авв. VII асрда Кенгарас(Кенагас) давлати ҳам қурилди. Бу давлат милодимизнинг V асригача яшаб, Самарқанд, Тошкент, Бухоро ва Хоразмни ўз ичига олган эди. Кўк тангри туркий ёзув амалда бўлган Кенгарас давлати қангли, кенгарас, қипчоқ ва бажноқ уруғларидан иборат эди. Кенгарас ҳозирги Кенагас сўзидир.

Давлат бошида кенгарас уруғи тургани учун давлат ҳам уларнинг номи билан аталган. Бу давлатда қипчоқлар мавқеи жиҳатидан кенгарасларга қараганда устунроқ эди. Давлат ишларида уларнинг иштироки сезиларли бўлган эди. Қарлуқ ва ўғуз гуруҳлари ҳам бу давлатда қисман бор эди. Давлат ҳаётида уларнинг ҳам иштироки бор эди. Умуман, мил. авв. VII асрдан то турк хоқонлиги тугагунга қадаар қипчоқлар, қарлуқлар ва ўғузларнинг мавқеи баланд эди. Ҳатто VIII – IX асрларда ҳам учала уруғ алоҳида қавмий

бирлик сифатида эсланади. Қипчоқ уруғи аслида аршакийлар(Парфия) га бориб тақалади.

Туркий қавмлар яратган обидалар Кенгарас давлатидаги уруғларга тегишлидир. Демак, Ўғуз достонлари ва “Дада Кўрқут” китоби хикоятларининг Кенгарас давлатида тарқалганлигига шубҳамиз йўқ. “Гўрўғли”, “Алпомиш” достонлари бугунги туркий халқлар орасида кенг тарқалганидай, ўғуз достонлари ва “Дада Кўрқут” хикоятлари ҳам барча турк давлатлари учун умумий бўлган.

4) Ҳозирги Фарғона иқлим шароити, географик жойлашуви, табиий бойликлари каби бир қатор хислатлари билан қадимдан эътибор қозониб келган. Фарғонанинг давлатчилигимиз тарихида тутган ўз ўрни ҳам бор. Мил. авв. II – I асрларда бу ерда минтақадаги илк давлат тизимларидан бири мавжуд бўлган. Фарғона минтақамизнинг энг қадимий маданий ўчоқларидан ҳисобланади. Мил. авв. 2 – минг йилликлардаёқ бу ерда деҳқончилик билан бирга чорвачилик, балиқчилик ва ҳунармандчилик соҳалари юксалиб борганлиги археолог олимлар томонидан тасдиқланган. Шу сабабдан ҳам кўрсатиб ўтилган даврда мустақкам қўрғонлар қуриш, бориб – бориб уларнинг шаҳарларга айланиш жараёни ҳам жиддий равишда кечгани маълум.

Қадимги Фарғона аҳолиси келиб чиқиши масаласига келсак, юнон тарихчилари Сирдарёнинг (Яксарт, Танаис) нариги томонида (шимолида, юқори оқимларида) скифлар(сак) яшайдилар, деб гувоҳлик берадилар. Ҳамадондан (Эрон) топилган қадимги форс, элам ва бобил тилларидаги ёзувларда эса “Сўғдиёнадан нарида яшовчи саклар” ҳақида маълумотлар сақланган. Дикқатга сазовор томони шундаки, баъзи бир юнонлик тарихчилар (Гекатэй, Геродот, Плиний ва бошқалар), ҳинд олими Панини (тахм. мил авв. V аср) асарларида паҳлавий ёзувида битилган “Бундахшин” да парикани, париани, праканва ва паркан этник – географик атамаляри учрайди.

То шу кунгача ушбу атамалярининг Фарғона билан боғлиқлигини исботловчи ё инкор этувчи бирон – бир бекаму – кўст илмий асос шаклланганича йўқ, десак тўғри бўлади. Таажжубланарли жойи шундаки, Фарғона ҳақида “Авесто” да бирон сўз ёки шунга ишора ҳам йўқ. Фикримизча, фарғоналикларнинг келиб чиқиши масаласида жиддий хулосаларга туртки бўлишга арзигулик манба сифатида мил авв. II – I асрлардаги хитой муаллифлари асарлари хизмат қилиши мумкин. Мил. авв. II асрнинг 20 – йилларида Фарғона, Сўғдиёна ва Бактрияда сафарда бўлиб, Туркистоннинг ушбу ва бошқа бир қатор вилоятлари тўғрисида маълумотлар тўплаган хитойлик элчи Чжан Цян қолдирган маълумотлар асосида кўхна Фарғона аҳолиси мамлакатимизнинг бошқа ўлкаляри аҳолиси билан этник боғлиқлиги масаласида шубҳа йўқ.

Хитойликлар Фарғонани Даван (Улуғ Ван) деб атаганлар. Бу вақтда (яъни мил. авв. II асрнинг 2 чи ярмида) Фарғонада кам деганда 60.000 оила, яъни 300.000 киши истиқомат қилган. Ушбу рақамни келтирган хитойлик муаллиф Фарғонадаги ўша вақтдаги мавжуд аҳолини назарда тутмаган.

Чунки бу даврда Даван сиёсий бирлиги тушунчасига Фарғонадан кенгроқ худудни ўз ичига олган макон кирган.

Фарғона бошқаруви тизимида ҳукмдор, унинг икки ёрдамчиси (вазир) ва оқсоқоллар кенгаши фаолият кўрсатганлиги хитой манбаларидан маълум. Ёрдамчилар асосан олий ҳукмдорнинг қариндошлари орасидан тайинланган бўлиши керак. Аммо оқсоқоллар кенгаши эса мамлакат ижтимоий – сиёсий ва ташқи муносабатларида фаол иштирок этиш билан бирга олий ҳукмдор фаолияти билан боғлиқ бўлган тадбирларда қатнашиш кудратига ҳам эга бўлган. Уруш очиш, сулҳ тузиш, янги ҳукмдорни тайинлаш, уни тахтдан маҳрум этиш каби тадбирларда оқсоқоллар кенгаши етакчи ўрин тутганлигини кўрсатувчи маълумотлар бир талай. Масалан, Хитойликларнинг Фарғонага тажовузлари чоғида оқсоқоллар кенгаши ўзаро сулҳ тузиш тарафдори бўлиб чиқади ва бунга эришади ҳам. Ёки бўлмаса, хитойликлар босқини билан боғлиқ воқеалар сабабчиси деб топилган ҳукмдор Муғуй оқсоқоллар кенгаши ҳукми билан қатл қилинган.

Фарғонанинг маъмурий бўлиниши ҳақида сўз кетганда, энг аввало, хитойлик муаллифнинг “Даванда 70 га яқин катта – кичик шаҳарлар мавжуд, Даван ва Дахя (Бактрия) ўртасида ўхшашликлар кўп” каби гувоҳликлари диққатни тортмай қолмайди. Маълумки, Бактрия “минг шаҳар” ўлкаси номи билан машҳур бўлган. Марказ (олий ҳукмдор ва оқсоқоллар кенгаши) ва шаҳарлар ўртасидаги муносабатлар хусусида аниқ фикр айтиш мушкул. Маълумотларга эътибор берадиган бўлсак оқсоқоллар кенгаши қарори билан хитойлик элчилардан бири Фарғона пойтахтидан шарқда жойлашган шаҳарлардан бирида қатл этилади. Бошқача қилиб айтганда, кенгаш ҳукми пойтахтдан ташқари шаҳарларда ҳам ижро кучига эга бўлганини кузатишимиз мумкин.

Фарғона кўшинлари ҳақида тўхталадиган бўлсак, яна ўша хитой манбаларида лашкар ҳаммаси бўлиб 60.000 кишидан иборат дейилган. Фарғоналик ҳарбийлар айниқса от устида ўтириб. Камондан ўқ отиш устаси бўлган эканлар. Улар найзалардан ҳам фойдаланганлар. Фарғоналиклар ҳаётида от, айниқса уларнинг аъло насли бўлмиш арғумоқлар алоҳида ўрин тутганини инобатга олиб, лашкарнинг жанговор қисмини отликлар ташкил этган, деб фараз қилиш мумкин. Хоразмликлар асос солган от ва чавандозни зирҳга чулғаш ва душман билан юзма – юз курашда камондан моҳирона фойдаланиш тактикаси фарғоналиклар учун ҳам яхши таниш бўлган. Бу тактика билан хитойликлар айнан Фарғонада танишган бўлишлари керак.

Фарғона ҳарбийлари мудрофаа санъати бўйича маълум тажриба ва салоҳиятга эга бўлганлар. Чунки улар мудрофаани ташкил этишда шаҳарлар имкониятидан кенг фойдаланишган. Масалан, пойтахт Эрши (ҳозирги Марҳамат қадимий шаҳарнинг ўрни ҳисобланади) ички ва ташқи деворлар билан ўралган. Шаҳарнинг ички қисмида узок муддатга етарли миқдорда озик - овқат сақланувчи омборлар ва бошқа керакли муассасалар бунёд этилган.

Фарғонада деҳқончилик маданияти юксак даражада бўлган. Фарғонада етиштириладиган беда ва узум ўсимликлари хитойликлар учун

янгилик бўлгани маълум. Ҳақиқатан, Фарғоналик боғбонларнинг узумчилик соҳасидаги тажрибалари юқори ҳисобланиб, етиштирилган ҳосилдан мусаллас тайёрлашни ҳам ўрнига қўйганлар. Бу борада уларнинг салоҳиятлари ниҳоят даражада бўлганини шундан ҳам билиш мумкинки, ҳажми бир неча тоннагача бўлган маҳсулотни бир неча ўн йил давомида сақлай олганлар.

Хитойликларни лол қолдирган Фарғона ажойиботларидан яна бири бу наслдор отлар – арғумоқлар эди. Фарғона арғумоқлари кадр – қимматини шундан ҳам билса бўладики, хитойликлар то Фарғона билан танишгунликларига қадар Еттисувда яшаган усунларнинг (ҳозирги Қозоғистон ҳудудида жойлашган давлат) отларига ҳавас билан қараб уларни учар от, деб таърифлаб келган эканлар. Фарғона арғумоқларини кўргач, ушбу таърифни буларга нисбатан ишлатиб, усунларнинг отларини узоқ ғарб отлари, деб атай бошлаган эканлар. Фарғоналиклар иложи борича зотдор отларни қўлдан чиқармасликка, ўзга юртларга тарқалмаслигига интиланлар. Бошқача айтганда, юртимизда ўша узоқ замонлардаёқ наслчилик ишлари билан жиддий ва доимий равишда шуғулланилган. Айтишларига қараганда ота – боболаримиз отларнинг 70 дан ортиқ турларини (қорабайир, аҳалтака, ёвмид, чил, буйра отлари ва бошқалар) билишган экан. Отнинг боласи бир ёшгача қулун, икки ёшгача - той, уч яшари – ғунон, тўрт яшари – дўнон, беш яшари - тўлон, тўққиз яшари эса тарлон бўлади.

Фарғонанинг атроф ўлкалар билан сиёсий алоқаларига назар ташланса, мил. авв. I минг йиллик ўрталарида, яъни ахамонийларнинг Туркистонга бостириб кирган даврида Фарғонанинг тақдири хусусида бир сўз айтиш қийин. Чунки бу борада маълумот йўқ. Демак, Фарғона ўз мустақиллигини сақлаб қлоган. Александр истилоси йиллари хусусида ҳам Фарғонага боғлиқ аниқ ва лўнда ёзма маълумотлар йўқ. Шу билан бирга юнонлик тарихчиларнинг қуйидаги маълумотлари қизиқиш уйғотмай қолмайди. Александр тахминан ҳозирги Бекобод яқинида Чекка Александрия (Александрия Эсхата) номини олган ҳарбий истехком – шаҳарчани бунёд этиб, ундан Сирдарёнинг шимоли – шарқ томонларида яшовчи скифларга (саклар) қарши фойдаланмоқчи бўлади.

Квинт Курсий Руфнинг ёзишича, бу ҳол Танаиснинг(Сирдарё) нариги томонида ҳукмронлик қилаётган скифлар(саклар) подшоҳининг аччиғини чиқаради ва у ўз укаси Картазисни юнонликларга қарши юбориб истехкомни бузиб ташлашни буюради. Ўзаро тўқнашув охир – оқибатда сулҳ билан тугайди. Биз урғу бермоқчи бўлган масала саклардан йигирма отлик элчиларнинг Александр қароргоҳларига келишлари билан боғлиқ. Элчиларнинг гаплари (“Биз ҳеч кимга бош эгмаймиз, бировни итоат эттиришни ҳам ҳоҳламаймиз, фақат ўзаро тенглар ўртасидагина мустаҳкам дўстлик бўлиши мумкин, ўзаро тенг деб эса бир – бировларига куч ишлатмаганларни айтиш мумкин”) орқали қадимги аجدодларимиз дунё қараши, қадриятларини ва улардаги мавжуд элчилик расм – русумлари хусусида тегишли хулосалар чиқариб олишимиз мумкин.

Фарғонанинг милоддан аввалги I минг йилликнинг сўнгги асрларидаги

ташқи сиёсий алоқаларида Хитой алоҳида ўрин тутган. Аслидан қадимдан Хуанхэ дарёсининг ўрта оқимида асос топган ва мил. авв. I минг йилликнинг сўнгги асрларида шу воҳа чегарасида ички сиёсий, ижтимоий, иқтисодий тараққиёт ва ташқи тажовузлар (масалан, хунлар) таъсирида яшаб келган Хитой давлати мил. авв. II асрда Хан сулоласи даврида ғарбга томон интила бошлайди.

Антик даврлардаёқ Хитой дунёга гегемонлик қилишга интилар, лекин хунларнинг кучли ҳоконлигига барҳам бермай бунга эришиб бўлмас эди. Туркий халқларининг аجدодлари Хитойнинг истаклари йўлида худди Буюк Хитой девори сингари тўсиқ бўлишидан ташқари, вақти – вақти билан Хитойга хужум қилиб турар эдики, императорлар шимолий қўшниларидан юрак олдириб қўйган эди. Мил. авв. II асрда У – ди ғарбда кучли давлатлар борлигидан хабар топиб “ёвни ёв қўли билан йўқ қилиш” режасини қўлламоқчи бўлган эди. Ҳозирги Қозоғистон худудида жойлашган Усун давлати (Ўзбекнинг 92 уруғидан бири – уйшун), унинг жанубидаги Дайюан (“Катта бўстон” дегани Фарғона водийси) давлати ҳамда уларнинг ғарбидаги Қанха (Тошкент атрофи) ва Улуғ юежчжи давлатлари Хитойнинг мақсадлари йўлида хизмат қилиши керак эди.

Сариқ аждарнинг иштаҳаси очилиб, гегемонлик сиёсати авж олди. Ҳатто жанубий Туркистон ерларидаги Дахя (Бактрия) подшолигини ҳам қўлга киритиб, уларни Хан империясининг чет эллардаги аҳолисига айлантиргиси келиб қолди. Хитой императори Дайюанга ўз элчисини юборди. Элчилар Дайюан ҳукмдори олдида ҳаддидан ошишади. Хон уларни пойтахтдан табассум билан чиқариб юборади ва Ўзган ҳокими қўли билан йўқ қилади. Хитой томонига Фарғонага уруш очиш учун баҳона топилган эди. Аввалига Яв Дингхан каби элчилар 3000 аскар билан Фарғонани эгаллаймиз деб ўйлашган. У – ди қайноғаси Ли Гуанглини бош қўмондон қилиб тайинлаб. Мил. авв. 104 йили 6000 суворий ва бир неча туман безорилардан иборат қўшинни Дайюанга йўллайди.

Манбаларда ёзилишича, хитойликлар икки йиллик юришдан кейин хитойга қайтиб борганида, лашкарнинг ўндан бир қисмигина қолган эди. Орадан бир йил ўтар ўтмас яна 60000 қўшин Фарғона томон йўлга чиқди. Хитойликлар маҳаллий аҳоли билан сулҳга келишади. Бир неча ўн тулпор ва 3000 оддий отни ўлжа олиб ортга қайтади. Бу отлардан фақат мингта жанг оти (ўттиздадан биттаси) етиб борган. Олимларнинг ҳисоб китобига кўра, биргина иккинчи урушга 300000 дан зиёд аҳоли сафарбар этилиб, халққа қўшимча солиқ солинди. Оқибатда империяда ҳаёт издан чиқди, ўзини тиклаб олиш учун эса анча вақт талаб этилган эди. Мил. авв. 99 йилда жойларда деҳқонлар қўзғолони бошланиб кетди.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади; бир неча ўн чоғли арғумоқ учун мамлакатни шунчалик жар ёқасига келтириб қўйиш шартми? Шуни унутмаслик керакки, ўша вақтда самовий тулпорларга эга бўлиш бугунги ядро қуроли соҳиби бўлиш билан баробар эди. Бу ҳақиқатни мил. авв. 97 йили Хитойнинг яхши қуролланган 210 минг қўшини 100 минг отлик хунлардан енгилиши ҳам исботлаб турибди.

XI асрда яшаб ўтган аллома Умар Хайём бир ҳақиқатни топиб айтган эди; “Бугун ҳеч бир гуруҳ буни (отларни, уларнинг фазилати ва камчиликларини) турклардан яхшироқ билмайди, чунки улар кеча – юкундуз от билан шуғулланадилар ва жаҳон уларнинг қўлидадир“. Аждодларимиз отга минибдики, душманлари томонидан бир ҳақиқат доимо эсланади; “Туркийларни енгиш учун аввал уларни отдан тушириш керак!” Шундай. Туркийлар отдан тушгач, кўрдикки; бошларига не кунлар тушди...” таланди самовий тулпор уюри, таланди зарлари” – деб куюнчаклик билан ёзади “Турклар” номли шеърисида шоиримиз Шавкат Раҳмон.(отлар ҳақида маълумотларни сиз яна Тоғай Муроднинг “От кишнаган оқшом”, “Отамдан қолган далалар” ва жаҳон адабиёти дурдонаси Сетон Томпсоннинг “Ёввойи йўрға” номли асарларидан ҳам топасиз).

Фарғонанинг Хитой билан олиб борган савдо - иқтисодий алоқалари ҳам қизиқиш уйғотмай қолмайди. Чжан Цян илк бор Фарғонада бўлиб қайтганидан сўнг бу юртга узоқ Хитойдан бирин – кетин савдо қарвонлари қатнай бошлайди. Табиий равишда улар хитойлик ҳунармандлар ишлаган нафис буюмларни келтириб, уларни Фарғона ажойиботлари, масалан, отлар, деҳқончилик маҳсулотларига айирбошлашга ҳаракат қилганлар. Бартольд фикрига кўра, тахминан шу даврда Фарғона орқали хитойликлар пахтачилик билан ҳам илк бор танишганлар. Мил. авв. 1 минг йилликнинг сўнгги асрларида шакллана бошлаган Буюк Ипак йўлининг шимолий йўналиши худди Фарғона орқали ўтгани бежиз эмас, албатта.

1 – Мавзу. Илк давлатчиликнинг асос топиши ва Ўрта Осиё сулолаларининг милoddан аввалги тарихи.

3 - Маъруза.

Режа.

1. Милoddан аввалги II – I асрларда Тоҳарлар сулоласи.
2. Милoddан аввалги III милoddий II асрларда Қанг давлати ва канглилар.
3. Милoddан аввалги II – I асрларда Марғиёна.

Адабиётлар.

1. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. –Т., “Шарқ”, 2000, 57 - 63 б. 2. Асқаров А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. – Т., “Университет”, 2007 йил, 38 – 43, 165 – 170, 182 - 185 б.
3. История Узбекистана в источниках. Составитель. Б. В. Лунин. –Т., 1984, с.164,173 – 174.
4. М. Филанович. Кангуй давлати. Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари. – Т., “Шарқ”, 2001, 15 – 27 б.
5. Н. Раҳмон. Турк хоқонлиги. – Т., “А. Қодирий”, 1993, 12 б.
6. Ставиский Б. Я. Кушанская Бактрия; проблемы истории и культуры. – М., «Наука», 1972.
7. Эшов Б. Қанг давлати. Ўзбекистон давлатчилиги тарихи. –Т., “ Маърифат”, 2009, 1 – қисм, 103 – 116 б.
8. Қанг давлати. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. – Т.,”Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. 2005, 10 – жилд. 600 – 601 б.

1). Милоддан аввалги 1 минг йилликнинг сўнги II – I асрларига келиб минтакамизнинг Бактрия қисмида яна бир сиёсий бирлик Тоҳаристон юзага келди. Аслида “Тоҳаристон” атамаси ёзма манбаларда дастлаб милодий 338 йилдан бошлаб учраса – да, лекин милоддан аввалги II – I асрларда Бактрия вилоятида кечган ижтимоий – сиёсий, иқтисодий, маданий ва ташқи муносабатларни бошқарган кучлар Тоҳаристон атамаси билан аталса тарихшунослик нуқтаи назаридан тўғри бўлади. Чунки бу вақтда Бактрия устидан турувчи асосий сиёсий куч тохарлар(юэжи) эди.

Тоҳаристон ҳақида Хитой манбаларига кўра, мил. авв. I асрнинг иккинчи чорагида ҳозирги Шарқий Туркистондаги Турфондан жануби – шарқий ҳудудларда яшаб келган юэжи қабилалар кўшни хунлар тазйиқи остида ғарбга томон ҳаракат қила бошлайдилар. Натижада улар Или дарёси воҳасига келиб ўрнашадилар. Бу ерлик усунлар (асиан?) ўз ўрнида юэжилардан арз қилиб, ёрдамга яна хунларга мурожаат қиладилар.

Тахминан милоддан аввалги 160 йиллари юэжилар хунларнинг навбатдаги сиқувига дош бера олмай янада ғарбга силжийдилар (Хунлар давлати тарихда Осиё – хун империяси номи остида юритилиб, милоддан аввалги VII асрдан милоднинг 48 йилигача яшаган хун давлатининг асосчиси Мотун ҳокондир. Уни Мочин деб ҳам айтишади. Бу давлат кейинроқ икки тармоққа Шимолий Хун ва Шарқий Хун давлатларига бўлинган. Бундай бўлиниш Осиё – Хун давлати тугагандан сўнг содир бўлган). Албатта юэжиларнинг шарқдан ғарбга кўчиши осон кечмаган. Бир томондан хунлар тазйиқи, иккинчи томондан, маҳаллий қабилалар билан кураш – буларнинг бари юэжилар учун катта қийинчиликлар туғдирган. Масалан, улар Иссиқкўлнинг ғарбий ҳудудларида маҳаллий Сак қабилалари билан тўқнаш келганлар.

Хитойлик тарихчилар ўз асарларида Масалан, Чжан Цян гувоҳлик беришича юэжилар 100 минг хонадон, 400 минг кишидан иборат, аскарларининг сони 100 мингдан 200 минггача деб маълумот беради. Агар ҳақиқатан ҳам шунча бўладиган бўлса, у ҳолда юэжиларнинг 30 – 35 йил давомидаги оғир ҳаётларидан сўнг улар ҳам сон жиҳатидан ҳам зарб жиҳатидан ўз қобилиятларини сақлаб қола олганмиканлар? Ахир Бактрияни эгаллаш осон кечмаганку? Хитойликлар келтирган маълумотлардаги англашилмовчиликларни танқидий ўрганиб чиқишга тўғри келади.

Хўш юнон тарихчиларининг бу масалага доир қарашлари қандай? Помпей Трог ва Страбонларнинг асарларига кўра Бактрияни биз ўрганаётган даврда сараун, сараук, сакаравл, асиан(аси) ва тохарлар каби скиф қабилалари эгаллаб олган. Туркистонни хитойликлардан кўра анча илгари ўзлари учун “кашф” қилган юнонликлар ушбу масалада бир қадар аниқ фикр юритиб, бу жараёнда қатнашган алоҳида қабилалар номини (тохарлар, сакаравллар ва асианлар) тилга олиб ўтганлар.

Хуллас, мил. авв. II асрнинг иккинчи ярмида Бактрияда юнонликлар ҳукмронлигининг узил – кесил ағдарилишига бош сабаб, хитой манбалари кўрсатиб келганидек. Юэжиларнинг хунлар тазйиқидан қочиб келиши эмас, асосий сабаб Орол бўйидан то Кўк қўлгача бўлган катта ҳудудда бир - бирига яқин кучлар томонидан юнонликларнинг минтақада сақланиб қолган сўнги “сиёсий сарқитлари” ни йўқотиш йўлидаги ҳаракатлари орқали тушунмоқ керак. Ана шу кучлар орасида тохарлар бу кўрилаётган даврда Бактрия ҳаётида катта сиёсий мавқега эга бўлганлар. Шундай қилиб мил. авв. 130 йили Бактрияда юнонликлар таъсирига узил – кесил барҳам берилди.

Тоҳаристон бошқаруви масаласига келсак, шимолдан кириб келган тохарлар(юэжилар) ҳамда маҳаллий доиралар фаолияти бешта сиёсий хонадон номи билан боғлиқ бўлганлигини таъкидлаб ўтишимиз керак. Хитойлик муаллифларнинг фикрига кўра улар хюми, шуанми, гуйшуан(кушон), хэйтун ва гаофу уруғларидан иборат бўлган. Бу уруғларнинг ҳар бири устидан турувчи сардорлар йабғу(жабғу) унвонига эга бўлиб, ҳар бир йабғу ўз қароргоҳида ўтирган. Масалан, Хюми сардори(ҳоким) Ҳомо шаҳрида, Шуанми сардори Хотзода, Хэйтун сардори Бомада, Гаофу сардори эса Гаофуда турган. Натижада бирон – бир хонадон иккинчисининг устидан ҳукмронлик қилиш имконига эга бўлмаган.

Чжан Цяннинг “дахя(Бактрия) аслида олий ҳукмдорга эга эмас, ҳар бир шаҳарнинг ўз ҳокими(сардори) бор” деб гувоҳлик бериши шу хулосага олиб келади. Фикримизча, юэчжилар(тоҳарлар) кейинги даврлардаги эфталлийлар, чингизийларга ўхшаб ўлкани “четдан туриб” бошқарганлар. Буни тасдиқловчи маълумотларни биз яна хитой манбаларидан топишимиз мумкин. “Катта юэчжи аслида кўчманчи давлат. Аҳоли мол – холи билан бир жойдан иккинчи жойга кўчиб юради, урф одатлари хунларникига ўхшаш” деб хитой маълумотларида айтилади. Шундай қилиб Тоҳаристон сиёсий – маъмурий бошқарувига оид куйидаги хулосага келиш мумкин.

1. Тоҳарлар Бактрияда ҳукмрон куч сифатида вилоятнинг иқтисодий ва маданий ҳаётига кўп ҳам аралашмай, асосан ўз турмуш тарзларидан кечмаган ҳолда маҳаллий сулолалар билан солиқ олиш билан муносабатда бўлганлар.

2. Бешта сиёсий хонадон бир - бирларига нисбатан мустақил бўлсалар – да, аммо тоҳарларга нисбатан сиёсий қарам бўлганлар.

3. Беш сиёсий сулолалардан бири гуйшуанлар вилоятда ўз сиёсий ҳукмронликларини ўрнатишга муваффақ бўладилар ва шу тариқа кушонлар (Гуйшуанлар) фаолияти билан боғлиқ янги давр бошланган эди.

Тоҳаристоннинг ташқи алоқалари хусусида маълумотлар айтиш кўп эмас. Масалан, юнон муаллифлари ҳикоя қилишларича тахминан мил. авв. 124 – 123 йили тоҳарлар шарқдаги кўшнилари Парфия билан жангга кирганлар. Афтидан тоҳарлар Парфиянинг шу йиллардаги заиф сиёсий мавқеидан фойдаланиб қолишга интиланлар. Бўлиб ўтган жангда парфиялик ҳукмдор Артабаннинг оғир яраланганлиги жангнинг шиддатли кечганлигини кўрсатади. Кейинги парфиялик ҳукмдор Митридатнинг саъй - ҳаракатлари туфайлигина тоҳарларнинг шарққа томон силжишларига чек қўйилган.

Бир неча марта тилга олинган хитойлик элчи Чжан Цяннинг юртимизга қадам қўйишининг асосий сабабларидан бири ҳам юэчжилар(тоҳар) билан иттифоқ тузишдан иборат бўлган. Хитой тарихчиларининг ёзишларича хунлар тазйиқидан безган хитой ҳукмдори Бактрияда ҳукмронлик қилаётган юэчжилар олдига ўз элчисини юбориб, улар билан хунларга қарши иттифоқ тузиш вазифасини юклайди. Хитой ҳукмдорининг айнан юэчжилар билан иттифоққа кириши сабаби, юэчжилар ва хунлар ўртасида бўлиб ўтган зиддиятлар орқали тушунтирилади.

Оғир қийинчиликларни бошидан кечирган Чжан Цян тахминан мил. авв. 128 йили Тоҳаристонга етиб келади. Аммо янги жойда тинч ҳаёт кечириш йўлига ўтиб олган, жангу жадаллардан узоқ бўлган юэчжилар хитойликлар таклифини қабул қилмайдилар. Бактрияда бир йил давомида тургач Чжан Цян ўз юртига қайтиб кетади. Фикримизча хитойлик тарихчиларнинг маълумотлари кўп ҳам ишонч туғдира олмайди. Чжан Цяннинг сафари аслида юэчжилар билан иттифоқ ўрнатишдан кўра ўлкамиз ҳақида кўпроқ маълумотлар тўплаш билан боғлиқ бўлган десак адашмаймиз. Ҳақиқатан Чжан Цян ўз юртига қайтиб борганидан сўнг минтақамизнинг Фарғона, Сўғдиёна, Бактрия ва Парфия каби вилоятларига тегишли бўлган қимматли маълумотларни ўз ҳукмдорига бирма – бир баён этади.

Кучга тўлиб бораётган Хитой давлатининг ғарбга интилишларида элчининг ушбу маълумотлари қанчалик стратегик аҳамиятга эга бўлганлигини хитойликларнинг Довон давлатига қилган юришларидан ҳам билиб олишимиз қийин эмас. Шундай қилиб мил. авв. 1 минг йилликнинг сўнгги асрларида фаолият кўрсатган Тоҳаристон сиёсий бирлиги тўғрисида хулоса қилар эканмиз, ёзма маълумотларнинг кам бўлишига қарамасдан бир нарса аниқки, давлатчилик тарихимизнинг энг қадимги даврида Тоҳаристон ўз муносиб ўрнига эга бўлган. Милодий 1 – IV асрларда донг таратган Кушонлар сулоласи билан боғлиқ салтанатнинг асос топишида худди шу ўтган давр шарт – шароитлари муҳим аҳамият касб этгани шубҳасиздир. Демак, мил. авв. 1 минг йилликдаёқ мамлакатимизда давлатчилик асослари қарор топиб, ушбу жараёнда Хоразм, Бактрия, Парфия, Фарғона ва Тоҳаристон каби сиёсий бирликларнинг ўрни алоҳида бўлган.

2) Кангуй давлати Парфия ва Кушон подшоликларига ўхшаш кўчманчи

сулолаларга мансуб бошқа давлатлар каби қабилаларнинг Евроосиёда силжиши ва мил. авв. III асрда сезиларли даражада кучайган кўчманчиларнинг Ўрта Осиё минтақасининг ўтроқ деҳқончилик воҳаларига бостириб кириб ўрнашиб олишлари натижасида пайдо бўлди. Кангуй (Хитойча Канзю) давлати ҳақидаги илк маълумотлар мил. авв. II асрга мансуб хитой солномалари, жумладан, Чжан Цяннинг Катта Юечжига қилган саёхати тафсилотлари асосига қурилган Син Цяннинг “Ши цзи” солномасида учрайди.

Мавжуд маълумотларга кўра, Кангуй жануби – шарқ ёки жанубдан Усун (Етгисув қабилалари), ғарбдан Катта Юечжи ва жануби ғарбдан Дахя (Бақтрия) ўртасида жойлашган эди. Аҳолиси ўтроқ ҳаёт кечирган, деҳқончилик билан шуғулланган ва ўз шаҳрига эга бўлган Довондан фарқли равишда Кангуй манбаларда кўчманчи давлат сифатида тасвирланади. Қангли аҳолисининг турмуш тарзи шимоли ғарб томондан унга қўшни бўлган юечжилар ва яньцай халқлари билан бир хилда эди. Қанглиликларнинг этник мансублиги ҳақидаги масала адабиётларда кенг ёритилган. Бу борада бир қатор фаразлар мавжуд. Жумладан, Птоломей Кангуй қауауI ( қаһна кишилари) ёки яксарт аҳолиси билан айнан бир, деб ҳисоблайди. Бу қараш Б.А.Литвинский, Е. Пуллейбленк, С.Г. Кляшторний ва бошқа тадқиқотчилар томонидан қўллаб – қувватланди. Бунда улар юнон – рим манбаларида келтирилган сак қабилалари рўйхатида “Кангуй” сўзининг айнан муқобилини топганларига асосландилар. Ўрта Сирдарё бўйларида яшаган бу қабилавий гуруҳларнинг географик жойлашуви ҳам айни фаразга мос келади.

Шундай қилиб Кангуй давлат уюшмасининг асосини ташкил этган асосий қабилалар Сирдарёнинг қуйи ва ўрта оқими бўйларида манзил қурганлар. Кангуйлар ёки қанғлар сак ва сармат қабилаларининг бир қисми сифатида шу номдаги давлатнинг асосини ташкил этганлар. Кангуй илгари “Авесто” орқали Қанҳа номи билан машҳур бўлиб, асарда у юксак ва муқаддас” деб таърифланган. “Авесто”да тилга олинган Қанҳа – Қанғ эканлиги тадқиқотчилардан бирортасида шубҳа уйғотмайди, лекин унинг ўрни масаласида олимларнинг фикри бир – биридан жиддий равишда фарқланади.

Гарчи Кангуй давлатини Амударё ва Сирдарёнинг қуйи оқимларида жойлаштирган ва Хоразмни у билан боғлашни афзал кўрган С.П. Толстовнинг фикрлари илгаридан маълум бўлса ҳам Қанғха – Кангуй Сирдарёнинг ўрта оқимида ўрнашганлиги кўпчилик томонидан қўллаб – қувватланмоқда. Б.И.Вайнбергнинг Кангуй сиёсий уюшмаси Шимолий Каспий олдидан Фарғонагача ва Жанубий Урал бўйидаги Қорақумнинг шимолий чегараларигача бўлган ҳудудда жойлашганлиги тўғрисидаги фарази ҳам қизиқарли.

Сиёсий тузилма сифатида Кангуй, эҳтимол мил. авв. II асргача шаклланган кўчманчи ва ярим ўтроқ қабилаларнинг Қанғ йўлбошчилари қўл остида бирлаштирилган турли – туман иттифоқларидан иборат бўлган. Дастлаб у унча катта бўлмаган қабилалар иттифоқидан иборат бўлиб, жанубда юечжилар ҳокимиятига бўйсунса, шарқда хунларга қарам эди. Лекин, секин – аста мил. авв. II асрдан милоднинг II асрига қадар у қудратли давлатга айланди. Унинг кўплаб қўшнилари, жумладан. Ҳозирда сармат – алан қабилалар иттифоқи билан айнан бир хил қаралаётган, “Хоу Хань – шу “солномасига мувофиқ милодимизнинг I асрида Аланя деб қайта номланган Яньцай ҳам “кул ранг зотли” ҳайвонларнинг териси билан ўлпон тўловчи Янь, яъни Урал бўйи сарматлари ҳам унга бўйсундилар.

Ғарбда у Хитойга қарши урушда Довоннинг қудратли иттифоқчиси сифатида майдонга чиқди. Қудратли давлатга айланганда Кангуй кучли қўшинга эга бўлган ( манбалар унинг сонини 120 минг деб кўрсатадилар) ва Хитойга нисбатан ғоятда мустақил сиёсат олиб борган. Хитой элчилари; “Кангуй... мағрур, кўрс,” – деб саройга маълумот етказган эди. Археологик топилмалар шарофати билан Кангуй қўшини қандай сарфланганини тасаввур қилиш мумкин имконига эгамиз. Масалан, манбаларнинг гувоҳлик беришича. Кангуй одатда юечжилар ва яньцайларга ўхшаш бўлган. Кангуй қўшинининг жойлашуви ва қуролланиши хусусида ҳам шундай дейиш мумкин. Самарқанд шимолидаги Орлат деган жойдаги тепаликдан археологлар томонидан

топилган суякдан қилинган тўқаларда тасвирланган жанг манзаралари сахнаси бу ҳақда тасаввур беради.

Бу давлатнинг сиёсий тарихи ҳақидаги маълумотлар жуда оз. Фақат Хитой ва Довон ўртасидаги уруш билан боғлиқ айрим ҳодисалар хитой манбаларида акс этган. Хитой генерали Ли Гуан – ли қўшинлари мил. авв. 101 йилда иккинчи марта Довонга бостириб кирганида Кангуй доволликларни қўллаб – қувватлаган. Мил. авв. 46 – 36 йилларда Чжи – чжи номли хунлар (аслида гун, хун маҳаллий аҳоли тилида одам маъносини билдиради. Ҳозирги ўзбек тилида масалан, хун тўлаш сўзи сақланиб қолган) ҳукмдорига ёрдам кўрсатиб, Канъ салтанатига иккинчи марта душманлик муносабатида бўлди.

Милоднинг 78 йилида саркарда Банъ – чао томонидан Шарқий Туркистон шаҳарлари истило қилинган вақтда Кангуй аввалига Хитойнинг иттифоқчиси бўлиб майдонга чиқди, лекин тезда, 85 йилда Суле (Қашқар) ҳукмдорининг Банъ – чаога қарши курашган қўшинини қўллаб – қувватлади. Фақат Банъ – чаони қўллаб – қувватлаган Кушон подшоҳининг аралашувигина Кангуйни Шарқий Туркистондан ўз қўшинларини олиб чиқишга мажбур қилди. Бу Кангуй хонадонининг Кушон сулоласи билан дипломатик никоҳи воситасида содир бўлди.

Солномалар Кангуйни кўчманчилар давлати деб атасаларда, шунга қарамай, унда шаҳарлар мавжуд бўлганлигидан гувоҳлик берадилар. Халқи “тупроқдан қилинган девор ичида яшайдиган” Яньцай шаҳарлари шулар жумласидандир. Гъянчи қўли ёнидаги Лоюени мамлакатига жойлашган Битянь шаҳри Кангуйнинг пойтахти бўлган. Лекин ҳукмдор бу ерда доимий яшамаган. Унинг қишки пойтахтидан етти кунлик йўл масофада ёзги қароргоҳи жойлашган. Шундай қилиб, Кангуйнинг ҳукумат қароргоҳи асосий аҳолининг ўз чорваси билан мавсумий кўчишига боғлиқ бўлган.

Манбаларда кўрсатилган географик ўринларга унча тўғри келмаса – да. Битянь шаҳрини Тошкент воҳасидаги Қангха шаҳарчаси билан айнан бир хил деб қарашга уринишлар мавжуд. Кангуй пойтахтини жуда қадим замонларда Қангха жойлашган Сирдарё дельтаси тармоғи туманида деб ҳам ҳисоблайдилар. Кангуй асосан бир – бирига тенг бўлган ўтроқ хўжалик ҳудудларидан иборат бешта кичик ҳокимиятни ўз ичига олган. Улар Кангуй иттифоқи иштирокчиларига қарам бўлган Сусе, Фуму, Юни, Ги, Юегян ҳудудларидан иборатдир. Ҳар бир ҳокимиятнинг шу ном билан аталувчи ўзининг бош шаҳри бўлган.

Бу иттифоқнинг умумий чегараларига қайтар эканмиз, у Хоразм, Шош ва Суғд вилоятлари ҳамда бир қатор бошқа чегара ўлкаларни, хусусан, Сирдарё этаклари ҳамда Орол шимолидаги ҳудудни ўзида бирлаштирганлигини таъкидлаб ўтиш керак. Бу давлат мил. авв. I - милодимизнинг II асрларида ўз қудратининг авж чўққисига кўтарилди. Кангуй сулоласи ҳукмдорига бўйсунувчи ярим мустақил ҳокимликларнинг турли – туман иттифоқидан иборат бўлишига қарамай, шубҳасиз, кўчманчи бўлган бу давлат ўз тараққиётининг авжида заиф ва ожиз эмас эди.

Агарда Ўрта Осиёнинг жанубида шаклланган Кушон ва Парфия давлатлари Аҳамонийлар, Салавкийлар, А. Македонский асос солган шарқ салтанатлари анъаналарини ўзлаштириб, юқори даражада марказлашганлиги билан ажралиб турган бўлсалар, Кангуй давлатида, ўз – ўзидан, кўчманчилар давлатчилигидан мерос бўлиб ўтган белгилар кўпроқ устун бўлган. Манбалардаги йирик давлат сифатидаги Кангуйга оид маълумот 270 йилга тааллуқли. Шу йили у ўзининг элчиларини эса Ўрта Осиёдан ташқарига йўллаган. V асрдаги манбалар Кангуй ҳақида Эфталитлар давлати таркибига кирувчи кичик бир ҳокимлик сифатида маълумот беради.

Географик жиҳатдан Кангуй жанубий подшоликлар Парфия, Кушон ва Монголияда вужудга келган кўчманчилар давлати Хунн империяси ўртасида жойлашган эди. Ўзининг 1,5 минг йилдан ортиқроқ давом этган тарихий йўлини у саҳройи халқлар сингари элатнинг бир уруғ, бир қабила ҳокимияти остида бирлашувидан бошлаган. Бу уруғнинг Яксарт ортида жойлашган саклар ёки “Авестода” тилга олинган “қудратли турлар”

эканлиги тахмин қилинади. Унинг тарих саҳнасидаги сезиларли ўрни мифологияда ҳам акс этган. Хусусан, Яксарт ортида яшовчи қанглар Маҳабхаратада Ҳиндистонда милодимизгача бўлган II асрдан бошлаб амал қилган ведик қурбонлиги маросими – ашвамедха пайтида совғалар олиб келган ёввойи халқлар орасида тилга олиб ўтилган.

Ушбу одамлар “хўкиз бошлилар” деб аталганки, буни қангуйда кенг тарқалган хўкизга сиғиниш (отга ва қўчқорга сиғиниш билан бир қаторда) га ишора сифатида қабул қилиш мумкин. Археология материаллари ўрта Сирдарё Қовунчи маданияти мажмуаси доирасида букрабийлар кўринишидаги диний оташдонларнинг кенг тарқалганлигидан гувоҳлик беради. Ушбу маданиятни тарқатувчилар Қангуй конфедерациясида иштирок этган қабилалар жумласидан бўлган деб ҳисобланади. Бу маълумотлар қангуйларнинг Сирдарёни ўрта оқимида яшаган бўлиши мумкинлигидан яна бир марта далolat беради.

Қангуй йўлбошчи томонидан эмас, сайланган оқсоқоллар кенгашига эга, уруғ беки томонидан бошқариладиган конфедерациянинг илк намуналаридан бири эди. Манбаларда Қангуй ҳукмронларининг номлари тилга олинмайди, улар ўзларининг исмлари билан бирга уруғ номини ҳам қўллаганлар ва “Қангуй хонадони ҳукмдори” деб атаганлар. Бундай анъана Қангуйдан фарқли ўлароқ ўз танга зарбларига эга бўлган жанубий давлатларининг кўчманчи сулоаларига хосдир. Парфия подшолари ўз тангаларида ўзларининг исми ёнига сулола асосчисининг тахтга ўтирган пайтда олган исми – “Аршан”ни, улуғ юечжиларнинг подшолари эса “Кушон” исмини қўшиб ёзганлар.

Ўз тарихининг илк босқичида, “Ши – цзи солномаси” маълумотларига кўра, қангуй ҳам нисбатан кучсиз давлат бўлган вақтларда, ҳукмдор фақат тенглар ичида, яъни уруғ оқсоқоллари орасида биринчи деб ҳисобланган ва уларнинг бирлашган қўшинига суянган. Қангуй қўшинларининг сони ҳар доим улардаги оилалар сонига тенг бўлган. Илк Қангуйда бу – 9000 аскар ва 9000 оила. Қангуй ўз қудратининг чўққисига чиққан вақтда 120000 ва шунча оила, аммо бунда аҳоли сонини билдирувчи рақам ҳам келтирилган, яъни уруғларнинг барча аъзолари, бутун аҳоли нинг 600000 ни ташкил қилган.

Аста –секин “Қангуй хонадони” вакилларининг ҳокимияти мерос бўлиб қоладиган ҳокимиятга айланди. Янги ҳукмдорни сайлаш тахтга ўз ўғли ёки яқин қариндошини ўтқазиниши васият қилган ҳукмдорнинг қарори оқсоқоллар кенгаши томонидан расмий тасдиқланишидан иборат бўлиб қолди. Манбадаги “Ханъ замонидан бери (милодимизгача бўлган II аср) тахтнинг мерос қилиш анъанаси бузилмади” деган қайдда ана шу қоида акс этган. Ушбу қайд “Қан ҳукмронлари сулоласи”га тегишли, у Қангуй сулоласининг тармоғи бўлиб, Самарқандда ҳукмронлик қилган. Ҳарбий йўлбошчилик ҳукмдорнинг асосий вазифаси бўлиб қолди.

У қўшнилари билан дипломатик музокаралар олиб бориш ваколатига ҳам эга эди, диний маросимларни адо этишда у бош ролни ўйнади. Анча кейин мавжуд бўлган ва Қангуйнинг меросхўри ҳисобланган Ши давлатида бўлгани сингари ҳукмдор аждодлар шарафига қурбонлик қилиши, Яксарт чўли ортида яшаган халқлар анъанавий тарзда сиғиниб келган ва энг асосий Қуёш худоси (Митра) ҳисобланган ва бошқа илоҳларга топиниши шарт эди. Қангуй унга бошқа қабилаларнинг қўшиб олиниши ҳисобига ўзига хос конфедерацияни ташкил қилиб, мустаҳкамланди.

Бирлашувнинг асосини бир халққа мансуб хунлардан фарқли ўлароқ, қангуй қабилалари иттифоқи ташкил қилар эди. Шундай қилиб, кўчманчи халқларнинг тарихий тараққиёти қонунларига кўра, мил. авв. I асрдан милодимизнинг II асригача юз берган Қангуй аҳолисининг кўпайиши ва шунга мувофиқ унинг қўшини қудратининг ортиши конфедерацияга янги қабилаларнинг қўшилиши ҳисобига бўлган. “Хан – шу” йилномаси милодимизнинг дастлабки йилларидан усун шахзодаси Буханъчининг 80 минг фуқароси билан Қангуйга кўчиб келганлигини хабар қилади.

Милодимизгача бўлган I асрнинг охирида Қангуй ерларига хунн шанъюйи Чжичжи унча катта бўлмаган қўшини билан келди. Хунларнинг Қангуйга оммавий равишда кўчиб келиши эса милодимизнинг I асри охирида, шимолий шанъюйнинг хитойликлар томонидан тор – мор келтирилишидан сўнг қайд этилган. Қангуй давлати ўз

тараққиёти чўққисида туркий тилли халқлар иттифоқи сифатида намоён бўлди.

Давлатнинг маъмурий, суд, солиқ аппарати тўғрисида бизга ҳеч нарса маълум эмас. Лекин иттифоқ аъзоси бўлган қабилаларнинг уруғ зодагонлари ҳарбий мансабларни эгаллаганлар. Қабилла бошлиқлари эса ўз туғлари ва уруғ герблари билан қўшинларини Кангуй ҳукмдори байроғи остида олиб келиб жангларда иштирок этганлар деб ўйлаш мумкин. Иқтисодий ҳаётга савдонинг кўрсатган ролини таъкидлаб ўтмаслик ҳам мумкин эмас. Ягона сиёсий бирлашма доирасида савдо – сотиқ учун қулай шароитлар мавжуд эди. Деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини, шаҳар ҳунармандчилиги буюмларини айирбошлашдан иборат бўлган давлат ичидаги савдодан ташқари Кангуй орқали халқаро савдонинг гавжум йўллари ўтар эди.

Буюк Ипак йўли деб аталувчи халқаро савдо йўллари тармоғининг шаклланиши Кангуй мавжуд бўлган даврга тўғри келди. Манбалар миллодимизгача бўлган II асрдан бошлаб Фарғонани ва Тарим ҳавзасини Кангуй ва Яньцай худуди орқали Волга бўйлари ва Урал атрофи билан боғловчи муҳим савдо йўли бўлганлигини қайд этадилар. Бошқа йўллар Бактрияга олиб борар эди.

2 – Мавзу. Милод бошидан исломгача бўлган даврда Ўрта Осиё сулолалари.

1 – маъруза.

1. Милоддан аввалги I ва миллодий IV асргача Кушонлар сулоласи.
2. Кушонлар даврида иқтисодий ва маданий ҳаёт.
3. Сурхон воҳаси кушонлар ҳукмронлиги даврида.
4. Африғийлар сулоласи даврида Хоразм.

Адабиётлар.

1. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. – Т., “Шарқ”, 2000, 64 - 72 б.
2. Асқаров А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. – Т., “Университет”, 2007 йил, 228 - 229 б.
3. Аннаев Т.Ж. ва Шайдуллаев Ш.Б. Сурхондарё кушон подшолиги даврида. (мил. I – IV асрлар). Сурхондарё тарихидан лавҳалар. – Т., “А. Қодирий”, 1997, 37 – 47 б.
4. История Каракалпакской АССР (С древнейших времен до В.О.Соц. революции) 1 – том. – Т., «Фан», 1974, стр. 49 – 66.
5. Кенжаева Дилбар. Монийлик. Ижтимоий фикр инсон ҳуқуқлари. 2002, 2 – сон, 134 б.
6. Пугаченкова Г. Р. Искусство Бактрии эпохи кушан. – М., “Искусство”, 1979.
7. Пугаченкова Г. Р, Ртвеладзе Э. В. и др. Дальверзинтепе – кушанский город на юга Узбекистана. – Т., “Фан”, 1978.
8. Пидаев Шокир ва Яхшиев А. Кушонлар давлатининг шимолий чегараси қаерда? Жамият ва бошқарув. 2000, 1 – сон, 21 – 24 б.
9. Сабурова Севара. Сиёвуш ва Африғийлар сулоласи даврида Хоразм. Сино журнали. 2006, 26 – сон, 34 – 36 б.
10. Сабурова Севара. Хоразмшоҳлар давлатининг Марказий Осиёда тутган ўрни. Ижтимоий фикр инсон ҳуқуқлари. 2007, 3 – сон, 132 – 135 б.
11. Чағонийён тарихи. - Т., “Ислом университети”, 2002, 22 – 28, 86, 99, 129 б.(расмлар ҳам бор).
12. Эшов Б. Кушонлар давлатчилиги. Ўзбек давлатчилиги тарихи. – Т., “Маърифат”, 1 – қисм, 2009, 129 – 137 б.
13. Юечжи. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Т., “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. 2005, 10 - жилд, 309 б.
14. Яхшиев А. Шимолий Бактрия худудларида антик давр товар – пул муносабатлари. Ижтимоий фикр инсон ҳуқуқлари. 2004, 1- сон, 118 – 123 б.
15. Центральная Азия в Кушанскую эпоху. Т.2. – М., 1974.

1) Миллий давлатчилигимиз тарихида кушонлар миллодий 1 - IV асрларда Ўрта

Осиё ҳамда кўшни давлатларни ҳам бир сиёсий марказ атрофида бирлаштириш натижасида салтанатчилик босқичини бошлаб берган сиёсий куч бўлиб майдонга чиққан эди. Кушонлар шимолда - Шош, шарқда – шарқий Туркистон, ғарбда – Эрон, жанубда – шимолий Ҳиндистонгача бўлган катта бир ҳудудни бирлаштиришга эришди. Кейинчалик бу анъана эфталлийлар, сомонийлар, ануштегинийлар, temuрийлар ҳамда шайбонийлар ҳукмронлиги йилларида ҳам давом этди.

Кўриб ўтилган йилларда на Хоразм ва Бактрия, на Фарғона ва Тоҳаристон сиёсий кучларига бутун минтақа ва унинг атрофидаги мамлакатларни ягона марказ остида бирлаштириш насиб этмаган эди. Юқорида таъкидлаганимиздек миллий давлатчилигимиз тарихида салтанатчилик босқичини очиб берганлар ҳам айнан кушонлар сулоласи бўлди. Кушонлар сулоласи “шаҳаншоҳ” Канишка даврида (мил. авв. 78 – 123 йй) гуллаб яшнади. Унинг ҳокимиятга келиши билан кушон давлати тарихида янги давр бошланди. Биринчи навбатда давлат чегаралари шарққа, Покистон ва Ҳиндистон ҳисобига кенгайиб, боқарув тизими мустаҳкамланди.

Канишка бир қатор ислохотлар ўтказди. 1. пул ислохоти. 2. Тил ислохоти. Аҳолининг она тили бохтарий грек тили ўрнига давлат тили деб эълон қилинди. 3. ёзув ислохоти, юнон ёзуви бекор қилиниб, давлат ва маҳкама ишлари ва ҳужжатлари бохтарий ёзуви ва тилида олиб борилади. 4. Диний ислохот. Диний бағрикенгликка путур етказилмагани ҳолда, буддавийлик дини умумдавлат дини деб эълон қилинади.

4) Милоддан аввалги 1 минг йилликнинг бошларида Ў. Осиёда (жумладан Хоразмда) пайдо бўлган қудратли давлатлар ўз ҳукмронлигини ўрнатиш ва уни мустаҳкамлаш учун доимо ғоявий воситага муҳтож эди. Кушон империяси даврида рўй бераётган ижтимоий ва сиёсий жараёнда Хоразм ҳам муҳим роль ўйнаган. Чунки танга пулларни текшириш натижасида олинган маълумотларга қараганда, III асрдаёқ Хоразм ўз мустақиллиги учун кураш бошлаган. Шу муносабат билан ички сиёсат кушон давлатида ларзага келади.

Хоразмда кушонлар билан кураш ва ички сиёсий олишувлар қудратли маҳаллий сулолани вужудга келтиради. Африғийлар сулоласи ўз тангаларини зарб қилади ва шаҳарларда ўзларига саройлар қуради. Натижада кучли кўшни давлатларда бўлаётган воқеалардан фойдаланиб, дунёга ҳукмрон бўлишни даъво қила бошлайди. Тангаларни текшириш туфайли олинган хулосаларга қараганда, Хоразм мустақиллиги VIII асрнинг охиригача давом этади.

Шундай қилиб, милодий III асрдан бошлаб Хоразмда кушонлар билан курашда ғолиб чиққан янги сиёсий куч – африғийлар сулоласига асос солинади. Африғийлар сулоласи асосчисининг исми Африғ бўлган. Бу янги сулола Тупроққалъага таянган ҳолда ўз ҳокимиятини дастлаб воҳанинг ўнг қирғоғида ўрнатади. Хоразмнинг янги подшолари III асрда Кат каналини очадилар ва сўнгра Кат шаҳрини қуриб, ўз қароргоҳларини шу ерга кўчирадилар. Тупроққалъа харобаларини текшириш, унинг ҳақиқатан ҳам катта давлат таянчи - пойтахт бўлганлигини кўрсатади. IV – X асрларда Африғийлар давлати тарихий ва сиёсий вазиятни барқарорлаштирди. Бу тарихий давр қулдорлик тузумининг инқирози ва янги ер эгаллиги муносабатларининг шаклланиши ва ривожланиши билан характерланади.

Янги сулолага асос солган шоҳ Африғ Эрон подшоси Яздигирд I сингари баджаҳл деб шуҳрат қозонади. Ривоятларга кўра, Хоразмда илк шаҳарлардан ал – Фир қалъаси орқасидаги катта қасрни “Искандардан кейинги 616 йили” (Милодий 305 йил) Африғ қурдирган эмиш; бу қасрни салавкийлар эрасининг 1305 йилида (милодий 997 йил) Амударё ювиб кетган. Хоразмлик сиёвушийларнинг Африғ бошлаб берган қуйи авлоди Хоразмда 995 йилга қадар ҳукмронлик қилган. Африғ қурдирган минг йиллик қасрнинг бузилиб кетиши билан африғийлар сулоласининг қулаши рамзий тарзда тўғри келиши кизиқарли ҳодисадир.

А.Р. Беруний ушбу сулолага мансуб 22 та шоҳни санаб ўтади ва 305 йилдан 995 йилгача ҳукмронлик қилган бу подшолардан баъзиларининг ҳукмронлик қилгани

тўғрисида маълумотлар ҳам келтиради. Бу подшолар; 1)Африғ, 2)Бўғра, 3)Сахасек, 4)Аскажамук, 5)Аскажувар, 6)Сахр, 7)Шовуш, 8)Ҳамгири(Ҳамжард), 9)Бўзгар, 10)Арсамух, 11)Сахр, 12)Сабри, 13)Аскижувар, 14)Аскижамуғ, 15)Шовшафар, 16)Туксебоса, 17)Абдулла, 18)Мансур, 19)Ирок, 20)Муҳаммад, 21)Аҳмад, 22)Абу Абдулла Муҳаммад. Кейинги маълумотлар асосида бу рўйхатга Аскажамукнинг отаси Чағонни ҳам киритиш лозим.

Рус олимлари Н. Веселовский ва С.П. Толстов Вазамара ва бошқа Хоразм тангаларининг топилиши туфайли бу рўйхат тўла эмас, деган хулосага келишади ва бу сулолани африғийлар сулоласи таркибига киритишади. Шуниси қизиқки, Беруний хронологиясига биноан, илк Хоразм подшолари сулоласи бошланиши бутун Хоразмда кенг ҳудудда йирик шаҳар – қалъалар ва қасрлар қуриш, катта – кичик каналлар қазиб кенг майдонларни ўзлаштириш даврига тўғри келади. Хоразм археология - этнография комплекс экспедициясининг ярим асрдан кўпроқ олиб борган самарали фаолияти туфайли қилинган қимматли кашфиётлар далил сифатида ушбу фикрни тасдиқлайди.

VI асрдан бошлаб хоразм воҳасида иқтисодий ва маданий соҳада ривожланиш жараёни бошланди. Бу даврда шаҳарларнинг баъзилари вайронага айланган бўлиб, баъзиларида эса маданий ҳаёт давом этди. Жумладан, Тешиққалъа, Бургутқалъа, Уйқалъа, Қумбосганқалъа. Бу қалъалар атрофида кўп сонли “кўшк”, “қўрғон” ёки “қўрғонча” шаклидаги муҳофаа тизимига эга бўлган уй – жойлар қурилган. Масалан, Қумбосган қалъада саккизта кўшк, Тешиққалъада ўн учта кўшк, Бургутқалъада йигирма бешта кўшк бўлган. IX – X асрларда Хоразм ҳудудида икки мустақил давлат вужудга келди. Амударёнинг ўнг қирғоғида Африғийлар давлати(пойтахти – Кат), Амударёнинг чап қирғоғи ҳудудида эса Сомонийлар томонидан бошқариладиган давлат пойтахти – Маздахкон, кейинчалик Гурганж шаҳарлари бўлган.

2 – Мавзу. Милод бошидан исломгача бўлган даврда Ўрта Осиё сулолалари.

2 – маъруза.

1. Оқ хунлар(Эфталитлар) сулоласининг ташкил топиш сабаблари.
2. Эфталитлар ва сосонийлар ўртасидаги кураш.
3. Эфталитлар даврида маданий ҳаёт.
4. Шимолий – ғарбий Тоҳаристон V- VI асрларда.

Адабиётлар.

1. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. –Т., “Шарқ”, 2000, 72 - 80 б.
2. Гумилев Л.Н. Қадимги турклар. –Т., “Фан”, 2007, 22 – 23, 25, 42, 46 – 47, 466 – 467 б.
3. Гумилев Л.Н. Эфталиты.
4. Кенжаева Дилбар. Монийлик. Ижтимоий фикр инсон ҳуқуқлари. 2002, 2 – сон. 134 б.
5. Насимхон Раҳмон. Турк хоқонлиги. – Т., “А. Қодирӣ”, 1993, 14 – 15, 39 б.
6. Низомиддинов Илёс. Ажам мамлакати тарихи. Фан ва турмуш. 1988, 2 – сон, 28 – 29 б.
7. Чағониён тарихи. - Т., “Ислом университети”, 2002, 27,38, 55 б.
8. Эфталитлар давлати. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Т., “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. 2005, 10 - жилд, 292 - 293 б.
9. Эшов Б. Эфталитлар даври давлатчилиги тарихи. Ўзбек давлатчилиги тарихи. – Т., “Маърифат”, 2009, 1 – қисм, 179 – 189 б.
10. Гофуров Ғуломжон. Кўҳна Турон. Иқтисод ва ҳисобот. 1996, 6 – сон, 76–78б.
11. Ҳасан Ато Абуший. Туркий қавмлар тарихи. –Т., “Чўлпон”, 62, 211 б.

1) Эфталитлар тарихида Оқ хун императорлиги – Эфталит империяси деб ҳам юритилади. Эфталитлар сулоласининг асосчиси Кун хон эди. Бу давлат таркибига Ҳиндистоннинг ярми, Афғонистоннинг ва Туркистоннинг катта қисми кирган эди. Ҳиндистон бу сулола таркибида бўлганлиги учун Кўк тангридан ташқари, буддизм ҳам етакчи дин эди. Оқ хун(Эфталитлар) сулоласи 367 йилдан 560 йилларгача яшади. Бу

давлатда туркий тил билан бир қаторда санскрит тили ҳам бу сулолада давлат тили сифатида амал қилаверди. Оқ хунлар (Эфталитлар) ҳам Хитой (Чин) манбаларига оид “Као – чу” деган асарда айтилишича, бир қанча қавмлар ва уруғларни бирлаштирган бир сулоланинг номидир. Бу қавмлар кушон уруғига мансуб кидаритлар, тургаш, табғач ва хион уруғларидан иборат эди. Эфталит қабила уюшмаси ичида энг қудратлиси хуонлар бўлган.

Хитойлик муаллифлар эфталийларни туркий тилли халқлар(тукное) билан боғлиқ равишда таърифлаб, уларнинг юэчжи ё уйғур қабилаларига тегишли эканлигини ҳам айтиб ўтадилар. Византиялик тарихчилар, Масалан, Прокопий (VI аср), “улар (яъни Эфталитлар) хунлардандир, таналари (эса) оқ,” деб масалага аниқлик ҳам киритиб ўтади. Оқ хунлар ҳақида маълумотлар ҳинд манбаларида ҳам учрайди. Пахлавий ёзувида битилган “Баҳман Яшт”даги сосонийларнинг эфталийлар ва бошқалар билан муносабатига доир қуйидаги тарихий тасдиқлар эътиборни тортмай қолмайди. “Эрондаги подшоҳлик ва олий ҳокимият эроний бўлмаган кулваччаларга яъни хион, турк, ҳафтал (эфтал) ҳамда тибетликлар”... қўлига ўтди” деб бу манбада маълумот берилади. VI асрда ашиналийлардан мағлубиятга учраганларидан кейин ҳам эфталийлар хонадони ўз доирасидаги фаолиятни давом эттираверган. Эфталийлар сулоласининг VII асрда ҳам барҳаётлигини шундан ҳам билса бўладики, Хитой манбаларига кўра, 605 – 617 йиллар оралиғида улар Хитой ҳукмдори саройига ўз элчиларини юбориб турганлар.

2 – Мавзу. Милод бошидан исломгача бўлган даврда Ўрта Осиё сулолалари.

3 – маъруза.

1. Туркий халқларнинг пайдо бўлиши ҳақида қадимги манбалар.
2. Ашиналийлар сулоласининг сиёсий майдонга чиқиш сабаблари
3. Ашиналийлар сулоласи даврида шимолий – ғарбий Тоҳаристон.

#### Адабиётлар.

1. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. –Т., “Шарқ”, 2000, 80 - 91 б.
2. Асқаров А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. – Т., “Университет”, 2007 йил, 48 - 52 б.
3. Баҳодирхон А. Шажарайи Турк. –Т., “Чўлпон”, 1992, 17 ғ 49 б.
4. Баратова Л. Турк хоқонлиги ва унинг Ўрта Осиё давлатлари билан ўзаро алоқалари. Ўзбекистон давлатчилиги тарихи. – Т., “Шарқ”, 2001, 44 – 62 б.
5. Гумилев Л.Н. Қадимги турклар. –Т., “Фан”, 2007, 3 – 46 б.
6. Бобоёров Ғайбулла. Чоқ тарихидан лавҳалар (Илк ўрта асрлар). – Т., “Янги нашр”, 2010, 3 - 167 б.
7. Википедия. Гунны – империя гуннов – Атилла. Гунны. – 2000, всего – 29 стр. (Электрон варианты бор).
8. Дадабоев Ҳамидулла. Кўк турк хоқонлигида ҳарбий қурилиш. Жамият ва бошқарув. 2000, 2 – сон, 1 – 5 б.
9. Екеев Н. В. Алтайская этногония (вопросы, состава, типологии, этимологии, стратиграфии). – 2002, всего стр. – 29.
10. Кенжаева Дилбар. Монийлик. Ижтимоий фикр инсон ҳуқуқлари. 2002, 2 – сон. 134 б.
11. Маҳмудов Қозоқбой. Туркий хоқонликлар. Турон тарихи. Тўплам. –Т., 1992, 30 – 32 б.
12. Насимхон Раҳмон. Турк хоқонлиги. – Т., “А. Қодирий”, 1993, 3 – 142 б.
13. Очиллов Ўткирбек. Кўк Турк хоқонлигининг ҳуқуқий тизими. Ижтимоий фикр инсон ҳуқуқлари. 2007, 1 – сон, 106 – 112 б.
14. Улуғбек М. “ Ўғузхоннинг турк қавмларига лақаб қўйгани зикри” Тўрт улус тарихи. – Т., “Чўлпон”, 1994, 50 – 66 б.
15. Чағонийн тарихи. - Т., “Ислом университети”, 2002, 27,38, 55 б.

16. Эшов Б. Турк хоқонлиги даврида давлат бошқаруви. Ўзбекистон давлатчилиги тарихи. – Т., “Шарқ”, 2001, 189 – 204 б.
17. Ўзбекистонда ҳарбий иш тарихидан. –Т., “Шарқ,” 2013, 43 – 58 б.
18. Ҳасан Ато Абуший. Туркий қавмлар тарихи. –т, “Чўлпон”, 1995, 3 – 220 б.

Турк хоқонлиги.

Марказий Осиё давлатчилиги тарихида Турк хоқонлиги давлати муҳим ўрин эгаллайди. Турк хоқонлиги ҳусусидаги манбалар етарли бўлсада, лекин уларнинг кўпчилиги бир бирига қарама қарши маълумотлар беради. Биринчи навбатда VII-VIII асрларда тўпланган манбалар анча қимматлидир. Бу эпиграфик ёдгорликлар Урхун - Энасой руний ёзувлари, Хитойнинг «Тан хонадони тарихи» (VII-IX аср) тарихий манбаси, VI аср охирида яшаган Византиялик тарихчилар Менандр Протектор, Феофар, Византийский, Суриялик тарихчи Ионна Эфейсийларнинг тарихий асарларидир. Шунингдек бу тўғридаги маълумотлар араб тарихчилари ат-Табарий, Денаварий (IX-X аср) ўлкамиз фузолаларидан Абу Райҳон Беруний, Наршахий (X аср) ва бошқалар асарларида ҳам учрайди. Кейинги вақтда бу масалага янада эътибор кучайди. Археолог олимлар тарихчилар, адабиётшунослар, анропологлар бу ҳусусда янги тадқиқотлар олиб бормокдалар. Турклар, туркий қабилалар тарихини масаласи Тошкентда ўтказилган III жаҳон туркология анжуманида ҳам кенг муҳокама этилди.

«Алпомиш», «Гўр ўғли», "Манас», «Дада куркут» каби умумтуркий халқ достонлари, ўрта асрдаги Маҳмуд қошғарий, Аҳмад Юғнакий, Юсуф Хос Ҳожиб ва бошқалар асарларида туркий маданият, адабиёт, тарих тўғрисида турли маълумотлар келтирилади. XII асрда яшаган аллома, Маҳмуд Қошғарийнинг замондоши Юсуф Хос Ҳожиб ўзининг «Қутадғу билиг» («Саодатга йўлловчи билим») асарида афсонавий турк саркардаси Алп Эр Тўнга тўғрисида шундай деб ёзади «у билимдон, заковатли, катта ҳунар эгаси эди, бу фазилатларни унинг шон шухратини дунёга таратган. У турк бекларининг сараси, овозаси оламни тутган, ҳунари талай эди. Унинг тенги топилмасди. Форслар уни Афросиёб деб аташган».

Тарихда туркларнинг келиб чиқиши ҳусусида кўплаб афсона, ривоятлар ҳам мавжуддир. Абу Исҳоқ Нишопурий жам қилган (VIII аср) «Қиссаи - ал анбиё» асарида туркларнинг келиб чиқиши Нух пайғамбарга бориб тақалади.

Унда айтилишича Нух пайғамбар дунёни тўфон босганда 3 ўғли Сом, Хом, Ёфас, ҳамда учта келини билан олти ой кемада сув пасайгунгача қолиб кетади. Шунда Нух пайғамбар учинчи ўғли Ёфасдангина иззат - ҳурмат кўради. Шунга жавобан Аллоҳ Субҳону ва таоло унга Туркистонни берди.

Бошқа бир афсонада кўрсатилишича, ғарбий денгиз қирғоғида яшаган туркийларнинг ота боболари қўшни қабилалар томонидан қириб ташланди. Шунда ўн ёшли бола яшириниб тирик қолади. Ўша ердаги урғочи бўри унга хотин бўлади. Болани бўри Турфон тоғларига олиб чиқиб кетади. Ўша ерда бўри 10 та бола туғади. Болаларнинг отаси эса ўша турк йигити бўлади дейилади афсонада. ўғилларидан бирининг номи Ашин бўлиб у кейинчалик янги қабиланинг раҳбари бўлади. Афсонага кўра, “Турк” с ўзи Олтой тоғларининг энг қадимги номидан келиб чиққан экан. Хитой ёзма манбаларида Турклар «хун» номи остида эрамизнинг 92- йилида Олтойнинг этакларига келиб ўрнашганлиги ва жужанлардан руҳсат олиб улар учун темир қазиб чиқаришни бошлаганлиги ҳақида маълумот берилади. Бу уруғ Ашин уруғи номи билан аввал бошда аталиб келган Хитойлар Ашин қабиласининг “Тукю” деб ҳам юритганлар. П. Пело бу с ўзни «Турк - ют» («яъни туркийлар») деб изоҳлаган. «Турк» атамаси кучли, бақувват деган маънони англатади.

Аввал бу уруғга берилган Турк атамаси кейинчалик уларга яқин турган барча қабила - уруғларга ҳам умумий ном сифатида айтилиб кетилади.

Ашин уруғидан бўлган Асан (Асян) ва Туу (460-545) туркий қабилалар иттифоқига асос соладилар. Туунинг ўғли Бумин (бу туркча ном, хитойча Тумин) ўзига Теле қабиласини бўйсундиради. Эндиликда анча мустаҳкамланган бу қабилалар иттифоқи

Ўзлари қарам бўлиб турган жужанлардан халос бўлиш йўлини қидиришади. Бумин 551 йили Марказий Осиёдаги энг кучли бўлган жужанлар хонини мағлуб этади.

Ўша йили Бумин янги давлат - Турк хоқонлигига ( 551-744 ) асос солади. Или дарёси бўйида ҳукмдор деб эълон қилинган « Иллихон » деган унвонни олади. Турклар ҳукмдори ўзини хоқон (туркча - каган ) деб юрита бошлайди. Олти ойлик масофадаги Утукун шаҳри янги Турк хоқонлигининг пойтахти қилиб белгиланади. Бумин ўз укаси Истамига ( Истами - туркча, Седими - хитойча, Синжибу - арабча, Стемби - хаган юнонча ) биринчи саркарда, давлатининг биринчи амалдори даражасига тўғри келувчи « Ябғу » (баходир) унвонни бериб у билан биргаликда ўз давлатини кенгайтириш пайига тушади. Истами кўпроқ ғарбий юналишга бошчилик қилиб тез орада Шарқий Туркистондаги нушиби, туркаш, ўзли қабилаларини ўзига бўйсундиради.

Муқанхон ҳукмдорлиги даври Турк хоқонлигини энг қудратли паллага олиб кирди. 554 йил Муқан хоқон Шарққа юриш қилиб Узоқ Шарқ ўлкаларини ўзига бўйсундиради ва Тинч океани қирғоғига чиқади. У Урхун, Туғла, Селанга дарёлари бўйларидаги қабилаларни, Энасой дарёси бўйларидаги қирғизларни, Бойкўл атрофларидаги уйғурларни ўзига бўйсундиради. Муқан хоқон эфталитлар давлатини тугатиш учун 554 йил эрон шоҳи Хусрав I Анушервонга элчи жўнатади.

558 йил турклар Урал ва Волга бўйларини забт этиб шимолий Кавказдаги кўчманчи аварлар билан тўқнашади. Турклар эфталитлар ва аварларга қарши курашишда Византия ва Эрон билан дўстона алоқани мустақамлашга ҳаркат қила бошлайди. Вазиятдан фойдаланган Эрон эфталитлардан Тохаристон, Чағаниён, қобул атрофидаги ерларни тортиб олади.

563 йилдан эфталитларга қарши шимолдан турклар Чоч водийсига бостириб кирадилар. Тез орада улар томонидан Самарқанд, Кеш, Нахшаб эгалланди. Эфталитлар Хутталон, Термиз, Балх, Амул, Замм шаҳарларидан ёрдам олиб Бухоро яқинидаги катта жангга тайёргарлик кўрадилар. Саккиз кунли шиддатли жангда эфталитлар турклардан енгилдилар.

Турклар тезлик билан ҳаракат қилиб иложи борича эфталитларнинг ерларини кўпроқ ўз қўлларига олишга ҳаракат қиладилар. Амударёнинг жанубий соҳилигача бўлган ерлар, Эрон унинг шимолий соҳилларидан Каспийгача бўлган ерлар турклар қўлига ўтди. Бирмунча вақт эфталитларнинг қолган қутгани Зарафшон воҳасида яшаб турганларга солиқ тўлаб туради. Жанубдаги ярим мустақил эфталитлар ерлари сосонийлар томонидан бир оз вақтдан кейин буткул бўйсудирилиб олинади. Эфталитлар давлатининг мағлубиятидан сўнг бевосита иттифоқчилар ўртасида келишмовчиликлар пайдо бўла бошлайди.

Хоқонликнинг бевосита ғарбий қисмини бошқариб турган Истами ва бош хоқон Муқанхон ҳам савдо йўли ва унинг аҳамиятининг яхши тушуниб бу масаланинг тинчлик билан ҳал қилишга ҳаракат қила бошлайди. Истами Ябғу Суғд ихшидига бу масалани ҳал этиш масаласини топширади. Эронга машҳур Суғд савдогари ва дипломати Маниах бошчилигида элчилар гуруҳи жўнатилади. Хусравшоҳ ўз атрофидаги амалдорларнинг маслаҳатига кириб, суғдийлар олиб келган ипакликларни сотиб олиб сўнг уни элчилар к ўз ўнгида йиртиб ёқиб ташлайди.

Истами бу воқеадан сўнг қаттиқ ранжисада, Хусравшоҳ ҳузурига иккинчи марта ўз элчиларини юборди. Бу элчилар гуруҳи эндиликда фақат турклардан иборат бўлиб, унинг натижасида яқин орадаги сиёсат намоён бўлиши керак эди. Бу сафар турк элчиларини захарлаб ўлдирилди. Уларнинг фақатгина бир нечасигина хоқон ҳузурига етиб келди. ўз ишларини сосонийлар «Турклар иссиқ об-ҳавони кўтариша олмадилар» деб беркитишади. Истами хусрав I Анушервон қўшинларини тор-мор қилиб Эроннинг шимолига бостириб киради. Эфталитлар ўз ерларининг Эронга тушиб қолган қисмини Яна ўз қўлларига қайтариб олади. Эрон тинчлик сулҳига келишиб 40000 Византия тилласи тўлаш мажбуриятини олади. Ундан сўнг Эрон билан Византия ўртасида ҳам уруш бошланиб, кетиб, сосонийлар давлати жуда ночор аҳволга тушиб қолди.

576 йил Бумин хоқон ва Истами ябғуларнинг вафотидан сўнг Турк хоқонлигининг таъсири анча заифлаша бошлайди. Эрон саркардаси Бахром Чубин Чур-Баға хоқон кўмондонлигидаги 300000 кишилиқ турк кўшинини тор-мор қилади. Чур Баға жангда ҳалок бўлади. Бахром Чубин Бухоро яқинидаги Пойкент шахрига бостириб кириб хоқоннинг ўғли Бармуда Тегинни асирга олади. Хоқон хазинасини эса Эрон шоҳи хурмуздга юборади.

Бумин хоқон вафотидан (576 йил) сўнг тахтга унинг укаси Арслон Тубаўтирди. Арслон Туба буддийликка берилган бўлсада, мамлакатни мустаҳкамлаш учун Си салтанати билан шартнома тузади. Бундан ташқари у мамлакатни ижтимоий-иқтисодий жихатдан ривожлантириш чораларини ҳам кўрди. Аммо, 581 йилда Арслон Туба вафот этгач Турк хоқонлари ўртасида ўзаро курашлар авж олиб кетди. Бу курашлар натижасида хоқонлик икки қисмга; Шарқий ва ғарбий қисмга бўлиниб кетди. Шарқий хоқонлик Хитой ва М ўғлистонни бир қисмини ўз ичига олиб уни Арслон Тубанинг кичик ўғли Ишбара бошқара бошлайди.

Иккинчи хоқон ғарбий ерларни -Еттисув, Марказий Осиёнинг асосий қисми, Шарқий Туркистон, ҳозирги қозоғистон тасарруфини олган Истами Ябғунинг ўғли Қора Чуриин бошқарар эди. қора Чуриин Истамининг вафотидан (576 йил) сўнг бу лавозимга ўтирган бўлиб, бошқа хоқон ва хонлар ичида энг қобилятлиси ва тадбиркори эди. Кейинги хонлар-Турамон ва Амрок эди. Улардан ташқари яна кичик 4 та хон бўлган. Бу ҳокимлар ўртасида зимдан адоват кезар, уларнинг кўпи бир бирига душман бўлиб, қулулай вазият келишини кутиб турар эдилар. ўзаро курашлар натижасида мамлакат ичида ҳам аҳвол кескинлашиб, иқтисодий таназул бошланиб кетди.

Шу вақтда кескин вазият пайтида туркий шахзода Обрўй бошчилигидаги халқ ҳаракати (585-586 йиллар) бўлиб ўтди. Обрўй ҳаракати тўғрисида узук-юлуқ маълумотлар сақланиб қолган. хусусан Абдурахмон Муҳаммад Нишопурийнинг (XI аср) «Хазинат-ал-улум» асаридаги бу масалага бағишланган парча Наршахийнинг «Тарихи Бухоро» асарига киритилади. Унинг ёзишича, Обрўйнинг қароргоҳи Пойкандда бўлиб, у бой задогонлар ва савдогарлар устидан қаттиқ назорат ўрнатган. Бунга чидай олмаган задогонлар Туркистон томонга йўл олишган. Обрўй атрофида эса қашшоқ деҳқонлар гуруҳлари йиғила борган.

ўзаро муттасил урушлар ҳамда тахт таллашишлар мамлакатнинг парчаланиб кетиши ва маънавий, иқтисодий инқироз ҳолатига олиб келди. қора Чуриин қариб қолган вақтида тахминан 600 йилларга келиб ўзини хоқон деб эълон қилди. қора Чуриин Буғу хоқон (қахрамон хоқон) деган номни олган эди. Хоқонликдаги оғир вазиятдан фойдаланган Хитой императори ички низолар келтириб чиқаришга ҳаракат қилади. 582-603 йиллардаги ўзаро урушлардан сўнг 603 йил хоқонлик тўла мустақил 2 қисмга; Шарқий ва ғарбий қисмларга айланади. ғарбий хоқонлик таъсири остида Еттисув, Чу водийси, Волга, Кубанинг қуйи қисми, Иртиш, Ишим дарёлари бўйидаги ерлар, Марказий Осиёнинг кичик ярим мустақил давлатлари унинг таркибида бўлди.

Феодал муносабатлар ривожланаётган ғарб хоқонлигининг ижтимоий таркиби ҳам, сиёсий бошқаруви ҳам анча мунча мураккаб эди. Ярим асрлик ҳукмронлик жараёнида туркларнинг бир қисми ўтроқлашади, қолганлари ерли чорвадорлар билан араллашиб кетади, ўтроқ ҳаётнинг анъанавий -маъмурий удумлари таъсирида бошқарув таркиблари аста – секин ўзгариб, туркларнинг ижтимоий ва сиёсий мавқеи мустаҳкамланиб борди. Турклар сиёсий ҳаётда фаол қатнашиб, Марказий Осиё сиёсатининг ҳамма жабҳаларида тенг қатнаша бошладилар. Хоқон Шегуй вафотидан кейин (618 й) ҳокимиятга келган Тўн ябғу (Тўн баҳодир) даврида ғарбий хоқонлик яна кучаяди.

Унинг даврида бошқарув тартиблари ислоҳ этилди. Маҳаллий сулолалар ҳокимлар билан бевосита боғланиш, уларнинг устидан назоратни кучайтириш мақсадида маҳаллий ҳукмдорларга «Ябғу» унвонлари берилади. Улар ўз вақтида хоқоннинг ноибига айландилар. Шу билан бирга хоқон дипломатик тарзда ҳам иш тутар эди. Масалан у Самарқанд ва қашғар хоқонлари билан қуда-андачилик ипини боғлаб, улар билан

муносабатни яхшилаиди, VII асрнинг ўрталарида хоқонлик заифлашиб бир неча қисмларга бўлиниб кетди. Вазиятдан фойдаланган Хитойнинг Тан империяси кўшинлари 657-659 йилларда Еттисувга бостириб кирдилар. Хитой босқинларига қарши озодлик кураши бошланиб кетди. Фақатгина VII асрнинг охирига бориб хоқонлик ўз мустақиллигини тиклаб, Хитой гумаштаси бўлган хусрав Бўришод мамлакатдан қувиб чиқарилди.

Турк хоқонлигида бугун салтанат устидан олий ҳукмронликни хоқон олиб борган. Бу лавозим меросий бўлган. Хитой манбаларига кўра ота доимо ўз ўғлига тахтни қолдиравермай, балки ундан каттароқ турган қариндошларига қолдириши лозим бўлган. Бундан ташқари, шундай ҳоллар бўлганки, тахт соҳибини «улус оқсоқоллари» тайинлаган. Хитой манбаларига кўра, туркийлар хони тахтга ўтқазишда махсус маросим билан ўтказилган; амалдорлар бўлажак хонни кигизга ўтқазиб, қуёш юриши бўйлаб 9 маротаба айлантирганлар, иштирокчилар уни қўллаб турганлар. Кейин хонни отга ўтқазиб, бўйига ипак мато боғлаганлар. Кейин ундан сўраганлар; «сиз неча йил хон бўлмоқчисиз қ « У неча йил хон бўлишини айтган, шу муддат тугагандан кейин тахтдан кетган, Хоқондан кейинги шахс «Ябғу» (Баҳодир ) давлатдаги биринчи амалдор (вазир ) вазифасида бўлган, (Истами Ябғу). Аммо Ябғу тахтга меросхўрлик қила олмас эди. Тахт меросхўри «тегин» (шаҳзода ) деб юритилган. »Тудун унвони ҳукмдорнинг жойлардаги ноиби (назоратчиси) га берилган. Улар маҳаллий ҳокимлар сиёсатини, бош солиқ ишларни назорат қилганлар.

Чорвадор туркларда уруғ- жамоатчилик анъаналари ниҳоятда кучли бўлиб, қабила ва уруғ жамоалар негизи катта оилалардан иборат эди. Бундай оилаларда уй қуллари ҳам мавжуд бўлар эди. қулларнинг кўпайиши билан синфий муносабатлар таркиб топа бошлаган. Лекин қулчилик ижтимоий ҳаётда кенг кириб келмади. Кўпинча жамоада Аёллар қул қилиб олиб кетилар эди, лекин қул Аёллардан оғир ишларда фойдаланмай балки уй р ўзғор ишларида ишлатилар эди. қул эркакми, Аёлми барибир қочиб кетаверган. қочган қул тақиб қилинмаган. Унинг учун ҳеч ким товон тўламаган. Кўчманчиларнинг асосий қисми чорвадорлардан иборат эди. Бундай халқ оммасини турклар « бўдун » ёки « қора бўдун » деб аташган. Хоқонларнинг марказий бошқарув тизими асосан йирик сиёсий давлат тадбирлари ( салтанат осойишталигини сақлаш, давлат ҳудудини кенгайтириш, солиқ тизими, ички ва ташқи савдо дипломатик муносабатлари ва ҳоказо) билан машғул бўлиб жойлардаги маҳаллий ишларга маълум даражада эркинликка йўл қўйилган. Шунинг учун ҳам Фарғона, Суғд, Шош, Тоҳаристон, Хоразм ва бошқа жойларда бошқарув иши асосан маҳаллий сулолалар қўлида бўлган. Хитой манбаларига кўра, Суғдда келиб чиқиши юечжилардан бўлмиш Кан сулоласининг мавқеи кучли бўлиб, Суғд ҳукмдори ихшид унвонига, тобе ҳокимлар ҳам ўз унвонларига эга бўлган. Масалан: Кеш ҳукмдори ихшид унвонига эга бўлган. Деҳқонлар мавжуд сув манбалар ҳамда лалмикор ерлар имкониятларидан фойдаланиб асосан дон экинлари ҳамда, қовун, тарвуз, беда, узумчилик, пахтачилик соҳаларида соҳаларидан юқори ҳосил етиштирганлар. Мевали дарахтлардан боғ-роғлар етиштиришга алоҳида аҳамият берганлар, манба тили билан айтганда ( мевали ) дарахтлар савлат т ёкиб турган».

Шаҳар аҳолиси асосан хунармандчилик ва савдо-сотик билан шуғулланганлар. Деҳқончиликдаги тараққиёт кўлами ва сифати ўзидан кейинги уч тармоқ- хунармандчилик, қурилиш савдо-сотик равнақи учун катта тўртки бўлиши табиий ҳол. Шунинг учун бу вақтда темирчилик, заргарлик, кулолчилик, дурадгорлик, қуролсозлик, тўқимачилик, шишасозлик, кўнчилик ривож топган. Турклар саррожлик, руда қазиб олиш ва ундан қурол-яроғ ясашда моҳир эдилар. Турклар ясаган қурол-яроғ, зебу-зийнат буюмлари хилма- хиллиги, пишиқлиги билан ажралиб турган. Кончилик фаолияти ҳам шу пайтда анча ривожланган. Олтин, темир, кумуш, мис, тузнинг хили, қимматбаҳо тошлар, турли маъданлар Суғдиёна, Шош, Фарғона, қашғар, Тоҳаристон каби вилоятларда қазиб олинганлиги манбаларда аниқ кўрсатилган.

Турк хоқонлиги улкан ҳудуд ичида зарур тинчликни таъминланганлиги, бўйсундирилган халқларнинг ички ишларига аралашмаслик ва уларнинг кўпгина ишларига имкониятлар очиб берилиши билан савдо сотиқ ишлари ҳам ривож топди. « Буюк Ипак йўли » самарали ишлашда давом этди. ўлканинг асосий савдо ҳамкорлари Эрон, Хитой, Ҳиндистон, Византия эди. Бу мамлакатларга тўқимачилик, ипакчилик маҳсулотлари, қимматбаҳо тошлар, улардан ишланган буюмлар, тақинчоқлар, дориворлар, наслдор арғумоқлар бир неча хил туз, шароб, боғдорчилик маҳсулотлари, қазилма бойликлари ва ҳоказолар олиб борилган.

Суғд савдогарларининг айниқса мавқеи кучли бўлган. Шу маънода хитойлик муаллифлар куйидаги гувоҳлиги эътиборга сазавордир: ( Суғдиёналик эркаклар йигирма ёшга тўлишлари билан кўшни мамлакатларга ошиқадилар ва ( савдо-сотиқ ) қаерда ( қулайлик ) ва манфаат бўлса ( албатта ) у ерга қадам ранжида этадилар ». Марказий Осиёнинг Марв, Пойканд, Бухоро, Самарқанд, Чоч, Исфижоб, Суёб шаҳарлари савдо-сотиқ ишларида катта аҳамият касб этган.

Марказий Осиёда шу пайтда 15 тага яқин майда давлатчалар бўлиб, шулардан Суғдда ихшидлар, Тоҳаристонда маликшоҳлар, Бухорода бухорхудодлар, Хоразмда хоразмшоҳлар, Чоч ва Илоқда бўдунлар, Фарғонада ихшидлар ҳукмронлик қилишган. Уларнинг ҳаммаси Турк хоқонлигига қарам бўлиб, амалда ярим мустақил эдилар. Шу даврларга келиб ҳайкалтарошлик, уймакорлик, наққошлик, мусиқа, рақс санъатлари ривожланган. Турк раққослари ва кўғирчоқ ўйнатувчилари Хитойда ҳам машҳур бўлганлар. Суғориш иншоотлари, кўрғон шаҳарлар кўплаб пайдо бўлди. ( масалан, Варахшадаги 12 та канал ) Туркийларнинг дини ҳақида « Бей - ши » ва « Суй - шу » Хитой йилномалари"да қайд этилган. Унда туркийлар дини одатлари ҳақида шундай маълумотлар бор : 1 ) Хоқон қароргоҳи Шарқ томонга қаратиб қурилган, бу билан кун чиқиш тарафга ҳурмат маъноси ифодаланган, айна пайтда қуёшга сиғинишни ҳам билдирган. 2 ) ҳар йили хоқон ўз амалдорлари билан ғорга бориб, ота - боболари руҳига қурбонлик келтирган. 3 ) ҳар йилда 5 маротоба ой чиқишида хоқон яқинларини йиғиб, дарё бўйига борган ва осмон руҳи ( Тангри ) га қурбонлик келтирган. қабилалар учун ягона асосий худо бўлган Кўктангрига доимий қурбонлик келтирганлар. Улар руҳ абадийлиги, нариги дунё борлигига ишонганлар. Бирор киши қазо қилса унинг ўнига бошқа кишилар, буюмларни ҳам қўшиб кўмишган, Масалан 576 йил Ябғу вафот этганида у билан бирга 4 та асир ўлдирилиб, кўмилган. Кейинчалик турклар ичида буддийлик, насронийлик ва бошқа динлар ҳам тарқалган. Тош битикларда ўлган одамга мадҳиядан ташқари, кўплаб тарихий ҳодиса ва воқеалар ҳам битилган. Бундай битиктошлар ичида энг машҳурлари Култигин битиктоши, Билга хоқон битиктоши, Тунюқуқ битиктоши ва бошқалардир. Булар биргаликда Урхун - Енисей ёзувлари деб аталади. Шунингдек, қоғозга ёзилиб, Хитойдан топилган 104 сатрли “Тадбирнома” асарида ҳам турклар ҳаётининг саҳифалари ёритилган.

#### Адабиётлар

1. И.А.Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. -Т., 1998.
2. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. -Т.: Шарқ, 2000.
3. Асқаров А.А. Ўрта Осиё қадимги дунёсининг асосий хусусиятлари. -Т., 1994.
- Бернштам А.Н. Из истории гуннов. М.-Л., 1940.
- Умняков И.И. Тохари и тохарский вопрос. -Самарканд, 1946.
6. Ўзбекистон тарихи ва маданияти. -Т.: Ўқитувчи, 1992.
7. Ўзбекистон тарихи. -Т.: Университет, 1997.
8. Муҳаммаджонов А. Ўзбекистон тарихи. (У асрдан ХУ1 аср бошларигача). -Т.: Ўқитувчи, 1994.
9. Абдунабиев. Вклад в мировую цивилизацию. -Т.: Ўзбекистон, 1998.

10. Насимхон Рахмон. Турк ҳоконлиги. -Т., 1993.
11. Пидаев Ш. Қадимги Термиз. –Т., 2003.
12. Ғайбулла Бобоўров. Турк ҳоконлиги даврида Тоҳаристон. Мозийдан садо. №4.-12. 2002.
13. [uzbekistan.uzpak.uz](http://uzbekistan.uzpak.uz).-Буюк ипак йўли давридан мустақиллик даврига қадар бўлган Ўзбекистон тарихига оид сайт.

2) VI аср бошларида Каспий денгизидан Узоқ шарққача бўлган катта ҳудуд ҳаёти кўпдан – кўп туркий тилли сулолалар фаолияти билан боғлиқ бўлган. Олтой тоғи жанубий қисмининг қадимги номи олтин йиш (Олтин водий) бўлиб, табиий шароити ҳар қандай жамият фаровонлигини таъминлашда беназир ҳисобланган. Хитой манбаларида тилга олинган Ашина сулоласи ҳам худди шу шарт - шароитда юксалган, сиёсий таъсири ортиб бориб, Айнақса Бўмин (Тумин) сардорлиги даврида бу жараён янада фаол тус олди.

Уддабурон сиёсатчи сифатида Бўмин Жужан (Манкурт) хонлиги билан очикдан – очик алоқани узиб, 551 йили Вэй хонадони билан қуда андалиқ алоқасига киради. 552 йили эса Жужан хонлигига қарши қуролли курашга отланиб, уларни тор – мор қилади. Аммо Бумин 553 йили вафот этади ва унинг ўрнига тахтга ўғли Қора Иссиқ (Ишги) ўтиради. Қора Иссиқхон (Ишги) кўп ҳукмдорлик қилмай шу йилиёқ қазо қилади. Лекин у ҳам ўз ҳукмронлиги давомида жужанларга яна бир бор қаттиқ зарба беришга улгурган эди. Эндиги гал тахтга Бўминнинг кичик ўғли Муғанхон(553 – 572 йй) чиқади. Муғанхон даврида Ашиналийлар “Корея қўлтиғидан ғарбий денгизгача, Хитой деворидан Шимолий денгизгача бўлган ерларни ўз қўл остига олишга муваффақ бўладилар. Муғанхон худди ўз отаси каби сиёсат юритиб эфталийлар сулоласига қарши курашда уларнинг жанубий ғарбидаги душманлари Сосонийлар билан яқин муносабатларга киришади.

Бунинг учун Муғанхон 554 йили Эронга элчи юбориб, икки томонлама алоқа ва ишончни мустаҳкамлаш учун амакиси Истамининг қизи Аснабекани сосоний Хисрав I (531 579 йй) га турмушга беради. Лекин бу яқинлашув вақтинчалиқ эди. Чунки, Ашина сулоласининг эфталийлардан сўнг албатта сосонийларни бир ёқлик қилишни мўлжаллаб қўйганликларини сезса бўлади. Ҳақиқатан ҳам кейин шундай бўлиб чиқди.

565 йили Муғанхоннинг амакиси Истами эфталийлар қўшинига зарба берди. 567 йили эса Тоҳаристон ва умуман эфталитлар қўл остида бўлиб келган ерларни забт этишга муваффақ бўлди. Шу тариқа VI асрнинг охириги чорагида минтақада навбатдаги сулола – Ашиналийлар сулоласи ҳукмронлиги ўрнатилди. Муғанхон ва унинг авлодлари ҳарбий ютуқларни давом эттира бориб, юқорида айтилганидек, Қора денгиздан Тинч океангача бўлган катта ҳудуддаги салтанатга асос солишга эришадилар. Лекин шу билан бир қаторда объектив ва субъектив сабабларга кўра масалан, салтанатнинг майдонининг катталиги ва уни бошқаришдаги мураккабликлар, тадбиркор ҳукмдор) ларнинг нисбатан кам бўлиши, Византия, Эрон ва Хитой каби қудратли давлатлар билан доимий рақобат натижасида салтанат ғарбий ва шарқий ҳоконликларга бўлиниб, биринчиси VII асрнинг биринчи ярмида иккинчиси эса VIII асрда батамом барбод бўлди.

Ашиналийлар даври ўлкамиз бошқаруви ҳақида сўз кетганда, икки жиҳатга эътибор қаратиш лозим. Биринчидан, мамлакатимиз ҳам тобё бўлган ҳоконликнинг бошқарув тизими ва иккинчидан, маҳаллий бошқарув услубининг сақланиб қолганлигидир. Шарқий ҳоконликдаги олий мартабалар орасида энг улуғи шеху(жабғу) , кейингиси дэлэ, учинчиси эса силифа, тўртинчиси тумафа, қолган кичикроқ мансабларда эса 20 киши банд бўлган. Қадимги турк ва хитой манбаларида учрайдиган мансаблардан шад (ша) ва тутун мансабларини санаб ўтиш мумкин. Тутуннинг луғавий маъноси тутиб турмоққликни аниқлаганидан биладиган бўлсак, бу мансабдаги кишининг вазифаси аниқлашади.

Хитой манбаларига кўра тутун ҳукмдорнинг жойлардаги ноиби, вакили вазифасини адо этган кишилардир. Шад мансабидаги эса энг олий мансаблардан ҳисобланиб ҳукмдорнинг ўнг томонидан жой олган. Бу ҳар икки унвон ҳукмдорнинг энг яқинларига берилган. Юқорида кўриб чиққанамиздан кўриниб турибдики ҳоконлик ўз

даври учун мураккаб бошқарув тизимига эга бўлган. Бундан ташқари хоқонликнинг марказий бошқарув тизими асосан йирик сиёсий давлат тадбирлари яъни салтанат осойишталигини сақлаш, давлат ҳудудини кенгайтириш, солиқ тизимининг доимий ишлаб туришига эришиш, ички ва ташқи савдо алоқаларини таъминлаш, давлатлараро сиёсий – элчилик муносабатларини олиб бориш билан машғул эди.

### 3 – МАВЗУ. ЎРТА ОСИЁ СУЛОЛАЛАРИ IX – XIII АСРЛАРДА.

1 – маъруза.

IX – асрнинг бошларида Мовароуннаҳр ва Хуросондаги сиёсий аҳвол. Мовароуннаҳр ва Хуросонда Тоҳирийлар ва Сомонийлар сулоласи ҳокимиятининг ўрнатилиши.

Тоҳирийлар ва Сомонийлар даврида Мовароуннаҳр ва Хуросонда ижтимоий – маънавий ҳаёт.

Тоҳирийлар ва Сомонийлар даврида Чағониён ва Термизда ижтимоий – маънавий ҳаёт.

Адабиётлар.

Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. –Т., “Шарқ”, 2000, 92 - 103 б.

2. Асқаров А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. – Т., “Университет”, 2007 йил, 53 - 55 б. (Сомонийлар).

3. Аннаев Т.Ж., Шайдуллаев Ш.Б. Термиз ва Чағониён IX – XIII асрларда. Сурхондарё тарихидан лавҳалар. – Т., “А. Қодирий”, 1997, 63- 67 б.

4. История Каракалпакской АССР. 1 – том. –Т., «Фан», 1974, стр. 67 – 88.

5. Материалы по истории Ср. Азии X – XII вв. –Т, 1988.

6. Насимхон Раҳмон. Турк хоқонлиги. – Т., “А. Қодирий”, 1993, 99– 100 б.

7. Низомулмулк. Сиёсатнома ёки сияр ул – мулук. – Т., “Адолат”, 1997, 223, 237 б.

8. Наршахий. Бухоро тарихи. Сомонийлар ва унинг насаби ҳақида боби. –Т, “Камалак”, 1991, 132, 146 – 165 б.

9. Норқулов Наим. Сомонийлар давлати. Жамият ва бошқарув. 2000, 1- сон, 24 – 27 б.

10. Турсунов С.Н., Э.О. Қобилов ва бошқалар. Сурхондарё тарихи. –Т., “Шарқ”, 2000.

11. Тоҳирийлар давлати. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. –Т., “Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. 2004. 8 – жилд. 577 – 578 б.

12. Чағониён тарихи. - Т., “Ислом университети”, 2002, 56 б.

13. Эшов Б. Тоҳирийлар, Саффорийлар ва Сомонийлар давлати. Ўзбекистон давлатчилиги тарихи. - Т., “Маърифат”, 2009, 1 – қисм, 214 – 232 б.

14. Ўзбекистонда ҳарбий иш тарихидан. – Т., “Шарқ”, 2013, 60 – 70 б.

2) Хуросондаги Тоҳирийлар давлатида ҳукмронлик қилган сулола (821 – 873 йй). Расман аббосийлар вассали ҳисобланган. Сулолага 821 йил Тоҳир ибн Ҳусайн асос солган. Тоҳирийлар ҳукмдорлари; Тоҳир ибн Ҳусайн(821 –

822 йй), Талха ибн Тоҳир(822 – 828 йй), Абдуллоҳ ибн Тоҳир(828 – 844 йй), Тоҳир II ибн Абдуллоҳ(844 – 862 йй), Муҳаммад ибн Тоҳир(862 - 873 йй), 873 йил Хуросонда Тоҳирийлар ҳукмронлиги тугатилиб, янги саффорийлар(Мисгарлар) давлати ташкил топган.

Тоҳирийлар давлати – Аббосийлар халифалиги парчаланиши муносабати билан Хуросонда ташкил топган давлат(821 – 873 йй) эди. Асосчиси – Тоҳир ибн Ҳусайн, 821 йилда Тоҳир ибн Ҳусайн Хуросон ва Мовароуннаҳрнинг ноиб этиб тайинланган. У халифаликдан мустақил бўлишга ҳаракат қилган. Хутбадан халифа номи чиқартириб ташланган. Шундай қилиб, Хуросон ва Мовароуннаҳр бошқаруви Тоҳирийлар хонадонига мерос бўлиб қолган. Тоҳир ибн Ҳусайннинг ўғли Абул Аббос Абдуллоҳ ноиблиги (828 – 844 йй) даврида маъмурий марказ Марвдан Нишопур шаҳрига кўчган.

Тоҳирийлар даврида Сомонхудот авлодлари Мовароуннаҳр шаҳарларида маҳаллий ноиб эдилар. Тоҳирийлар уларни ўзларига тобе сифатида тан олганлар. Тоҳирийлар расман ўзларини халифага тобе қилиб кўрсатсаларда, амалда мутлақо мустақил иш юритганлар. Улар дастлаб сиёсий ҳокимиятни мустаҳкамлашга ва қишлоқ хўжалигини тартибга солишга ҳаракат қилишган. Деҳқончилик воҳаларининг сув таъминотини яхшилаш учун янги каналлар қаздирганлар.

Тоҳирийлар давлат бошқаруви, фуқароларга муносабат, айниқса солиқ тартибларига алоҳида аҳамият берганлар. Мулкдор деҳқонларнинг жабр зулмидан, оғир солиқлардан безор бўлган аҳоли мамлакатда тез – тез кўзғолон кўтариб турган. IX асрнинг 60 – йилларида Хуросонда Ғозийлар фаоллигида халқ кўзғолони авж олиб кетган. 873 йил Тоҳирийлар ҳукмронлиги тугатилиб, янги Саффорийлар(Мисгарлар) давлати ташкил топган. Мамлакатда содир бўлган бундай сиёсий ўзгаришлардан сўнг Мовароуннаҳр Хуросондан ажралиб ўз мустақиллигини тўла тиклаб олиш имконига эга бўлган.

Одатда сулолалар бирон – бир ўзларига мансуб йирик намоянда фаолияти орқали машҳурликка эришадилар(масалан, эфталийлар, ануштегинийлар, темурийлар ва ҳоказо). Сомонийлар сулоласи ҳам шундай. Сомонийлар аслида сомон қишлоғи оқсоқоли Сомонхудотнинг авлодлар идир. Бу масканнинг қаердалигини аниқ кўрсатиш қийин. Чунки баъзи манбаларда Самарқанд атрофи кўрсатилса, баъзиларида эса Термиз ёки Балх томонларга ишора берилади. Худди шунингдек, сомонийларнинг қайси этносга мансуб эканлиги ҳам маълум эмас. Сомонхудотнинг авлодлари IX асрнинг биринчи ярмида Фарғона, Шош, Самарқанд ва Ҳирот каби йирик вилоятларга ҳокимлик қилганлар. Лекин халифаликка қарамлик сақланиб келган эди. 874 йилдан бошлаб Бухорони, 892 йилдан бошлаб эса бутун Мовароуннаҳрни бошқара бошлаган Исмоил Сомоний даврига келибгина бу қарамликдан қутулиш имкони туғилди.

Исмоил Сомоний (849 – 907 йил 27 ноябрь) 14 ёшида унинг отаси Аҳман вафт этиб, у акаси Наср қўлида қолади. Исмоил Сомоний 892 йили бутун Мовароуннаҳр ҳукмини ўз қўлига олишга эришиб. Подшоҳликка

лойиқ эканлигини исботлайди. Мовароуннаҳр сиёсий ҳаётидаги бу ўзгариш Хуросон ноибни Амр ибн Лайс ҳамда араб халифаси Муътазидга (892-902 йй) ёқмади. Бунинг исботини Халифа Исмоилни Мовароуннаҳр тахтидан маҳрум этиб, Амр ибн Лайсни Хуросон билан бирга Мовароуннаҳр устидан ҳам ҳукм юритиш ҳуқуқи билан таъминлагани ҳақидаги фармонидан ҳам билиб олишимиз мумкин.

Бошқача айтганда халифа Маъзуд Хуросон ноибни Амр ибн Лайсни Исмоилга қарши ҳарбий юришга ундаб Исмоилнинг енгилишини ҳамда Амр ибн Лайснинг эса заифлашиб қолишини истаганини сезиш мумкин. Аммо халифа ва унинг истагини бажармоқчи бўлган Амр ибн Лайс 900 йилнинг баҳорида Балх атрофида юз берган жангда мағлубиятга учради ва уларнинг режаси амалга ошмай қолди. Исмоил Сомонийни Хоразм, Фарғона, Бухородан яъни бутун Туркистондан ёрдамга келган катта ҳарбий куч қўллаб – қувватлагани ҳақида манбаларда аниқ ёзилган. Шу тариқа Хуросон ва Шимолий Эрон ҳам Исмоил Сомоний тасарруфига ўтади. Шу тариқа араб халифалигига қарамликка барҳам берилади

Исмоил Сомоний давлатчилигимиз тарихидаги 1600 йилдан ортиқ тажриба ва анъаналарни уддабуронлик билан давом эттирган давлат арбоби ҳисобланади. У давлатни марказлаштиришга бел боғлаб, Фарғона, Истижоб(Сайрам), Шош, Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Чағониён, Хутталон, Кеш, Хуросон, Сейистон ва Ғазна каби қатор вилоятларни ўз қўли остида бирлаштирди. Гарчи юқоридаги вилоятларнинг барчаси ҳам мутлоқ равишда унга тобелик йўлига кирмаган бўлсалар – да, аммо кудратли давлатни тан олишга мажбур бўлган эдилар. Исмоил Сомоний кучайиб олгач марказлашган давлат бошқарув тизимини жорий этишга киришади. Чунки эндигина мустақилликни қўлга киритган давлат учун қатъий тартиб қоида доирасида иш кўрувчи давлат идоралари зарур эди. Исмоил Сомоний бу вазифани ҳал эта билди. Бу даврда девонлар сони 10 та бўлиб;

- 1) Бош вазир девони. Ижроия ҳокимият ҳамда қолган 9 девон устидан раҳбарлик шу вазирлик томонидан амалга оширилган. Сомонийлар даврида ушбу лавозимга жайҳонийлар, балъамийлар ва утбийлар сулолалари орасидан чиққан шахслар қўйилар эди.
- 2) Молия(кирим – чиқим ишлари девони.
- 3) Давлат расмий ҳужжатларини ишлаб чиқиш девони.
- 4) Соқчилар бошлиғи девони.
- 5) Хат – хабарлар мутасаддиси девони .
- 6) Сарой иш бошқарувчиси девони.
- 7) Давлат мулклари девони.
- 8) Мухтасиб девони. Шаҳар ва қишлоқларда, кўча ва бозорларда тартибни назорат қилувчи, диний маросимларни ўтказувчи.
- 9) Вақфлар девони.
- 10) Қозилик ишлари девонларига бўлинар эди.

Юқоридаги айтиб ўтилган девонларнинг жойларда бўлимлари ҳам мавжуд бўлган. Улар марказдаги ўз девонларидан ташқари маҳаллий бошқарув идоралари билан ҳам ҳамкорликда иш олиб борганлар. Вилоят

бошлиғи ҳоким, шаҳар бошлиғи эса раис деб аталган. Ҳокимни олий ҳукмдор, раисни эса ҳоким тайинлаган. Давлат ишларига қабул қилишда ҳам маълум бир талаблар қондаси мавжуд эди. Масалан, давлат тилини чуқур билиши, ҳуқуқий меъёрлардан тўлиқ хабардор бўлиши, тарих ва адабиёт каби илмлардан яхши хабардор бўлиши, ҳисоб - китоб ишларидаги билимдонлик ва бошқалар. Сомонийлар даврида ҳарбий лашкарлар икки тоифага бўлинган; доимий фаолият кўрсатувчи сараланган қисмлар (гвардия) ҳамда зарур ҳолларда вилоятлардан йиғиладиган қисмларга бўлинган. Сараланган қисмлардаги хизмат камида саккиз босқичдан иборат бўлиб, сарой гвардиясига олинган ёш ғуз (туркман) ўз хизматининг биринчи йилини пиёда аскар сифатида ўтказар эди. Бу вақтда турк ёшлари (ғуломлари) ип газламадан тикилган оддий кийим бош – зандони кияр эди. Иккинчи йили унга оддий юганли от, учинчи йили бошқалардан ажратиб турадиган (қорачур) қиличи берилар эди. Ғулом бешинчи йили яхши кийим бош ва юлдуз билан безатилган юган олар эди. Агар у ҳеч қандай гуноҳ иш қилмаган бўлса, еттинчи йилда висок боши – чодир бошлиғи амалини олар эди. Бу тўда чодир бошлиғи билан тўрт кишидан иборат бўлар эди.

Ғулом ўз амалини билдириш учун кумуш билан тикилган баланд қора кигиз қалпоқ ва қимматбаҳо пойабзал кияр эди. Қобилиятли ва содиқ ғуломлар ҳайлбоши – суворийлар тўдаси бошлиғи, кейинчалик эса ҳожиблик амалини олишлари мумкин эди. Сомонийлар даврида кўшиннинг асосий қисмини кўнгиллилар ташкил қилар эди. Ибн Хавқалнинг таърифлашича, бу кўшинга олинадиган киши “ўз уйи, жойи ва оиласига эга бўлиб, кўшинлари орасида танилган, озод деҳқонлардан иборат” эди. Ҳарбий юришлар пайтида бу кўшин давлат томонидан таъминланар эди.

Сомонийлар даврида давлат бошқаруви ва ҳарбий хизматнинг ўз даври учун мураккаб ва салоҳиятли тизими ташкил этилган эди. Сомонийлар хазинасидаги умумий йиллик даромад 45 млн. дирҳамни ташкил этган ҳолда шундан 20 млн. дирҳам давлат бошқаруви ва ҳарбий лашкарларга сарф этилган. Бу харажатлар ўзини оқлаган. Чунки лашкарлар мамлакатнинг ички ва ташқи хавфсизлигини таъминлаган бўлса, давлат идоралари эса, каналлар, ер ости ариқлари (кориз) қазиш, кўприклар қуриш, шаҳар, қишлоқлар ободончилиги, деҳқончилик борасида ғамхўрлик қилиш, карвон йўллари хавфсизлигини таъминлаш, карвонсаройлар, турли мақсадлар учун мўлжалланган маъмурий бинолар, бозорлар, янги шаҳарлар бунёд этиш каби катта ва сермашаққат, кўпчилик билан битадиган тадбирларга бош – қош бўлиб келар эди. Шунинг учун ҳам бу даврда деҳқончилик, ҳунармандчилик ва илм соҳалари гуллаб яшнади ва мамлакатда фаровонлик ҳукм сурди. Сомонийлар даврида пул муомаласининг ўзига хос томонлари мавжуд эди. Муомалада олтин тангалар, исмоилий, муҳаммадий, ғитрифий, мусаййабий ва хоразмий дирҳамлари муомалада бўлган. Шу ўринда Истаҳрийнинг қуйидаги гувоҳлиги эътиборга молик. Унинг ёзишича “Самарқандда муомалада олтин (танга) ва исмоилий дирҳами юради. Яна бир пул бирлиги борки, уни муҳаммадий дейдилар ва самарқанддан бошқа ҳеч ерда муомалада юрмайди”.

Бошқача айтганда исмоилий дирхами салтанат ва халқаро миқёсдаги қаттиқ валюта ролини ўтаган. Муҳаммадий, ғитрифий ва бошқа бошқа пуллар эса маҳаллий аҳамият касб этган. Масалан, ғитрифий кумуш тангалари Бухорода асосан муомалада бўлган. Аввало, ўлка савдогарлари шу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар билан минтақа аҳолиси эҳтиёжларини қондиришга ҳаракат қилганлар. Шунинг учун ҳам бу даврда савдо – сотиқ гуркираб ўсган. Шундай марказлардан бири Самарқанддир.

Мовароуннаҳрдан Хитойга шиша буюмлари, ойна, арғумоқ отлар, баъзи бир озиқ – овқат маҳсулотлари жўнатишган Хитойдан эса ипак ва ипае матолар, қуритилган мевалар, шоли, кумуш буюмлар ва тангалар кўплаб олиб кетилган. Европадан эса мўйна, чарм кабилар олиб келиб сотилган. Ўрта ва Яқин Шарқ мамлакатлари кўпроқ бизнинг ота – боболаримиз ишлаб чиқарган қурол – аслаҳаларга, темирчилик маҳсулотларига ўч бўлганлар. Бу даврда савдо соҳасида сезиларли ишлар амалга оширилди. Масалан, чек тизими дастлаб узоқ замонлардаёқ жорий қилинган эди. Чек тушунчаси аслида европаликларга биз орқали кириб борган эди.

Савдогарлар йирик савдо тadbирларини амалга ошираётганларида ёнларида катта маблағни олиб юрмасдан ҳар бир шаҳарда мавжуд ишончли саррофларга(пул майдалаб берувчилар, алмаштирувчилар) нақд пул топшириб, шу ҳақда ҳужжат, яъни чек олганлар. Мўлжалдаги шаҳарларга бориб худди шундай саррофларга ёки йирик савдогарларга чекни кўрсатиб, ўз режаларини амалга оширганлар. Савдо иқтисодий муносабатларнинг ривожланиб бориши натижасида – қурувчилик ва меъморчиликда ҳам катта ўзгаришлар бўлишига сабаб бўлди. Юқоридагиларнинг бари бир бўлиб ҳар қандай жамият кўрки ва қудратини белгилаб берувчи яна бир ғоят муҳим ва нозик соҳа бўлган илму – фан ва маданиятнинг ҳам изчил тараққий этишига катта имкониятлар яратиб берди.

Шарқ мамлакатлари IX - X асрларга келиб илм – фан ва маданиятда юксакликка эришдилар. 907 йил 25 ноябрда вафот этган Исмоил Сомоний ўрнига тахтга келган сомонийлар намояндалари (Аҳмад, Наср II, Нух I, Абдумалик, Мансур I, Нух II, Мансур II) буюк аждодлари қолдирган меросни сақлаб қолишга ожизлик қилдилар. Масалан, Исмоил Сомонийдан кейин тахтни эгаллаган Аҳмад Сомоний бўшлиқ қилиб, араб тилини яна давлат тили даражасига кўтарди. Ваҳоланки Исмоил Сомоний даврида бу нарса йўқ қилинган эди. Аҳмад Сомонийнинг бундан бошқа ишлари ҳам мавжуд бўлиб охир – оқибат унга суиқасд уюштирилишига сабаб бўлган эди. Натижада X аср охирида минтақанинг Еттисув ва Қошғар қисмида бошқа бир сиёсий сулола – қорахонийлар сулоласининг кучайиб бориши натижасида ҳокимият қорахонийлар сулоласи қўл остига ўтди. Минтақада етишиб чиққан яна бир сиёсий сулола – Ғазнавийлар ҳам Сомонийлардан ажралиб чиқиб алоҳида давлат ташкил қилди.

Хулоса қилиб айтганда, юртимизда сомонийлар сулоласи ҳукмронлик қилган асрлар жўшқин, воқеаларга бой давр бўлди. Энг муҳими, бу даврда мамлакатимизнинг, халқимизнинг, тарихий, маданий тараққиётдаги анъана ва тажрибаларимизнинг нақадар мустаҳкам пойдеворга эга эканлиги намоён

бўлди. Юқорида айтганимиздек тушкунлик, қарамлик даврини бошидан кечирган жамият бу даврда яна юксакликка кўтарила олди.

4) Ўрта Осиёнинг бошқа вилоятлари қатори Чағониён ва Термиз ҳам 821 йили Тоҳирийлар сулоласи ҳокимиятига бўйсунди. 826 йилда Абдулла ибн Тоҳирий даврида тузилган солиқ рўйхатига кўра, Чағониён тўлайдиган хирож 48500 дирҳамни, Термиз тўлайдиган хирож 48100 дирҳамни ташкил этган. Иккала вилоят бир бўлиб тоҳирийлар хазинасига 96600 дирҳам тўлашган. Бу тўлов миқдори машҳур конлари бўлган Шошнинг солиғидан анча кам бўлса – да, бироқ Насаф ва Уструшона солиқларидан кўп, Кеш ва Хўжанддан тушадиган солиқлар билан деярли тенг эди. IX аср иккинчи ярмидан бошлаб Чағониёнда Муҳтожийлар сулоласи қарор топади, бу сулола унинг асосчиси Ал – Муҳтож номи билан боғлиқ. IX асрнинг охири чорагида эса бу жойларни Муҳтожийлар сулоласидан бўлган амирлар бошқарган.

### 3 – МАВЗУ. ЎРТА ОСИЁ СУЛОЛАЛАРИ IX – XIII АСРЛАРДА.

2– маъруза.

Қорахонийлар сулоласи томонидан Мовароуннахрнинг эгалланиши ва Сомонийлар сулоласининг тугатилиши.

Ғазнавийлар сулоласининг сиёсий куч сифатида майдонга келиши.

Мовароуннахр ва Хуросон Қорахонийлар ва Ғазнавийлар сулоласи бошқаруви даврида.

4. XI асрнинг ўрталарида Мовароуннахр ва Хуросондаги сиёсий аҳвол.

5. Ғазнавийлар ва Салжукийлар ўртасидаги сиёсий кураш ва унинг оқибатлари.

6. Салжукийлар сулоласи ҳукмронлиги даврида Ўрта Осиё.

7. Қорахитойларнинг Мовароуннахрга ҳужуми ва уларнинг марказий ҳокимиятни қўлга киритиши.

Адабиётлар.

Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. –Т., “Шарқ”, 2000, 103 – 113, 113 - 123 б.

2. Асқаров А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. – Т., “Университет”, 2007 йил, 85, 250 - 2523б.

3. Абдулқарим Сотуқ Буғраҳон (\*95 – 955 йй) – Қорахонийлар давлатининг асосчиси. Ўзбек совет энциклопедияси. –Т., “Ўзбек совет энциклопедияси бош редакцияси” 1971, 1- жилд, 14 б.

4. Аннаев Т.Ж. ва Шайдуллаев Ш.Б. Термиз ва Чағониён IX – XIII асрларда. Сурхондарё тарихидан лавҳалар. – Т., “А. Қодирий”, 1997, 63- 67 б.

5. Караев О. История Караханидского каганата. 1983, с. 1 – 114.

6. Б. Кочнев. Қорахонийлар давлати. Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари. – Т, “Шарқ”, 2001, 72 – 93 б.

7. Насимхон Раҳмон. Турк хоқонлиги. – Т., “А. Қодирий”, 1993, 98 б.
8. Наршахий. Бухоро тарихи. Сомонийлар ва уларнинг насаби ҳақида. – Т., “Камалак”, 1991, 132, 146 – 165 б.
9. Низомулмулк. Сиёсатнома ёки сияр ул – мулк. – Т., “Адолат”, 1997, 51, 54, 70, 77, 89, 105, 107 – 108, 118, 121, 129 – 130, 146, 148, 154, 228 – 229, 239, 243, 247 – 248 б.
10. Наим Норқулов. Сомонийлар давлати. Жамият ва бошқарув. 2000, 1 – сон, 24 – 27 б.
11. Чағониён тарихи. – т., “Ислом университети”, 2002, 57 - 58 б.
12. Материалы по истории Ср. и Центральной Азии X – XII вв. – Т., 1988.
13. Э. Ртвеладзе. Ғазнавийлар давлати. Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари. – Т, “Шарқ”, 2001, 62 – 72 б.
14. С.Н.Турсунов, Э.О. Қобилов. Сурхондарё тарихи. –Т., “Шарқ”, 2000.
15. Фирдавсий Шохнома. – Т., “Ғ. Ғулум”, 1977, 3 – китоб, 622 – 624 б.
16. Б. Эшов. Хоразмшоҳлар давлати. Ўзбек давлатчилиги тарихи. – Т., “Маърифат”, 2009, 1 – қисм, 232 – 256 б.
17. Ўзбекистонда ҳарбий иш тарихидан. – Т., “Шарқ”, 2013, 60 – 70 б.
18. Қориев Мақсуд. Ғазнавийлар (Тарихий роман). – Т., “Шарқ”, 2007, 3 – жилд, 3 – 254 б.
  1. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. –Т., “Шарқ”, 2000, 113 - 134 б.
  2. А.Асқаров. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи (Ўғуз салжуклари). – Т., “Университет”, 2007 йил, 262 - 264 б.
  3. Агаджанов С. А. Сельджукиды и туркмения в XI – XII вв. –Т., 1973. с. 73 – 74.
  4. Агаджанов С. А. Очерки истории огузов и туркмен Ср. Азии IX – XIII вв. 1969 с. 179 – 180.
5. Аннаев Т.Ж. ва Шайдуллаев Ш.Б. Шимолий – Ғарбий Тоҳаристон илк ўрта асрларда (мил. V – VIII асрлар). Сурхондарё тарихидан лавҳалар. – Т., “А. Қодирий”, 1997, 65- 66 б.
6. Бегматов А.. Қорахитойлар. Жамият ва бошқарув. 2009, 4 – сон, 41 – 43 б.
7. Кочнев Б. Қорахонийлар давлати. Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари. – Т, “Шарқ”, 2001, 72 – 93 б.
8. Материалы по истории Ср. и Центральной Азии X – XII вв. – Т., 1988.
9. Марат Гурт. Жестокий и славный Санджар. – “Terra incognita.” 2007, всего стр. 4
10. Низомулмулк. Сиёсатнома ёки сияр ул – мулк. – Т., “Адолат”, 1997, 163, 247 б.
11. Салжуқийлар. Жаҳон тарихи. 7 – синф учун дарслик. – Т., “Шарқ”, 1999, 172 – 174 б.
12. Салжуқийлар давлати. Ўзбек Совет Энциклопедияси. – Т., “Ўзбек Совет Энциклопедияси бош редакцияси”.1977, 9 – жилд, 451 б.
13. Ртвеладзе Э. Ғазнавийлар давлати. Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари. – Т, “Шарқ”, 2001, 62 – 72 б.
14. Улуғбек. М. . Тўрт улус тарихи. – Т., “Чўлпон”, 1994, 115 б.
15. Эшов Б. Хоразмшоҳлар давлати. Ўзбек давлатчилиги тарихи. – Т.,

“Маърифат”, 2009, 1 – қисм, 244 – 256 б.

16. Эшов Б. Ғазнавийлар ва Салжуқийлар. Ўзбекистон давлатчилиги тарихи. – Т., “Маърифат”, 2009, 1 – қисм, 244 – 256 б.

17. Ўзбек совет энциклопедияси. – Т., “Ўзбек совет энциклопедияси бош редакцияси”, 1977, 9 – жилд, 451 – б.

18. Ўзбекистонда ҳарбий иш тарихидан. – Т., “Шарқ”, 2013, 60 – 63 б.

1) X – асрнинг иккинчи ярмидаги саъй – ҳаракатлар натижасида Қорахонийлар шарқий йўналишда Балхаш кўли – Черчен дарёсигача (Шарқий Туркистон) бўлган ерларни бўйсундиришга муваффақ бўлиб, ғарбий йўналишда эса Исфижоб, Ўзганд, Мурғоб дарёси қуйи оқимларигача бўлган ҳудудларни ўз таъсир доираларига киритиб оладилар. Ҳарбий сиёсий мавқеиларини мустаҳкамлаб ва кенгайтириб бораётган қорахонийлар учун энди янада ғарбга силжиб Самарқанд ва Бухоро вилоятларини ҳам бўйсундиришга ҳаракат қилиши табиий эди. Бу пайтда уларнинг минтақадаги сиёсий рақиблари бўлмиш сомонийлар сиёсий маркази худди шу маконда жойлашган эди. Ушбу мақсад йўлидаги биринчи уриниш 992 йили рўй берди. Шу йили Қорахоний Буғрохон сомоний Нух ибн Мансур (976 – 997 йй) билан жангда ғолиб келиб Бухорони ишғол қилишга муваффақ бўлди. Аммо бу ютуқ вақтинчалик бўлиб тез орада Буғрохон орқага қайтиб кетишга мажбур бўлди. Фақат 999 йилга келибгина Қорахонийлар яна бир бор Бухорони босиб олишга муваффақ бўлдилар.

1005 йилга келиб сомонийлар сиёсий сахнадан бутунлай тушиб кетдилар ва шу даврдан бошлаб Қорахонийлар энди Бухоро, Самарқанд ва умуман Амударёгача бўлган ҳудудларни ҳам бошқара бошладилар. Бошқача қилиб айтганда, XI аср бошларида Туркистон бир қанча сиёсий кучлар томонидан идора этилган. Шарқий Туркистон, Тошкент, Исфижоб, Фарғона, Самарқанд, Бухоро, Чағониён ва Хутталон вилоятлари қорахонийлар, Амударёнинг чап қирғоғидаги ерлар то Ғазнавийлар, Хоразм эса Хоразмшоҳлар, Орол денгизидан шарқ ва шимолдаги ерлар ўғизлар иттифоқи томонидан бошқарилад эди.

Бу даврда ягона мамлакат ва катта минтақанинг бир қанча сиёсий маконларга бўлиниши, унинг ички ва ташқи хавфсизлигига путур етказиши, сиёсий кучлараро зиддиятлар келиб чиқишига олиб келиши турган гап эди. Худди шундай бўлди ҳам. Масалан, 1008 йили қорахонийлар ва ғазнавийлар ўртасида ҳарбий тўқнашув Балх атрофида юз берди. Шуниси қизиқки, ўз вақтида яъни сомонийлар сулоласи ҳукмронлиги йилларида қорахонийлар ва ғазнавийлар ўзаро яқинлашув сиёсатини тутган эдилар.

Буни сиёсий манфаатлар орқали тушунтириш мумкин. XI асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб кучга кира бошлаган туркий сулолалардан яна бири – салжуқийлар билан кескин муносабатда бўла бошладилар. Маълумки, XI асрнинг 40 йилида ғазнавийларни мағлубиятга учратиб, 1050 йиллардан эса Хуросондан Бағдодгача бўлган ҳудудни ўзларига бўйсундиришга эришган эдилар. Минтақада ҳукмронликка интилиш борасидаги бу иккала сулола ўртасидаги курашнинг амалий кўриниши сифатида 1089 йил воқеаларини

келтириш мумкин.

### Қорахонийлар

Абдулкарим Сотуқ Буғрохон Қорахонийлар (859 – 955 йй) давлатининг асосчисидир. Ўрта Осиёда сомонийлар сулоласидан ҳокимиятни олган Элек Носир ибн Алининг катта бобосидир. Баъзи ривоятга қараганда у Қашғарга савдо қарвони билан келган Ҳожи Абу Наср Сомоний воситаси билан ислом динини биринчи бўлиб қабул қилган. У ислом динини қабул қилишни ўша вақтдаги Тибет ва Хитой босқинчиларига қарши туришнинг ягона воситаси деб билди. Шу асосда тарқоқ турк қабилаларини бирлаштиришга ҳаракат қилди. 880 йилда Тарим водийсини тибетликлар таъсиридан чиқариб. Лўп, Чарчан, Хўтан ва Кучор шаҳарларини бирлаштириш йўли билан “Қорахонийлар” давлатига асос солди. Бу ҳаракат унинг ворислари Мусо Буғрохон, Эсон Буғрохон ва Хорун Буғрохонлар даврида ҳам давом этди.

Ёркент, Боласоғун аҳолиси ва Қорлуқлар қаршиликсиз мусулмон бўлишди. Аммо Кучор, Хўтан ва Турфон аҳолиси қаршилик кўрсатди. Абдулкарим Сотуқ Буғрохон Хўтанни ишғол қилди. Кучор ва Кенгит(Қора шаҳар) ни ҳам забт этиб. Илибалиқдаги уйғурларга ҳужум қилди. Уйғурлар эски динидан чиқмаслик шарти билан Қорахонийларга итоат қиладиган бўлди. Абдулкарим Сотим Буғрохоннинг қабри Қашғарнинг Остин Ортуш мавзуидадир.

2) Ғазнавийлар сулоласининг асосчиси Амир Нуриддин уд – давла Сабуктегин Ғозий келиб чиқишига кўра туркий қавмга мансуб эди. Тахминларга кўра Сабуктегин Иссиқкўл бўйидаги ҳукмдори қарлуқ уруғидан бўлган Барсхон деган жойда туғилган. Шундан келиб чиқиб, В. В. Бартольд Сабуктегиннинг ўзи ҳам қарлуқ уруғидан бўлган, деб ҳисоблайди. Бошқа бир туркий қabila тухси билан бўлган уруш вақтида у асирга олинади ва Чочдаги куллар бозорида сотилади. В. В. Бартольд томонидан илгари сурилган бошқа бир фикр ҳам мавжуд; унга кўра асир олинган Сабуктегинни Нишопурга олиб борадилар ва уни амир Алптегин сотиб олади. Ниҳоят Ш. Шиффер Сабуктегин Туркистонда қўлга олинган, кейин уни Бухорога олиб борганлар ва у Наср Ҳожи исмли савдогар томонидан сотиб олинган, деб ҳисоблайди.

Бу даврга келиб турк ғуломлари орасидан чиққан Алптегин, Афғонистоннинг жанубий – шарқида жойлашган, пойтахти Ғазна бўлган, катта эркинликка эга бир вилоятнинг ҳокими. Сомонийлар давлатининг мансаблар поғонасида кўзга кўринган ўринни эгаллаган эди. Бу ҳудудни у 963 йилнинг 14 январида жанг қилиб қўлга киритган эди. Шундан кейин у сомонийлар амири Мансур бинни Нухнинг ўзига қарши юборилган кўшинини тор - мор қилди ҳамда Буст ва бошқа шаҳарларни ўз мулкига кўшиб олди. Алптегин худди шу 963 йили вафот этди. Лекин ҳали унинг ҳаётлигидаёқ фавқулодда қобилиятлари туфайли у қачонлардир сотиб олган кул Сабуктегин катта нуфузга эга бўлган эди.

977 йилнинг 20 апрелида Сабуктегин Ғазна вилоятининг амири этиб тайинланади. Бу вилоятни у сомонийлар давлатининг ноиб сифатида бошқаради. X асрнинг охирида 994 – 995 йилларда Хуросонда бўлиб ўтган икки жанг сомонийларнинг Нух II бинни Наср ва Сабуктегин бошчилигидаги

бирлашган қўшин исён қўтарган саркардалар - Абу Али ва Фоикни тор – мор келтириш жараёнида Сабуктегиннинг сиёсий нуфузи ошди ва мулки кенгайди. Бунинг натижасида Сабуктегин Амударёнинг жанубидаги сомонийларга қарашли бутун ҳудуднинг соҳибига айланди.

Ғазнавийлар давлатининг ҳақиқий асосчиси бўлган Сабуктегин 997 йилда вафот этади. Вафотидан бир оз олдин у кутилмаганда 994 йилдаёқ ҳарбий жасорати учун “Сайф – уд давла“ (“Салтанат қиличи”) деган фахрли номга сазовор бўлган катта ўғли Абулқосим Маҳмуд қолиб, кичик ўғли Исмоилни ўзининг валиаҳди деб тайинлайди. Исмоилнинг ҳукмдорлиги бор – йўғи етти ой давом этиб, 998 йили Маҳмуд томонидан тахтнинг эгалланиши билан ниҳоясига етади.

Айнан илмий адабиётларда кўпинча Маҳмуд Ғазнавий деб юритилган Абулқосим Маҳмуд (998 – 1030 йй) ҳукмронлиги даврида у томонидан олиб борилган кенг қўламдаги истилочилик сиёсати натижасида 1186 йилгача – 200 йилдан ортиқ ҳукм сурган ва фаолиятига Ғурийлар нуқта қўйган буюк ғазнавийлар давлати барпо этилди. Маҳмуд Ғазнавий ҳукмронлигидаги юксалиш даврида унинг чегаралари ғарбда ва шимоли – ғарбда Рай ва Исфохон шаҳарлари ҳамда Орол денгизи билан бирга Ғарбий Эронгача чўзилган, жанубий – шарқда эса, шимолий Ҳиндистоннинг каттагина қисмини ўз ичига олган эди.

В.В. Бартольднинг маълумотларига кўра Маҳмуд Ғазнавий ҳижрий 389 йил зулқаъда ойида - милодий 999 йилнинг октябрь – ноябрь ойларида тантанали равишда тахтга ўтирган. Бошқа тадқиқотчилар жумладан, К.Э. Босфорт эса бу воқеа ҳижрий 388 милодий 998 йилда содир бўлган, деб кўрсатади. Бу даврда Маҳмуд халифа Муқаддирдан Хуросонни бошқариш учун ёрлик ҳамда “Ямин ад – давла ва амин ал – милла” (“Салтанат таянчи ва мусулмонлар жамиятининг ишончли вакили”) фахрий унвони билан тақдирланди. Ғазнавийлар давлати чегараларини кенгайтиришга қаратилган ўз сиёсатини Маҳмуд Ғазнавий 998 йилнинг бошидаёқ Жанубий Тоҳаристон ҳудудини узил – кесил ўз мулкига қўшиб олиш билан амалга ошира бошлади.

Шундан кейин у сомонийларнинг Хуросондаги барча вилоятларига кўз тикади. Бу даъвосини у ўша йилнинг ўзидаёқ Нишопур шаҳри билан биргаликда бутун Хуросонни истило қилиш орқали амалга оширди. Лекин кўп ўтмай Ҳирот ва Бустни ўз қўлида сақлаб, ўзаро келишувга кўра сомонийлар саркардаси Бектузун фойдасига Нишопурдан воз кечди. 999 йил 16 майда Марв яқинида бўлган жангда сомоний саркардалар Фоик ва Бектузнинг бирлашган қўшинини тор – мор қилганидан сўнг бутун Хуросон узил – кесил Маҳмуд қўл остига ўтди. Шу йилнинг ўзида Буғрохон Хорун сомонийлар пойтахти Бухорони босиб олди. Қарийиб бутун Мовароуннаҳр Қорахонийлар таъсирига тушиб қолди. Тахминан шу вақтдан бошлаб Шимолий Тоҳаристон устида назорат ўрнатиш учун кураш борасида Қорахонийлар ва ғазнавийларнинг манфаатлари ўзаро тўқнаша бошлади.

Чағониён ва Термиз Маҳмудга бўйсунгани, бу ерларда у ҳокимият тепасига маҳаллий сулола вакилларини қўйганлиги хусусида ёзма манбалар маълумотларига асосланган фикрлар мавжуд. Аммо нумизматик

маълумотлар ўзгача манзарани намоён этади. Ҳозирги кунда 1004 – 1005, 1023 – 1024 йилларга мансуб Чағониён дирҳам ва фалъслари маълум. Уларда маҳаллий ҳокимлар билан бир қаторда сюзерен ( сюзерен – вассал давлатлар қарам бўлган йирик ёки кучли давлат) сифатида фақат қорахоний ҳукмдорларнинг номлари эслатилади. Маҳмуд Ғазнавий номи уларда учрамайди. Бу ҳол Чағониён ўша даврда шубҳасиз қорахонийларнинг вассали бўлганлигидан далолат беради.

Тахмин қилиш мумкинки, Чағониён қорахонийлар ва ғазнавийлар давлатлари ўртасидаги ўзига хос буфер ҳудуд ролини ўйнади ва унинг сиёсий мавқеида ҳам ўз аксини топди. Қорахонийларнинг кучайиши чағониёнлик ҳокимлар томонидан улар ҳокимиятининг тан олиншига сабаб бўлди. Қорахонийларнинг заифлашиши ва Ғазнавийлар мавқеининг кучайиши бу вилоятларнинг қорахонийларга қарамликдан қутилишига олиб келди. Манбалардан маълум бўлишича Амударё воҳаси, стратегик жиҳатдан жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган Термиз шаҳри ҳам Маҳмуд Ғазнавий қўл остида бўлган.

Бу ерда бевосита ғазнавийлар томонидан ноиб ва қалъа кутволи тайинланган. Бу ғазнавийларга Амударё орқали ўтадиган асосий кечувлар ҳамда Темир дарвоза ва Термиз орқали М. Осиёдан Ҳиндистонга олиб борилган муҳим савдо йўлини назорат қилиш имконини берди. Бизга маълумки, ғазнавийлар ва қорахонийлар ўртасидаги шимолий чегара сифатида Амударё эътироф этилган. Лекин бу шартли чегара қорахонийлар томонидан бир неча марта бузилган. 1008 йил 4 январь якшанба куни Балх шаҳри яқинида бўлган жангда Маҳмуд Ғазнавий томонидан қорахонийлар қўшинининг тор – мор этилиши билан уларнинг Хуросонга қилиб турадиган хужумларига вақтинча чек қўйилган эди.

1017 йилнинг июнида Маҳмуд қўшини Хоразмга йўл олди. Маҳмуднинг иттифоқчиси, унинг синглисига уйланган хоразмшоҳ Абулаббос Маъмуннинг ўлдирилиши ва исёнчилар томонидан тахтга Маъмуннинг жияни Абулҳорис Муҳаммад Аминнинг ўтқазилиши бу юришга расмий сабаб бўлди. 1017 йилнинг 3 июлида Маҳмуд қўшини хоразмни олди ва хоразмликлар ғалаёнини шафқатсизлик билан бостирди. Ёш хоразмшоҳ Абулҳорис Муҳаммад Амин Ғазнага олиб кетилиб қалъага қамаб қўйилди. Унинг ўрнига Маҳмуд бош ҳожиб Маҳмуд Олтинтошни тайинлади. У Маҳмуддан икки йил кўп яшаб 1032 йилгача хоразмни бошқарди.

Олтинтош кўп жиҳатдан мустақил сиёсат юргизди, лекин бутун умри давомида ўзининг ғазнавий султонлар – аввал Маҳмуд кейин унинг ўғли Масъуднинг ноиб ҳисоблаб келди ва ҳарбий юришларда уларни қўшинлар билан қўллаб – қувватлаб турди. Хоразмнинг қўлга киритилиши Маҳмуднинг Мовароуннаҳрдаги мавқеини мустаҳкамлади. Унинг 1025 йилдаги Самарқандга юриши ҳам бу борада муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бу юриш вақтида у Қодирхон билан бошқа қорахоний ҳукмдор Алитегинга қарши йўналтирилган иттифоқчилик шартномасини тузди.

Маҳмуд Ғазнавийнинг ғарбдаги истилочилик ҳаракатлари 1002 йилдан Сеистонни ўз мулкига қўшиб олиши билан бошланди. Кейин у Рай ва

Исфахонни босиб олди. Узоқ қаршиликдан сўнг 1010 – 1011 йилларда эса Афғонистоннинг шимолидаги тоғ вилояти Ғурни қўлга киритди. Маҳмуднинг жанубий – шарқдаги ҳарбий ҳаракатларининг асосий объекти Шимолий Ҳиндистон бўлди. Бу ерга у 1002 – 1026 йиллар мобайнида кофирларга қарши “муқаддас уруш” шиори остида 15 мартадан ортиқ юриш қилди.

Султон Маҳмуд умрининг охирларида у томонидан барпо этилган пойтахти Ғазна бўлган давлат ғарбда Исфахон ва Каспий денгиздан шарқда Шимолий Ҳиндистонгача (унинг ўзи билан бирга), шимолда Хоразмдан жанубда Белужистонгача бўлган катта ҳудудни ўз ичига олиб, ўша даврнинг йирик мусулмон давлатига айланди. Лекин Маҳмуднинг ўғли ва валиаҳди Масъуд ҳукмронлиги даврида (1030 – 1041 йй) ғазнавийлар давлати ўз қўл остидаги ҳудудларни бирин – кетин қўлдан чиқара бориб, таназзулга юз тута бошлади.

Ғазнавийларнинг асосий рақиблари салжуқийлар бўлди. Ёзма манбалар, хусусан “Ахбор уд давлат”, Байҳақийнинг “Таърихи Маъсудий” асарлари ва янги нумизматик маълумотлар салжуқийлар томонидан илгари ғазнавийларга қаршли бўлган ҳудудларнинг бирма – бир босиб олиниши ва Амударё ортидаги вилоятлардаги сиёсий вазиятни аввалгига қараганда бирмунча аниқ кузатиш имконини беради. Ғазнавийлардан биринчи бўлиб Хоразм ажралиб чиқди. Унинг ҳукмдори Олтинтош мустақил ички ва ташқи сиёсат юргизган бўлса –да, Султон Масъудга очикдан – очик қарши чиқишга журъат қилмаган эди.

1032 йилда Олтинтош вафот этгач, султон Масъуд унинг ворисларини ҳокимиятини чеклаш чора – тадбирларини кўрди. Хоразмшоҳ унвони Масъуднинг ўғли Саидга берилди. Олтинтошнинг ўғли Ҳорун эса, бор – йўғи шаҳзоданинг Хоразмдаги вакили бўлиб қолди. Бу Ҳоруннинг жиддий норозилигига сабаб бўлди. 1034 йилнинг баҳорида Ҳорун Ғазнавийларга қарши исён кўтарди. Бунга унинг сарой таъминотчиси бўлган акасининг султоннинг гўёки олдиндан ркжалаштирилган хатти – ҳаракатлари натижасида ўлганлиги расмий сабаб бўлди. Ҳорун салжуқийлар ва Қорахонийлар Алитегини билан дўстона алоқалар ўрнатиб, Хоразмни ғазнавийлардан мустақил деб эълон қилди ва Султон Масъуд номига хутба ўқишни бекор қилиш тўғрисида буйруқ берди.

Қорахонийлар ва ғазнавийлар ўртасида шимолий Амударё орти вилоятларини эгаллаш учун кескин кураш борди. Тарихчи Байҳақий Чағониён, Хутталон ва Термизнинг ғазнавийлар тасарруфида бўлганлигини қайд этган ҳолда, бу ерда кечган ҳодисаларнинг батафсил таърифини келтирса – да, Е.А.Давидов томонидан аниқланган нумизматик маълумотлар бир мунча бошқача манзарани намоён қилади. Демак, агар Термиз ва Хутталон ҳақиқатда ҳам Масъуд Султонга бўйсунган бўлса, у ва маҳаллий ҳоким Абу Асаднинг номидан чиқарилган дирҳамлар шундан далолат беради.

Чағониёнда бир мунча мураккаб вазият ҳукм сурган. 420 (1029 йил) ва 421 (1029 – 30 йй) йилларда бу ерда Наср, 424 (1032 – 33 йй) 428 (1042 – 43

йй) йилларда эса Қорахоний Иброҳим б. Наср (Бўйритегин) номидан дирҳамлар зарб қилинган. Бу маълумотлар асосида Е.А.Давидович шундай хулосага келади. Байҳақий маълумотларига кўра Абулқосим султон Масъуднинг куёви бўлган ва ғазнавийлар кайфиятига қараб иш тутган бўлса – да, ҳақиқатда Чағониён унинг даврида ғазнавийларга ҳам, қорахонийларга ҳам бўйсунмайдиган мутлақо мустақил вилоят эди.

1040 йилнинг май ойида Данданакон яқинида бўлган жангда султон Масъуд қўшини салжуқийлар томонидан узил – кесил тор – мор қилинди. Шундан кейин ғазнавийлар Хуросонни бутунлай қўлдан чиқардилар. Масъуднинг ўзи эса, Ғазнага қочди ва фитначилар томонидан ўлдирилди. Тахтга Масъуднинг ўғли Маъдуд (1041 – 1048 йй) Муҳаммаднинг қўшинини енгиб, уни ўлдирди ва ўзи ғазнавийлар давлатининг ҳукмдори бўлиб олди. Ғазнавийларнинг Данданакон яқинидаги мағлубиятининг сабабларидан бири салжуқийларнинг 430 (1038 йил) йилда Балх, Жузжон ва Хутталонни босиб олган Чағрибек Довуд давридаёқ бошланган Тоҳаристонга тобора катта куч билан суқилиб кириши бўлди.

Кўп ўтмай, Чағрибек Довуд бошчилигидаги салжуқийлар қўшини Термизни қамал қилди ва қўлга киритди. “Ахбор уд – давлат” асарининг маълумот беришича, Термизни қўлга киритганидан кейин Чағрибек Довуд ўзининг кичик ўғли Алп - Арслонни Балх, Тоҳаристон, Термиз, Кубодиён, Вахш ва Валвалиж ҳукмдори қилиб тайинлади. Ушбу воқеа ортидан “Ахбор уд – давлат” асарида айтилишича салжуқийлар томонидан 435 (1043 йил) йилда Хоразмнинг забт этилгани ҳақидаги маълумот келтирилади. Шунинг учун тахмин қилиш мумкинки, худди шу йилнинг ўзида Алп Арслон Амударёнинг юқорисидаги вилоятларнинг ҳам ҳукмдори бўлган.

Ғазнавийлар ва салжуқийларнинг Термиз ва сағониён учун олиб борган курашлари ҳақидаги масалага нумизматик маълумотлар муҳим ойдинлик киритади. Жумладан, ғазнавий султон Маъдуд томонидан зарб қилинган 433 (1041 – 1042 йй) йиллардаги Термиз ва 434 (1042 – 1043йй) йиллардаги Сағониён дирҳамлари аниқланган. Шунингдек, Алп Арслон томонидан зарб қилинган Сағониён дирҳамлари 444 (1048 – 1049 йй) йилда ва чиққан даври шартли равишда ҳижрий 462 тўғрироғи, 442 (1050 – 1051 йй) йил деб белгиланган Вахш дирҳамлари аниқланди. Яъни улар Сағониён дирҳамлари каби Алп Арслон 1063 йилда салжуқийлар далагининг бошида бўлгунига қадар зарб қилинган.

Шундай қилиб, 435 (1043 – 1044 йй) йилдан бошлаб Амударёнинг юқори қисмидаги вилоятларда, бу ерлардаги ғазнавийлар ва қорахонийлар ҳокимиятини ағдариб мустаҳкам ўрнашиб олдилар. Тўғри султон Маъдуд ғазнавийларнинг бу вилоятлардаги ҳукмронлигини тиклаш учун бир неча марта уриниб кўрди, лекин ҳижрий 434 (1043 йил августи) йилнинг августида салжуқийлар қўшини ғазнавийларни бутунлай тор – мор этди. Султон Маъдуднинг бу вилоятларни қўлга киритиш учун олиб борган кейинги уринишлари ҳам муваффақиятсиз якун топди.

Кетма – кет икки жангда салжуқийлар қўшинини мағлубиятга учратган ғазнавий Фаррухзод (1035 – 1059 йй) нинг ҳаракатлари бир мунча

муваффақиятли бўлди. Лекин, кейинчалик Алп Арслон ғазнавийларни енгишга муваффақ бўлди. Шундан сўнг улар ўртасида ўзаро битим тузилди. Битимга кўра ғазнавий ва салжуқийлар “ўз мулкларида мустақил хукмронлик қилишлари ва бегона ҳудудларни қўлга киритишга қаратилган ҳаракатларини тўхтатишлари лозим” эди. В.В.Бартольднинг маълумотига кўра Балхнинг узил – кесил салжуқийларга бўйсунishi фақат 1059 йилда Чағрибек Довуд ва ғазнавий султон Иброҳим ўртасида имзоланган битимдан сўнг содир бўлди.

Ушбу битимдан сўнг ғазнавийлар Мовароуннаҳр ва Тоҳаристонга бўлган ҳар қандай ҳуқуқларини йўқотдилар. Уларнинг ҳудуди Ғазна тумани ва Шимолий Ҳиндистоннинг бир қисми билан чекланиб қолди. Бу ҳудуд секин - аста қисқариб борди. 582 (1186 йил) йили ғурийлар сулоласидан бўлган Ғиёсиддин Муҳаммад қўшини бу вақтга келиб Панжоб вилояти билангина чекланиб қолган ғазнавийлар ҳокимиятини узил – кесил тор – мор қилди.

Хулоса сифатида айтадиган бўлсак. Мовароуннаҳрда 30 – 40 йил хукмронлик қилганига қарамай, бу минтақа давлатчилиги тарихидаги муҳим босқични ташкил этади. Унинг вужудга келиши айна пайтда X аср охири XI аср бошларида пайдо бўлган бошқа давлатлар салжуқийлар ва қорахонийлар каби катта тарихий аҳамиятга молик воқеа Ўрта Осиёда туркий давлатчилиқнинг узил – кесил қарор топганини кўрсатади.

Фирдавсийнинг “Шоҳномасидан айрим сатрлар.

Кишварлар фотиҳи Маҳмуд подшо,  
Мендан кўрқмас эрсанг, худо бор, худо.  
Ўттуз йил меҳнату заҳматда қолдим,  
Форсийда ажамни тирилтиролдим.  
Сўзимдан жаннатдек безанди жаҳон,  
Мендан олдин бундай ким ёзмиш, қачон?  
Номамга бирор бир ташламай нигоҳ,  
Иғвогарга қулоқ солдингми, гумроҳ.  
Шеърим пастга урмоқ бўларкан иши,  
Фалақдан яхшилик кўрмас ул киши.  
Шундаймиди ваъда, шундаймиди дид.  
Шундаймиди жаҳон шоҳидан умид?  
Иғвогар кўрмасин яхшилик юзин,  
Ёмонга бурибди яхшилик сўзин.  
Шоҳга кўрсатмиш ул турқимни хунук.  
Ёлқинли чўғимни кўмирдек совуқ.  
Жаҳондор бўлмаса бунчалик хасис,  
Мени ҳайдамасди тахтидан олис.  
Мамлакат бошига хасис чиқмасин,  
Мардларга хасислик асло юқмасин.  
Шоҳдан кўп олисда донолик бахти,

Йўқса, жойим бўлар эрди шоҳ тахти.  
Аждодлари тождор бўлмаган подшо.  
Тождорлар ишини қилолмас асло.  
Шоҳлардан бўлсайди бу шоҳга падар.  
Кийгизган бўларди менга тожи зар.  
Мабодо онаси бўлсайди хондан.  
Тиллога кўмарди мени нақ сондан.  
Улуғлар зотидан бўлмаган – чун шоҳ,  
Улуғлар номидан бўлар дил сиёҳ.  
“Шоҳнома” деб чекдим ўттиз йиллик ранж,  
Шоҳимдан кутардим шунга лойиқ ганж.  
Қилур деб жаҳонда мени бениёз,  
Улуғлар қатори этар сарафроз.  
Ҳаққимга хазина эшигин очиб,  
Айрон пулин берди, менга ганж сочиб.  
Айрон пули бўпти менинг қийматим,  
Йўлга айрон олдим, кетар соатим.  
Кўрқитдинг; “Устига қўйинглар, деб фил,  
Танин эзиб ташланг бамисоли Нил!”  
Дилим поклигидан билмадим кўрқув,  
Набию Алийнинг йўлидир орзу.  
Агар шоҳ Маҳмуд билмаса буни,  
Ақл бир арпага олмайдир уни.  
Таги паст дунёдан пастликча ўтар,  
Отаси подишо бўлса ҳам агар.  
Унинг пастлигидан бошласам сухан;  
Бепоён дарёдек оқади чечан.  
Арзимас кишини этиб сарафроз,  
Яхшилик кутмаклик ундан кўпми – оз,  
Калаванг учини йўқотмак демак.  
Қўлингда илонни уйғотмак демак.  
Аччиқ мевали бир дарахтни агар,  
Жаннатнинг боғига кўчат қилсалар,  
Ковсардан сув ичса чанқаган маҳал,  
Сув эмас берсалар шарбату асал,  
Етилгач ҳосил ҳам беради охир.  
Ва лекин меваси бўлади тахир...  
Ҳар ким ўтса анбарфуруш ёнидан  
Анбар иси келар бўз чопонидан.  
Кўмирчи ёнидан ўтсанг мабодо.  
Қаро юқтирасан, қаролик, қаро.  
Зоти пастларга ҳеч умид боғлама,  
Қаро тун оқармас дилинг доғлама,  
Жаҳонгирнинг номи бўлганида пок,  
Билимдонлар дили бўлмас эди чок.

Ранжиган шоир ҳажв яратса агар,  
Янграр у қиёмат кунига қадар.

3) Ўрта ва Яқин шарқда салжуқийлар сулоласи бошқарган феодал давлат. Салжуқий турклар XI асрнинг 30 – йилларида ҳарбий хизматлари эвазига Хуросонда ғазнавийлардан мулклар оладилар. 1038 йил улар Нишопурни эгаллаб, ўз раҳбарлари Тўғрулбекни султон деб эълон қилдилар. Секин – аста Салжуқийлар бутун Хуросонни (1038 – 1044 йй) Хоразмни (1043 й) бўйсундириб, Ғарбий Эрон (1042 ва 1051 йиллар орасида), Озарбайжон (1054 й) ва Ироқни (Бағдод билан бирга, 1055 й) босиб олдилар. Аббосийлар халифаси Тўғрулбекни султон ҳамда “Шарқ ва ғарбнинг подшоҳи” деб тан олишга мажбур бўлди.

Тўғрулбек Райни, унинг укаси Чағирбек Марвни ўзларига пойтахт қилдилар. Алп Арслон (1063 – 1072 йй) ва Маликшоҳ I (1072 – 1092 йй) ҳукмронлиги даврида Салжуқийлар Арманистонни эгалладилар, византияликларни енгиб (1071 й), бутун Кичик Осиёни (1071 – 1081 йй) кейинчалик Сурия ва Фаластинни босиб олдилар. Улар Грузия, Ширвон ва Мовароуннаҳрни ўзларига бўйсундириб, у ерлардаги ҳукмдорларни ўз вассалларига айлантирдилар. Салжуқийлар кўшинлари Арабистон ярим оролидаги Яман ва Баҳрайн ерларини ҳам ўз тасарруфига олдилар. 1074 йили Термиз, Бухоро, Самарқанд, кейинчалик Фарғонани ҳам эгалладилар. Маликшоҳ I ҳукмронлиги даврида Салжуқийлар давлати ҳарбий – сиёсий жиҳатдан жуда кучли бўлган. Бу вақтда пойтахт Исфаконга кўчирилган.

XI аср охиридан бошлаб, Салжуқийлар давлати таназзулга учрай бошлади. Чунки биринчи салиб юриши натижасида Салжуқийлар давлати Грузия, Ширвон ҳамда Кичик Осиёнинг қирғоқ бўйи худудларидан, Сурия ва Фаластиннинг бир қисмидан ажралди. Феодал тарқоқлик кучайди, вассаллар мустақиллик учун кураш бошлади. Тўғрулбек ўз авлодларига йирик мулклар туҳфа қилган эди. Уларнинг баъзилари султонликлар тузиб, мустақил бўлиб олдилар. Кермон султонлиги (1041 - 1187 йй), Сурия султонлиги (1074 – 1117 йй), Кўня султонлиги (1077 – 1307 йй) шулар жумласидан. Салжуқий султонлар Ўғуз ва бошқа кўчманчи қабила бошлиқлари ва оддий аскарларга ҳам иқтоълар инъом қилдилар.

Катта – катта мулкларга эга бўлган иқтоъдорлар мустақил бўлишга ҳаракат қилдилар. Натижада султонлар кучли марказлашган давлат тарафдори бўлган амалдорларга таянишга мажбур бўлди. Маликшоҳ вафотидан сўнг (1092 йил), унинг ўғиллари ўртасида тахт учун кураш авж олди. Унинг ўғиллари Маҳмуд (1092 – 1094 йй), Барқийроқ (1094 – 1104 йй), Маликшоҳ II (1104 – 1105 йй), Муҳаммад (1105 – 1118 йй) феодаллар ғалаёнларини бостириш билан бирга, исмоилийлар ҳаракатига қарши кураш олиб бордилар. Тахт учун кураш натижасида Салжуқийлар давлати иккига бўлинди. Ғарбий Эрон, Ироқ ва Озарбайжонни Ироқ султонлиги (1118 – 1194 йй) номи билан Муҳаммаднинг ўғли Маҳмуд бошқарди. Ҳамадонни пойтахт қилди. Хуросон, Сейстон, Хоразм ва Мовароуннаҳрда Маликшоҳнинг ўғли Султон Санжар (1118 – 1157 йй) (пойтахти Марв бўлган) ҳукмронлик қилди..

XII аср ўрталарида Қорахитойлар Ўрта Осиёга бостириб кирди.

Салжуқийлар билан қорахитойлар ўртасида бўлган жангда Санжар 30 минглик қўшинидан ажраб енгилди (1141 йил) ва Мовароуннаҳрдан маҳрум бўлди. XII асрнинг 50 – йилларида Балх яқинида кўчиб юрувчи ўғузлар солиқларнинг кўплигига қарши кўзғолон кўтариб, Санжар қўшинига қаттиқ зарба бердилар ва Санжарни асир олдилар (1153 йил). Ўғузлар Хуросонни таладилар. Марв, Нишопур ва бошқа шаҳарларни батамом вайрон қилдилар. 1156 Санжар асирликдан қочиб, қўшин йиғишга ҳаракат қилди. Санжар вафоти (1157 йил) дан сўнг салжуқийларнинг Хуросондаги ҳукмронлиги тугади. 1194 йили Хоразмшоҳ Такаш Ироқ султонлигини тор – мор қилди. Кўня султонлиги эса XIV асргача ҳукм сурди. Салжуқий турклар давлати ва Европа халқлари.

Туркий қабилалар дастлаб Византия империясининг Кичик асиёдаги вилоятларига милодий IV асрдаёқ кириб келганлар. Лекин Олд Асиёга салжуқийлар (Ўрта Асиёда Салжукбек асос солган сулола) бошчилигидаги ўғуз қабилаларининг кенг кўламдаги юришлари XI асрдан бошланган эди. Тез орада Византияга қўшни ерлардан; Эрон, Ироқ, Озарбайжон ва Шарқий Арманистон ерларини ўз ичига олган Буюк Салжуқийлар давлати пайдо бўлди. Ўзаро ички низолардан заифлашиб қолган Византия, тарихчилар ҳисоб – китобига кўра 1 млнга яқин аҳолиси бўлган кўчманчи қабилалар хужумига дош бера олмади. Император Роман IV Диогеннинг ўз давлати яхлитлигини сақлаб қолиш учун қилган ҳаракати ҳам натижа бермади. У тўплаган катта ёлланма қўшинни 1071 йили Ван кўли яқинидаги Манцинерт жангида салжуқийлар султони Алп Арслон (1063 – 1072 йй) қўшинини тор – мор қилди. Бу жангдан сўнг византияликлар қаршилиги янада сусайиб, турк қабилаларининг кенг оқими Кичик Асиёга қараб йўл олди.

2. Туркларда ижтимоий – иқтисодий тузум.

Ўрганилаётган даврда турк қабилалари уруғчилик тузуми инқирози ва феодал муносабатларининг пайдо бўлиш жараёнини бошидан кечирмоқда эдилар. Янги шаклланаётган феодаллар гуруҳи кўлида чорванинг асосий қисми ва яйловларни бошқариш ҳуқуқлари тўпланган эди. XI аср охирида Кичик Асиёни деярлик тўлиқ босиб олган ўғуз қабилалари бир неча майда амирликлар туздилар. Уларнинг ҳаммаси Салжуқийлар сулоласининг умумий ҳукмронлигини тан олган бўлсалар – да, мустақил сиёсат олиб борар эдилар.

Салжуқийлар давлатининг гуллаб – яшнаши XIII асрнинг биринчи ярмига тўғри келади. Бу даврда мамлакатда хўжалик инқирози тугаб, кўчманчи турклар ўтроқлашдилар. Улар маҳаллий аҳоли бўлган грек ва арманлар билан биргаликда деҳқончилик ва хунармандчилик билан шуғуллана бошладилар. Натижада XII – XIII асрлар давомида ижтимоий – иқтисодий муносабатлар ривожланиб, янги турдаги давлат шакллана бошлади. Мамлакатдаги феодал ер эгаллиги муносабатлари ва солиқлар тўплами Шарқдаги мусулмон давлатлариникидан деярли фарқ қилмас эди. Хўжалик муносабатларининг ўзига хос хусусиятларидан бири давлат

ерларининг кўп қисми маълум хизматлар эвазига – иктоъ сифатида инъом этилар эди. Ушбу ерлар меросга қолдирилиши мумкин бўлмасдан, у фақат хизмат муддати учун берилар эди. Турк султони девони хужжатлари форс тилида юритилар эди. Турк қабилаларининг ўтроқлашиши ва маҳаллий аҳоли билан аралашиси натижасида янги этник бирлик – турк халқи шакллана бошлади. Бу жараён XIII асрнинг 20 – 30 йилларида айниқса тезлашди. Фақат мўғул – татарларнинг босқини, 1243 йили Салжуқийлар кўшинининг тор – мор бўлиши, султонликнинг кейинги тараққиётига катта салбий таъсир кўрсатди.

Кичик Осиёдаги Салжуқийлар давлати XIV аср бошларида бутунлай парчаланиб кетди. Парчаланиб кетган салжуқийлар давлатида кўплаб бейликлар ташкил топди. Улардан бири Усмон бейлиги (1258 – 1326 йй) Кичик осиенинг шимолий – ғарбида, чегарага яқин Эскишаҳир ҳудудида тузилди. Бейликнинг кейинги тараққиётига унинг Византия империяси билан қўшни эканлиги ҳам қўл келди.

4). Ўрта Осиёдаги туркий халқлар давлатчилиги тарихида сезиларли роль ўйнаган, аммо тарихи деярли ёритилмаган халқлардан бири қора хитойлардир. Қора хитойлар Мовароуннаҳр ҳудудида XI аср ўрталарида пайдо бўлди ва атроф ҳудудларни бирин – кетин босиб ола бошлади. Ўша даврда қора хитойларга бас кела оладиган куч Мовароуннаҳр ҳудудида топилмади. 1141 йилда Катвон чўлида қорахонийлар ва Султон Санжарларнинг бирлашган қўшинлари устидан ғалаба қозонганларидан кейин улар Мовароуннаҳрда ёлғиз ҳукмрон бўлиб, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларини ҳам босиб олдилар. Хоразмшоҳ Отсиз эса уларга ҳар йили 30 минг динор миқдорида солиқ тўлаб турган. Хоразмшоҳ Отсиз сиёсатини унинг ўғли Эл Арслон 1158 йили Мовароуннаҳрда қорахитойлар билан тўкнашиб, қўли баланд келган ҳолда улар билан сулҳ тузган эди. Қора хитойлар Хуросоннинг шарқий қисмини, ҳозирги Афғонистон ҳудудини, Қошғарни ва Дашти Қипчоқнинг жануби – шарқий ҳудудларини ҳам эгаллаб олишди. Бу ҳудудда улар деярли 80 йил давомида тўла ҳукмронлик қилишди. Аловуддин Муҳаммад тахтга ўтирганидан кейингина хоразмшоҳлар қора хитойларга солиқ тўламай қўйишди. Этник ва сиёсий тарихимизда ана шундай жиддий роль ўйнаган, Ватанимиз ҳудудида бир асрга яқин вақт давомида ҳукмронлик қилиб, кейинчалик халқимиз таркибига сингиб кетган этнос тўғрисида ҳозир жуда кам маълумотга эгамиз. Мамлакатимизнинг турли ҳудудларида ҳозиргача учраб турадиган қора хитой номли қишлоқлар, маҳаллаларнинг мавжудлиги бундан деярли минг йил аввал юз берган воқеалар ва ушбу элнинг халқимиз таркибига сингиб кетгани акс садосидир. Чоп этилаётган рисола ва мақолаларда ана шу этноснинг тили, этнологияси, турмуш тарзи, маданияти ҳамда санъати тўғрисида ҳеч қандай маълумот учрамайди.

Қора хитойлар ҳақида антропология фани бу халқ ташқи кўриниши жиҳатидан мўғуллар ва хитойликлар сингари монголоид ирқига мансуб бўлмагани ҳақида гувоҳлик беради. Бу фан маълумотларига кўра қора хитойларнинг кўриниши қўшни халқлар; хитойликлар, мўғуллар,

тибетликларнинг ташқи кўринишига ўхшамаган. Уларда хитойликлар ва мўғулларда кўп учрайдиган кўсалик, яъни соқол ва мўйлабнинг йўқлиги ёки жуда сийраклиги учрамаган. Уларнинг соқол ва мўйлаблари ва сочлари қуюқ ва қора, кўзлари мўғуллар ва хитойликларники сингари кичик ва қисик эмас, катта ва қора бўлган; бурунлари эса қўшнилариники сингари кичик ва пучук эмас, балки қирғийбурун бўлган.

Қорахитойлар маданияти XI – XII асрларда жуда юксак бўлган. Бу даврда айниқса, император Жен - Сяо ҳукмронлиги даврида (XII аср) матбаачилик жуда ривожланган. Китоблар минглаб, ҳатто ўн минглаб тиражларда нашр этилган (бу тиражлар XXI аср нуқтаи назаридан қаралганда ҳам оз эмас). Қора хитойлар тарихини ўрганиш бўйича бошланган тадқиқотлар шуни кўрсатдики Марказий Осиёдаги дарёлардан бири - Наншань тоғларидан оқиб келадиган ва Шимолий Шарқ томонга йўналиб, Гоби саҳросига бориб тугайдиган Эдзин Гол дарёсининг қуйи оқимида Гашун – Нур ва Соғо – Нур номли суви шўр кўллар ҳосил бўлади.

Эдзин Голнинг қуйи оқимида ҳозирги Хитой ва Мўғулистон Халқ Республикаси чегараси яқинида Эдзина воҳаси жойлашган. Ҳозирги кунда қуриб қолган Эдзина дарёсининг шарқий томонида ўлик шаҳар қолдиқлари сақланиб қолган. Бу шаҳар ҳақидаги дастлабки маълумотларни Марказий Осиёни ўрганган рус тадқиқотчилари Г. Потанин ва Г. Грум – Гржимайлолар ёзиб қолдиришган. Г. Потаниннинг маълумотларига кўра, Эдзина дарёсидан бир кунлик масофада катта шаҳарнинг харобалари сақланиб қолган. Бу шаҳарни, кейинчалик эса унинг харобаларини мўғуллар Харо – хото деб аташган (мўғул тилида “Хара” сўзи “қора” ва “катта” маъноларини беради). “Хото” сўзи эса шаҳарни англатади). Бу шаҳар харобаларини рус тадқиқотчиси П. Козлов 1907 йилда ўргана бошлади.

М. Осиёда жойлашган воҳалар занжирида Хара – хото воҳаси алоҳида ўрин тутган. Бу воҳа жанубий шарқда Хитойга, ғарбда Шарқий Туркистон ва Ў. Осиёга ва Шимолда Мўғулистонга олиб борадиган йўллар кесишган нуқтада жойлашган. П.Козлов олиб борган тадқиқотлар Хара – хото ҳақидаги дастлабки маълумотлар Хитой манбаларида милоддан аввалги V – III асрларда келтирилганини маълум қилади. Харо – хото давлати асрлар давомида турли халқлар томонидан забт этилган ва қўлдан – қўлга ўтиб турган. Милодий X асргача Хара – хотода кўпроқ уйғурлар ҳукмронлик қилгани маълум. X асрга келиб эса, М.Осиё саҳнасида тибетликларга қардош бўлган ярим кўчманчи тангутлар пайдо бўлди. Улар X асрда ўзларининг давлатини тузиб атрофдаги ҳудудларни забт эта бошлади. X аср охирида улар Хара – хотодан уйғурларни сиқиб чиқаришади ва ўзлари ҳукмрон бўлиб олишди.

Тангутлар давлати шу қадар кучли эдики, улар Осиёнинг Хитойдаги Сун ва Тсин империяларидан кейин учинчи ўринни эгаллашган. Тангутлар Хара – хотода 250 йил давомида ҳукмронлик қилишди. 1227 йилда Чингизхон бу давлатни йўқ қилди. Хара хотонинг қудратли давлатга айланишида тангутларнинг юришидан ташқари ҳунармандчилик, чорвачилик ва деҳқончиликнинг ривожланиши муҳим роль ўйнади.

Тангутлар шу қадар кучайиб кетганки, 1044 йилга келиб, улар Хитойни ҳам солиқ тўлаб туришга мажбур қилишган эди. Хитой ҳар йили тангутларга 250 минг лан миқдорида солиқ тўлаб турган.

Тангутлар ўзларининг ёзувига ҳам эга бўлган. Улар, юқорида айтилганидек, тош босмаларда китоблар ҳам нашр қилишган. Тангутларнинг дини конфуцийлик эди. Тангут адабиёти ҳам анча ривожланган. Археологик қазилмалар тангутларда рассомлик ҳам ривожланганлигини кўрсатди. Қазилмалар давомида кўпгина ҳайкалчалар, деворга солинган расмлар топилди. Ҳайкалларнинг кўпчилигида буддавийлик ифодаланган эди. Тадқиқотлар шунингдек ислом дини, христианлик ҳам бўлганлигини кўрсатди. Шаҳарнинг жанубий қисмида мачит қурилгани ва бу мачит харобаларида П. Козлов форс тилларидаги қўлёзма “Синдбоднома” асарини топди. Бу шаҳар аҳолисининг бир қисми несторианлик мазҳабига эътиқод қилган.

Бу ҳақида маълумот берган Хитой олимлари ва рус тадқиқотчилари уларнинг таркиби, маданияти, ҳўжалик фаолиятини, ғарбга юришлари тўғрисида маълумот келтиришади. Бироқ Ў.Осиё ва Мовароуннаҳрдаги саргузаштлари ҳақида ҳеч қандай маълумот қолдиришмаган. Қора хитойлар М. Осиё ва Мовароуннаҳрдаги фаолияти хусусида маълумот беради. Ибн Асир, М. Улуғбек, Насавий, Абулғозийлар эса келиб чиқиши, ватанлари тўғрисида маълумот беришмаган. Оқибатда, қора хитойларнинг Олтой ўлкаси ва Хитойдаги ватанларининг асл номи Мовароуннаҳрдаги олимлар уларни “ҳара – хото” эмас, “қора хитой” деб олган. Сўз таркибидаги ўзгаришлар “ҳара – хото”ни қора хитойга айлантириб юборган.

Қора хитойларнинг ҳаётларига оид маълумотларни Ибн Асирнинг “Ал – Комил фит – тарих” асари орқали учратамиз. Ибн Асир қора хитойларнинг ўз ватанларидан чиқишлари ҳақида қуйидаги маълумотларни беради. 1046 йили сон - саноксиз турклар Боласоғун ҳукмдори Арслон фуқароларга яхши муносабатда бўлганлиги учун миннатдорчилик билдиришиб, улар томонидан ҳеч қандай ёмонлик кўрсатилмади, бироқ улар шу ерда тўхташди. У (Арслонхон) уларни ислом динини қабул қилишга чақирди. Улар розилик билдиришмади, лекин бу ердан кетишмади”.

Ибн Асир 1172 йилда қора хитойлар Жайхунни кечиб ўтиб Хоразмга хужум қилганлари тўғрисида ҳам маълумот беради. Бундан хабар топган Хоразмшоҳ Эл Арслон ибн Отсиз қўшин билан Амударёга қараб юради. Бироқ йўлда бетоб бўлиб қолиб тўхтади ва қўшиннинг бир қисмини сипоҳсолор бошчилигида қора хитойларга қарши юборади. Ўртада шафқатсиз жанг бўлиб ўтади. Хоразмликлар мағлубиятга учрайди. Шундан кейин қора хитойлар орқага қайтишади, бетоб Хоразмшоҳ эса Хоразмга қайтади.

Қора хитойларнинг Такаш Хоразм тахтига ўтиришида ўйнаган ролини М. Улуғбек қуйидагича таърифлайди; “Шу аснода Хоразмшоҳ Эл Арслон ибн Ашпар вафот топган эди. Унинг ўрнига Эл Арслоннинг ўғли Султоншоҳ ўтирди. Султоншоҳнинг биродари Такаш у билан муҳолифлик қилди. Кейин қочиб Қора хитойга илтижо қилди. Гурхон ёрдамида мам лакатни қўлга

киритди. Султоншоҳ қочиб кетди. Такаш санайи 568 йил яъни Лўй йили саодатли 22 рабиуссоний куни тахтга ўтирди”.

Кейинчалик Найман подшосининг ўғли Кушлук билан қора хитойлар ўртасида низо келиб чиққанда Хоразмшоҳ уларнинг ҳар иккисига ҳам ваъдалар берди, лекин амалда улар бир – бирларини кучсизлантиришини кутиб турди. Кейин эса, ғолиб чиққан, лекин жангда анча аскарларини йўқотган қора хитойларга қарши уруш бошлаб, уларни мағлуб этди. Шундай қилиб, қора хитойлар мўғул истилоси давригача Мовароуннаҳр ва Хуросонда анча вақт ҳукмронлик қилди ва шу ерда истиқомат қиладиган халқлар, жумладан, ўзбеклар тарихида сезиларли роль ўйнади. Улар Шарққа – ўзларининг ватани Хара – хотога қайтиб боришмади, балки шу ҳудудларда қолиб, маҳаллий аҳоли таркибига сингиб кетишди.

### 3 – МАВЗУ. ЎРТА ОСИЁ СУЛОЛАЛАРИ IX – XIII АСРЛАРДА.

3 – маъруза.

1. XIII аср бошларида Мовароуннаҳр ва Хуросондаги сиёсий аҳвол.
2. Мовароуннаҳр ва Хуросонда М. Хоразмшоҳ томонидан марказлашган давлатнинг барпо этилиши.
3. Хоразмшоҳ сулолаларининг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни.
4. Ж. Мангубердининг Мўғул истилочиларига қарши олиб борган кураши.

Адабиётлар.

1. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. –Т., “Шарқ”, 2000, 134 – 150 б.
2. Буниятов З. М. Хоразмшоҳлар давлати (Ануштегинийлар 1087 – 1231 йй). –Т., “Ғулом”, 1998.
3. Бобоев Ҳалимбой ва Солижон Ҳасанов. “Ота ўғил шундай бўлиши керак?...” Ёхуд Мангуберди давлатида маъмурий бошқарув ва қонунчилик. Қонунчилик ҳимоясида. 1999, 3 – сон, 50 – 55 б.
4. История Каракалпакской АССР. 1 – том. – Т., “Фан”, 1974, стр. 89 – 94.
5. Сабурова Севара. Сиёвуш ва Афригийлар сулоласи даврида Хоразм. Сино журнали. 2006, 26 – сон, 34 – 36 б.
6. Сабурова Севара. Хоразмшоҳлар давлатининг Марказий Осиёда тутган ўрни. Ижтимоий фикр инсон ҳуқуқлари. 2007, 3 – сон, 132 – 136 б.
7. Чағониён тарихи. - Т., “Ислом университети”, 2002, 59 б.
8. Шихобиддин Муҳаммад ан Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди. – Т., “Ўзбекистон”, 2009, жами – 378 б.
9. Эшов Б. Хоразмшоҳлар давлати. Ўзбек давлатчилиги тарихи. – Т., “Маърифат”, 2009, 1 – қисм, 256 – 269 б.
10. Ўзбекистонда ҳарбий иш тарихидан. – Т., “Шарқ”, 2013, 60 – 63 б.
11. Ҳасан Ато Абуший. Туркий қавмлар тарихи. –т, “Чўлпон”, 1995, 153 – 156 б.

1). Ўрта осие сулолалари бошқаруви тараққиётида мамлакатимизнинг ҳар бир воҳаси катта ҳисса қўшиб келганлигини бундан олдинги маърузаларда бир неча бор кўрдик. Шу маънода дастлабки давлатчилик қарор топган кўҳна Хоразмда XI – XIII аср бошларида кечган сиёсий жараён ва унинг бутун минтақага таъсири катта қизиқиш уйғотади. Биз куйида маҳаллий сулолалардан чиққан хоразмшоҳлар номи билан машҳур сулолалар фаолияти ҳақида фикр юритамиз. Хоразмшоҳ дейилганда, аслида, Хоразм воҳасида ҳукмронлик қилган сулола вакили тушунилади, яъни Хоразм ҳукмдори (шоҳи)

маъносини англатади.

Узоқ асрлар давомида бу вилоятда бир қатор сулолалар хоразмшоҳлар унвони остида фаолият кўрсатганликларини сизлар билан кўриб чиққан эдик. Масалан, 305 - 995 йилларда Афригийлар, 995 – 1017 йилларда Маъмунийлар ( Маъмун I, Абулхасан Али, Маъмун II), 1017 – 1034 йиллар Олтинтошийлар (Олтунтош, Хорун, Хандон), 1097 – 1231 йилларда Ануштегинийлар сулолалари хоразмшоҳлар унвони билан давлат бошқаруви курсида ўтирганлар. Аммо Хоразм худудидан ташқарига чиқиб, мамлакат, минтақа миқёсида от суриб ва бу билан ҳам чекланмасдан бошқарувнинг салтанат даражасига эришган сулола бу ануштегинийлар сулоласидир. Бугунги маърузамиз ҳам айнан шу ануштегинийлар сулоласи ҳақида боради.

Ануштегинийлар сулоласининг бошловчиси Ануштегин (вафоти 1097 йил) ҳисобланади. XI асрнинг иккинчи ярмида салжукийларнинг омади чопган вақтлар эди. Ануштегин салжукий ҳукмдор Султон Маликшоҳнинг мансабдорларидан бўлиб, ўзининг намунали хизмати эвазига юксак мартаба ва ҳукмдорнинг яқин аъёнларидан бири даражасига кўтарилди. Тахминан 1077 йили у Хоразм шихналоги (комендант) вазифасига тайинланади. 1097 йили ўғли Қутбиддин Муҳаммад Хоразм валийси, яъни ҳокими мавқеига эришади.

Унинг ҳокимлиги фақат Хоразм доирасида бўлди. Қутбиддин Муҳаммад салжукийларга қарам эди. Ҳар йили ўзи ёки ўғли Отсиз орқали марказга вилоятдан ундирилган солиқни олиб бориб турар эди. Худди мана шу Отсиз (тўлиқ исми Малик Абу Музаффар Аловуддин Жалолиддин Отсиз) отасидан кейин салжукий Санжар ҳукми билан Хоразм волийлигига тайинланади. Отсиз ҳам отаси каби Салжукийлар хонадонига аввало сидқидилдан хизмат қилди. Аммо сиёсатда бўлганидек, ўз мавқеи мустаҳкамланиб, рақобатчилари заифлаша бошлаганини сезган ҳолда салжукийларга қарамликдан бош торта бошлайди. Гарчи у 20 йиллик фаолияти давомида мутлақ мустақилликка эришиш ва у билан ҳам чегараланмай Сирдарёнинг қуйи оқимларидаги ерлар ҳамда Хуросонга ҳам ўз ҳукмини ўтказишга интилган бўлса – да бироқ унинг бошқаруви даврида Хоразм вилояти тўла эркинликка эриша олмади.

Агар Отсиз бошқарган сиёсий даврга эътибор берадиган бўлсак, бу даврда Султон Санжар катта қудратга эга эди. Иккинчи томондан Туркистон сиёсий майдонига чиққан янги куч – Қорахитойлар ҳам ниҳоятда қувватга тўлиб турган эдилар. Бекорга Отсиз ҳар йили уларга 30 минг динор тўлаб турмаган эди. Отсиз ва Султон Санжарлар вафот этгач (1156 – 1157 йиллар) Отсизнинг сиёсатини ўғли Эл Арслон (1156 – 1172 йиллар) давом эттирди. Бу вақтга келиб минтақада вазият анча бўшаша бошлаган эди. Султон Санжар вафотидан кейин шарқий салжукийлар сиёсий бирлиги инкирозга учраган эди. Бундай шароитдан Эл Арслон унумли фойдаланишга ҳаракат қилди. У 1158 йили Мовароуннаҳрда Қорахитойлар билан тўқнашиб қўли баланд келди ва улар билан сулҳ тузди. 1167 йили Нишопурни эгаллади ва Озарбайжонга ҳарбий юриш уюштирди. Бироқ Эл Арслонга ҳам барча томондан тан олинган қудратли сиёсий уюшмага асос солиш насиб этмади.

Бу даврда хоразмшоҳларнинг сиёсий куч сифатида рўёбга чиқа олмасликларининг бош сабабларидан бири бу ички низоларга барҳам бера олмаганликларидир. Масалан. Эл Арслондан сўнг унинг ўғиллари Аловиддин Такаш ва Султоншоҳ Маҳмуд ўртасида 20 йилдан ортиқ вақт давомида тахт учун курашнинг бориши натижасида ҳар иккови ҳам гоҳ Қорахитойларга, гоҳ Ҳиротдан Шимолий Ҳиндистонгача ҳукмронлик қилиб турган Гурийлар сулоласига, гоҳ эса Хуросон амирларига таяниб ўзаро кураш олиб бордилар. Бироқ бундан на икки ака – ука, на Хоразм халқи ютмади. Фақат Султоншоҳ Маҳмуд вафотидан сўнг (1193 йил)гина Аловиддин Такаш яқка ҳукмдор сифатида кенг қамровли сиёсат юритиш имконига эга бўлди.

Аловиддин Такаш 1194 йили Ғарбий Эронни қўлга киритди. Кирмонни ҳам эгаллади. Ҳукмронлигининг сўнгида у ҳатто Бағдодни - яъни халифалик пойтахтини босиб олишга ҳам шайланган эди. Аммо юриш чоғида 1200 йилнинг ёзида йўлда вафот

этди. Ундан қолган мерос – Туркистон ва Эронни ўз ичига олган салтанатга энди Аловиддин Муҳаммад (1200 – 1221 йиллар) чиқди. 1210 ва 1212 йиллардаги икки уринишда у қорахитойлар масаласини бутунлай ҳал қилди. Бу воқеа унинг обрўсини ошириб юборди. Натижада иккинчи Искандар, иккинчи Султон Санжар лақаблари билан машҳур бўлган Султон Қутбиддин Муҳаммад саъй – ҳаракатлари туфайли 1217 йилга келиб Озарбайжон, Эрон, Хуросондан Ҳиндистонгача бўлган ерлар Хоразмшоҳлар ихтиёрига ўтган эди. Султон Муҳаммад хоразмшоҳнинг мақсади Сурия, Кичик Осиё ва Мисрни ҳам бўйсундириш эди. Хуллас, Чингизхон босқини арафасида хоразмшоҳлар сулоласи дунёнинг энг қудратли сиёсий кучларидан бирига айланган эди. Орол денгизидан Ҳинд океанигача, Ироқдан Шарқий Туркистонгача бўлган катта ҳудуд тақдири Хоразмда ҳал бўлар эди.

Худди шу даврда Шарқда бошқа бир ҳарбий – сиёсий куч майдонга чиқмоқда эди. Бу Чингизхон бошлиқ мўғул – татар кучлари эди. XIII асрнинг бошларида Шарқда икки йирик куч – хоразмшоҳлар ва Чингизийлар манфаати тўқнаш келди. Чунки бу даврда ёнма – ён турган бир шароитда уларнинг ўзаро тўқнаш келмасликлари мумкин эмас эди. Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ ҳукмронлиги даврида бу пайтда давлатчиликда ўзига хос икки ҳокимиятчилик юзага келган эди. Юқорида Низомулмулкнинг подшоҳлик ишига аёл ва гўдақларни аралаштирмаслик кераклиги ҳақидаги фикрини келтириб ўтган эдик. Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ даврида худди шундай вазият юзага келди. Унинг онаси Туркон хотун давлат ишларига тўғридан – тўғри аралаша бошлайди. Валиаҳд қилиб Муҳаммад Хоразмшоҳ мўлжаллаган Жалолиддин эмас, онаси талаб қилган кенжа ўғил Узлоқшоҳ тайинланади.

Узлоқшоҳнинг онаси ҳам қипчоқ уруғига мансуб бўлиб Туркон хотуннинг қабиласидан эди. Ҳаётнинг ўзи кўрсатдики, давлат марказида қабилавий манфаатларни ҳамма нарсалардан афзал билувчиларга ҳаётда ўрин бўлмаслиги керак экан. Шундай камчиликларга қарамай давлат ва халқ олдида ўз масъулиятини унутмаган Жалолиддин мўғулларга қарши курашни тўхтатмади. Бу даврда тарихимизда кўзга ташланиб келган нуқсонлардан яна бири 1221 йилнинг ёзида Парвона жангида (Ғазна шаҳри яқинида) қўлга киритилган ўлжани тақсимлашда келишмовчилик чиқиб баъзи бир амирлар (ўлжани тақсимлаш пайтида бир араби от учун Хоразмшоҳ амирларидан Сайфиддин Ўғроқ ва Хазора малики Амин Малик жанжаллашиб қолдилар... ва оқибатда Жалолиддиннинг қўшинлари сони тенг яримга камайиб қолди) ўз қўшинлари билан Ватан тақдири ҳал бўлаётган бир пайтда Султон Жалолиддинни тарк этдилар. Жалолиддиннинг уларни бирлаштиришга ҳаракат қилишига қарамай ҳеч қандай натижа чиқмади. Энг ачинарлиси, мўғуллар ўша амирларни биттама – битта қириб ташладилар. Кучи қирқилган Жалолиддин эса Синд дарёси томон чекинишга мажбур бўлди. Буни билган Чингизхон дарёнинг кечувини тўсди. 1221 йилнинг 9 декабрида мўғуллар Султон Жалолиддиннинг ярим ой шаклида саф тортган ва қанотлари билан Ҳинд (Синд) дарёсига тиралган қўшинини қуршаб олди. ... Ноилож қолган Жалолиддин совутини ташлаб, отига қамчи босиб, баланд қоядан ўзини Ҳинд дарёсига отди ва дарё тўлқинларини кесиб ўтиб, нариги соҳилга чиқиб олди, унинг етгита жангчиси ҳам бунга муваффақ бўлди. Унинг бу жасоратига Чингизхон ҳам қойил қолган эди. ... Тарихий манбаларнинг маълумот беришича, Жалолиддин дарёдан ўтишдан олдин душман қўлида хор бўлмаслиги учун хотини, онаси ва фарзандларини дарёга чўктирди.

Жалолиддин Парвона жангидан кейин ўз сулоласига тегишли бўлган ерларда ҳукмронликни тиклашни мақсад қилиб у аввал Шимолий Ҳиндистон, сўнг Кермон, Шероз, Исфохон ва Озарбайжонда хоразмшоҳлар салтанатини тиклади. 1226 йили Тифлисни эгаллади ва уни жанг билан қўлга киритди. 1227 йили Исфохон атрофида Жалолиддин мўғулларга қақшатқич зарба берди. Бу эса ўз навбатида Жалолиддиннинг мавқеи ва қудратини оширди. 1230 йили эса Жалолиддин Кичик Осиёнинг жанубий – шарқий қисмини забт этди. Бир сўз билан айтганда Жалолиддин бу вақтга келиб ғарб мамлакатларини мўғуллардан асраб турган қалқон ҳисобланар эди. Буни ҳарбий мусулмон

давлатлари ҳам тан оладилар. Бироқ амалда улар Жалолоддин атрофида бирлашишни истамадилар. Натижада 1259 йилга келиб Араб халифалиги Чингизийлар томонидан тугатилишига олиб келди.

1231 йили Озарбайжонни мўғуллар босиб олдилар ва бу ерда улар Жалолоддиннинг қаттиқ қаршилигига дуч келдилар. Аммо тасодиф туфайли 1231 йилнинг 17 ва 20 август оралигида Жалолоддин бир курд томонидан Маёфариқин (Кичик Осиё) қишлоғи атрофида ўлдирилди. Шихобиддин Муҳаммад ан Насавий ўзининг “Султон Жалолоддин Мангуберди” асарида ёзишча “Шихобиддин Ғозий ва бошқалар Жалолоддинни тунда Маёфариқин қишлоғи яқинига кўмишди ва унинг қабрини мўғуллар султон хоқини хўрламасин деган мақсадда текислатиб юборишди.

Ал Малик ал – Ашрафга Жалолоддиннинг ўлими ҳақида хабарни хурандчилик билан етказишганда у бундай деди; “Сизлар мени унинг ўлими билан қутлаяпсизларми? Бироқ энди сизлар бунинг самарасидан баҳраманд бўласизлар. Оллоҳ номи билан қасам ичиб айтаманки, унинг ҳалокати тоторларнинг ислом мамлакатлари ерларини босиб олишларига йўл очиб беради. Энди Яъжуж ва Маъжуж билан бизнинг ўртамизда девор бўлиб турадиган хоразмшоҳдек инсон йўқ”.

Шихобиддин Ғозий Жалолоддин ўлдирилган қишлоқнинг барча эркакларини қиличдан ўтказдирди ва қишлоқнинг ўзини ёқиб юборишга буйруқ берди.

Хоразм воҳаси ўзининг қулай стратегик ва жуғрофий мавқеи ҳамда қадимдан ривожланган ҳудуд бўлганлигидан, у Марказий Осиё минтақасида турли даврларда кечган муҳим тарихий жараёнларда алоҳида ўрин тутиб, ўз муайян таъсирини ўтказиб борган. Ватанимиз ҳудудида милоддан аввалги сўнгги минг йиллик бошларидаги илк давлатчилик тузилмалари ҳам шу ҳудудда вужудга келган. Милоднинг турли босқичларида ҳам Хоразмшоҳлар сулоласи номи билан ҳукмронлик қилган ҳукмдорлар хонадони тарихдан маълум. Булар: 305-995 йилларда афригийлар хонадони, 995-1017 йилларда маъмунийлар (Маъмун I, Абдулҳасан Али, Маъмун II), 1017-1034 йилларда эса Олтинтошийлар (Олтунтош, Ҳорун, Ҳандон) сулолалари Хоразмшоҳлар унвони билан давлат бошқарувини амалга оширганлар.

Бироқ минг таассуфки, XI асрнинг бошларида юз берган тарихий жараёнлар тақозоси билан Хоразм давлати таназзулликка учраб, заифлашиб, минтақанинг бошқа сулолалари, чунончи, аввал бошда Ғазнавийлар ҳукмронлиги (1017-1044), ундан сўнг Салжуқийлар бошқаруви таъсирига тушиб қолганди. Шунингдек, XI асрнинг 40 йилларида шарқдан бостириб келган кўп сонли Қорахитойлар ҳам Хоразм ерларини ишғол этиб, бу ҳудудлардан белгиланган миқдордаги хирож тўловларини олиш ҳуқуқини кўлга киритгандилар. Бинобарин, XI аср иккинчи ярмига келиб Хоразм олдида янгидан мустақилликка эришиш вазифаси кўндаланг бўлиб турарди.

Бунда шуни таъкидлаш жоизки, Хоразмнинг қайтадан мустақилликни кўлга киритиши, ҳудудий жихатдан кенгайиб, бутун-бутун ўлкаларни ўз таркибига киритиб, қудратли салтанат даражасига кўтарилиши, сўнгра унинг пировардида инқирозга йўлиқиши - бу жараёнлар янги сулола - Ануштагинлар сулоласи (1097-1231) номи билан узвий боғлиқдир.

Хоразмшоҳлар  
(Ануштагинлар)

сулоласи

Ануштагин (1077-1097)

Қутбиддин Муҳаммад (1097-1127)

Жалолоддин Отсиз (1127-1156)

Алп-Арслон (1156-1172)

Алоуддин Такаш (1172-1200)

Муҳаммад Хоразмшоҳ (1200-1221)

Жалолиддин Мангуберди (1221-1231)

Хусусан салжукий ҳукмдорлардан Маликшоҳ (1071-1092) даврида катта обрӯ - мартабага эришган ҳарбий лашкарбоши Алптегиннинг Хоразм ҳукмдори этиб тайинланиши (1077-1097) ҳамда кўп ўтмай унинг Хоразмшоҳ унвонига сазовар бўлиши – бу Хоразмнинг мустақилликка эришишида жиддий қадам бўлган эди. 1097 йилда унинг ўрнига Хоразм тахтига ўтирган ва Хоразмшоҳ унвони соҳиби Қутбиддин Муҳаммад ўлка мустақиллигини таъминлашда муҳим роль ўйнаган. Қутбиддин Муҳаммад ҳам Салжукийлар ҳукмронлигини тан олган ҳолда Хоразмни идора қилди. Бироқ шунга қарамай ўлканинг ҳар томонлама ривожланиши, ижтимоий-иқтисодий ва маданий юксалиши учун ҳам муҳим имкониятлар топа билди. Хоразм мустақиллигини таъминлаш, унинг сарҳадларини кенгайтиришда Қутбиддин Муҳаммаднинг ўғли Жалолиддин Отсиз (1127-1156)нинг роли алоҳидадир. Негаки, у Қорахонийлар кучсизлигидан ва Салжукийлар заифлигидан фойдаланиб, ўз давлати қудратини юксалтира борди. Унинг 1141 йилда олтин тангалар зарб эттириб муомалага чиқариши ҳам Хоразм мустақиллигининг муҳим белгиси бўлган.

У Қорахитойлар билан келишиб, уларга ҳар йили 30 минг дирхам миқдорда тўлов тўлаш шарти билан амалда ўз давлатининг ички мустақиллигини таъминлайди.

Хоразмнинг мустақил давлат сифатидаги равнақи, ҳудудларининг бениҳоя кенгайиб боришида Аловуддин Такашнинг ўрни ва роли катта бўлган. Унинг ҳукмронлик даврида (1172-1200) Хоразм воҳасида катта ижобий ўзгаришлар юз берди. Янгидан қад ростлаган ўнлаб шаҳарларнинг ободонлашуvidан ташқари уларнинг савдо-сотик, хунармандчилик, карвон савдоси бобидаги доврўғи янада ортди, қишлоқ хўжалиги, зироатчилик тармоқлари ривожланди, кўплаб каналлар, сув иншоотлари барпо этилди. Бундай ижобий жараёнлар Алоуддин Муҳаммад Хоразмшоҳ (1200-1220) даврида ҳам давом эттирилди. Айни замонда ўзига хос марказий ва маҳаллий давлат бошқаруви тизими вужудга келтирилиб, такомиллаштириб борилди. Бу эса мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётини мустаҳкамлаш, унинг ички тараққиётини таъминлаш ҳамда изчил ташқи сиёсат олиб боришда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ануштегинларнинг давлат бошқаруви ҳам икки тизимдан: даргоҳ ва девонлар мажмуидан иборат бўлган.

Даргоҳда Улуғ хожиб мансаби алоҳида ўрин тутган. У ҳукмдорнинг хос кишиси саналиб, лозим бўлган ҳолларда вазирлар фаолиятини ҳам назорат қилган. Хожиблар ҳукмдор номидан муҳим давлат аҳамиятига дахлдор масалаларда музокаралар олиб борганлар. Даргоҳдаги яна бир олий лавозим Соҳиби устоздор ҳисобланган. Хазина маблағларининг бутун тасарруфи унинг ихтиёрида бўлган. Даргоҳ ҳаётига оид кўплаб муҳим масалалар устоздор назарида турган. Давлатдаги Таштдор лавозими ҳам муҳим саналиб, у султоннинг энг сирдош кишиси ҳисобланган. Таштдор ҳукмдор маҳфий сирларидан огоҳ бўлиб, доимо у билан баҳамжиҳат ҳолда фаолият юритган. Олий лавозимлардан яна бири - Қиссадор бўлиб, у Султон номига келган арз, шикоятларни йиғиб, ўрганиб, уларни ҳукмдор ҳукмига ҳавола қилиб борган. Даргоҳдаги хизмат турлари ичида Чашнигир - султонга бериладиган овқат, ичимликларни текширувчи, Жомадор, Даватдор (котиб), Шаробдор, Байроқдор (амири алам), хизматкорлар бошлиғи (Малики хавас) каби вазифалар ҳам алоҳида кўзга

ташланиб туради. Ижроия ишлар девонлар (вазирликлар) томонидан амалга оширилган. Айниқса бунда Бош вазир катта мавқега эга бўлиб, у фақат хукмдорга бўйсунган. Мансабдорларни ишдан олиш, ишга тайинлаш, маош, нафақа тайинлаш, хазина ва солиқ тизимини назорат қилиш, маҳаллий вазирлар ҳисоботини олиш ва шу кабилар унинг ваколатида бўлган<sup>1</sup>.

Девонлар ҳам ўз ваколатлари доирасида фаолият юритганлар.

Масалан, иншо ёки туғро девони расмий ҳужжатлар, ёзишмаларни тузиш билан шуғулланган. Шунингдек, молия ишлари билан истифо девони, давлат назорати тадбирлари билан ишроф девони, ҳарбий ишлар билан Девони арз ёки Жайш шуғулланган. Султон хонодони ҳаётига, иқтисодиётига тегишли яна бир муҳим девон мавжуд бўлиб, у Девони хос номи билан аталган.

Сўнги Хоразмшоҳлар даврида ҳарбий соҳага алоҳида аҳамият берилган. Бунда бир неча юз минглик қўшиндан ташқари олий

хукмдорнинг махсус шахсий гвардияси (Ҳарос) катта мавқега эга бўлган.

Султон Муҳаммаднинг шахсий гвардияси 10 минг нафар кишидан ташкил 1 Буниёдов З. Ануштегин Хоразмшоҳлар давлати. Т., «Ғофур Ғулом» нашр, 1998, 124-бет. топган. Ҳарбий қисмларда Ҳарбий назоратчи, сипоҳсалор, соҳиби жайш (вилоят қўшини бошлиғи), Амир ул-умаро, Малик (10 минг қўшин бошлиғи), Човуш (чопар), Жосус (разведкачи), Аскар қозиси каби мансаблар ҳам мавжуд бўлган.

Такаш ва Муҳаммад Хоразмшоҳларнинг катта қўшин тузиб бошқа мамлакатлар, элларни босиб олиш, уларни ўз тасарруфларига киритиш борасида олиб борган кўп йиллик истилочилик юришлари, бир томондан, Хоразмшоҳлар салтанати шуҳратини ошириб, унинг ҳудудларини бениҳоя кенгайтиришга олиб келган бўлса, иккинчи томондан эса, бу ҳол пировард оқибатда бу давлатнинг чуқур ички тушкунликка, таназзулликка йўлиқишига ҳам сабаб бўлди.

Жумладан, Такаш ўзининг XII асрнинг 80-90 йиллардаги истилочилик юришлари давомида Сарахс, Нишопур, Рей, Марв каби муҳим шаҳарларни ишғол этган.

Такаш вафотидан сўнг давлат хукмдори бўлган Алоуддин Муҳаммад Хоразмшоҳ даврида ҳам мамлакат ҳудудлари кенгайишда давом этади. Бу вақтга келиб Хоразмшоҳлар давлати ҳудудлари ғарбий-жанубга қараб Хормуз, Форс қўлтиғи, Ироқ ерларига қадар ёйилади. Унинг таркибига 400 дан зиёд шаҳарлар кирарди. Хоразмшоҳ Бағдод халифалигини қўлга киритиш учун ҳам интилган. Бу эса бутун мусулмон оламининг унга нисбатан қаҳру-ғазабига сабаб бўлган.

Муҳаммад Хоразмшоҳ 1211 йилда қорахитойларни узил-кесил қувиб, Хоразм довуғини кўтарганидан сўнг, у ўзига ортиқча бино қўйиб, ўзини “Искандари Соний”, “Аллоҳнинг ердаги сояси” деб улуғлашни буюради.

Гарчанд Хоразмшоҳ қанчалик ўзини кўкларга кўтармасин ёхуд босқинчилик урушлари олиб бормасин, бироқ бундан мамлакатнинг чуқур ички зиддиятлар ва таназзулликларга дучор бўлганлигини қайд этмасдан бўлмайди. Шохнинг катта қўшин тузиб, тўхтовсиз олиб борган бесамар урушлари, бунинг асоратли оқибатлари, энг аввало, мамлакат халқининг тинқасини қуритаёзганди. Бунинг устига маҳаллий ҳокимлар, бек-амалдорларнинг ўзбошимчалик билан халқ бошига солаётган беҳад жабр-зулми, бунга жавобан юз бераётган халқ ғалаёнлари (масалан, 1206-1207 йилларда Бухорода, 1212 йилда Самарқандда кўтарилган қўзғолонлар) салтанатнинг ичдан емирилишига сабаб бўлмоқда эди. Сўнгра олий

ҳокимият ичидаги кучли муҳолифатчилик ҳаракати, хусусан, Хоразмшоҳ билан унинг онаси Туркон Хотун тарафдорлари ўртасидаги очик-ошкор тарздаги сиёсий кураш ҳам Хоразм давлатининг беқарорлик ҳолатини яққол кўрсатарди.

Кўшни Хоразмшоҳлар давлатида кечаётган бу хилдаги чуқур таназуллик ҳолатларидан тўла хабардор бўлган, ундаги барча жараёнларни ўзининг махсус жосуслик маҳкамаси орқали синчковлик билан кузатиб турган Шарқдаги бошқа бир қудратли мўғул давлати ҳукмдори Чингизхон эса катта ҳарбий тайёргарлик кўриб, тез орада Мовароуннаҳр сарҳадлари томон истилочилик урушларини бошлашга чоғланаётганди. Дарҳақиқат, XIII асрнинг биринчи чорагида амалга оширилган мўғул-татар галаларининг шафқатсиз босқини нафақат Хоразмшоҳлар давлати тарихида, балки шу билан бирга унда яшаган барча улуғ аждодларимиз қисматида ҳам мислсиз фожиа бўлди.

4 – Мавзу. Мовароуннаҳр ва Хуросон Амир Темур ва Темурийлар даврида.

1. XIV - асрнинг ўрталарида Мовароуннаҳрдаги ижтимоий – сиёсий вазият.
2. Мовароуннаҳр ва Хуросонда Сарбадорлар ҳаракати.
3. Мовароуннаҳрда А. Темур ҳокимиятининг ўрнатилиши.

Адабиётлар.

1. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. –Т., “Шарқ”, 2000, 151 - 234 б.
2. Азамат Зиё. Темур ва темурийлар. Ўзбекистон овози. 16 январь.
3. Аннаев Т.Ж. ва Шайдуллаев Ш.Б. Термиз ва Чағониён Темур ва Темурийлар даврида. Сурхондарё тарихидан лавҳалар. – Т., “А. Қодирий”, 1997,80- 82 б.
4. Арнольд Михаил. Загадка одного сражения. Правда Востока. 30 октября 2004 г.
5. Вамбери Х. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи. –Т., “Ғ.Ғулом”, 1990, жами – 40 б.
6. Валихўжаев. Олий таълим тизими тарихининг теран илдизлари. Маърифат. 2001, 19 декабрь, 100 – 101
7. Азимов М. Темурийлар ва Сурхондарё. Сурхон тонги. 2006 йил. 15 июнь.
8. Нуриддинов М. Бобурийлар сулоласи. –Т., “Фан”, 1994, жами – 48 б.
9. Ртвеладзе Э. ва Аҳмедов А.. Амир Темур давлати ва унинг бошқарув механизми. Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари. – Т., “Шарқ”, 2001, 93 – 104 б.
10. Сатторий Ҳаким. Олтин силсила. –Т., “Шарқ”, 2006, жами – 124 б.
11. Турсунов С.Н., Э.О. Қобилов ва блшқалар. Сурхондарё тарихи. –Т., “Шарқ”, 2000.
12. Тўхтиев И. Темур ва Темурийлар сулоласининг тангалари. 1992 йил.
13. Файзиев Турғун. Темурий маликалар. –Т., “А. Қодирий”, 1994, жами – 94 б.
14. Ўзбекистонда ҳарбий иш тарихидан. – Т., “Шарқ”, 2013,77 – 105 б.
15. Ғулом Каримий. Темурийлар даврида илм – фан ва таълим. Маърифат, 2011 йил, 6 апрель, 27 – сон, 1,8 - 9 б.

1) 1219 - 1224 йилларда Чингизхон лашкарлари томонидан юртимизнинг босиб олиниши билан халқимиз тарихида тўртинчи бор қарамлик даври (XIII асрнинг 20 йилларидан – 1370 йилгача) бошланади. Чингизхон ва унинг авлодлари нафақат Туркистонни, балки ўша даврдаги дунёнинг катта қисмини босиб олишга муваффақ бўлган эдилар. Улар асос солган салтанат М. Европадан Япон денгизигача, Ўрта ер денгизидан Қорахитойгача бўлган катта бир ҳудудни ўз ичига олган эди.

Чингизийларнинг ўлкамиздаги ҳукмронлиги 150 йил давом этган бўлса – да, шу катта давр ичида на ижтимоий – иқтисодий ҳаётда, на илму маданиятда эътиборга молик тадбирлар амалга оширилмади. Чингизхон асос солган салтанатни улусларга бўлиб бошқариш жорий қилинган бўлса – да, аммо ҳар бир улус (Улуғ юрт, Чиғатой, Жўчи ва Ҳалокуийлар улуслари) мустақил бўлибгина қолмай, бир – бировларининг мулкига ҳужум қилишдан ҳам тоймас эдилар.

Чингизхон томонидан амалга оширилган салтанат тақсимоотида Мовароуннаҳр, Етгисув ва Қошғар унинг иккинчи ўғли Чиғатойга (вафоти – 1242 йил) насиб этган эди. Манба тили билан айтганда, “Шундан кейин (бу ўлкадаги) ҳукмронлик узоқ вақтларгача унинг авлодлари қўлида қолган” эди. Чиғатойхон авлодларидан 33 нафар хон бу йилларда Мовароуннаҳрда ҳукмронлик қилдилар. XIV асрнинг ўрталарига келиб сиёсий ҳаётда бош – бошдоқликлар кучайиб кета бошлаган эди. Чиғатой хонлардан Қозонхон (ваф – 1346 йил) даврига келиб эса ички вазият кескинлашиб йирик амирлар тўғридан – тўғри ҳукмдор хонадонга нисбатан тазйиқ ўтказиб бордилар. Бунинг натижасида амир Қазағон ўлкадаги воқеликни ҳисобга олиб чиғатойлардан бўлмиш Донишмандчани ҳукмдор деб эълон қилди.

Айтиб ўтилганидек, илк бор сохта хонларни эълон қилиш анъанаси амир Қазағон даврида юз берди. Амалда эса бутун ҳокимият унинг қўлида бўлган эди. Яъни амир Қазағон давридан бошлаб хонлик тизими амирлик бошқарувига ўзгарган эди. Амир Қазағондан сўнг унинг ўғли Абдулла отаси каби сиёсат юргиза олмади ва натижада унинг ўзи сиёсий курашнинг қурбонига айланди. Ундан кейин амирликни қўлга олган Баён сулдуз қатъиятсиз хон эди. Шу сабабдан ҳам XIV асрнинг 60 – йилларида Мовароуннаҳрда бош – бошдоқлик юз берган эди. Низомиддин Шомийнинг гувоҳлик беришича Кеш (Шахрисабз) да Ҳожи Барлос, Хўжандда амир Боязид, Балх ва баъзи вилоятларда амир Қазағоннинг набираси амир Хусайн, Шибирғонда амир Муҳаммадхожа, Бадахшонда ҳам маҳаллий ҳокимлар, Хатлон (Хутталон) ва Арҳангсаройда амир Кайхисрав ва Амир Улжойту, Самарқанд вилоятида эса амир Хизр Йасавурий ўзбошларича ҳокимлик қилар эдилар.

Улардан ҳар бири олий тахтни қўлга киритиш пайида бўлган эдилар. Булар орасида айниқса амир Хусайн ўзини Қазағоннинг набираси сифатида улуғ амирлик рутбасига ворис деб ҳисоблаб келар эди. Чиғатойлар ихтиёрида бўлган Етгисув ва Қошғардаги вазиятга тўхталадиган бўлсак бу даврда бир қатор нуфузли амирлар томонидан хонлик тахтига Туғлуқ Темур 1360 йили Мовароуннаҳрда чиғатойлар ҳукмронлигини қайтадан тиклаш учун бу ерга лашкар тортиб келди. Ана шу 1360 йил воқеаси муносабати билан илк бор А. Темур номи тилга олинади.

А. Темур 736 шаъбон ойининг 25 ида сешанба куни кечкурун (1336 йил, 8 апрель) дунёга келган деб ёзади Ш. Али Яздий ўзининг “Зафарнома” асарида. А. Темурнинг отаси Тарағай баҳодир (ваф – 1360 йил), (онаси Текина хотун) Кеш вилоятининг нуфузли амирларидан бири бўлган. Отаси амир Тарағайнинг ўзига яраша тутган мавқеи ўғли Темурнинг танилишида озми – кўпми сабаб бўлгани аниқ. Хуллас, Туғлуқ Темурхоннинг 1360 йил февраль – март ойларидаги Мовароуннаҳрга юриши вақтида А. Темур ўзига яраша сиёсий фаолият юргизишга қодир, эл – юрт олдида ўз бурчини англаб улгурган шахс сифатида етилиб бўлган эди.

Туғлуқ Темурхоннинг бу босқини натижасида амирлардан Хизр ва Боязидлар Туғлуқ Темур қароргоҳига бош эгиб борадилар. Ҳожи Барлос эса Хуросон томонга жўнайди. А. Темур эса амакисидан ажралиб ота мулкини сақлаб қолишга ҳаракат қилиш мақсадида Амир Ҳожи Сайфиддин ёрдамида Кеш вилояти ҳокимлигини қўлга киритади. Бир қараганда Туғлуқ Темурнинг бу юришидан кейин Мовароуннаҳрда ҳам чингизийлар хонадонининг мавқеи амалда тиклангандай бўлиб кўринса – да, аслида маҳаллий йирик амирлар хануз мустақил сиёсат юргизишга интилар эдилар. Шунинг учун ҳам 1361 йили баҳорда Туғлуқ Темурхон яна бир бор катта қўшин билан Мовароуннаҳрга бостириб келади. Бу сафар ҳам А. Темур Кеш вилояти ҳокимлиги мавқеига эришади. Бунда унга

отасининг дўсти амир Ҳамид ёрдам беради. Аммо бу ҳол узокқа чўзилмайди.

Чунки кетиш олдидан ўғли Илёс Хожани Мовароуннаҳрда қолдирган Туғлук Темурхон ўзининг ишончли амирларидан Бегчикни ундан хабар олиб туришга тайинлаган эди. Амир Бегчик эса тез орада маҳаллий амирлар билан келишмовчилик ва уларга нисбатан тазйиқ ўтказиш йўлига ўтиб олади. Бундай вазиятда А. Темур Кешда ва Мовароуннаҳрда қола олмас эди. Шунга кўра у ватанини тарк этиб, кейинги деярли тўққиз йил давомида Амир Ҳусайн билан аввал ёнма – ён, сўнг эса қарама – қаршилиқда фаолият кўрсатишга мажбур бўлган эди.

Дастлаб Амир Ҳусайн ва А. Темур бир мақсад – яъни умумий душманга қарши кураш бирлаштирган эди. 1363 – 1364 йилларда улар Мовароуннаҳрни чингизийлардан халос этишга муваффақ бўлдилар. Илёс Хожа Мовароуннаҳрни ташлаб қочгач, Амир Ҳусайн улуғ амирлик мақомига эришди ва худди бобоси (Амир Қазағон ) давридагидек чингизийлардан бўлмиш Қобилшоҳни расман хон деб эълон қилди. А. Темурга эса яна Кеш вилояти насиб этган эди. 1365 йили баҳорида Мўғулистондан (Еттисув ва Қошғар) лашкар тортиб келган Илёс Хожа амир Ҳусайн ва А. Темур бошлиқ лашкарни мағлубиятга учратди. Бу воқеа 1365 йили 22 майда Тошкент ва Чиноз оралиғида қаттиқ ёнғингарчилик шароитида содир бўлгани учун тарихда “Лой жанги” деб тилга олинган эди.

Аммо мўғулларнинг зафари узокқа чўзилмади. Улар Самарқандга қилган юришларида Маддоф Калавий бошлиқ сарбадорлар томонидан зарбага учраб орқага қайтиб кетдилар. Сарбадорлар ғалабаси ҳақидаги хабар аввал А. Темурга ва у орқали амир Ҳусайнга етиб борган эди. 1366 йилнинг баҳорида А. Ҳусайн ва А. Темур Самарқандга келдилар ва Кониғилда ўтказилган ғалаба маросимида амир Ҳусайн буйруғи билан сарбадорларнинг йўлбошчилари вақ фаол иштирокчилари қатл қилинадилар. А. Темурнинг аралашуви туфайлигина Мавлонозоданинг ҳаёти сақланиб қолинади. Амир Ҳусайн ва сарбадорлар муносабатига келсак, амир Ҳусайн уларга ўз сиёсий рақиби сифатида қарагани шубҳасиз.

Чунки сарбадорлар ғалабасидан сўнг самарқандликлар Мавлонозода итоатига ўтиб, уни имом ва акмир сифатида қабул қилган эдилар. Шу маҳнода оладиган бўлсак, Амир Ҳусайннинг сарбадорларга нисбатан тутган сиёсатининг моҳиятини тушуниб олсак бўлади. Амир Ҳусайн учун ўз сиёсий рақиблирини заифлаштириш ва ўрни келганда улардан қутилиш сиёсат қанчалик муҳим бўлганини Кониғил воқеасидан (1366 йил) сўнг юз берган жараён орқали ҳам билиб олишимиз мумкин. Бир сўз билан айтганда, энди амир Ҳусайн қандай бўлмасин А. Темурнинг мавқеига болта уришга жиддий киришади.

Бунинг учун энг аввало, А. Темурнинг атрофини “бўшаштириш” ва сўнгра уни фаол сиёсий ҳаракатдан четлаштиришни мақсад қилиб қўйган эди. Бунинг учун у А. Темурнинг бир қатор сафдошлари ва яқин амирларига нисбатан тазйиқ ўтказа бошлади. Улар орасда соҳибқироннинг қариндоши амир Жоку, юқорида тилга олинган амир Сайфиддинлар ҳам борлигини инобатга олсак, амир Ҳусайн кўзлаган режа яна ҳам ойдинлашади. Қисқаси 1365 – 1370 йиллар А. Темур ва амир Ҳусайн ўртасида ўзаро кураш йиллари бўлди ва у соҳибқироннинг ғалабаси билан тугади. 1370 йил 9 апрель чоршанба куни нуфузли амирлардан Шайх Муҳаммад сулдуз, Кайхисрав Хутталоний, Ўлжойти апарди, Довуд дуғлат, Сарбуғо жалойир, Жоку барлос, Муаййад Арлот, Бадахшон ҳокими Шайх Муҳаммад Ҳусайн баҳодир ҳамда бошқа амирлар ва сардорлар, саййидлардан сайид Барака, Термизлик ака – ука саййидлар Абул Маолий ва Али Акбар кабилар ҳузурда А. Темур ҳокимияти бир овоздан тан олинади.

Бу вақтда А. Темур эндигина 34 ёшга кирган эди. Шу тариха мўғулларнинг 150 йиллик бошқарувига расман чек қўйилиб, давлатимиз мустақиллиги тикланган эди. Олдинда эса бир қатор мушкул ва муҳим вазифаларни ҳал этиши керак бўлган тадбирлар масаласи турар эди. А. Темур давлат бошқарувини ўз қўлига олган бўлса –да, аммо мавжуд шарт – шароитда амалий қадамлар қўйиб бориш ниҳоятда оғир эди. Катта мавқега эга бўлган амирлар ҳозирча унинг ҳукмронлигини тан олган бўлсаларда, улар билан бўладиган муносабатлар бундан кейинги юритиладиган сиёсат билан боғлиқ эди. Шунинг

учун 1370 йилнинг ўрталарида Самарқандда ўтказилган қурултойда А. Темур барча вилоятлардан нуфузли амирлар ва лашкарбошиларни йиғиб, уларнинг ҳар бирининг мавқеи ва мартабасига қараб бирон – бир мансаб ва мулк (вилоят, туман ва шаҳар) тақсимлаб берди ва каттадан – катта совғалар улашди.

А. Темур ўз ҳокимиятини мустаҳкамлашда яна бир тарихий тадбирни амалга оширдик, бу унинг давлатчилик моҳиятини англашдаги салоҳиятининг қанчалик юқори бўлганлигини кўрсатади. Тарихий манбаларда ёзилишича, А. Темур чиқарган дастлабки фармонларда йўллардаги хавфсизлик, почта ва қатнов воситаларини таъминлаш, қўшинлар юриши, жанглар оқибатида хароб бўлган ерларни обод этиш, работлар (меҳмонхоналар, тўхташ жойлари), хонақоҳлар қуриш, камбағал ва мискинлар учун хайрхоналар очиш ҳақида сўз кетган. Шунингдек у саййидлар, дин пешволари, қозилар, шайхларга, яъни мусулмон жамиятида ўзига хос мавқе ва таъсирга эга бўлган табақага катта иззат – икром билан қарашини билдирди. Илм – фаннинг ривожини учун йўл очди. Талабаларга стипендиялар тайинлашни буюрган эди.

Ўзининг 35 йиллик фаолиятида бу олиб борган сиёсати бош сиёсат бўлиб қолди. Шу тариқа А. Темур ўз олдида турган биринчи тадбир заминини тайёрлади. Бу тадбир ҳар қандай халқ давлатчилиги, хусусан, ўзбек давлатчилиги тарихидаги мутлақ ҳақиқат яъни мамлакат сиёсий бирлиги ва яхлитлигини таъминлашдан иборат эди. Бу йўлдаги хатти – ҳаракатлар унинг учун осон кечмади.

Шу ерда бир масалага диққатингизни қаратмоқчимиз. Совет даврида тарихимизнинг у ёки бу даврига мурожаат қилинганда, асосан ҳозирги “Ўзбекистон ССР” чегаралари орқали талқин қилинар эди. Агар тарихий воқелик мана шу чегарадан четга чиққудек бўлса, бу тарихий вазият ўзга юртларга босқинчилик сифатида баҳоланар эди ва аксинча. Шунинг учун ҳам А. Темурнинг О. Ўрда (бугунги Қозоғистон ва Ш. Европанинг бир қисми), Мўғулистон (Ҳозирги Еттисув ва Қошғар), Хуросон (Шим. Афғонистон ҳамда Ш. Эрон), Сейистон, Ш. Ҳиндистон каби минтақаларга ҳарбий юришини бир томондан, уларни ўз таъсир доирасига тортишдан иборат эди десак, иккинчи томондан, тарихий – маданий жиҳатлардан яқин минтақани бирлаштириш ниятида амалга оширилган эди.

Шунингдек, О. Ўрда, Мўғулистонда фаолият кўрсатаётган сиёсий кучлар А. Темур ҳокимиятига хавф солиб турар эдилар. Масалан, О. Ўрда хони Тўхтамишхон (1376 - 1395 йй) А. Темурнинг мамлакатда йўқлигидан фойдаланиб, 1387 – 1388 йиллари Мовароуннаҳрга ҳужум уюштириб, уни талон – тарож қилган эди. Бу билан ҳам қаноатланиб қолмасдан Хоразм вилоятида ҳокимлик қилиб турган сўфийларни, хусусан, Ҳусайн ва Сулаймонни марказий ҳокимиятга қарши ҳаракатларга ундаган эди. А. Темур бунинг олдини олиши керакмиди? Албатта. Шунинг учун ҳам у 1389 – 1395 йиллар оралиғида уч мартаба (1389, 1391 ва 1395 йиллар) Тўхтамишхонга қарши ҳарбий юришлар уюштириб, охири уни тор – мор қилишга муваффақ бўлган эди (Қаранг Михаил Арнольдод. Загадка одного сражения. Правда Востока. 30 октября, 2004 года).

Худди шунга ўхшаш А. Темур Мўғулистонга (Еттисув ва Қошғар) ҳам бир неча мартабага ҳарбий юришлар уюштириб (Масалан, 1376 йили – Мўғулистоннинг йирик амири Қамариддиннинг Фарғонага ҳужуми), ўз сиёсий рақибларининг кучини кесиб қўйишга ҳаракат қилган эди. Яна бир нарсани ёддан чиқармаслик керакки, халқаро майдонда манфаатлар йўлида кураш тушунчаси бугун пайдо бўлгани йўқ. Балки бу тушунча асрлар давомида мавжуд бўлиб келган воқелик ҳодисасидир. Табиий равишда, 1370 – 1405 йилларда давлатимизга бош бўлган А. Темур ҳам давлатлараро муносабатларда бу тартиб – қоидаларга бўйсунмасдан иложи йўқ эди.

А. Темур даврида минтақа халқлари сиёсий аҳволига назар ташлангудек бўлинса, шу нарса маълум бўладики, юқорида тилга олинган катта бир ҳудудда яшаб келган туркий халқларнинг ўзаро яқинлашувида, бир сиёсий марказ остида бирлашувида соҳибқирон олиб борган фаолият жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Мамлакат, минтақа бирлигини таъминлаш сиёсати бошқа бир қатор тадбирлар билан бир вақтда олиб борилиши кераклиги табиийдир. Бу давлат бошқарув тизимини ташкил этиш, фан ва маданият

ривожини анъанавий даражага олиб чиқиш, савдо – сотиқ муносабатлари учун барча йўллари очиш, деҳқончилик ва ҳунармандчиликни ривожлантириш, ташқи сиёсий – дипломатик алоқаларни йўлга қўйиш, давлатимизнинг халқаро муносабатлардаги азалий мавқеини қайта тиклашдан ибоят эди.

Энг муҳими, ушбу йўналишларда юқори натижаларга эришиш маълум маънода ташқи омилларга ҳам боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, ички сиёсатнинг юксалиб бориши ўз ўрнида давлат олдига ташқи фаолиятда тегишли вазифаларни қўяди. Масалан, қайси бир далаат халқаро савдо йўлларида устунликка эришса, ўз ички тараққиётидаги устунлиги ҳам шу даражада бўлади. Ана шу дастурнинг ташқи фаолият билан боғлиқ амалий тадбирларини ўша давр учун табиий ва зарур бўлган ҳарбий юришларсиз тасаввур қилиб бўлмас эди. XIV асрнинг 80 йилларида Эроннинг, 90 – йилларида эса Арманистон, Грузия, озарбайжон, Ш. Ҳиндистоннинг А. Темур томонидан бўйсундирилишини худди мана шу жиҳатлар орқали тушунмоқ керак. А. Темур 1405 йил 18 февраль куни Хитойга юриш чоғида Ўтторда вафот этди.

Ўзининг 35 йиллик фаолияти давомида А. Темур қайси тадбирга қўл урмасин доимо уни охирига етказган эди. Аммо бир масалада у ҳам заифлик қилади. Бундай дейишимизга сабаб – бу масаланинг ундан олдин ҳам, ундан кейин ҳам ҳеч бир даврда ҳал этилмаганлигидадир. Яъни сўз давлат бошқарувидаги давомийлик ҳақида кетмоқда. Ўтган сулолалар мисолида ҳам кўрганимиздек, бирон бир сиёсий арбоб буюклиги билан нафақат ўз сулоласини, балки бутун бир давлатни, халқни, мамлакатни юксакликка олиб чиқади. Ундан кейин эса худди мана шу давомийлик масаласи ҳал қилинмагани сабабли илгариги буюклик ва юксакликка зиён етади.

Аммо бу нуқсон ўнлаб асрлар давомида панд бериб келар экан, у ҳақда жиддийроқ ўйлашни тараққиётимиз талаблари такозо этади. Буни янада кенгроқ англамоқ учун А. Темур ўлимидан сўнг малакатда юз берган сиёсий жараён билан танишиш орқали билиб олишимиз мумкин. А. Темур вафотидан олдин тахт ворисини тайинлаган, авлодлари – ю аёнлари унга хизмат қилишга қасам берган бўлсалар – да, аммо амалда иш умуман бошқача тус олди. Соҳибқироннинг ўлими ҳақидаги хабар салтанат узра тарқалиши билан ҳар бир темурий шахзода у ёки бу даражада ворислик иштиёқи билан ёнгани, ёки бўлмаса бундан буёнги вазиятда ўзи тутиши мумкин бўлган мавқеи борасида ўйлагани аниқ. Масалан, кенжа ўғил Шоҳруҳ Мирзо Ҳиротда ўз номидан хутба ўқитиб, танга зарб қилишни жорий этди. Бу билан у тахт вориси Пирмуҳаммад у ёқда турсин, ҳатто бошқаларнинг ҳам даъволари билан ҳеч қандай иши йўқлигини билдирган эди.

Тахт учун курашда тоғаларидан орқада қолишни соҳибқироннинг қизи Оғабегим (ваф. 1382 йил) нинг ўғли Ҳусайн Бойқаро (1380 – 1405 йй) ҳам истамаган эди. Абжирликда ҳаммадан ҳам Ҳалил Султон ўтиб тушган эди. У бош шаҳар Самарқандни эгаллаб, Муҳаммад Султон мирзонинг ўғли Муҳаммад Жаҳонгир мирзони (1396 – 1435 йй) хон деб эълон қилди. Ҳалил Султон бу билан тахминан икки мақсадни мўлжаллаган эди. Бир томондан, А. Темур васиятига хилоф иш тутишда айбланишнинг олдини олиш, иккинчидан, А. Темурнинг “биринчи” валиаҳди авлодининг Мовароуннаҳрда расман тан олиниши ҳеч бўлмаганда Амударёнинг нариги соҳилидаги кучлар – Шоҳруҳ ва Пирмуҳаммад мирзоларнинг мавқеини сусайтириши мумкин эди. Лекин ҳамма асосий гап соҳибқироннинг сафдошлари – йирик амирлар ҳаракатида қолган эди.

Нима бўлганда ҳам тахт учун курашда асосан икки даъвогар яққол кўзга ташланиб қолган эди. Булар Ҳалил Султон ва Шоҳруҳ мирзолар эди. Ҳалил Султон ёш, абжир ва довурак бўлса, Шоҳруҳ мирзода тажриба устун эди. Натижада худди ана шу тажриба ғолиб келди. 1409 йил 13 май куни Шоҳруҳ Мирзо Самарқандга кириб келди. Бунга у деярли қон тўкишсиз муваффақ бўлди. Ҳалил Султон эса таслим бўлди. Шоҳруҳ Мирзо уни Эронга, Рай ҳукмдорлигига тайинласа – да, аммо у ҳокимлик гаштини узоқ сура олмади – 1411 йили (27 ёшида) вафот этди.

Шундай қилиб, Туркистоннинг Сирдарёгача бўлган қисми ҳамда Эронда темурийлар хонадони ҳукмронлиги сақланиб қолди. Шоҳруҳ Мирзо Мовароуннаҳрни

ўғли Улуғбекка ( 1409 – 1449 йй) топширди. Тўғри, Шохрух даврида ҳам мамлакат ички ҳаётида осойишталик, савдо – сотиқ, иқтисодиёт равнақи, фан ва маданият, маънавиятга эътибор ҳеч бир сусаймаган, давлатимизнинг халқаро обрўси ҳам ўзига яраша бўлса – да, аммо давлатчилигимиз имкониятларининг А. Темур замонасидаги манзараси йўқолган эди. Темурийларга тобе Озарбайжон қора қуюнлилар қўлига ўтган кезларда Шохрух мирзо уч маротаба (1421, 1429 ва 1434 йилларда) у ерга юриш қилиб ўз ҳукмини тиклади. Лекин ҳар сафар у орқага қайтиши билан қора қуюнлилар яна Озарбайжонни қайтадан эгаллаб ола бердилар. Бу ҳолат эса давлатнинг аввалги кучи йўқолиб борганидан дарак берар эди.

Худди шундай ҳолатни Мирзо Улуғбек бошқарган Мовароуннаҳр мисолида ҳам кўришимиз мумкин. 1427 йили Мирзо Улуғбек лашкари қўшни Дашти Қипчоқ сиёсий кучларидан мағлубиятга учради. Давлатнинг ташқи манфаатларини ҳимоя қилишдаги сусткашлик ички сиёсатда эртами кечми албатта ўз таъсирини кўрсатади. Буни биз Шохрух Мирзо ўлиmidан сўнг юзага келган вазият орқали ҳам кузатишимиз мумкин. Отасидан сўнг Туркистон, Хуросон ва Эронни бир марказ остида бирлаштиришга уринган Улуғбекка омад кулиб боқмади. Бу тадбирни кейинги темурийлар ҳам уддалай олмадилар. Аксинча, кучли зиддиятлар юзага келди.

Самарқандда Абу Саъид (1451 – 1469 йй), Ҳиротда Абулқосим Бобур (1452 – 1457 йй) ўз бошларича ҳукмронлик қилдилар. Темурийлар, жумладан Абу Саъид мирзонинг мақсадига эришиш йўлида ўз хонадонининг доимий рақобатчиси даштиқипчоқлик шайбонийлар (Абулхайрхон назарда тутилмоқда) сиёсий кучига таянган пайтлари бўлганини ҳам эсдан чиқармаслигимиз керак. Хуросонда ҳам аҳвол бундан яхши эмас эди. Шохрух Мирзо ўлиmidан сўнг Фарбий Эрон темурийлар ихтиёридан чиқиб бошқа бир туркий сулола – қора қуюнлилар сулоласи қўлига ўтди. (XV аср 60 – йиллари охиридан эса қора қуюнлилар ўрнини оқ қуюнлилар эгаллади). Демак, Султон Ҳусайн Бойқаро ва унинг авлодларининг сиёсий фаолиятлари ҳам ўзаро келишмовчиликлар туфайли жуда тор доирада Хуросон ва Шарқий Эрон ҳудудларидагина кечди. XV аср сўнгги йилларида ҳам Мовароуннаҳрда, ҳам Хуросонда темурийлар учун ички сулолавий низолар, келишмовчиликлар кучайган пайтлар бўлди. Самарқанд тахти учун Абу Саъид мирзонинг набиралари Бойсунғур (1477 – 1499 йй), Султон Али (1483 – 1501 йй) ҳамда З. М. Бобур (1483 – 1530 йй) лар ўзаро кураш олиб бордилар.

Хуросонда эса Султон Ҳусайн Бойқаро бир оёғи Астрободда бўлиб ўғиллари кўтарган исёнларни бостириш билан овора эди. Бу ҳам етмаганидай Бадахшон ҳокими ҳам ички низолардан фойдаланган ҳолда Балхга зуғум қилиб турди. Хулоса қилиб айтганда, Дашти Қипчоқда бош кўтариб кучга тўлиб келаётган шайбонийларнинг жанубга томон юришлари арафасида темурийлар хонадони ички зиддиятлар таъсирида ғоятда заифлашиб қолган эди. Шайбонийлар бундай вазиятдан усталик билан фойдалана билдилар. 1501 йили Самарқанд, 1504 йили эса Фарғона уларнинг қўл остига ўтиши билан Мовароуннаҳр масаласи ҳал бўлди. 1507 йили Ҳирот олинганидан сўнг эса темурийлар ўзларининг энг йирик сиёсий марказларидан айрилдилар. Шу йилларга келиб, Сирдарёдан ҳозирги Афғонистон марказий қисмларига қадар бўлган минтақа шайбонийлар қўлига ўтган эди.

Шундай қилиб, А. Темурнинг ҳокимият тепасига келиши мамлакатдаги сиёсий бошбошдоқлик ва ички низоларга чек қўйган бўлса, унинг номи билан боғлиқ сулола тақдирини эса – худди ана шу ҳол яъни ўзаро чиқишмаслик ҳамда тарқоқлик ҳал этиб қўйди.

А. Темур даврида давлат бошқаруви, конунчилик ва ҳарбий сиёсат.

Давлат асослари, давлатчилик ҳар бир жамият ва халқ “бошига бир марта битилган бўлади”. Шу маънода ўзбек давлатчилиги мил. авв. 1 минг йилликнинг биринчи ярмидан ўз тарихини бошлаб то А. Темур давлатимиз тепасига келгунга қадар деярли 2100 йиллик тараққиёт йўлини босиб ўтган эди. Бу катта давр ичида давлатимиз бошқарувига турли

сулолалар (20 дан ошиқ сулолалар) ( бугунги тил билан айтганда сиёсий партиялар) келиб кетди. Уларнинг фаолияти турли замонларда, турли объектив ва субъектив шароитларда турлича кечди. Биз ушбу масалага урғу бераётганимизнинг бир неча сабаблари бор.

Биринчидан, А. Темур ва Темурийлар даври каби кенг тарқалган тушунчаларга қаршимиз. Чунки, давлатчилик асослари ягона бўлади. Демак, А. Темур ва темурийлар давлати деб эмас, ўзбек давлатчилигининг А. Темур бошқарган босқичи деб атасак ҳар тарафлама ҳақиқатга яқин бўлади.

Иккинчидан, А. Темур давлати тушунчаси давлатчилигимизнинг ҳам унғача бўлган, ҳам ундан кейинги тараққиёт йўлини узиб қўяди. Бу ўз ўрнида, бир томондан, тарихни сохталаштирса, иккинчи томондан, давлатчилигимиз тарихидаги босқичли жараёнлар, масалан, яна ўша А. Темур даври моҳиятини яхши англашни қийинлаштиради.

Учинчидан, А. Темур даври давлатчилигимизнинг моҳияти ва имкониятлари кўламини амалда юзага чиқариб берганлиги билан ҳам ғоятда муҳимдир.

Шундай қилиб, А. Темур даврига қадар ўзбек давлатчилиги 2100 йиллик тараққиёт йўлини босиб ўтган экан, шунга кўра биз биринчи хулосани қилишимиз мумкин. А. Темур даври давлатчилик тизими муайян бир ўтмишга, анъаналар, тажрибалар, сабоқлар ҳамда қонуниятларга асосланган ҳолда ташкил қилинган.

Ўзбек давлатчилигининг А. Темур даврига қадар шаклланиб замонлар синовидан ўтган асослари қуйидагилардир;

Давлат ўз вазифасини бажармоғи учун, энг аввало, сиёсий жиҳатдан мустақил бўлиши лозим.

Давлат ва жамиятнинг сиёсий яхлитлиги бузилмаслиги керак.

Давлат ва жамият маълум бир қонунлар, тартиблар ҳамда мафкура асосида бошқарилмоғи лозим.

Бошқарувнинг турли табақалари, йўналишлари соҳаларини мувофиқлаштириб турувчи маълум бир тизим шаклланган бўлиши керак.

Жамиятда ижтимоий – иқтисодий муносабатларнинг аҳволи (тараққиёти) давлатнинг диққат марказида турмоғи керак.

Фан ва маданият равнақи тўғрисида доимо қайғуриш давлат аҳамиятига эга қатъий сиёсат сифатида қаралиши керак.

Ҳар бир давлат шарт – шароити, тартибларига кўра давлат жамият ички тараққиёти масалаларини ташқи дунёда мавжуд омиллардан фойдаланган ҳолда ҳам ҳал этиб бориши зарур.

Давлат тепасида турган кучлар ўтмиш, замона ва келажакни теран тафаккур, қатъий иймон, ғоятда юксак маънавиятпарварлик ва миллатпарварлик билан англамоғи зарур.

Ана шу саккиз асосий қонуният сифатида шаклланган эди. У ёки бу замонда улардан фойдаланилдими ёки йўқми бу бошқа масала.

А. Темурнинг ўзбек давлатчилиги тарихида тутган ўрни шундаки, у ўзининг бутун фаолияти даврида ана шу асосларни рўёбга чиқара олди. Яъни 150 йиллик қарамликдан сўнг давлатимиз сиёсий мустақиллигини тиклади, ўз даврида мавжуд шариат, тўро – тузуклар асосида жамият ҳаётини бошқаришни йўлга қўйди. Марказлашган давлат тизимини яратдики, ўз замонаси учун бу дунё миқёсидаги тараққийпарвар воқеа ҳисобланган эди. Иқтисодий муносабатлар (деҳқончилик, хунармандчилик ва савдо – сотиқ) ривожини учун барча ички ва ташқи шароитларни барпо этишга қаттиқ киришди.

Ижтимоий муносабатларни (солиқ, мулкчилик, турли ижтимоий табақалар манфаатини назарга олиш) муҳим деб билди. Хукмронлигининг дастлабки кунларидан то умрининг охирига қадар фан ва маданият равнақига алоҳида диққат эътибор билан қаради. Ўз даври шарт – шароитига кўра ташқи сиёсатда қатъий ва фаол ҳамда мақсадга мувофиқ равишда ҳаракат қилиб, давлатни салтанат мавқеига олиб чиқди. Ўлкани дунёнинг энг буюк сиёсий, иқтисодий ҳамда маданий марказига айлантди. Асосида яқка хукмронлик мазмуни ётган жамият бошқарувида биринчи раҳбар қандай бўлиши

кераклигини ўз бошқарувида намоён этиб кетди.

Шу билан бирга А. Темур ушбу саккиз асосни яна бир муҳим – тўққизинчи асос билан бойитди. У ҳам бўлса, жамият ривожига барча ижтимоий табақалар фаолиятини назарда тутиш ва манфаатларини таъминлашдан иборатдир. А. Темур тузуклари бўйича бундай табақалар 12 та бўлиб уларда жамиятнинг барча таркибий қисмлари ўрин олган. Диккатга сазовор томони шу ердаки, тузуклар баёнида А. Темур табиий равишда дин ва шариатни биринчи ўринда таъкидлаган ҳолда ижтимоий табақаларга бўлган муносабатни бошқа йўналиш ва масалалардан устун қўяди.

Демак, А. Темур даврида давлатимизнинг тўққиз асоси ўз ижобий ечимини топган эди. А. Темур даврида бошқарув икки идора, даргоҳ ва девон (вазирлик) ларга бўлиб бошқарилган эди.

Даргоҳ – энг олий давлат идораси. Унинг бошлиғи ҳам табиий равишда давлатнинг олий ҳукмдори ҳисобланади. А. Темур давлат тепасига келганидан сўнг чингизийлардан бўлмиш Суйирғатмиш хон, яъни олий ҳукмдор деб деб эълон қилгани маълум. Шу билан бирга Суйирғатмиш “сохта хон” мавқеида эди. А. Темур давлат тепасига келганда буларни назарда тутмасдан иложи йўқ эди. Иккинчидан, 1370 йили мамлакатда А. Темурдан бошқа ҳам яна бир қанча қудратли амирлар, уларни қўллаб - қувватловчи ижтимоий – сиёсий кучлар бор эди. Улар ҳам зимдан ё очикчасига мустақил сиёсат юргизиш, ҳатто олий тахтни эгаллаш ниятида бўлганлар. Бундай шароитда А. Темур ўзини расман хон деб эълон қила олмас эди.

Чунки бу ракибларга баҳона бўлиб, норозилик ва хуружларга туртки бўлиши мумкин эди.

Учинчидан, Суйирғатмиш хон деб кўтарилганда ҳали амир Ҳусайн масаласи ҳам ҳал бўлмаган эди. Амир Ҳусайн эса ўз вақтида Қобилшоҳни (1364 йил) сўнг Одил Султонни (1365 йил) расман хон деб эълон қилган эди. Демак, А. Темур томонидан Суйирғатмишнинг хон деб эълон қилиниши Одил Султон “хон” лигини, яъни амир Ҳусайн ҳукмдорлигини бекор қилиш билан баробар эди. Ана шуларнинг ҳаммасини А. Темур ҳисобга олган эди. А. Темурнинг чингизийлардан бўлмиш Қозонхоннинг қизи Сарой Мулкхонимга (1337 – 1408 йй) уйланиши, яъни хон авлодига куёв (кўрагон) қариндош бўлиши ҳам унинг сиёсий мавқеини расман бўлса ҳам мустаҳкамлашга хизмат қилган. Бундан ташқари Чиғатойхон амирларидан Қорачар барлос А. Темур авлоди эканлиги ва ўз вақтида Чиғатойхоннинг улуғ амири сифатида ўлкани бошқаргани ҳақидаги ярим афсона, ярим ҳақиқат ҳам таомилга киритилган эди.

Демак, даргоҳ бошида А. Темур турган. Мамлакат ва давлат аҳамиятидаги масалалар унинг ҳукми ва кўрсатмаси асосида амалга оширилган. Шу билан бирга даргоҳда вақти – вақти билан хос мажлислар ўтказилиб турилгани маълум. Бундай тадбирлар ғоятда тор доирада ўтказилиб, давлат аҳамиятига молик масалаларнинг четга аён бўлишидан ниҳоятда сақланилган. Махсус котиб, мажлис баёнини махсус дафтарга тушириб борган. Кейинги мажлисда эса ана шу баён аксосида илгари қабул қилинган қарорлар, турли чоралар натижалари текшириб борилган.

А. Темурнинг даргоҳ фаолиятини бошқариш, одамлардан унумли фойдаланиш, уларни ўз атрофига тўплаш, катта – кичик тадбирларни ташкил қилиш борасида тутган йўлини “Тузуклар”даги баёнлардан ҳам кўришимиз мумкин. А. Темур “Салтанат ишларининг тўққиз улуши кенгаш, тадбир ва машварат, қолган бир улуши эса қилич билан бажо келтирилишини англадим. “Тажрибамда кўрилганким, азми қатъий, тадбиркор ва ҳушёр, жанг кўрган, мард ва шижоатли бир киши мингта тадбирсиз, лоқайд кишидан яхшироқдир. “Яна менинг тажрибамдан ўтмишким, гарчи ишнинг қандай яқунланиши тақдир пардаси ортида яширинган бўлса ҳам, ақли расо ва ҳушёр киши тадбир ва кенгашга таяниши лозим... Қайси ишда икки хатар бўлса, уни бажаришдан воз кечар эдим ва бир хатарлик ишни ихтиёр этар эдим... Ишларимнинг барини кенгаш билан юритиб, уни битиришда тўғри тадбир қўллар эдим. Бир ишга киришмай туриб, ундан қутилиб чиқиш йўллари мўлжаллаб қўяр эдим” – деб ёзган эди ўз тузукларида.

Даргоҳ фаолиятини бошқариш, унинг вазирликлар, маҳаллий ҳокимият идоралари ва умуман салтанатда кечган жараён билан боғланиб туриш ишини олий девон олиб борган. Даргоҳ тизимидаги бу девонга девонбеги бошчилик қилган. Даргоҳдаги муҳим вазифалардан бири бу – арзбегидир. Унинг хизмати даргоҳга арз – дод, шикоят билан келганлар ҳамда мамлакатда содир бўлаётган воқеаларга ўз муносабатини билдирувчиларни қабул қилишни уюштириб, тушган арзлар, шикоятлар, таклифларни олий ҳукмдорга етказиб туришга масъуллиқдан иборат эди.

Бундан ташқари даргоҳда адолат амири лавозими мавжуд бўлиб, у турли ўлка ва шаҳарларда “сипоҳ ва райийат орасида урф – одатларга оид жанжалли ишлар ҳақида” бохабар бўлиб, олий ҳукмдорга ҳисобот ва маълумот етказиб турган. Демак, жойлардаги аҳолидан бохабар бўлиб туришнинг икки йўлидан фойдаланилган; Бири пастдан юқорига, яъни арзчилар тўғридан – тўғри даргоҳга мурожаат қилиш имконига эга бўлганлар, иккинчиси – махсус хизмат орқали жойлардаги вазият давлат томонидан, аниқроғи, олий ҳукмдор даргоҳи орқали текширилиб борилган. Мана шу икки йўл билан жойларда рўй бераётган адолатсизлик, тартибсизлик, давлат ва жамият манфаатига зид ишлар ҳақида рўй – рост маълумот олинган, сўнг махсус вакиллар – аминлар (яъни ишончли вакиллар) жойларга бориб воқеани ўрганиб тегишли чоралар кўрганлар. Улар бирон кишига нисбатан зулм, адолатсизлик қилинган бўлса, адолатни тиклаб ўша ернинг маҳаллий хазинасидан уларга тўлов ажратиб қайтганлар. Аминлар ўзлари тафтиш қилган ишлари, кўрилган чоралар ҳақида кейин ёзма ҳисобот берганлар. Аминлар вазифасига бундан ташқари тобе ерлар тўловини йиғиб келиш ҳам кирган.

Даргоҳдаги муҳим лавозимлардан яна бири бу – тавочидир. Тавочи олий фармонга кўра жойларга бориб ҳарбий юриш учун лашкар тўплаш билан шуғулланган. Бу вазифа ғоятда муҳим аҳамият касб этгани учун Ш. Али Яздий муболаға билан уни олий ҳукмдордан кейинги даражадаги давлат мансаби деб баҳолайди. Бунда ҳам жон бор. Сабаби, лашкар тўплашни қуруқ фармон етказиш деб тушунмаслик керак.

Ш. Али Яздийнинг гувоҳлик беришича, тавочилар бош тавочи, пиёда аскар тавочиси кабиларга тақсимланган. Бош тавочилар туманот (ўн минглик), ҳазоражот (минглик), садажот (юзлик) етакчиларидан, вилоят катталаридан кўшинни ўз вақтида, белгиланган сон ва сифат, таъминланганликда етказиб бериш тўғрисида тилхат олганлар. Даргоҳда шунингдек бош ҳожиб, хожиблар, расмий тадбирлар бошқарувчиси ва ташкилотчилари, хазинадор, хонсолор ( даргоҳда ва олий фармон билан бошқа ерларда, масалан, юришларда ўтказиладиган тўйлар, базмлар, катта зиёфатларда стол тузатишга бош – қош бўлувчи), жибочи (қурол – аслаҳа сақловчи), қушчи (подшоҳона овлар ташкил қилинганда кўшинларни олиб юрувчи ва мана шу хизматни бошқарувчи қушбеги, баковулбоши (сарой ошпазларининг бошлиғи), котиблар, битикчилар, табиблар, созандалар, ғазалхонлар, фаррошлар каби катта – кичик вазифалар, таблхона (ноғорахона), дорихона каби хизматлар бўлгани маълум.

А. Темур биз сомонийлар, қорахонийлар, ғазнавийлар, салжуқийлар ва ануштегинийлар даврида шоҳиди бўлганимиз, ижроия ҳокимиятининг вазирликлар тизимини қайтадан тиклади. Унинг ўзбек давлатчилиги олдида қилган катта хизматларидан бири ҳам шунда. Бу ниҳоятда қадрли ва тарихий хизматдир. Вазирликларга тўхталадиган бўлсак.

Биринчиси – мамлакат ва райийат вазири. У мамлакатнинг муҳим ишлари, кундалиқ муомалалар, халқнинг аҳволи, вилоятларда олинадиган ҳосил, солиқлар, уларни тақсимлаш, кирим – чиқимлар, ободончилик ишлари, аҳоли фаровонлиги, хазинанинг аҳволи каби муҳим юмушларга жавобгар бўлган. Бу вазирлик вазифасини таққосласак ҳозирги бош вазир ҳақида кетаётганлигини билиб оласиз. Иккинчиси – ҳарбий вазир. У ҳарбийларнинг маоши, алоҳида хизматлари учун уларга туҳфа қилинган ер – сувлар бошқаруви, қурол – аслаҳа таъминоти, ҳарбий кўриқларни тайёрлаш, жангларда ярадор бўлиб хизматга яроқсиз бўлганларга нафақа тайинлаш,

истеъфога чиққан ҳарбийлар тўғрисида қайғуриш каби масалалар билан машғул бўлган. Учинчиси – мулкчилик ва солиқ ишлари вазири. Бу вазирлик турли сабабларга кўра эгасиз қолган мол – мулкларни назорат қилиш, савдогарлардан (ташқаридан келувчи ва ичкаридан кетувчи савдогарлар) заковат ва бож олиш, мамлакат чорвалари, ўтлоқ – яйловларни бошқариш, уларнинг барчасидан тушадиган даромадларни сақлаш, мулкчиликдаги меросхўрлик тартибларини амалга ошириш ва бошқалар.

Тўртинчиси – молия вазирлиги. Темур тузуклари” да молия вазири масъулиятига тегишли бир тузук мавжуд. Унда “Молия вазирлари молия ишларида хиёнат қилиб хазинадан маблағни ўзлаштириб олган бўлсалар, текшириб кўрилиб, агар ўзлаштириб олган маблағи ўзига тегишли улуфа (маош) миқдорига тенг бўлса, унга совға ўрнида берилсин. Агар ўзлаштирган маблағи маошидан икки баробар ортиқ бўлса, ортиғи оладиган маошидан ушлаб қолинсин. Агар маошидан уч барабар кўп маблағ олинган бўлса, ҳаммаси салтанат хазинасига тортиқ сифатида олинсин.” Темур тузуклари” да ушбу тўрт вазирликдан ташқари яга уч вазирлик ҳақида сўз кетиб улар салтанат таркибидаги турли ўлка ва мамлакатларга оид молиявий муомалалар ва келадиган даромадларни бошқарганлар.

Саккизинчи вазирлик - бу адлия вазирлигидир (девони мазолим). Бу вақтда адлия, яъни суд тизими учга бўлинган эди. Адлия вазирлиги тўғридан – тўғри фуқаролар ё дунёвий ишлар билан шуғулланган. Ҳарбий суд(лашкар қозиси) эса алоҳида равишда фаолият кўрсатган. Шариат тартиблари билан эса ислом қозиси шуғулланган. Ўша даврда қонун ҳамма учун баробар бўлган. Масалан, А. Темурнинг невараси Пир Муҳаммад ибн Умаршайх (1379 - 1410 йй) ўз қилмиши учун девони мазолим (адлия вазирлиги) да қаттиқ сўроқ қилиниб, айби аниқлангач, шунга яраша жазо берилган ва бу ҳақда шахсан А. Темурнинг ўзи фармон берган.

Илгариги сулоалалар даврида мавжуд бўлган вақф ишлари вазирлиги хизмати. А. Темур даврида садрлар – садрига юклатилган. Гарчи вазирлик тизими сифатида тилга олинмаса – да, аммо хизмат моҳияти сақланиб қолган эди. Почта вазирлиги - шаклан тилга олинмаса - да аммо мазмунан бу вақтда ўзининг юксак раванқ даражасига кўтарилган эди. Испания элчиси Клавихонинг ёзишича, бутун салтанат узра бир кунлик йўл оралиғидаги ҳар бир масканда тўхташ жойлари бино этилган бўлиб, уларда ўнтадан 200 тагача от – улов сақланган, махсус хизматчилар фаолият кўрсатган. Бу юмушларнинг бари давлат хазинасидан таъминланган. Бу борадаги тартиб ва аҳвол хусусида янада аниқроқ маълумотни Хофизу Абру қолдирган.

А. Темур ва умуман темурийлар даврида ташқи сиёсий – дипломатик алоқалар изчил равишда олиб борилган эди. Клавихонинг Самарқандда элчилар билан шуғулланувчи махсус амирлар хизмат қилгани, элчиларни кутиб олиш, кузатиш билан боғлиқ тадбирларни уюштиришга оид гувоҳликларини инобатга олиб хулоса қилиш мумкинки, ташқи алоқалар, элчилар, халқаро ёзишмалар билан шуғулланувчи хизмат бўлган. Бу хизмат даргоҳ таркибида фаолият кўрсатган. Ҳоҳ даргоҳ, ҳоҳ ижроия тизими бўлсин, йирик амалдорлар ўз битикчиси ва қайд дафтарига эга бўлган. Битикчилар ўз бошлиқлари кўрсатмасига кўра турли ҳужжатлар ёзиб тайёрлар эканлар бу ҳақда қайд дафтарига ёзиб ёрликқа тегишли белги (рақам) қўйганлар.

Кейин эса ёрлик йўриқчига топширилиб, у унга муҳр босган ва ушбу масалага дахлдор хизматларга юборган. Хуллас ҳужжат 3 – 4 амалдор назоратидан ўтиб уларнинг муҳрлари босилганидан кейингина олий ҳукмдор муҳри урилган. Шундан сўнг бу ҳужжат қонун кучини олган. Давлат хизматида олинадиганларга катта талаблар қўйилган; улар ўқимишли, кенг билимли ва дунёқарашли, ҳалол бўлишлари керак эди. А. Темур тузукларида “Амр қилдимки, вазирлар тоза наслчилик, ақл – фаросатлик, халқ аҳволидан хабардорлик, уларга нисбатан хушмуомалалик, сабр чидамлилиқ ва тинчликсевар” бўлмоғи керак деб ёзган эди. Бундайларга тўрт имтиёз; ишонч, эътибор, ихтиёр ва иқтидор берилган.

Қайси вазир ғийбат гапларни айтса, уйдирма гапларга қулоқ солса, жабр – зулм

қилса, ўзига ёқмаган кишиларни йўқотиш пайига тушса, наслию зоти ёмон, ҳасадчи, кина – кек сақловчи, қора кўнгилли кишиларга зинҳор вазирлик лавозими берилмасин. Бузуқи, қора кўнгилли, зоти паст одам вазирлик қилса, давлату салтанат тез орада қулайди.

Маҳаллий бошқарув салтанатнинг одатда ҳукмрон сулола намояндалари ва шу хонадон таянчи бўлмиш ҳарбий – сиёсий кучлар ёрдамида идора этилар эди. А. Темур салтанатни бошқаришда, энг аввало, ўз ўғиллари ва авлодларига суянди. А. Темур салтанатни бир қанча улусларга тақсимлаб, Мовароуннаҳрнинг яхлитлигини сақлаган ҳолда бошқарди. Ҳар бир улуснинг ҳам ўзига яраша даргоҳи ва вазирлари бўлган. Аммо марказий бошқарув тизимидаги каби кенг тармоқли бўлмай, маълум ҳудуд доирасида олий даргоҳ ва ижроия тизими олдида жавобгарлик ҳолатида фаолият кўрсатган.

Алоҳида кўрсатган хизматлари учун йирик амалдорлар, ҳарбийлар, дин пешволари ҳамда бўйсундирилган собиқ ҳукмдорларга шахсий хизмати ва шароитга муносиб равишда бирон ҳудуд (вилоят, шаҳар, туман) тортиқ (суюрғол) қилинган. Масалан, А. Темур ўз пири саййид Баракага Андхудни тортиқ қилган эди. Ана шундай ҳолларда, “тузукларда ёзилишича, ҳар бир суюрғол қилинган вилоят ё мамлакатга иккитадан вазир тайинланган. Биринчиси йиғиладиган солиқларни қайд этиб, аҳоли аҳволидан бохабар бўлиб туриш, иккинчиси – эса йиғиладиган даромадлар қай тарзда харж қилинаётганини ҳисобга олиш, шу ерда мавжуд ҳарбий қисмларга бериладиган маош тақсимоти билан шуғулланиш кабилар билан банд бўлган. Шаҳар, туман миқёсидаги бошлиқлар доруға, қалъа бошлиғи кутвол дейилганини эслаб ўтиш жоиз.

Кўриб ўтиладиган даврда қонунчилик қонун ва тартиблар ҳақида тўхталадиган бўлса “Темур тузуклари” ўша даврнинг асосий қонунлари йиғиндиси ҳисобланган. “Давлат ишларини салтанат қонун қоидаларига ... тўро – тузукка таяниб ... амирлар, вазирлар, сипоҳ, раиййат – ҳар бирини ўз лавозимига ва мартабасига” қараб бошқардим – деб ёзган эди А. Темур бобомиз. Демак, хулоса қилиш мумкинки, жамият ҳаётининг турли соҳаларини бошқаришда қадимдан жорий бўлиб келган қонунчилик (тузукчилик) ва мусулмон қонунчилиги (фиқҳ) имкониятларидан ҳам фойдаланилган.

Талаблар нафақат фуқаро ё, ҳукмдорга нисбатан, балки ҳокимият идоралари олдида ҳам қўйилгани маълум. “Агар, - дейилади “Тузуклар”да, - (хароб бўлиб ётган ерларнинг) эгаси бўлса – ю, (лекин) обод қилишга қурби етмаса, унга турли асбоблар ва керакли нарсалар берсинлар, токи ўз ерини обод қилиб олсин”. Кўриниб турганидек, фуқародан бир нарсани талаб қилишдан олдин давлат унга тегишли шарт – шароит яратиб бермоғи лозимлиги қонунлаштирилган. Бундан кўринадики, қонунчиликда биринчи ўринда фуқаро манфаати турган.

Икки оғиз ҳарбий сиёсат ҳақида. А. Темурнинг бу борадаги дунёқарашини “Давлат ишларининг тўққиз улуши кенгаш, тадбир ва машварат, қолган бир улуши эса қилич билан бажо келтирилишини англадим” деган сўзларидан ҳам билиб олишимиз мумкин. Демак, сиёсат ва бошқарувда А. Темур қиличга, яъни зўрликка фақат бир улушгина эътибор ажратган. А. Темурнинг ҳарбий сиёсати бош мақсад – қудратли давлат ва салтанат барпо этиш ишига хизмат қилган. А. Темур лашкарида қатъий хизмат ва ташкилий интизом ўрнатилган, ким нима билан шуғулланиши, нимага жавоб бериши аниқ кўрсатиб қўйилган.

Ҳатто икир – чикир масалалар ҳам олдиндан кўрсатиб ўтилган. “Тузуклар”да амирлар, мингбошилар, амирлар учун зарур ҳисобланган қурол – аслаҳалар тафсилоти ҳам берилган. Ҳамда ҳарбийларга маош белгилаш тартиби ҳам аниқ кўрсатилган.

А. Темур жорий қилган тартибга кўра, душман лашкари 12 мингдан ортиқ, лекин 40 мингга етмаса, лашкарбошилиқ шахзодалардан бирига юклатилган. Агар душман қўшини 40 мингдан ошса у ҳолда соҳибқироннинг ўзи лашкарга бошчилик қилган.

Тарихий манбаларда А. Темурнинг шахсан ўзи яккама – якка олишувлардан тоймаганлиги ҳақида ҳам маълумотлар бор. Масалан, 1379 йили Урганч камал қилинаётган бир пайтда у Юсуф сўфийга юзма – юз чиқишга отланади, аммо рақиби олишувга чиқмайди. Худди шунга ўхшаш ҳол 1383 йили Сейистон юришида бўлиб ўтган

эди. Хуллас, А. Темурнинг мардлиги ва шахсий намунаси лашкар руhini кўтаришда катта аҳамият касб этгани шубҳасиз. А. Темур даврида ташки разведка фаолияти яхши йўлга қўйилган эди. Ана шу хизмат вакиллари чаканафуруш, йирик савдогар, полвон, дорбоз, хунарманд, мунажжим, қаландар, дарвиш, денгизчи, сайёҳ, мешкобчи, этикдўз, толиб ниқоби остида турли мамлакатларда бўлиб, у ерлардаги шаҳарлар, кишлоклар, йўллар, тоғу – тошлар, сувлар, ҳар бир жойнинг аҳолиси, бошлиқлари, бойу камбағаллари тўғрисида ҳар томонлама батафсил маълумотлар йиғиб, ҳатто суратлари билан Самарқандга юбориб турганлар.

Бу билан ҳам чекланмай, А. Темур ҳарбий, сиёсий муносабатларга киришаётган мамлакатлар тарихи, урф – одатларига бағишланган асарларни синчиклаб ўрганган. Демак, А. Темур ҳарбий сиёсати, энг аввало, давлатни мустаҳкамлаш, хавфдан сақлашга йўналтирилган бўлиб, бу сиёсатни пухта йўлга қўйишда соҳибқирон масаланинг иқтисодий, техникавий, илмий (мамлакатлар, шаҳарлар, йўллар, халқлар, душман лашкарлари, табиий иқлим шароитлари) ҳамда ташкилий томонларига катта эътибор билан қараган эди. Худди шу йўл уни ҳарбий санъат борасида юксакликка олиб чиққан эди.

Ижтимоий – иқтисодий ҳаёт, фан ва маданият.

А. Темур ва темурийлар давридаги давлатимиз қудрати кўп жиҳатдан ижтимоий – иқтисодий муносабатлар қуввати билан ҳам чамбарчас боғлиқ бўлган. “Темур тузуклари”да бу масалага бағишланган махсус боб бор. Унда ушбу соҳа иштирокчилари (деҳқон, хунарманд, савдогар, солиқчи ва ҳоказо), объектлари (ер – сув, ҳосил ва бошқалар) ҳар бирининг ўз ўрни ва вазифаси аниқ белгилаб қўйилган. Энг масъулиятли вазифани эса давлат ўз бўйнига олган. Хароба ерларга сув чиқариш ва обод қилиш, бузилган кўприкларни тузатиш, янгиларини қуриш, йўл хавфсизлигини таъминлаш, савдо ва элчилик қарвонларига кузатувчи ва соқчилар тайинлаш, йўловчиларнинг ҳаётини, мол – мулкни муҳофаза қилиш, қарвонсарой, ёмхоналар қуриш каби катта куч ва маблағ талаб қиладиган ишлар шулар жумласидандир.

Ҳофизу Абрунинг маълумот беришича А. Темур Хуросондаги Мурғоб дарёси (ҳозирда Афғонистон ва Туркманистон ҳудудларидан оқадиган дарё) водийсида ободончилик ва деҳқончилик хароб аҳволга тушиб қолганини кўриб, дарёдан 20 та канал қазиб сув чиқаришни буюрди. Ҳофизу Абру бу каналларнинг номларини ҳам санаб ўтади.

Дилкушо, Ганжиравон, Дарбанд, Ганжхона, Умар Тобон, Оқбуғо, Қутлуғ хотун, Шайх Абу Саъид, Шайх Али, Давлатшоҳ Жондор, Амир Аловуддин, Санжадак Наврўз, Навбатхон, Менглихожа, Кепакчи, Али Малик каналлари. Юқорида тилга олинган Қутлуғ хотун канали афтидан А. Темурнинг опаси Қутлуғ Туркон Оға номига берилган бўлиши керак. Водийдаги ободончилик ва деҳқончилик равнақига темурийлар даврида ҳам эътибор сусаймаганлигини шундан ҳам билса бўладики, Хуросондаги сўнги темурийлардан бири Султон Хусайн Бойқаро Боло Мурғоб ва Марв оралиғидаги ҳудудларда каналлар қазитиш, таъмирлаш, экинзорлар барпо қилиш тадбирларини амалга оширганлиги тарихдан маълум.

А. Темурнинг Озарбайжонда ҳам сунъий суғориш тизимларини бунёд этиш ишларига катта аҳамият берганлигини биламиз. А. Темур Қорабоғда бўлиб турганида ўша атрофда узунлиги 60 - 70 км келадиган Барлос каналини қазитгани ҳақида гувоҳликлар бор. Бошқа бир гал унинг буйруғи билан 35 – 40 км узунликдаги Бойлақон канали қазилади. Ушбу тадбирлар натижасида қаровсиз ерларга сув чиқариб, саҳро ва харобазорлар ўрнида экинзорлар, боғ – роғлар, кишлоклар қад кўтаргани манбаларда аниқ ёзилган.

А. Темурнинг Кобулдан нарироқда оқадиган Ғурбон дарёсидан 30 – 35 км узунликда канал чиқаргани ва у Жуйи моҳигир ҳамда Жуйинав номлари билан машҳур бўлгани, натижада бу атрофда ободончилик юзага келганлиги ҳам тарихдан маълум.

Темур ва темурийлар даврида ҳам сунъий суғориш ишларига катта эътибор берилган. Шу билан бирга лалмикор ерлар имкониятларидан ғам унумли фойдаланишга ҳаракат қилинган. “Тузуқлар”да таъкидланишича, лалмикор ерлар жарибларга (гектар) бўлиниб, йиғиб олинган ҳосилнинг 3/1 ёки 4/1 қисми солиқ сифатида тўланган.

1404 йили Самарқандда бўлган Испания элчиси Клавихонинг ёзишича, нон шунчалик арзон бўлганки, ундан арзон бўлиши мумкин эмас эди. Гуруч эса ҳаддан ташқари кўп. Бир қоп арпа бир мири (яъни кумуш танганинг тўртдан бири), битта катта кўй тахминан ўн кумуш танга атрофида бўлган. Ушбу фактлар ўша пайтда ғаллачилик, чорвачилик йўлга қўйилиб юқори ҳосилдорликка эришилганлигидан далолатдир. Миришкор деҳқонлар ва боғбонлар ҳосил етиштириш билан бир қаторда уларни узоқ муддатда сақлашни ҳам яхши эплаганлар. Масалан, анжир қоқи, қовун қоқи, туршак, майиз ва бошқа кўплаб қуруқ мевалар йил бўйи, айниқса, салқин – совуқ фаслларда бозор расталари ва хонадонларни беазаган, чет элларга олиб бориб сотилган.

Ишлаб чиқаришга келсак, ип, ипак, жундан турли туман газламалар, матолар тўқилган, кийим – кечаклар тикилган. Қуролсозлик, ойнасозлик, дурадгорлик, тош йўнувчилик, заргарлик, кўнчилик, кулолчилик каби бир қатор бошқа соҳалар юқори савияда ривож топган. Бу даврда испаниялик элчи Клавихони лол қолдирган соҳалардан бири зардўзлик эди. У қимматбаҳо матоларни заррин иплар билан безаш, оловдек ёниб турган гиламларга заррин нақшлар ила жило бериш ҳунари нафис санъат даражасига етказилганига у тан берган.

Юқоридаги зикр этилган йўналишлардаги ютуқлар савдо – сотиқ ишларига кенг йўл очиб берган. Бунинг устига Хитойдан Европагача бўлган улкан ҳудуднинг бир сиёсий марказ остида бирлаштирилиши, шимолий ва жанубий йўналишлардаги савдо йўлларини назорат қилиш, қарвон йўлларининг ҳар жиҳатдан таъминланиши, хавфсизлик, равон йўллар, доимо хизмат кўрсатиб турувчи қарвонсаройлар, лангарлар – буларнинг бари савдо – сотиқнинг гуркираб ўсишида муҳим омиллар бўлиб хизмат қилган. Соҳибқирон буйруғи билан бутун салтанатда ҳар бир кунлик йўл масофаси оралиғида қарвонсаройлар қурилган. Қарвонсаройлар чексиз саҳроларда ҳам бунёд этилиб зарурият туғилганда тунда ҳам минг отлик йўловчини қабул қилиш имконига эга бўлган.

Мусофирхоналар ташкил қилиш ҳам шу тарзда йўлга қўйилган. Уларни озуқа, ем – хашак ва бошқа зарур нарсалар билан таъминлаш учун бир қишлоқ, ё бир неча қишлоқни уларга вақф қилиб бериш қонунлаштирилган. Хуллас, А. Темур савдо – сотиққа катта эътибор берган. Унинг фикрича, “Дунё савдо аҳли ила ободдир”. Савдо муносабатларининг давлат ва жамият ҳаётида, ташқи сиёсатда тутган муҳим ўрнини яхши англаган А. Темур бу борада яна бир қатор тадбирларни амалга ошириб борди. Масалан, бозорлар қуриш, эскиларини кенгайтириш ва таъмирлаш ишлари жадал кечганини алоҳида таъкидлаш лозим. Бунинг исботини Самарқанд бозорининг барпо этилиши орқали кўришимиз мумкин.

А. Темур буйруғи билан шаҳарнинг Темир дарвоза қисмидан бошланиб жануби – ғарбий йўналишда катта кўча қурилади. Унинг икки томонида эса асосан икки қаватли, чорсу, тим шаклида қурилган дўконлар, расталар қад кўтарди. Кўча усти бошдан охир гумбаз шаклида ишланган тоқ билан ёпилади. Ёруғлик тушиб туриши учун ҳар ердан дарчалар ҳам қолдирилган. Бундан ташқари маълум масофада фавворалар қурилиб, омборхоналар қад кўтарган.

Эътиборли томони шундаки, бирон соҳага мослашган маҳаллалар, масалан, телпакчилар, каллапазлар, новвойлар, ҳолвачилар, газмолчилар, кўнчилар, темирчилар, заргарлар, қуролсозлар ва ҳоказо. Кези келганда шуни ҳам айтиб ўтишимиз керакки, бундай бозорлар мамлакатимизнинг бошқа шаҳарларида, Хуросон ва Эрон ва бошқа ўлкаларда ҳам қурилган. Масалан, “Зафарнома”нинг муаллифи Ш. Али Яздийнинг ватани Йазда А. Темур олий девонининг вакили тим қурдирган. Муаллифнинг ўзининг ёзишича “Дорул фатҳ” номи билан машҳур бўлган бу бино ўзининг тантанавор ва гўзаллиги билан дунёда тенги йўқ ҳисобланган. Соҳибқироннинг ўғли Шоҳруҳ ҳаракати билан эса

Ҳиротдаги бозорни қайтадан таъмирлаш ишлари олиб борилган. Ҳофизу Абрунинг ёзишича, то шу чоққача Ҳиротнинг бозорлари очик – сочик ҳолда бўлиб, чанг – тўзон, ёгингарчилик, жазирама иссиқ пайтларида сотувчилар ҳам, олувчилар ҳам қийналар экан.

Шоҳруҳ мирзо бозорни ғиштдан қурдириб, олий тоқлар барпо қилиб, майдоннинг устини ёпишни буюрган экан. Бу бозор майдонига шаҳарнинг тўрт дарвозаси орқали тушиб бориш имкони яратилган.

Хуллас, савдонинг ривожини учун бор имкониятлар ишга солинган. Натижада шаҳар ва қишлоқ бозорларига ҳар қадардан – Хитой, Ҳиндистон, Хуросон, Эрон, Араб давлатлари, Рум, Миср ҳамда Европадан маҳсулотлар олиб келинган. Масалан, Хитойдан асосан ипак, ипак матолар, чинни, мушк, олмос, лаъл, марварид. Ҳиндистондан мускат ёнғоғи, занжабил, долчин бўёғи, қалампирмунчоқ, инбир, оқшоқ ва бошқалар. Европадан газлама, пичоқлар, шимолий юртлардан эса мум, мўйна, тери. Араб мамлакатларидан тайёр кийимлар, шиша буюмлар келтирилган. Мамлакатимиздан эса асосан тўқимачилик маҳсулотлари, ип газламалар, ипакли кийимлар, қоғоз, пахта, гуруч, мева, курук мевалар каби қатор маҳсулотлар четга чиқарилган.

Савдо ҳажмининг катта бўлганлигини Клавихо маълумотларидан ҳам билса бўладики, Клавихо Самарқандда бўлиб турган йили фақат июнь ойининг ўзида биргина Хитойдан 800 туя мол олиб келинган. Савдо – сотикнинг бундай гавжумлиги фақатгина Туркистон шаҳарларига хос бўлмай, балки салтанатнинг Табриз, Султония, Шероз, Исфохон, Кирмон, Хуросон, Шимолий Ҳиндистон, Ироқ ва Сурия каби шаҳар ва ўлкаларида ҳам кўриш мумкин эди. Эрондаги Султония шаҳрида ёз ойлари савдо шунчалар қизиқ кетар эканки, Ҳиндистон, Хитой, Туркистон, Озарбайжон ва араб ўлкаларидан юзлаб, минглаб қарвонлар келиб – кетиб турган. Келтирилган маҳсулотларнинг керакли қисми шу ерда қолиб, қолгани теварак – атрофдаги мамлакатларга олиб кетилган.

А. Темур даврида ишлаб чиқариш ва савдо муносабатларидаги ижтимоий адолат масаласи муҳим ҳисобланганлигини ҳам эслаб ўтишимиз зарур. Клавихонинг гувоҳлик беришича навбатдаги ҳарбий юришдан қайтган А. Темур ўзи йўқлигида шаҳарда аҳвол қандай бўлганлигини текширган. 1404 йил 9 октябрь пайшанба куни соҳибқирон невараларидан бирини уйлантириш учун уюштирган тўйга элчиларни ҳам таклиф этди. Темурбек шу куни катта сайл уюштирди. У сайилда бировларга яхшилик қилиб мурувват кўрсата олиши ва бошқаларни дорга ошиши ҳам мумкинлигини намойиш этиш ниятида хунармандлар чодирларини тиккан жойда кўп дорлар ҳам қурди. Биринчи ҳукм бутун Самарқанд салтанатида бошлиқ ҳисобланган дина , яъни доруға устидан чиқарилди.

Унинг бутун мол – мулкни мусодара қилиб, ўзини шу заҳоти дорга ошишга буюрди... Доруғанинг гуноҳини ўтишни сўраган кишини ҳам шундай жазога ҳукм қилди. Бундан ташқари, подшоҳ узок сафарга жўнаганда уч минг отни ишониб топшириб кетган, аммо салтанат мулкни тугал сақлай олмаган яна бир нуфузли шахсни ҳам осиб ўлдиришга буюрди. Бундан ташқари, ўзи йўқлигида гўштнинг нархини ошириб сотган бир неча қассобларни ҳам жазолашни буюрди. Шунингдек, молларга ошиқча нарх қўйиб сотишда айбланган кафшдўз, этикдўз ва бошқа бир қанча хунармандларнинг маблағларидан бир қисмини мусодара қилишни топширди.

Темурийлар даврида пул муомаласи масаласига тўхталадиган бўлсак А. Темур даврида 6 грамм оғирликдаги кумуш тангалар ва унинг 4/1 га тенг 1,5 граммлик кумуш пуллар “мири” дейилган. Ушбу ном соҳибқироннинг Амир унвони билан боғлиқ. Шунингдек муомалада мис пуллар – чақалар ҳам бўлган. Тангалар Самарқанд, Бухоро, Ардабил, Астробод, Дарбанд, Домғон, Мордин, Табриз, Сабзавор, Шероз ва бошқа қатор шаҳарларда зарб қилинган. Бундан ташқари А. Темур ҳарбий ўрдасининг ҳам махсус зарбхонаси (дор ал – зарби ўрдуйи олий) бўлган. 832 (1428 – 1429 йй) йили пул муомаласини яхшилаш, мис тангалар қадрини ошириш мақсадида М. Улуғбек пул ислоҳотини ўтказди. Унга кўра, 1420 йили зарб этилган мис тангалар зарбхоналарга топширилиб, уларнинг ўрнига оғирлиги 1,5 – 2 баробар кўп бўлган тангалар зарб этилган.

Кулайлик учун зарбхоналар Бухородан ташқари Андижон, Қарши, Самарқанд, Термиз ва Шохрухияда ҳам ташкил этилган. Натижада пулнинг кадри кўтарилган.

А. Темур ва темурийлар даври фан ва маданияти ҳақида сўзлайдиган бўлсак, Чингизийлар ҳукмронлиги даврида таракқиётда анча оқсаб қолган Мовароуннаҳр XIV асрнинг ўрталарига келиб сиёсий бошбошдоқлик таъсирида янада оқсаб қолган эди. А. Темур марказий ҳокимиятни ташкил қилгач дастлабки фармонларида ана шу аҳволни тўғрилаш масалаларига эътиборини қаратди. Унинг буйруғига кўра олий ўқув юртлари бўлмиш мадрасалар ва уларнинг ўқувчиларини моддий жиҳатдан таъминлаб, стипендиялари оширилиши кўзда тутилган эди. Бу борада Муъиниддин Натанзий шундай ёзади; Фақирлар ва илм толиблари нафақалари вақф мулклари ва мадрасаларга, ҳар бирининг ҳолига яраша ва вақф шартига мувофиқ белгиланган. (Ана шундай) вақфларга мутлақо солиқ солинмаган. (А. Темур) ўз вазирларига вақф мулкларидан бирон танга менинг хазинамга тушмасин дея кўрсатма берган эди. (Соҳибқирон) илм, ҳикмат аҳли ва донишманд кишилар билан (тезда) киришиб кетар эди.”

Илм ва маданиятга бундай муносабатни соҳибқирон умрининг охиригача сақлаб қолди. Бу йўлдан унинг авлодлари ҳам юрдилар. Натижада темурийлар даврида кўплаб мадрасалар, кутубхоналар ва мактаблар барпо этилди. Уларда ўқиш ва ўқитиш учун дунёнинг турли бурчакларидан етук олимлар таклиф этилди, жалб қилинди. Фан ва маданиятнинг гуллаб яшнаши темурийлар намояндаларининг барчалари, ҳоҳ тахтга чиққани бўлсин, ҳоҳ йўқ, кенг билим эгалари бўлганликлари орқасидан ҳамдир.

Улар ўз она тилларидан ташқари форс, араб тилларини яхши билар, тарих, астрономия, математика, тиббиёт, шеърят, ҳуснихат, меъморчилик ва диний билимлар борасида катта салоҳият соҳиби эдилар. Шунинг учун ҳам А. Темур, Шохрух, Бойсунғур, Улуғбек, Пир Муҳаммад, Ҳалил Султон, Бадиуззамон, Фариуддин Ҳусайн Мирзо каби подшоҳу шахзодаларнинг бой кутубхоналари кишилар оғзига тушган, улардан кўпчилик баҳраманд бўлган. А. Темур, Шохрух, Улуғбек, Султон Ҳусайн Бойқаро, Қутлуғ Туркон Оғо, Милкат Оғо ҳамда Гавҳаршодбегим каби темурий ҳукмдор маликалар ҳамда темурийлар хизматида бўлган бир қатор амирлар томонидан Самарқанд, Бухоро, Гиждувон, Марв, Ҳирот, Йазд, Балх, Машҳад ҳамда Шероз ва бошқа шаҳарларда ўнлаб мадрасалар барпо этилди. Ҳалил Султон, М. Улуғбек, Искандар Мирзо Абу Бакр Мирзо, Фиёсиддин Бойсунғур Мирзо (Бойсунғури Соний), Султон Ҳусайн Бойқаро, Бадиуззамон Мирзо, Шох Ғариб Мирзо, Фариуддин Ҳусайн Мирзо, Муҳаммад Ҳусайн Мирзо, Султон Муҳсин Мирзо, Мўмин Мирзо ва бошқа темурий намояндалар нозик дидли шоир ҳам бўлиб, туркий ва форсийда шеър битганлар ва табиий равишда катта – кичик шоирларга ҳомийлик қилганлар, истеъдодли қаламкашларни парвариш қилганлар.

Шунинг учун ҳам темурийлар даври ўзбек ва форс адабиёти ривожидида муҳим босқич ҳисобланади. Навоий ва Жомийларнинг худди шу замонларда яшаб ижод қилганликларини эслайлик. Туркий тилли адабиёт равнақида катта касб этган Саккокий, Лутфий ҳамда Атоий каби туркийзабон шоирлар, Бурундик Хўжандий, Исмаат Бухорий, Ҳумоюн Исфаконий, Бадриддин Чигатоий, Риёзий Самарқандий ҳамда Ҳалокий каби форсийзабон шоирлар ҳамда Эрон, Озарбайжон, Хуросон ҳамда Кичик осиеда ижод қилган ўнлаб назм усталари худди шу даврда яшаганлар ва у ёки бу маънода темурийлар хизматида баҳраманд бўлганлар.

Абдулҳай, Пираҳмад Боғишамолий, Муҳаммад Ҳалимий, Султон Али Бовардий, Шаҳобиддин Абдулло, Заҳриддин Асғар, Камолиддин Бекзод каби наққошлар (миниатюра рассомлари ҳам), Аҳмад Румий, Шомий Бойсунғурий, Ҳожи Абдулқодир Муҳаммад Бадриддин, Муҳаммад Котиб, Султон Али Машҳадий, Абдулҳалил котиб каби ўнлаб хаттотлар ҳам А. Темур ва темурийлар даврида камолот чўққисига чиқдилар. Шохрух мирзонинг ўғиллари Иброҳим Султон ҳамда Бойсунғур кўли билан кўчирилган қуръон нусхалари фикримиз далилидир.

Темурийларнинг илм – фан ва маданиятга рағбати шу қадар бўлганки, З. М. Бобур ва унинг авлодлари Ҳиндистонда ҳукмронлик қилган йиллар бу мамлакат маданий

тараққиётида жуда катта из қолдирди. Аниқ фанлар ривожидида ҳам темурийлар замони алоҳида ўрин эгаллайди. Биргина М. Улуғбек академиясини олайлик. Айниқса бу ерда расадхонанинг барпо этилиши оламшумул воқеага айланди. Расадхона бош ўлчов асбобининг аниқлик даражаси бир ёй секундигача бўлганлигини ҳисобга олсак, яратилган юлдузлар жадвали то XVII асргача, яъни оптик асбоблар кашф этилгунча, энг мукамал ҳисобланганлиги асосиз бўлмаганлигини биламиз. Тиббиёт илми хусусида айтадиган бўлсак, тиббиёт оламида машҳур бўлган асарлар, Бурҳонуддин Нафиснинг “Касалликларнинг сабаблари ва аломатлари шарҳи”, “Мўъжаз ал – қонун” шарҳи”, Ғиёс Мутаббиддиннинг “Касалликлар шифоси”, Мансур ибн Муҳаммаднинг “Инсон танаси ва унинг аъзолари ҳолатининг шарҳи”, “Кифояти Мансурий”, Баҳоуддаула Ҳасанийнинг “Тажрибалар хулосаси ва хайрли ишлар” каби яна бошқа қатор тиббиёт борасидаги рисоалар Темурийлар даврида ёзилди. Бурҳониддин Нафис эса олимлик билан бир қаторда Улуғбекнинг шахсий табиби ҳам эди. А. Темур ва темурийларнинг тарих фанига ҳам катта эътибор билан қараганликларини биламиз. Тарихнавислик бобида Шарқда донг таратган Ғиёсиддин Али, Низомиддин Шомий, Ҳофизу Абру, Муъиниддин Натанзий, Шарофиддин Али Яздий, Абдураззоқ Самарқандий, Мирхонд ва Хондамир каби тарихчилар темурийлар паноҳида яшаб ижод қилганлар. Уларнинг баъзилари ҳақида тўхталиб ўтамиз. Низомиддин Шомий. Асл исми Али ибн Муҳаммад, аммо кўпинча Н. Шомий ёки Низомиддин Шанбий номи билан ҳам машҳур. Туғилган йили аниқ эмас. Вафоти 1404 – 1409 йиллар орасида юз берган. 1383 йилдан А. Темур хизматида бўлган. “Зафарнома” 1404 йили тамомланган бўлиб, уни ёзиш ташаббуси шахсан соҳибқирондан чиққан.

Ҳофизу Абру. Асл исми Шихобиддин Абдуллоҳ Хавофий бўлиб, 1430 йили вафот қилди. У ҳам А. Темур кейинчалик Шоҳруҳ мирзо хизматида бўлган. Унинг “Зубдат ат таворих” асари алоҳида ўрин тутди. Бу асар Шоҳруҳ мирзонинг ўғли Бойсунғур мирзо топшириғи билан ёзилиб, унинг тўртинчи қисмида А. Темур тарихига оид бир қатор муҳим қўшимчалар ҳамда соҳибқирон ўлиmidан кейин то 1427 йилгача Хуросон ва Мовароуннаҳрда юз берган ҳаёт тафсилотлари ўз аксини топган. Муъиниддин Натанзий. У ҳам темурийлар, хусусан, Искандар мирзога ва ўлиmidан кейин Шоҳруҳ мирзога хизмат қилган. Натанзий ўз даврида машҳур олимлардан бири ҳисобланган. Бунга биз унинг “Мунтахаб ат – таворих” (“Тарихларнинг сираси”) асари билан танишиш орқали иқрор бўлишимиз мумкин. Асар оламнинг яратилишидан то соҳибқирон вафотига қадар бўлган даврни ўз ичига олади. Китобда бошқа тарихий манбаларда бўлмаган ва ҳозирги кўплаб олимлар назаридан четда қолаётган ноёб маълумотлар кўплаб учрайди.

“Зафарнома” номи билан машҳур яна бир асар бор унинг муаллифи Шарафиддин Али Яздийдир (ваф. 1454 й). У Шоҳруҳ мирзонинг ўғли Иброҳим Султон саройида хизматда бўлган ва ушбу асарни яратиш иши ҳам ушбу темурий шаҳзода номи билан боғлиқлигини биламиз. “Зафарнома” асари 1425 йили ёзилди. Темурийлар даврида сермахсул ижод қилган тарихчилардан бири бу

Абдураззоқ Самарқандий (1413 – 1482 йй) эди. Унинг отаси Шоҳруҳ мирзо саройида хизматда эди. Абдураззоқ ҳам 25 ёшларидан бошлаб Шоҳруҳ мирзо хизматидаги киради. Кейинчалик у Абу Саъид мирзо ва Абулқосим Бобур каби темурийларга ҳам хизмат қилган. Абдураззоқ Самарқандий 1467 – 1470 йиллар орасида “Матлаи Саъдайн ва Мажмайи баҳрайн” (“Икки саодатли юлдузнинг чиқиш ўрни ва икки денгизнинг қўшилиш жойи”) асарини ёзди. Асар икки жилддан иборат бўлиб, унинг икки жилди XIV асрнинг 20 – йилларидан 1470 йилга қадар юқорида тилга олинган минтақада кечган ижтимоий – сиёсий тарих баёни биз учун муҳимдир.

А. Темур ва темурийлар даврида меъморчилик соҳаси борасида амалга оширилган ишлар ҳақида гапирадиган бўлсак. Туркистон шаҳарларида, масалан, Самарқанд, Бухоро, Шахрисабз ва Яссид; Хуросонда, Ҳирот, Машҳад, Нишопур ва бошқа шаҳарларда, Эрон ва Озарбайжонда бунёд этилган қалъалар, масжидлар, мадрасалар, карвонсаройлар,

бозорлар, тимлар, саройлар, хонақоҳлар, хиёбонлар, мақбаралар ва бошқа мақсадга мўлжалланган бино ва иморатларнинг ҳар бири ҳақида кўплаб қоғоз қоралаш мумкин. Шунинг учун ҳам биз темурийларнинг меъморчилик фаолиятига доир баъзи бир далилларни келтириб ўтмоқчимиз.

Бунёдкорлик ва меъморчилик жиҳатидан энг гуллаб яшнаган шаҳар темурийлар даврида Самарқанд бўлди. Чунки у пайтларда дунёнинг энг қудратли ва бой давлати бизники эди. А. Темурнинг раҳбар сифатидаги орзу – ҳаваслари, ўз юртига нисбатан фарзандлик бурчи, мамлакати билан фахрланиш каби туйғулари ҳам ўз ўрнини топган. Буни биз Самарқанд атрофида Миср, Дамашқ, Султония, Баҳдод ва Шероз каби қишлоқлар бунёд этиш орқали ҳам кўришимиз мумкин. Чингизийлар босқини даврида Самарқанд харобаликка юз тутганлигини биламиз. А. Темур тахтга чиқиши муносабати билан шаҳарнинг ички ва ташқи қалъасини (Ҳисор) бунёд этди. Бозорларни тартибга солиб, меъморий жиҳатдан беназир бўлган тимлар, дўконлар қаторини қурдирди.

Шаҳарнинг ичкари ва ташқарисида боғлар билан ўралган саройлар (Тахтақорача ва бошқалар), мадрасалар, мақбаралар (Оқсарой, Ишратхона, Гўри Амир), масжидлар (Бибихоним (1399 – 1404 йй), давлат идоралари, ҳаммомлар бинолари меъморчилик нуқтаи назаридан юксак даражада бажарилган. Соҳибқирондан унинг атрофидагилар ҳам ўрнат олиб кўплаб қурилиш ишларини амалга оширганлар. Унинг Шаҳрисабзда шаҳарни девор билан ўраш, Оқсаройни барпо этиш, Дор ул тиловот, Дор ул – сиёдат мажмуаларидаги мақбара – ю мадраса таъмири ва яна бошқа бир қатор меъморчилик тадбирлари фикримиз далили бўла олади.

А. Темур буйруғи билан қурилган А. Яссавий мақбараси, Ҳиндистон юришида Ирёб ва Начар шаҳарларида қурилган қалъалар, Жанубий Озарбайжонда Байлақондаги таъмирланган қалъа, Кобул водийсида қурилган работлар ва бошқа қатор иншоотлар ҳам А. Темур буйруғи билан амалга оширилган. Соҳибқироннинг бунёдкорлик ишларини унинг авлодлари Шохруҳ мирзонинг Ҳирот ва Марв қалъаларини тиклагани, Ҳиротда мадраса, хонақоҳ, янги бозор биноларини қурдиргани, унинг хотинлари; Гавҳаршодбегимнинг Ҳирот, Машҳад ва Тусда мадрасалар, Милкат Оғонинг Балхда битта, Ҳиротда иккита мадраса, “Дорушшифо” касалхонаси, хонақоҳ, ҳаммом, мақбара ва кутубхона биноларини иморат қилганликларини мисол келтириш мумкин.

Яна Улуғбек Самарқандда бино эттирган мадраса, ҳаммомлар, Шоҳи Зиндани таъмирлаш, кенгайтириш борасидаги қурилишлар, Ғиждувон, Бухордаги мадрасалар, Шаҳрисабздаги масжид, Самарқанддаги Муҳаммад Султон, Қосим Султон, Муҳаммад Қосим номлари билан боғлиқ ҳаммомлар, шу шаҳардаги Ферузшоҳ, Шоҳ Малик каби амирлар, Сароймулк хоним, Хожа Аҳрор ва Мирзо Абдулло мадрасалари, Туман Оғо ва Улуғбек хонақоҳлари, Ҳиротдаги амирлардан Жалолиддин Фирузшоҳ, Фармоншайх, Чақмоқ мадрасалари, Йаздаги амир Чақмоқ мадрасаси, Шероздаги Даштакий мадрасаси, Султон Ҳусайннинг хотини Билга Султоннинг Балхдаги “Бадиййа” мадрасаси, Машҳаддаги амир Юсуфхожа масжиди, Абулқосим Бобур мирзонинг Ануздаги масжиди бино этилиши ҳақида сўз юритиш мумкин. Ё бўлмаса, А. Темурнинг опаси Қутлуғ Туркон Оғонинг ўз ҳисобидан мадрасалар ва хонақоҳлар қургани ҳақидаги гувоҳликларни олайлик. А. Навоийнинг Хуросон меъморчилигидаги фаолиятичи. Булар ҳақида кўплаб ёзиш мумкин.

Темурийлар даври меъморчилигининг баъзи жиҳатларига тўхталадиган бўлсак, биринчидан, амалга оширилган жамият манфаатини кўзлаб амалга оширилган. Иккинчидан, тўхтовсиз олиб борилган қурилиш ишлари кишиларни иш билан таъминлаган.

Учинчидан, меъморчилик, қурувчилик орқали шаҳарлар, қишлоқлар, бутун бир мамлакат обод бўлиб борган.

Тўртинчидан, давлат хазинасида йиғилган катта бойлик, айшу – ишрат, ҳукмдор мавқеини сақлаш учун беҳуда совға – саломлар тарқатиш каби бемаъни ишларга эмас, кўпчиликка фойдали, асрларга татигулик хайрли ишларга сарфланган.

Хуллас, келажак авлод учун шундай маданий ва маънавий мерос қолдирилдики, бу нафақат ўтмишдан хотира, балки ўзбек халқининг маданий бойлиги, маънавий салоҳияти, ақлий имкониятларидан далолат берувчи тимсол ўрнида ҳам қадрлидир. Ташқи сиёсат ва дипломатия.

XIV аср, умуман дунёда ва биз яшайдиган Туркистонда (А, Темургача) бошбошдоқлик, сиёсий тарқоқлик ва қарама – қаршиликлар авжига чиққан юз йиллик бўлган эди. Бу вақтда минтақамизда ҳар бир вилоят ўз бошича бўлгани ва А. Темур тахтга ўтиргач мамлакат бирлаштирилгани ва бунинг натижасида турли соҳаларда қўлга киритилган ютуқлар ҳақида тўхталиб ўтдик.

Ўша вақтда атрофда эса хусусан, Ўрта ва Яқин Шарқда куртлар (маркази Ҳирот), Сабзавор, Астробод, Нишопур ва Машҳад), Музаффарийлар (Форс, Кирмон ва Курдистон), Жалойирийлар (Ироқ ва Озарбайжон, Арманистон ҳамда ғарбий Эрон), кечроқ (XIV аср охирида) Қорақуйинлилар (Озарбайжон ва Арманистон), Мамлуклар (Миср ва Сурия) ҳамда бир қатор вилоят миқёсидаги маҳаллий сулолалар ўзаро ҳам ички, ҳам ташқи зиддиятда эдилар. Кичик Осиёда ҳам сорунолийлар, ойдинийлар, мунташойлар, такоэлийлар, кармиёнийлар, қорамонийлар ҳамда усмонийлар каби бир қатор катта- кичик сулолалар фаолият кўрсатиб, улар орасида усмонийларнинг ошиғи олчи бўлиб келаётган бўлса – да, ўзаро зиддиятлар барҳам топмаган эди.

Европа давлатлари ҳақида тўхталадиган бўлсак, аҳвол бундан ҳам аянчлироқ эди. Европа халқлар бу вақтда марказлашган давлатчилик йўлига эндигина кириб келаётган, шаҳар маданияти пайдо бўлганига ҳали кўп ҳам бўлмаган эди. Ана шу икки омил туфайли қитъадаги ижтимоий – иқтисодий муносабатлар ривожига қай даражада бўлганлигини билиб олишимиз мумкин. Масалан, Италияда Флоренция, Сиена, Пиза, Милан, Венеция ва яна бир қатор давлатчалар мавжуд эди. Уларнинг номланиши ҳам шаҳар – давлатлар, денгиз республикаси деб қизиқча номланган эди. Бир сўз билан айтганда, Италия сиёсий тарқоқлик ва ички зиддият шароитида ҳаёт кечирар эди.

Франциянинг аҳволи бир оз дурустроқ кўринса – да, у ҳам марказлашган давлат остида бирлаша олмаётган эди. Айниқса 1337 йили Англия билан бошланган юз йилдан ортиқ давом этган уруш ички вазиятни янада кескинлаштириб юборган эди. Германиядаги вазиятни 1356 йили Карл IV (1347 – 1378 йй) томонидан имзоланган ҳужжатдан кўриш мумкин, унга кўра ҳар бир маҳаллий қироллик учун қонуний равишда мустақиллик туғдириб берилган эди.

Сиёсий тарқоқлик Испанияда ҳам ҳукм сураб эди. XIV аср давомида Леон Кастилия ва Арагон - Католон қиролликлари ўртасидаги рақобат тўхтамаган эди. Қачонлардир қудратли бўлган Византия (Рум) ҳам ички ва ташқи зиддиятлар сабаб ниҳоятда заифлашиб қолган эди.

Европа мамлакатларида ўзаро қарама – қаршиликлар ҳам уларнинг ҳар биридаги ички зиддиятлардан қолишмас, унинг устига уларни янада кескинлаштириб борар эди. Бу даврда Англия Испания билан зиддиятда эди. Бу етмаганидай Испания Португалия билан ҳам қарама – қаршиликда эди. Шимолий Италия Венгрия ҳужумларига бардош беришига тўғри келар эди. Аслида ўзиникилар томонида бўлиши керак туюлган Рим папалиги эса Венгрияни жанубий славян давлатлари – Сербия, Босния ва Хорватияга қарши курашда қўллаб – қувватлар эди. Жанубий славянлар кези келганда Византиядан ҳам норози эдилар. Ўз ўрнида Босния Сербиянинг тазйиқида ҳам қолган эди. Хорватия Венгрияга қарамликка ўтган, Болгария эса XIV асрнинг иккинчи ярмида учга бўлиниб кетган эди.

Рим папалигининг фаолияти Европада мазҳаб жиҳатидан ҳам бирлик йўқлигини кўрсатар эди. 1054 йили икки йirik мазҳаб кутбга (ғарбий католик ва шарқий православ) бўлиниб кетиши оқибатида заифлашиб қолган папалик XIII асрга келиб фаоллаша бошлади. Саккизта салиб юришини илҳомлантирувчи ҳам худди мана шу диний ташкилот бўлган эди.

Натижада юз йиллик урушда Франция тарафида бўлган папаликка қарши Англия бош кўтарган эди. Шунингдек уч асрдан буён папалик асоратида бўлиб келган Португалия

хам унга қарши кайфиятда эди. Византия учун энг оғир йиллар бўлмиш усмонийлар хатари кучайган йилларда ҳам ана шу мазҳабий қарама – қаршилиқ ҳеч бир сусаймади, аксинча тўғаноқ бўлди. Бу вақтда бундан ташқари қитъада крепостнойлик ҳуқуқи ҳалигача ҳам сақланиб қолган эди. Натижада бу эса кўплаб ғалаёнларга сабаб бўлаётган эди.

Энди А. Темур юритган ташқи сиёсат ва дипломатиянинг амалий томонларига тўхталадиган бўлсак, Чингизийлар даврида Турон ва Эрон учга бўлиб Олтин Ўрда, Чигатой ва Ҳалокуийлар улусларига бўлиб идора этилган эди. Бунда маркази ҳозирги Мўғулистонда бўлган Чингизхон асос солган салтанатнинг манфаати кўзда тутилган эди. Худди шунинг учун ҳам Туркистоннинг Мовароуннаҳр қисмининг ажралмас бўлаги бўлиб келган Хоразм иккига бўлиниб, шимоли Олтин Ўрдага, Жануби эса Чигатой улусига қўшиб олинган эди. Шу сабабдан ҳам 1370 йил ҳокимият тепасига келган А. Темур 150 йиллик воқеликлар билан ҳисоблашиб иш тутишига тўғри келди.

А. Темур Туркистонни бирламчи тарзда бирлаштирганидан сўнг дастлабки иши шу бўлдики, собиқ Чигатой улусига даъвогарлик ўчоғи бўлмиш Мўғулистонда (Еттисув ва Қошғар) мавжуд сиёсий кучларнинг пайини қирқишга жазм этди. А. Темур XIV асрнинг 70 – йиллари давомида Мўғулистон томон бир неча марта ҳарбий юриш уюштириб у ерлик ҳарбий – сиёсий кучларни заифлаштириш, ташаббусни ўз қўлига олишга ҳаракат қилди. Шу ерда алоҳида таъкидлаш лозимки, Мовароуннаҳр ва Мўғулистон ўртасида зиддият юзага келганидан бери ҳали ҳеч ким шарққа лашкар тортмаган эди. Шундай қилиб, А. Темур 1370 йилларнинг иккинчи ярмига келиб биринчи хавф ўчоғи бўлмиш Мўғулистонни асосан жиловлашга муваффақ (Лекин узил – кесил эмас у томонга А. Темур 1383, 1389 ва 1390 йиллар ҳам юриш қилган эди) бўлган эди.

Мовароуннаҳрда хавф туғдирадиган иккинчи куч шимолдан эди. Олтин Ўрда (Жўчи) улуси Сирдарёнинг чап соҳилига кўз олайтириши дастлабки Чингизийлар давридаёқ бошланган эди. Шу маънода оладиган бўлсак Чигатой улуси энг заиф аҳволда қолган эди, яъни ўртада эди. Унга нисбатан ҳар уч томондан тазйиқ ўтказиш имкони сақланиб келаётган эди. Шунинг учун Мўғулистондан сўнг А. Темур Олтин Ўрда “масала”си билан шуғулланишга киришди. XIV аср бошларидаёқ Олтин Ўрда иккига – Оқ Ўрда ва Кўк Ўрдага бўлиниб кетган эди.

Оқ Ўрда таркибига Сирдарё ҳавзаси, Орол денгизидан Ишим ва Сарисув дарёларигача бўлган шимоли – шарқий йўналишдаги ҳудуд (ҳозирги Қозоғистон ва Ғарбий Сибирнинг майдонларига тўғри келади) кирар эди. Улуснинг қолган ерлари эса, жумладан, Қора денгиз, Дарбанд ҳамда Рус князликларининг ғарбий чегараларигача бўлган ерлар Кўк Ўрда ихтиёрида эди. А. Темур тахтга чиққан йиллари Оқ Ўрда хони Ўрисхон (1361 – 1380 йй) Кўк Ўрдада ҳам ўз мавқеини мустаҳкамлаш ва бу билан Олтин Ўрда ҳокимиятини бутунлай қўлга олиш ҳаракатида эди. Агар у мақсадига эришса Мовароуннаҳр учун шимолдан каттга хавф туғилиши муқаррар эди. Шу орада Тўхтамишхон амакиси Ўрисхондан қочиб (Ўрисхон ўз укаси Тўйхожани қатл эттирган эди) Мовароуннаҳрда келди.

Олтин Ўрданинг кучайиб бориши бир кун эмас бир кун Мовароуннаҳрда хавф туғдиришини билган соҳибқирон у ерда ўз кишига эга бўлиш ниятида Тўхтамишга ёрдам қилди. Бироқ Тўхтамишнинг ҳеч бир ишнинг уддасидан чиқа олганини кўрган соҳибқирон Ўрисхонга қарши шахсан ўзи отланди. 1376 – 1377 йиллар қишида юз берган бу воқеа шуни тасдиқлайдики, А. Темурнинг Олтин Ўрдага нисбатан туган стратегияси Тўхтамиш билан бевосита боғлиқ эмас эди. Унингсиз ҳам бу йўналишдан воз кечмас эди. А. Темур Олтин Ўрдага 1376 ва 1377 йиллари икки маротаба Ўрисхонга қарши юриш қилди ва 1377 йилнинг охирида Тўхтамишхонни Олтин Ўрда тахтига ўтказишга эришган эди. Энди эса олдинда жануб ва ғарбга йўналтирилган сиёсат турар эди.

Юқорида айтилганидек Ҳирот куртлар (картлар) номи билан машҳур туркий сулоланинг маркази бўлиб келаётган эди. Ҳалокуийлар инқирозигача чингизийларга қарам бўлиб келаётган эди. Ҳалокуийлар инқирозигача чингизийларга қарам бўлиб келган ушбу

сулола кейинчалик мустақил сиёсат юргизиш йўлига ўтган эди. Ўз фаолиятларини Ҳиротда бошлаган куртлар Фаржистон, Сейистон ҳамда Қандаҳор каби вилоятларни ўз тасаарруфларига олганларини ҳам биламиз. Уларнинг сарбадорлар билан ҳам муносабатлари зиддиятли ўтган эди. Масалан, куртлардан бўлмиш Ғиёсиддин Пир Али сарбадорлар худудига бостириб кириб, Нишопур атрофидаги буғдойзорларни пайҳон, боғ – роғларни ер билан яксон этгани ҳақидаги маълумотлар манбаларда ўз аксини топган.

738 (1376 - 1377 йй) йили, яъни А. Темур Мўғулистон ва Олтин Ўрда билан банд бўлган кезлари соҳибқирон ва куртлар сардори Ғиёсиддин Пир Али элчилар алмашадилар. Шунга кўра, соҳибқирон ўзининг энг яқин кишиси - синглиси Ширинбека Оғонинг қизи Суйунч Қутлуғ Оғони Ғиёсиддиннинг ўғли Пир Муҳаммадга никоҳлаб беришга қарор қилади. Бундан соҳибқироннинг мақсади дипломатия ва қариндошлик йўли билан Хуросонда ўзига яраша мавқега эга бўлган сиёсий кучни ўз томонига оғдириш эди. Бундан кўринадики, куртларнинг ҳам ўша вақтдаги кудрати чакана бўлмаган.

Куртларнинг кўшни сулолалар ишларига аралашishi мумкинлигини Нишопур воқеаси орқали кўрган эдик. Араб тарихчиси Ибн Баттута ҳам ўз маълумотида Ғиёсиддин Пир Алининг отаси Муъизиддин Ҳусайн (1331 – 1370 йй) ҳукмронлиги даврида куртлар Мовароуннахрнинг ички ишларига аралашиб чиғатой хонларидан Бузанга (1334 – 1338 йй) қарши курашган Ҳалилни ҳарбий куч ва маблағ билан таъминлаганлар. Ҳалил куртлар берган ёрдам билан Бузанни тахтдан ағдариб, ҳокимиятни кўлга олишга эришган эди. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, куртлар шароит туғилса Мовароуннахрга яна таҳдид солишлари мумкин эди.

Шу маънода А. Темурнинг улар билан дипломатик алоқа йўли орқали алоқани яхшилашга интилишини табиий ҳол деб билмоқ керак. Ғиёсиддиннинг ваъдасига ишонган А. Темур жиянини дабдаба билан Ҳиротга жўнатади. Бу ерда ҳам катта тўй бўлиб ўтади. Аммо энг муҳим паллада келишувларга қарамасдан Ғиёсиддин иттифоқчилик аҳдини бузади. 782 (1381 – 1382 йй) йили Балх ва Андхуд оралиғида чақирилган ҳарбий курултойга келмай бир неча шартлар кўяди. Шартлари бажарилганидан кейин ҳам курултойга келмайди. Шунда А. Темур Ҳиротни куч билан эгаллади ва у ерда Ғиёсиддинни ўз ўрнида қолдиришига қарамай, у яна душманлик йўлига кирди. А. Темур уни Самарқандга жўнатишга мажбур бўлди. Ғиёсиддиндан фарқли ўларок, сарбадорлар ҳукмдори Али Муаййад бош эгиб келиб, А. Темур хизматига кирди.

Соҳибқирон уни эъзозлаб ўз ўрнида қолдирди. Лекин Журжон, Мозандарон ҳокими амир Вали, Тус, Калот, Обивард, Нисо, Марв ҳокими Валибеклар бир неча марта А. Темурга тобеликларини билдириб, шунча марта яна аҳдни буздилар. Ҳатто унга қарши суиқасд уюштириш йўлига ўтган эдилар. Шундан сўнг А. Темур уларнинг тақдирини ҳам узил – кесил ҳал қилишга мажбур бўлди. Шундай қилиб, XIV аср 80 – йилларининг ўрталарида А. Темур Хуросон, Сейистон, Қандаҳор ва Шимолий Эрон вилоятларини ўз ҳукми остида бирлаштиришга муваффақ бўлган эди.

Унинг бу зафарли юришларидан узоқ – яқиндаги сулолалар хабардор бўлиб, улар А. Темур билан дипломатик борди – келдиларни кучайтириб музокара олиб бордилар. Соҳибқирон ҳам улар билан элчилик алоқаларини йўлга кўйиб, уларнинг кўнглини олишга ҳаракат қилди. Музаффарийлардан (Форс, Кирмон ва Курдистон) Шоҳ Шужо (1359 – 1384 йй) билан дипломатик музокаралар олиб боргани диққатга сазовордир. 784 (1382 – 1383 йй) йили Шоҳ Шужо ўз элчиси амир Умаршоҳ орқали соҳибқиронга йўллаган мактубида А. Темурга нисбатан ихлоси ва тарафдорлигини билдиради. А. Темур одатдагидек икки томонлама алоқаларни мустаҳкамлаш ниятида ўз фарзандларидан бирига Шоҳ Шужо қизларидан сўрайди.

Шоҳ Шужонинг тарафдорлигига ишонган А. Темур ўз набираси Пир Муҳаммадга (1376 – 1407 йй) унинг набирасини унаштириб кўйиш тараддудида бўлган бир пайтда охирати яқинлашганлигини сезган ҳукмдор соҳибқиронга мактуб йўллаб ўғли Зайнолобиддин ва бошқа фарзандларини унга ишониб топширишини ёзади. 1387 йили Шоҳ Шужо ўлимидан кейин тахтни эгаллаган Зайнолобиддинга А. Темур хат йўллаб

отасининг унга итоаткор бўлганлигини, унинг соҳибқирон олдига келишини ва унга отаси ерларини янгидан хатлаб беришини ёзади. Зайнолобиддин эса ахдни бузиш билан чекланмасдан, соҳибқироннинг элчиларини ҳам ўз вақтида қўйиб юбормай ушлаб қолган эди.

Бу ҳам етмаганидай соҳибқироннинг йўлга чиққанлигини эшитиши билан тахтни ташлаб, Шуштарга (Эроннинг жануби – ғарбидаги Хузистон вилояти) амакиваччаси Шоҳ Мансур хузурига қочиб борди. Шундай қилиб А. Темур илтифотидан қочиб Шуштарга борган Зайнолобиддин амакисининг буйруғи билан зиндонга ташланди. Бу ҳам етмаганидай кўзи кўр қилиниб, Сафид қалъасида тутқунликда тутиб турилди.

1393 йили А. Темур қўшинлари ушбу қалъани эгаллаганларида Зайнолобиддинни А. Темур хузурига келтирадilar. А. Темур унга меҳрибонлик кўрсатиб, кўп совғалар берди ва биродари Султон Шибли билан бирга Самарқандга юбориб у ердан уларга ер – сув (икто) ажратиб ҳам берган эди. Қолган музаффарийлардан Шоҳ Мансурдан ташқари барчаларига А. Темур ўз мулкларини бошқариш ҳуқуқини қайтариб берди.

Энди А. Темур ғарб томонга ҳам Шимолий Эрон, ҳам жанубий Эрон орқали кириб бориш имконига эга бўлган эди. Соҳибқирон биринчисини танлади. У жанубий Эрон бўйлаб юриш табиий – географик қийинчиликлардан ташқари сиёсий жиҳатдан қалтис эди. Биринчидан, ўша пайтларда музокара ва дипломатия йўли билан камида баргараф қилинган музаффарийлар билан алоқа бузилар эди. Иккинчидан, бу пайтда Озарбайжон бир қатор сиёсий кучларнинг диққат марказида турган эди. Булар жалойирийлар, қорақўйинлилар, музаффарийлар, Олтин Ўрда, Кичик Осиё туркий сулолалари, айникса, усмонийлар ва А. Темур эдилар. Бироқ бу даврда ушбу кучларнинг бу йўналишда кучлари ва имконлари турлича бўлган эди.

Масалан, Дажла дарёсининг юқори қисми ва Ван кўли жанубий орлиғидаги водийда фаолият кўрсатган қорақўйинлилар кўпроқ жалойирийларга қарам эдилар. Лекин бу дегани бу иккала сулолаланинг ҳам Озарбайжонга нисбатан ўз манфаатларидан қайтдилар, дегани эмас эди. Ушбу маконда манфаатлари кесишган асосий томонлар ҳозирча Олтин Ўрда, жалойирийлар ва А. Темур эди. А. Темур ёрдами билан “одам” бўлган Тўхтамиш 1380 йили машҳур Мамайни (Мамоқ) енгиб Олтин Ўрда, Қрим ва Шимолий Кавказни ҳам ўз ҳукми остида бирлаштирган эди. Олтин Ўрда геополитик манфаатларини кўзлаб Озарбайжонга эгалик қилиш сиёсий жиҳатдан Эрон, Ироқ ҳамда Кичик Осиёга таъсир ўтказиш имконини берса, иқтисодий жиҳатдан Шарқ ва Ғарбни туташтирувчи жанубий магистрал – карвон йўлларини назорат қилиш имкониятини яратар эди.

Шу сабабдан ҳам Олтин Ўрда ва ҳалоқуийлар сулоласи ўртасида катта қарама – қаршилиқлар рўй бериб турган эди. Масалан, 1263 – 1265 йилларда Кура дарёсининг чап қирғоғида улар ўртасида қаттиқ жанг содир бўлган эди. 1356 йили эса Олтин Ўрда ҳукмдори Жонибекхон (1342 – 1357 йй) Табризни эгаллаб, бу ерда ҳатто ўз номидан танга зарб этгани ҳам маълум. Ўз ниятларини амалга ошириш йўлида Олтин Ўрдалиқлар барча мавжуд воситалардан фойдаландилар. Масалан, ҳалоқуийлардан Абақохон (1265 – 1282 йй) даврида Табризда ёнларидан маблағ харжлаб, ўз хонлари номидан масжид қурдирганлар ва маҳаллий аҳолига мафқуравий жиҳатдан таъсир ўтказмоқчи бўлганлар (мусулмон оламида масжидларнинг тутган ўрнини эслайлик).

Озарбайжонга интилиш жалойирийларда ҳам ўзига яраша сезиларли эди. 1384 йили А. Темур Райда (Техрондан жанубда жойлашган) бўлиб турганида Султон Аҳмад жалойир Султонияни мустақамлаш ишига бел боғлади. Аммо соҳибқирон яқинлашиб келаётганини эшитиши биланоқ Бағдодга қочди. 1385 йил қишида Озарбайжонга Тўхтамишхон юборган қўшин Кавказ орқали кириб келди.

Аммо А. Темур Тўхтамишга қарши бирон тадбир қўлламади. Фикримизча, соҳибқироннинг қудрати ҳали бунга йўл бермас эди. Музаффарийлар ва жалойирийларнинг ўзаро иттифоққа киришларини ҳисобга олиб 1386 йили соҳибқирон Шимолий Эрон бўйлаб яна бир бор харбий сафарга чиқди. Бундан мақсад музаффарийлар

масаласини ойдинлаштириш эди. Соҳибқирон Кичик Луристонга ҳаракат қилиб унинг маркази бўлмиш Хуррамободни эгаллади ва бу билан музаффарийлар сулоласининг шимол яъни Озарбайжон билан алоқаларини узиб қўйди.

Бу мўлжалнинг қанчалик тўғрилигини тез орада содир бўлган воқеалар тўла исботлади. Биз бу ерда Султон Аҳмад жалойирнинг Бағдоддан лашкар тортиб Табризга йўл олганини назарда тутаямиз. Аммо Султон Аҳмад жалойир бу сафар мақсадига эриша олмай Табриз томон йўлга чиққан А. Темурнинг қўшинларига дош беролмаслигини англаб орқага қайтди. Музаффарийлар ва Султон Аҳмад жалойирнинг режаларини барбод қилган А. Темур кейинги энг муҳим режани амалга оширишга киришди. Манбаларда ёзилишича, у шимолга қараб юриб то Элбурсгача бўлган ҳудудда ўз таъсирини ўтказишга муваффақ бўлди.

Шу ерда бир масалага диққатни жалб қиламиз. То шу чоққача А. Темур юритган ташқи сиёсат масалаларига баҳо берилганда доим бир анъана ҳукм суриб келди., яъни соҳибқироннинг ҳарбий юришлари фақат унинг ҳарбий манфаати ва салтанатпарастлик режаларини амалга ошириш учун қилинган. Гўё унинг бутун фаолияти “уч йиллик”, “беш йиллик”, “етти йиллик” юришлардан иборат бўлган ва бутун умрини у шунга бағишлаган. Аввало А. Темур ҳеч қачон “уч йиллик”, “беш йиллик”, “етти йиллик” уруш режаларини тузмаган.

Биринчидан, бу тушунчаларни Ш. Али Йаздий таомилга киритган эди. Ундан олдин қалам тебратган Шомий ва Натанзий каби тарихчиларнинг асарларида бундай таърифлар учрамайди.

Иккинчидан, ҳатто ушбу таърифлар шартли тарзда қабул қилинганда ҳам соҳибқирон тўхтовсиз ҳар куни, ҳар ойда уруш билан машғул бўлган, деган хулосага келиш нотўғри. Чунки жанг одатда бир неча соат давом этади. Қолган вақт эса унга тайёргарликка, бир манзилдан иккинчисига кўчишга сарф бўлар эди.

Учинчидан, Соҳибқирон салтанатни фақат Самарқандда туриб эмас, тўғридан – тўғри жойларда ҳам бошқараверган. Масалан, Боязид устидан қозонилган (1402 йил) ғалабадан сўнг то Хитой юриши бошланган 1405 йилга қадар бирон – бир жиддий жангга кирганини кўрмаймиз.

Бу вақтда у асосан ободончилик, қурилиш ишлари (Масалан, Байлақон каналини қаздириш), бошқарув юмушлари, хорижий давлатлардан келган элчиларни қабул қилиш, (Клавихо эсдаликларини эслайлик), тўй – у маъракалар ўтказиш билан банд бўлган эди. Бир сўз билан айтганда, А. Темур даври давлатимиз ташқи ва ички сиёсатини фақат жангу жадалларга боғлаш, баён қилиш ҳам илмийликка, ҳам ўша замон тарихий воқелигига зиддир. Бундан ташқари жангу жадаллар ташқи сиёсатдаги бирон – бир муаммо, масалани ҳал этишнинг сўнгги ёки навбатдаги (А. Темурнинг ишни тўққиз тадбир билан, охиргисини қилич билан ҳал этдим иборасини эсга олайлик) босқичи бўлган эди. Юқоридагиларни ўрганиб чиқиш шуни кўрсатдики, масала биз ўйлаганимиздан - да кўра анча мураккаброқ бўлган.

Соҳибқироннинг Элбурсга қадар ҳудудда ўз назоратини ўрнатиши ва эгаллаши билан Кичик Осиё усмонийлар билан Шимолий Кавказни (Олтин Ўрда) ва Шимолий Кавказ билан Шимолий Озарбайжонни бир – биридан узиб қўйди. Ўзига қарши шайланган Тўхтамишхон, Султон Аҳмад жалойир, усмонийлар ҳамда музаффарийлар орасига тўғаноқ бўлиб ёриб кирган эди. Уларнинг ўзаро муносабатда бўлиш йўллариغا ғов солди. Унинг бу мўлжали нечоғлик тўғри бўлганини кейинги воқеалар тўла тасдиқлади.

Қорабоғда (Озарбайжон) кишни ўтказаетган А. Темурга баҳор яқинлашганда Тўхтамишхон дарбанд орқали Самур дарёси томон (ҳозирги Доғистон) қўшин юборгани ҳақида хабар келади. Бу воқеа 1387 йилнинг баҳори арафасида содир бўлган эди. Тўхтамишхон олдида қўйган мақсадга осонлик билан эришиб бўлмаслигини яхши билган ҳолда иттифоқчилар излай бошлади. Шу ниятда у 1385 йилнинг январидаёқ Миср ҳукмдори, мамлуклардан бўлмиш Султон Барқуққа (1382 – 1388 йй) ўз элчиларини юборган эди.

Элчиликдан кўзланган мақсад эса А. Темурга қарши Султон Барқукни иттифоққа тортиш бўлган эди. Чунки биринчидан, Олтин Ўрда ва Миср мамалакатлари Озарбайжондан шарқ ва жанубда йиғилган кучларга қарши эскидан иттифоқдош бўлиб келганлар. Эрон, Озарбайжон ва Ироқни ўз тасарруфида тутган ҳалоқуийлар ғарбга қараб, яъни мамлуклар таъсир доирасидаги ҳудудлар томон ҳаракатларини бартараф этиш муҳим эди. Шу сабабдан ҳам Олтин Ўрда ва Миср алоқалари изчиллашиб кетган эди. Масалан, Миср султони Байбарс (1260 – 1277 йй) ва О. Ўрда ҳукмдори Беркахон (1256 – 1266 йй) ўртасида олиб борилган дипломатик алоқалар бу борада ёрқин мисол бўла олади.

Иккинчидан эса Миср ҳукмдорлари (мамлуклар) А. Темурнинг ғарбга қараб силжиб боришидан манфаатдор эмас эдилар ва бу ҳол эса уларнинг Тўхтамишхон билан иттифоққа кириш учун етарли асос бўла олар эди. Тарихий манбаларни юқоридаги барча сулолаларнинг ўзаро алмашган мактубларини ўрганиш шундай ҳулосага олиб келдики, А. Темурнинг ғарбий йўналишда халқаро майдонга чиққанидан то Султон Боязидни енгунга қадар (1402 йил) Ўрта ва Яқин Шарқ, Кичик Осиё ҳамда О. Ўрддан, яъни усмонийлар, жалойирийлар, қорақуйинлилар, музаффарийлар ва мамлуклар сулолалари, Тўхтамишхондан иборат ўзига хос ҳарбий – сиёсий иттифоққа қарши курашишига тўғри келган эди.

Бу иттифоққа бош – қошликни усмонийлар олиб бордилар. Усмонийлар асосан четдан туриб бошқаларнинг қўли билан иш қилдилар. Иттифоқдаги абжир куч эса Тўхтамишхон ҳисобланар эди. Қолган кучлар эса, “қитмир” кучлар эди. Қўллари билан бирон иш келмагани сабабли усмонийлар пинжигга кириб ҳаракат қилган эдилар. Кўрилатган даврда халқаро муносабатларда учта йирик куч (усмонийлар, О. Ўрда ва А. Темур) вужудга келган эди. А. Темур ўз рақибларининг имкониятларини яхши билгани учун соҳибқирон аввало Тўхтамишхон билан орани очиқ қилишга киришди.

Сўнгра эса Султон Боязид “масаласи” билан шуғулланди. Музаффарийлар, жалойирийлар, қорақуйинлилар ва мамлуклар тақдири эса йўл – йўлақай ҳал этилиб борилди. Тўхтамишхон Мовароуннаҳр бирлигига путур етказиш ниятида Хоразмга ўз таъсирин ўтказишга бошлади. Бунда у маҳаллий сўфийлар сулоласига суянди (ваҳоланки сўфийларга ишонган соҳибқирон бошданок улар билан қариндошлик ипини боғлаб, ўғли Жаҳонгирга сўфийлар хонадонидан бўлмиш Хонзодабегимни олиб берган эди), Тўхтамишхон бу билан ҳам қаноатланмай А. Темур мамлакатда йўқлигидан фойдаланиб Мовароуннаҳрга қўшин юборган эди.

Масалан, унинг қўшинлари 1387 йили Самарқанд ва Бухоро атрофларини талаб, занжирсаройни эса ёндирган эдилар. 1395 йили А. Темур Тўхтамишхонни енгиб О. Ўрдани ҳам ўз таъсир доирасига олди. Шарқ ва Ғарбни туташтирувчи Шимолий карвон йўли ҳам энди соҳибқирон назоратига ўтди. Ана шу жангда базур жон сақлаб қолган Тўхтамишхон ўн йил саргардонликдан сўнг 1405 йил Хитойга отланган А. Темур ҳузурига элчи юбориб, тавба – тазарру қилишга мажбур бўлди.

Шундай қилиб XV аср бўсағасида А. Темур икки асосий ва қудратли рақибдан бири бўлмиш О. Ўрдани бир ёқли қилишга муваффақ бўлди. Энди унинг олдида сўнгги рақиб усмонийлар кўндаланг турар эди. А. Темур учун Султон Боязид билан юзма – юз келишдан бошқа йўл қолмаган эди. Биз ўрганаётган даврга келиб усмонийлар дунёдаги энг қудратли давлатлардан бирига айланган эди. XV аср бўсағасида усмонийлар Византия (Константинополдан ташқари), Сербия, Болгария яъни деярли бутун Болқон ярим оролини ўзларига бўйсундиришга эришган эдилар.

1396 йили усмонийлар ҳукмдори Султон Боязид Венгрия қироли Сигизмунд бошлиқ 100 минг кишидан иборат европаликларнинг (Англия, Франция, Германия, Чехия, Италия ва Венгрия вакиллари билан иборат) умумий лашкари – салибчиларга Дунай дарёси ўнг қирғоғида жойлашган Никопол (Болгария) шаҳри атрофида қақшатқич зарба берди. Ушбу ғалаба Султон Боязидга М. Европа томон ҳаракат қилиш учун қулай имкониятлар туғдирган эди. Никопол (Болгария) даги мағлубиятдан сўнг ҳеч бир амалда кўтара олмас эди. Византия императори Мануил (1391 – 1425 йй) 1399 йили усмонийларга қарши ёрдам

сўраб Европа мамлакатларига сафарга чикди. У муваффақиятсиз сафардан қайтгунча бир неча йил ўтиб орада А. Темур Султон Боязидни мағлубиятга учратди. Шу тарика Константинопол маълум муддатга хавфдан қутилиб қолди.

А. Темур билан Европа давлатлари ўртасидаги муносабатларга тўхталадиган бўлсак унинг франциялик Карл VI ва Англиялик Ҳенри IV (1393 – 1413 йй) билан ёзишмалар олиб борди. Бу даврга келиб икки томон ҳам бир нарсани яхши тушуниб олдилар. А. Темур Султон Боязидни енгиши билан то шу чокқача усмонийларга у ёки бу шаклда қарам бўлган Европа энди кўп жихатдан Самарқандга боғлиқ бўлиб қолган эди. Шунинг учун ҳам Европа ва Самарқанд ўртасидаги элчилик алоқалари Анқара жангидан сўнг (1402 йил 20 июль) анча фаол тус олган эди.

Бу алоқалар нафақат ўз даври, балки олдинги ва кейинги замонлар учун ҳам ташқи сиёсатда эришилган энг улуг ғалаба эди. Ўзбек давлатчилиги кейинги асрларда ташқи сиёсат бобида халқаро майдонда ўз манфаатларини ҳимоя қилиш вазифасини А. Темурчалик амалга ошира олмади. Соҳибқирон вафотидан кейин воқеалар моҳияти деярли ўзгармаган эди. Кечагина бирга бўлганлар; Қора Юсуф ва Султон Аҳмад Озарбайжон учун ўзаро курашдилар ва кураш Султон Аҳмаднинг ҳалок бўлиши билан тугади.

Қорақуйинлиларни эса бошқа туркий қабила – оққуйинлилар улоқтириб ташладилар. Мамлукларни жазолаган эса худди ўша усмонийлар бўлдилар. Кейинги усмонийлар даврида Сурия, Миср, Шимолий Африканинг бошқа ерлари ва Қрим кабилар эгалланди. Константинопол забт этилди. Венгрия, Италия, Германия, Молдова ва Россия каби бошқа қатор давлатлар усмонийлар билан курашларда тинкалари қуриди.

Шундай қилиб Темурийлар, айниқса А. Темур даврида ўзбек давлатчилиги тарихидаги энг ёрқин саҳифалар бўлди десак тўғри бўлади. Шу билан бирга минг афсуски, сўнгги темурийлар, XVI асрда улардан ҳокимиятни тортиб олган шайбонийлар ва келгусида ҳокимиятни бошқарган сулолалар ушбу муваффақиятлар ва давлатчиликдаги тараққиёт даражасини сақлаб қола олмадилар.

4 – Мавзу. Мовароуннаҳр ва Хуросон Амир Темур ва Темурийлар даврида.

1. Темур ва темурийлар даврида давлат бошқаруви, қонунчилик ва ҳарбий сиёсат.
2. Темур ва темурийлар даврида ижтимоий – иқтисодий ҳаёт, фан ва маданият.
3. Темур ва темурийлар даврида ташқи сиёсат ва дипломатия.
4. Темурийлар даврида Сурхон воҳасидаги ижтимоий – сиёсий ҳаёт.

Адабиётлар.

1. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. –Т., “Шарқ”, 2000, 151 - 234 б.
2. Азамат Зиё. Темур ва темурийлар. Ўзбекистон овози. 1996 йил, 16 январь.
3. Аннаев Т.Ж. ва Шайдуллаев Ш.Б. Термиз ва Чағониён Темур ва Темурийлар даврида. Сурхондарё тарихидан лавҳалар. – Т., “А. Қодирий”, 1997, 80- 82 б.
4. Арнольдодов Михаил. Загадка одного сражения. Правда Востока. 30 октября 2004 г.
5. Бобур мирзонинг бугунги авлодлари. Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2010 йил, 12 февраль, 7 – сон.
6. Бобур мирзонинг бугунги авлодлари. Жаҳон тарихи. 8 - синф учун дарслик. – Т., “Чўлпон”, 2010 йил, 121 – 123 б.
7. Вамбери Ҳ. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи. –Т., “Ғ. Ғулом”, 1990, жами – 90 б.
8. Зиёев Ҳамид. Сибирь Волга ва Урал бўйларидаги ўзбеклар. - Т., “Шарқ,” 2003, 10 – 23, 114 – 116 б.

9. Михаил Арнольд. Загадка одного сражения. Правда Востока. 30 октября 2004 года.
  10. Нуритдинов М. Бобурийлар сулоласи. –Т., “Фан”, 1994, жами – 48 б.
  11. Ртвеладзе Э. ва Аҳмедов А. Амир Темур давлати ва унинг бошқарув механизми. Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари. – Т., “Шарқ”, 2001, 93 – 104 б
  12. Сатторий Ҳаким. Олтин силсила. –Т., “Шарқ”, 2006, жами – 124 б.
  13. Турсунов С.Н., Э.О. Қобилов ва бошқалар. Сурхондарё тарихи. –Т., “Шарқ”, 2000.
  14. Тўхтиев И. Темур ва Темурийлар сулоласининг тангалари. 1992 йил.
  15. Файзиев Турғун. Темурий маликалар. –Т., “А. Қодирий”, 1994, жами – 40 б.
  16. Ўзбекистонда ҳарбий иш тарихидан (Қадимги даврдан ҳозиргача). – Т., “Шарқ”, 2013, 106 - 128 б (Миниатюралар ҳам бор).
  17. Ўзбекистонда ҳарбий иш тарихидан. – Т., “Шарқ”, 2013, 60 – 63 б.
  18. Қудратуллаев Ҳасан. Бобурнинг дипломатик маҳорати. Ўзбекистон овози. 2005 йил, 20, 23, 25, 27, 28, 30 август, 3, 6, 8, 10, 13, 15, 20 ва 22 сентябрь сонлари.
  19. Қудратуллаев Ҳасан. Бобурнинг давлатчилик сиёсати ва дипломатияси. –Т., “Шарқ”, 2011 йил, жами – 424 б.
- Амир Темур вафотидан сўнг Темурийлар давлатидаги ижтимоий-сиёсий вазият

Соҳибқирон Амир Темур ўзига ворис ва тахт валиаҳди этиб невараси Пирмуҳаммад Жаҳонгирни васият қилиб қолдиради. Амир Темур барпо этган буюк салтанат (жами ўз ичига 27 та ўлка ва вилоятларни жам этган) гарчи Темурнинг маҳорати ва куч-қудрати ила мустаҳкам турган бўлса-да, лекин у ички жиҳатдан сиёсий анча заиф, умумиктисодий асосга эга бўлмаган эди. Ўғиллар, набираларга мамлакатни қисм-қисмларга бўлиб берилганлиги ва суюрғол тартиби ҳам Темурнинг давлати парокандалигини кучайтирар эди. Темур жасади Самарқандда дафн этилиши ва мотам маросимлари тугамасданок, тожу-тахт учун шаҳзодалар ўртасида ўзаро кураш кучайиб кетди.

1405-1406 йилларда Халил Султоннинг Шохруҳ, Пирмуҳаммад кўшинлари билан Мовароуннаҳр тахти учун бир неча бор ҳарбий тўқнашуви содир бўлади. Бутун Темур салтанати ўзаро тожу тахт курашлари домига тортилади. Ягона ҳисобланган салтанат Шохруҳ бошқараётган Хуросон, Балхдан то Ҳинд ерларигача бўлган ерларга ҳоким Пирмуҳаммад, Фарбий Эрон, Озарбайжон, Ироқ тасарруфида бўлган Мироншоҳ ва унинг авлодлари (Умар Мирзо, Абу Бакр) ерларига бўлиниб кетди. Мовароуннаҳр Халил Султонга расман қарашли деб ҳисобланса-да, Туркистон, Ўтрор, Сайрамда Амир Бердибек, Фарғонада эса Амир Худойдод ҳукмронлик қилишар эди. Барча Темурийларни салтанатнинг юраги бўлмиш, Мовароуннаҳрни эгаллаш истаги тарк этмас эди.

1409 йил бошида эса сиёсий вазият янада кескинлашади. Амир Худойдод шу вақтда Халил Султонни Самарқанд ёнидаги Шероз қишлоғида мағлубиятга учратиб, унинг ўзини асирликка олади. Хуросон ҳокими Шохруҳ эса ўзига қарашли бўлган Мозандарон ва Машҳадда, сўнгра унинг илқиға ўтган Сейистон ва Кирмонда ўз ҳокимиятини мустаҳкамлайди. Сўнгра бутун эътиборини Мовароуннаҳрға қаратади. Шероз жангидан бир оз аввал Шохруҳ Халил Султонга Мовароуннаҳр тахти учун жанг қилиш хусусида ёрлик ҳам юборган эди. Шохруҳ салтанат марказидаги бедодликларға бундан буён бефарқ бўла олмаслигини эълон қилди. 1409 йил 25 апрелида у Амударёдан ўтиб Самарқанд томон жадал йўл олади. Халил Султонни қўлга олган Амир Худойдод кўшинларини Шохруҳ юборган ҳарбий қисм тор-мор этиб, Халил Султонни асирликдан озод қилишади. Олийжаноб инсонийлик сифатларига эга бўлган темурий Шохруҳ Мирзо ўзаро гина-қудратларни унутиб, уни яхши кутиб олади. Амир Худойдод эса мамлакатдан қочиб кетади. 1409 йилнинг декабриға қадар Шохруҳ Мирзо Мовароуннаҳрда тинчлик осойишталик ўрнатиб, Халил Султон ва бошқа темурий шаҳзодалар тарафдорларига қарши кескин чоралар кўради, издан чиққан хўжалик ҳаётни, савдо-сотикни тиклайди.

Темурийлар салтанатининг тақдири ойдинлашиб, Хуросон ҳокими бўлмиш

Шохрух Мирзо (1405-1409) темурийлар давлатининг олий ҳукмдори (1409-1447) сифатида эътироф этилди. Тарихда эса Шохрухнинг деярли 40 йиллик барқарор ҳукмронлик даври бошланади. У деярли барча ўлка, вилоят ноибларини ўз лавозимларидан четлаштириб, ўзига ишончли ҳисоблаган қариндош-уруғларини бу лавозимларга қўя бошлайди. Жумладан, Мовароуннаҳр Улуғбек Мирзога, Балх ва Бадахшон-Иброҳим Султонга, Шероз-Суюрғатмишга, Кобул ва Қандаҳор-Қайду Мирзога, Хуросоннинг бир қисми - Бойсункур Мирзога, Ғарбий эрон ҳамда Ироқи Ажамнинг бир қисми - Султон Муҳаммадга, Форс вилояти-Абдулло Мирзоларга суюрғол тарзида бўлиб берилади.

Мовароуннаҳрлик амирларнинг баъзилари Улуғбек ва унинг оталиғи Шохмалик ҳокимиятларини тан олишни исташмайди. Жумладан, 1410 йилда қайта бош кўтарган Шайх Нуриддин ғалаёни фақатгина Шохрух Мирзонинг аралашуви туфайли бостирилиб, ноиблик ўрни Улуғбекнинг ўзига қолдирилади. 1411 йили Мовароуннаҳрда анча муҳолиф кучларига эга бўлган ва Улуғбекнинг мустақил ҳатти-ҳаракатларига тўсқинлик қилаётган Муборизиддин Шохмалик Шохрух билан бирга Ҳиротга қайтиб кетади. Улуғбек Мирзо эса шу йилдан бошлаб Мовароуннаҳрнинг “Ягона ва қонуний султони” сифатида ҳокимиятни бошқаради.

Шохрухнинг кексайиши билан тожу тахт учун зимдан пайдо бўлган низолар ҳам фаоллаша боради. Улуғбекнинг онаси Гавҳаршодбегим (1457 й. ваф.) сиёсий ишларга фаол аралаша бориб, невараси Алоуддавлани тахт вориси сифатида кўришни истар эди. Шохрухнинг яна бир ҳаёт бўлган ўғли Муҳаммад Жўки (1402-1444) ҳам ўзини тахт эгаси сифатида кўришга ҳақли деб ҳисоблар эди. Тожу-тахт учун зимдан бошланган кураш 1444 йили Шохрух оғир хаста бўлиб қолганда айниқса яққол намоён бўлган эди. Шохрух хасталиқдан тузалиб, 1446 йилнинг сўнгида ўзининг охириги ҳарбий юришини амалга оширади. Форс ва Ироқ Ажамда унинг невараси Султон Муҳаммад бобосига қарши кўзғолон кўтариб, Ҳамадон ва Исфажонни босиб олади. Гарчи Шохрух исённи бостириб, кўзғолончиларни жазоласа-да, лекин яна хасталаниб 1447 йил 12 мартда Рай вилоятида оламдан ўтади.

1449 йилнинг октябр оyi бошида Самарқанд яқинидаги Дамашқ кишлоғида Мирзо Улуғбек ва шахзода Абдуллатиф ўрталаридаги жанг, Улуғбек мағлубияти билан тугайди. Мағлуб бўлган Мирзо Улуғбек пойтахт Самарқанд томон йўл олади. Лекин хиёнат йўлига ўтган, Самарқандда ҳоким этиб қолдирилган, Мироншоҳ қавчин уни шаҳарга киритмай, дарвозаларни беркитиб қўйишга буйруқ беради. Шунингдек Шохрухия қалъаси кутволи Иброҳим мамлук ҳам уни қалъага қўймайди. Шундан сўнг Улуғбек кейинги ҳатти-ҳаракатлари фойдасиз эканлигини англаб, Абдуллатифга таслим бўлишга мажбур бўлади. Мирзо Улуғбек тожу тахтдан воз кечиб, Маккага ҳаж сафарига кетишга изн сўрайди. Абдуллатиф ҳажга руҳсат бериб, Амир Муҳаммад Хусравни унга ҳамроҳ қилиб жўнатади. Лекин, орадан ҳеч қанча ўтмасдан, шаҳар қозиси Шамсиддин Муҳаммад Мискиннинг қаршилигига қарамай, уламоларнинг яширин фатвоси билан отасининг ўлимини уюштиради. Ўз даврининг машҳур ҳукмдори ва забардаст олими Мирзо Улуғбек 1449 йилнинг 27 октябрида Самарқанд яқинида фожиали тарзда ўлдирилади. Орадан 2-3 кун ўтмасдан иниси Абдулазиз ва Улуғбекнинг садоқатли тўрт нафар амири қатл этилади.

Роппа-роса қирқ йил (1409-1449) давом этган, манбалар тили билан айтганда “темурийлар салтанатининг ёрқин гавҳари” Мирзо Улуғбек ҳукмронлиги шу тариқа ўз поёнига етади. Бу давр кескин, мураккаб курашлар сахнасида ўтса-да, бироқ Мирзо Улуғбек ўз давлатини мустаҳкамлаш, бирликни сақлаш, иқтисодий барқарорликни юзага келтириш, маданий ҳаётни юксалтириш борасидаги хизматлари темурийлар тарихида алоҳида аҳамиятга эга бўлди.

XV асрнинг 2-ярмида Мовароуннаҳр ва Хуросон. Темурийлар салтанатининг инқирозга юз тутиши

1457 йили Абулқосим Бобур Машҳадда вафот этгандан сўнг Ҳирот тахти, Хуросон эрлари учун кураш яна авж олди. Бундай вазиятдан усталик билан фойдаланган Мовароуннахр ҳукмдори Султон Абу Саид Мирзо 1457 йили Хуросонга юриш қилиб Ҳиротни эгаллайди. Шу тариқа Абу Саид темурийлар давлатининг иккала қисмини бирлаштиришга муваффақ бўлади. Султон Абу Саид Мирзонинг (1451-1469) ҳукмронлик даврида давлат ҳудудлари кенгайиб, унинг чегаралари Шарқий Туркистондан то Ироққача, Сирдарёдан то Ҳиндистон чегараларигача бўлган эрларни ўз ичига олди. Ўз ҳукмронлиги даврида Абу Саид доимий равишда ҳокимиятни мустаҳкамлашга, исёнкор амалдор-ноибларни жазолашга асосий эътиборини қаратди. Шунингдек, у бирмунча иқтисодий ва маданий тадбирлар ўтказишга ҳам уринди. Лекин, унинг бу соҳадаги ишлари ўзининг яхши натижасини бера олмади. Маърифат ва маданият Улуғбек давридагидек гуллаб яшнамади. Шунингдек, Абу Саид Хуросон, Эрон, Хоразмдаги сиёсий тарқоқликни ҳам буткул тугата олмади. Ҳирот тахтига даъвогарлардан бири Умаршайхнинг эвараси, ёш темурий шаҳзода Султон Ҳусайн (1438-1506) Абул Қосим Бобур вафотидан (1457 й.) кейин Хуросон мулки учун ўз ҳаракатларини бошлаб юборган эди. У XV аср 60-йилларидан катта ҳарбий отрядга бош бўлиб, 1461-1464 йилларда Ҳирот, Обивард, Нисо, Машҳад ва Хоразмда ҳокимият учун гоҳ муваффақиятли гоҳ муваффақиятсиз курашларни олиб борди.

1469 йили эрта баҳорда темурийларга аввалдан тегишли бўлган Фарбий Эрон ерларини қайтариб олиш мақсадида Султон Абу Саид Оққўюнлў туркманларига қарши юришни бошлайди. Бироқ, оққўюнлўлар ҳокими Узун Ҳасан (1453-1478) томонидан Озарбайжоннинг Муғон даштида жанг вақтида ўлдирилади. Абу Саиднинг ўғиллари Султон Ҳусайн билан тожу-тахт учун курашишга ботина олмади, Мовароуннахрга қайтиб кетадилар. Султон Ҳусайн эса 1469 йил 24 мартда тантанали суръатда Ҳиротга кириб келади. Натижада темурийлар салтанати яна икки қисм: Хуросон ва Мовароуннахрга бўлиниб кетади. Мовароуннахр эса кетма-кет султон Абу Саиднинг ўғиллари Султон Аҳмад (1469-1494), Султон Маҳмуд (1494-1496) ҳамда Маҳмуднинг ўғли Султон Али Мирзо (1496-1501)лар томонидан мустақил равишда бошқарилди. Лекин кўп ҳолда айниқса Султон Аҳмаднинг давлат бошқарувидаги калтабин, укувсиз ва сусткашлиги, Султон Маҳмуд ва Султон Али Мирзоларнинг давлат ишларининг ўз ҳолига ташлаб, айш-ишратга муккаларидан кетганлиги боис ушбу ҳукмдорлар даврида ўзаро тарқоқлик янада кучаяди. Айрим вилоят ноиблари, амирларнинг таъсири ўсиб, кўпинча улар мустақил фаолият йўлига ўтиб ола бошлайдилар. Сиёсий ҳаёт, ижтимоий-иқтисодий муносабатларда руҳонийларнинг, айниқса сўфийларнинг таъсири янада кучаяди. Хусусан шу даврнинг кўзга кўринган диний арбоби Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор (1404-1490), мамлакатда таъсирли шахсга айланиб, ўзаро кураш низолар вақтида мамлакат тинчлигини сақлаш йўлида бир неча маротаба бу курашларни тўхтатиб қолишга муваффақ бўлди. эл-юрт тинчлиги, осойишталиги йўлидаги унинг фаолияти, ватанпарварлиги албатта эътиборга сазовордир.

Темурийлар ҳукмронлиги даврида илм-фан ва маданий ҳаёт

Гарчи XV аср бошидан ички низолар, ўзаро курашлар мамлакат ички ҳаётига салбий таъсир ўтказган бўлса-да, лекин темурий ҳукмдорлардан Шохруҳ (1405-1447), Мирзо Улуғбек (1409-1449), Султон Ҳусайн (Бойқаро) (1469-1506), қисман Султон Абу Саид (1451-1469) давриларида ички осойишталик, маърифат ва маданиятга эътибор туфайли илму-фан ва маданият юксалиб, Мовароуннахр ва Хуросон яна Шарқнинг маърифат ва маданият маркази номини қайтариб олади.

Мирзо Улуғбек унинг замондошлари, муаррихларнинг хабар беришларича шарқ мутафаккирлари, улар орқали юнон мумтоз илмий асарларидан хабардор бўлган.

Ғиёсиддин Кошийнинг ёзишига кўра, Мирзо Улуғбек ўта зукко ва жуда илмли шахс бўлиб, Қуръони каримни ёд билган, араб ва форс тилларини яхши билиб, тафсир ва ҳадис илми бобида билимдон инсон бўлган. Улуғбек ислом оламида илк бора ҳукмдорлик ва олимликни биргаликда олиб борди. У Мовароуннаҳрни мусулмон оламининг илмий марказига айлантиришга ҳаракат қилди. Хусусан Самарқанд, Бухоро, Кеш (Шаҳрисабз) илм-фан марказларига айланди. У 1417 йил Бухоро, 1420 йили Самарқандда, 1433 йилларда Ғиждувонда мадрасалар барпо этди. Самарқанднинг ободончилик ишларига бош-қош бўлиб, Ғўри Амир, Шохизинда меъморий мажмуаларини охирига этказди. Марвда ҳам бир қатор диний муассасалар қурдиради. Ҳадиси шарифдаги ”Илм олмакка интилоқ ҳар бир муслим ва муслима учун ҳам фарз, ҳам қарз” деган ибораси Бухоро мадрасаси пештоқига шиор сифатида ўйиб ёздириб қўйилади. Хусусан, у Самарқандга ўз замонасининг йирик, таниқли олимларини чорлашга ҳаракат қилган.

Буюк олимнинг “Зижи жадиди Кўрагоний” (Кўрагонийнинг янги астрономик жадвали) номли асари диққатга сазовордир. Бу асар 1437 йил ёзиб тугатилган бўлса-да, олим умрининг охирига қадар унга янги натижаларни киритиб борган. Бу асар икки қисмдан иборат бўлиб, унда кенг муқаддима ва 1018 та юлдузларнинг ўрни берилган. Ундан ташқари Улуғбекнинг “Тарихи арбаъ улус” (Тўрт улус тарихи) номли тарихий асари ва мусиқага бағишланган бешта рисоласи ҳам мавжуддир. Улуғбекнинг ўта салоҳиятли олим бўлганлигини унинг замондошлари Ғиёсиддин Жамшид, Абдураззоқ Самарқандий, Давлатшоҳ Самарқандий ва бошқалар ҳам эътироф этганлар.

Улуғбек даврида, шунингдек, Самарқанд Шарқнинг маданий марказига айланганлиги учун машҳур файласуф Али ибн Муҳаммад Журжоний, таниқли табиб Мавлоно Нафис, шоир Хаёлий Бухорий, “Юсуф ва Зулайхо” достонининг муаллифи Дурбек, қасида жанрининг таниқли намоёнчаси ўзбек шоири Саккокий, машҳур хаттот Абдурахим Хоразмий ва бошқалар Улуғбек ҳомийлиги остида Самарқандда яшаб ижод қилдилар. Шунингдек, Шарқнинг кўплаб таниқли олим ва шоирлари фузалои-уламолари Самарқандга тез-тез келиб турдилар. Улуғбек даврида ўзига хос тарихнавислик мактаби ҳам пайдо бўлди. XV асрдаги таниқли тарихчилар, “Зубдат ат таворих” (Тарихларнинг юқори қисми) асарининг муаллифи Ҳофиз Абрў, “Матла ас-садайн ва мажмуаи ал-бахрайн” (Икки денгизнинг қўшилиши ва икки саодатли юлдузнинг болқиши) асарининг муаллифи Абдураззоқ Самарқандий, “Равзат ас сафо” (Жаннат боғлари) асарининг муаллифи Мирхонд, “Ҳабиб ус сияр” (Дўстга мактуб) ва бошқа қатор асарларнинг муаллифи Хондамир Улуғбек яратган маданий шароитда ўсиб улғайдилар. Улуғбек давридаги маданий марказ кейинчалик ”Улуғбек академияси” номини олиб, даставвал машҳур француз ёзувчиси ва олими Волтер (1694-1778) томонидан эътироф этилган эди. Аждодларимиз тарихида 1010 йилда тузилган Маъмун академиясидан сўнг, Улуғбек академияси Ўрта Осиё тарихида иккинчи академия сифатида юзага келди.

XV асрнинг забардаст ўзбек шоирлари ичида, Навоий Лутфий, Дурбек, Саккокий, Гадоий, Атоий ва бошқаларнинг ҳам номлари маълум ва машҳур бўлган. Жумладан, Навоийдан аввал энг машҳур туркигўй шоир Лутфий (1366-1465) бўлган. Унинг ўз вақтида 20 дан зиёд ажойиб асарлари мавжуд бўлиб, бизгача фақат машҳур “Гул ва Наврўз” ва ғазаллар девони этиб келган холос.

Бу даврларда шунингдек, Шарафиддин Али Яздийнинг (1454 йили вафот) Темур тарихига бағишланган, Низомиддин Шомийдан сўнг ёзилган бир хил номдаги “Зафарнома” асари яратилди. Форс-тожик адабиётида айниқса машҳур шоир ва олим, Навоийнинг замондоши ҳамда дўсти Нуриддин Абдурахмон Жомийнинг (1414-1492) роли буюк бўлди. Жомий ва Навоийнинг дўстлиги эса, тарихда халқларимиз иттифоқлигининг буюк рамзи бўлиб қолди.

1. XVI – асрнинг бошларида Мовароуннахр ва Хуросондаги сиёсий аҳвол.
2. М. Шайбонийхон бошлиқ ўзбекларнинг Мовароуннахрга ҳарбий юриши.
3. Шайбонийлар сулоласи даврида Мовароуннахр ва Хуросонда бошқарув тизими. Бухоро хонлигида Аштархоний (Жоний)лар сулоласининг ўрнатилиши. Аштархонийлар сулоласи даврида Бухоро хонлигининг ижтимоий – сиёсий ва иқтисодий аҳволи.
- Мамлакатда ички курашларнинг авж олиши натижасида Эрон шоҳи Нодиршоҳнинг Бухоро хонлиги ҳудудларига босқинчилик юришлари.

#### Адабиётлар.

- Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. –Т., “Шарқ”, 2000, 234 -256 б.
2. А. Зиё. Шайбонийлар. ( 21 мақола) Ўзбекистон овози. 1996, 23 апрель.
3. Абдуллахон II. – Т., “Ўзбек совет энциклопедияси бош редакцияси”. 1971, 1- жилд, 30 б.
4. Аннаев Т.Ж. ва Шайдуллаев Ш.Б. Термиз ва Чағониён Темур ва Темурийлар даврида. Сурхондарё тарихидан лавҳалар. – Т., “А. Қодирий”, 1997,86 - 97 б.
5. Аннаев Т.Ж, Шайдуллаев Ш. Термиз ва Чағониён XVI – XIX асрларда. Сурхондарё тарихидан лавҳалар. – Т., “А. Қодирий”, 1997,86 - 97 б.
6. Бобур З. М.. Бобурнома. – Т., “Юлдузча”, 1989, 81, 83, 85, 166 б.
7. Вамбери . Ҳ. Бухоро ёхуд Мовароуннахр тарихи. –Т., “Ғ. Ғулом”, 1990, жами – 90 б
8. Зиёев Ҳамид. Сибирь Волга ва Урал бўйларидаги ўзбеклар.-Т., “Шарқ,” 2003, 10 – 23, 114 – 116 б.
9. Муҳаммад Солиҳ. Шайбонийнома. – Т., “Ғ. Ғулом”, 1989, жами – 317 б.
10. Муҳаммад Ҳайдар Мирзо. Тарихи Рашидий. –Т., “Шарқ,” 2010, 350 – 352 б.

1) Ўзбек давлатчилигининг Россия босқинидан олдинги сўнгги босқичи, фикримизча, XVI асрдан, яъни ҳокимият шайбонийлар кўлига ўтишидан бошланади. Чунки, айнан шу XVI асрдан бошлаб давлат бошқарувида то шу чоққача шаклланиб келган анъаналардан чекиниб бориш ҳолати кўзга ташланади. Бунинг сабаби шайбонийларнинг ўзлари ҳам, улар суянган ҳарбий – сиёсий қатламлар ҳам кўчманчи муҳит вакиллари бўлганликларидадир.

Чунки шайбонийлар ўз фаолиятларини Жўчи улусининг Оқ Ўрда қисмида блшлаганлар. Ушбу сулола мавкеи, айниқса, шайбоний Абулхайрхон (1428 – 1468 йй ) даврида юксалган. XV асрнинг 30 – 40 йилларида аввалига Ғарбий Сибирь ерларида, сўнг Сирдарёдан шимолдаги ҳудудларда ўз ҳокимиятини ўрнатган Абулхайрхон Сирдарёнинг чап қирғоғида жойлашган вилоятларга ҳам ҳужум қила бошлайди. Масалан, 1431 йилиёқ у Хоразмга бостириб киргани маълум.

Бу энди шайбонийларнинг темурийлар билан ўзаро зиддиятга кира бошлаганидан далолат эди. Абулхайрхон Хоразм босқини билан чекланмай, Шоҳруҳнинг ўлиmidан сўнг(1447 йил) Мирзо Улуғбекнинг мамлакатда йўқлигидан фойдаланиб Самарқанд ва Бухоро атрофларига ҳарбий юриш уюштирди. Атроф ерларни талаб катта ўлжа олиб қайтди. Аммо Шайбонийларнинг Мовароуннахрга бостириб боришларида темурийларнинг ўзаро ички кураши бош сабаб бўлган эди, десак тўғрироқ бўлади. 1451 йили, Самарқанд тахти учун темурийзодалар ўртасида кураш қизиган бир паллада темурий Абу Саъид (1451 – 1469 йй) ёрдам сўраб Абулхайрхонга мурожаат қилади. Пайтдан фойдаланган Абулхайрхон лашкар тортиб Мовароуннахрга кириб келди ва Абу Саъидни бошқа бир темурий шахзода Абдулла мирзога (1450 – 1451 йй) қарши жангида қўллаб – қувватлаб, Самарқандни қўлга киритишда унга катта ёрдам берди.

Тахт эгаси бўлиб олган Абу Саъид шайбоний ҳукмдорга каттадан – катта совғалар бериб, Мирзо Улуғбекнинг қизи Робия Султон бегимни ҳам унга “тортиқ” қилди (Кейинчалик бу никоҳдан шайбонийлардан Кўчкунчи, Севинчхожа ва Оқбурунлар

туғилган).Аммо Абулхайрхон учун ушбу юришдан олинган энг катта ютуқ 1451 йил воқеалари орқали у Мовароуннахр сиёсий ҳаётига шайбонийлар омилини олиб кирди ва бу юртда ўз сиёсий мавқеига эга бўлиб олди. Энди Абулхайрхон учун ушбу йўналишда янада фаолроқ ҳаракат қилиш имкони пайдо бўлди.

1460 йили Абулхайрхон Абу Саъиднинг рақиби темурийзода Муҳаммад Жўкийга (1449 – 1464 йй) Туркистон, Майрам, Тошкент, Ахсикат ҳамда Шохруҳийани эгаллаб олишига ҳарбий ёрдам берди. Шунга ўхшаш ёрдам қўлини у Хоразм учун Абу Саъид билан курашга киришган Султон Ҳусайн Бойқарога (1469 – 1506 йй) ҳам чўзди. Хуллас, Шайбонийлар Олтин Ўрда (Жўчи улуси) намояндалари сифатида Мовароуннахрни собиқ Чигатой улусининг таркибий қисми деб билиб, унга нисбатан ўз даъволарининг ҳақли эканлигига ишонар эдилар ва бошқаларни ҳам шунга ишонтиришга уринар эдилар.

Буни Муҳаммад Шайбонийхоннинг қуйидаги сўзлари ҳам тасдиқлайди. “Агар Темурбек авлодларидан баъзи мулкларни тортиб олган бўлсак ҳам, мулкпарастлик ва кичик мамлакатларга қаноат қилмаслигимиздан эмас, балки тақдир ҳукмига кўра шундай бўлди. Чунки, Қазо меросий мулкни яна бизнинг қўлимизга ва ихтиёримизга қайтишини тақозо этади.” Абулхайрхоннинг ўлимидан сўнг шайбонийлар хонадонидаги ички зиддиятлар сабаб сулола заифлашганига қарамай Муҳаммад Шохбахт даврига келиб шайбонийлар яна бир бор қаддиларини тиклаш имконига эга бўлдилар. Муҳаммад Шохбахт Абулхайрхоннинг Шох Будоғ исмли ўғлидан туғилган набираси бўлиб, биз уни асаосан Муҳаммад Шайбонийхон (1451 – 1510 йй) номи билан яхши биламиз.

XV асрнинг 90 – йилларидаёқ М. Шайбонийхон Мовароуннахрнинг ёнида мустақкам ўрнашиб олган эди. Яъни Ўтрор, Сайрам ва Туркистон (Йасси) унинг ҳукми остига ўтган эди, у Хоразмга таҳдид солиб келар эди. 1394 йили Мовароуннахр ҳукмдори темурий Султон Аҳмад (1451 – 1494 йй) вафот этди. Бобур таъбири билан айтганда, “беклар иттифоқ қилиб” марҳумнинг укаси Султон Маҳмудни (1453 – 1495йй) тахтга ўтказдилар. Унинг ҳукмронлиги ҳам узоққа бормай, 1495 йили Самарқанд тахтини ўғли Бойсунғур (1477 – 1499 йй) эгаллади. Мовароуннахрдаги вазият кескинлашган йиллар айни шу давр бўлди десак, хато бўлмайди.

Бу даврда маҳаллийчилик авж олиб, самарқандлик ва бухоролик беклар Бойсунғурни ҳисорлик бекларга ён босганликда айблаб, олий тахтга унинг укаси Султон Алини (1483 – 1501 йй) ўтказиш пайига тушдилар. Бу қарама – қаршилиққа дин пешволари ҳам аралашадилар. Вазиятнинг мураккаб бўлганлигини шундан ҳам билса бўладики, хожа Аҳрор авлодларидан Муҳаммад Хожаги Бойсунғурни ёқласа, Хожа Яхё Султон Али томонида эди. Бир сўз билан айтганда, мамлакат нафақат сиёсий, балки мафкуравий жиҳатдан ҳам иккига бўлинган эди. Бошқа томондан эса Хуросон ҳукмдори Султон Ҳусайн Ҳисор ва Қундузга интилишини кучайтира бошлаган эди. 1496 йили Самарқанд тахти атрофидаги ушбу машмашалар хабари Фарғонага ҳам етиб борган эди. Бу ерда эса отаси ўлимидан сўнг ҳоким мақомида бўлган Бобур ўз фаолиятини бошлаган эди. Бошқача айтганда, Самарқанд тахти учун яна бир бор даъвогар кўпайган эди.

Бойсунғур султоннинг акаси Султон Масъуд (1475 – 1506 йй) билан иттифоқ киришган Бобур мирзо 1497 йили Самарқандни қамал қилди. Бойсунғур мирзо ёрдам сўраб Туркистонга (Йасси) одам юбориб, М. Шайбонийхонни бу ерга даъват қилди. Бундай вазиятдан фойдаланган М. Шайбонийхон тезликда лашкар тортиб келган бўлса – да, аммо сўнгги паллада Бойсунғур мирзо айниб уни қабул қилмади. М. Шайбонийхон яна орқага қайтиб кетишга мажбур бўлди. Бойсунғур ҳам самарқандни тарк этгач, шу йили (1497 йил) Бобур илк бор Самарқандга кириб тахтни эгаллашга муваффақ бўлди. Аммо бу муваффақият узоққа чўзилмади. Тез орада Бобур ўзи йўқлигида Андижонни эгаллаб олган рақиблари билан курашиш учун Фарғонага жўнашга мажбур бўлди.

Бир сўз билан айтганда, темурийлар хонадонида бошбошдоқлик авжига чиққан эди. Темурийлар орасидаги парокандаликдан фойдаланган М. Шайбонийхон 1501 йили Самарқандни босиб олишга муваффақ бўлди. Бобур Хуросонга чекинишга мажбур бўлди. 1503 йили М. Шайбонийхон Амударёдан ўтиб темурийларнинг сўнгги таянчи Хуросон

учун курашни бошлаб юборди. Ўзаро уюша олмаган хуросонлик темурийлар ҳам жангда енгилдилар. 1507 йили Ҳиротда М. Шайбонийхон номидан хутба ўқилди. 1508 йили М. Шайбонийхон Хуросоннинг Жом, Марв, Машҳад, Қандаҳор ва Астробод каби муҳим марказларида ўз ҳукмини ўрнатишга эришгач, темурийларнинг мамлакатдаги ва умуман Турон минтақасидаги 135 йиллик фаолиятига шу тариқа нуқта қўйилди.

Аввал Кобул, сўнгра Ҳиндистон томон юзланган Бобур 1526 йили Ш. Ҳиндистонда темурийлар ҳукмронлигини ўрнатишга муваффақ бўлди. Темурийларнинг Бобур мирзодан тарқаган авлодлари бу кўҳна заминда расман 1858 йилга қадар давлатни бошқардилар. Хуросоннинг ҳам бўйсундирилиши амалда минтақанинг бир марказ (Самарқанд) остида бирлаштирилиши эди. XV асрнинг иккинчи ярми давомида темурийлар рўёбга чиқара олмай келган вазифани энди М. Шайбонийхон эплаган эди. XV аср охири XVI асрнинг бошларида нафақат Туркистон, балки Эронда ҳам катта сиёсий ўзгаришлар юз берди.

Бу даврда Ғарбий Эронда ҳокимиятга янги сиёсий куч – сафавий (қизилбошлар) лар келди. Манбаларда сафавийларнинг (1501- 1732 йй) келиб чиқиши ҳақида турли талқинлар мавжуд бўлса–да(Масалан, сафавийлар сулоласи насабини араблар, курдлар, турклар билан боғлаш ҳоллари ҳам бор), аммо бир нарса фанда аниқки, яъни сафавийлар Кичик Осиё ва Ў. Шарқдаги муайян бир туркий ҳарбий – сиёсий кучларга суянганлар, улар кўмагида ҳокимиятга келганлар, улар ёрдамида давлатни бошқарганлар. Уларнинг қизилбош дейилишига сабаб, бош кийимларининг қизил рангда бўлганлигидандир. Чунки, Кичик Осиё қавмларининг XIII – XIV асрлардаёқ қизил кулоҳ кийиб юрганликлари маълум.

Шундай қилиб. Темурийлар салтанати ўрнида XVI асрда Турон ва Эронда икки янги сиёсий сулолалар – шайбонийлар ва сафавийлар фаолият кўрсата бошлади. Бошқача қилиб айтганда уларнинг ўзаро тўқнаш келишлари муқаррар эди. Чунки ҳар икки сулола вакиллари ҳам бир – бирлари томон ҳаракат қилмоқда эдилар. 1510 йили Марв атрофида М. Шайбонийхон ва сафавийлар сардори Исмоил (1510 – 1524 йй) ўртасида жанг юз бериб, ҳарбий – тактикавий усталик йўли билан Исмоил шайбонийлар кўшинини мағлубиятга учратди. М. Шайбонийхон жангда ҳалок бўлди. Исмоилнинг буйруғига кўра унинг калласи олиниб сафавийларнинг ғарбдаги душмани бўлмиш усмонлилар ҳукмдори Боязид II (1481 – 1512 йй) ҳузурига жўнатилади.

Бу билан Исмоил усмонли ҳукмдорга ўз қудратини кўрсатиб қўймоқчи эди. Шайбонийхоннинг ўғли Муҳаммад Темур отасининг гавдасини Самарқандга олиб келиб кўмдирганидан кейин Муҳаммад Темурхоннинг (М. Шайбонийхоннинг келини) хотини Маҳди улё хоним Шайбонийхонга бағишлаб мадраса курдирди. Бу мадраса ҳозирда Шайбонийхон мадрасаси номи билан шуҳрат қозонди. М. Шайбонийхон ўлиmidан сўнг тахтга Кўчкунчихон (1510 – 1530 йй), яъни унинг амакиси чиқди. Кўчкунчихон расман 20 йил мамлакатни бошқарган бўлса – да, аммо сулола ичида мавжуд баъзи бир қарама – қаршилиқлар сабаб шайбонийлар М. Шайбонийхон давридагидек ички ва ташқи сиёсат юргиза олмадилар. Натижада дастлабки йилларда (1511 – 1512 йй) шайбонийлар ўртасида ички зиддиятлардан фойдаланган ҳамда сафавийлар ёрдамига суянган Бобур Самарқанд тахти учун курашни давом эттирди.

Бобурнинг хавфини қайтаришда М. Шайбонийхоннинг жияни Убайдулла султон жонбозлик кўрсатди. 1530 – 1533 йилларда Кўчкунчихоннинг ўғли Абу Саъид ҳкмронлигидан сўнг олий ҳокимиятга Убайдулла султон келди. Кўчкунчихоннинг авлодлари унинг тахтга чиқишига тўсқинлик қилганликлари сабабли Убайдуллахон Бухорода олий ҳукмдор деб эълон қилинди ва пойтахт ҳам ўша ёққа кўчди. Ғайратли ва удабурон Убайдуллахон (1533 – 1539 йй) мамлакат ичкарисида тартиб ўрнатишда айниқса Хуросонда Мовароуннахрнинг илгариги мавқеини мустаҳкамлашда кўп тадбирларни амалга оширди ва сафавийлар билан тенгма – тенг рақобатлаша бошлади.

Тарих шуни исботлайдики, яқка ҳукмдорлик тузумида жамият ва давлат тақдири кўп ҳолларда олий ҳукмдор шахсига боғлиқ бўлиб қолади. Яъни агар у удабурон, ақлли,

шижоатли, узокни кўра биладиган етук сиёсатчи бўлса, унинг ҳам, сулоланинг ҳам ва албатта жамиятнинг ҳам иши юришади. Акс ҳолда эса ички низолар, ташқи тажовузлар натижасида давлат ва жамият заифлашиб бораверади. Убайдуллахондан сўнг ҳам шундай бўлди. Абдуллахон I нинг қисқа ҳукмдорлигидан (1539 – 1540 йй) сўнг мамлакатда кўш ҳокимиятчилик юзага келди. Бухорода Убайдуллахоннинг ўғли Абдулазиз (1540 – 1550 йй), Самарқандда эса Кўчкунчихоннинг ўғли Абдулатиф (1540 – 1551 йй) ҳукмдор бўлиб олди.

Аввалги тарихимизда кўрганимиздек, сиёсат бўшашган замонларда дин пешволарининг роли ошиб борганидек, ушбу йилларда ҳам мамлакатда йирик дин пешволаридан ҳисобланмиш жуйборий хожаларидан Муҳаммад Ислоом (вафоти – 1563 йил) фаолияти бу даврда тобора кўзга ташланиб бораётган эди. М. Ислоом ёш Шайбонийзодалардан бўлмиш, Абдуллахонни у қўллаб – қувватлай бошлади. Абдуллахон II (1583 – 1598 йй) ҳокимиятни 1556 йилнинг охирларида қўлга қўлга киритгунига қадар Самарқанд ва Бухорода ҳукмдорлар бир маротаба ўзгаришга улгурди. Булар Наврўз Аҳмадхон (1551 – 1556 йй) ва Бурҳонхон (1550 – 1556 йй)лар эди.

Олий ҳукмдор сифатида расман Абдуллахон II нинг амакиси Пир Муҳаммад I (1557 – 1561 йй), 1561 йили эса Абдуллахон II нинг отаси Искандархон (1561 – 1583 йй) эълон қилинган бўлса- да, амалда ҳокимиятнинг тизгини Абдуллахон II нинг қўлида эди. Абдуллахон II расмий хон сифатида тахтга 1583 йили, яъни отасининг ўлиmidан сўнг чиққан эди. Абдуллахон II 20 йил давомида парчаланган мамлакатни бирлаштириш учун тинмай кураш олиб боришига тўғри келди. Натижада у Самарқанд, Шаҳрисабз, Тошкент, Фарғона, Хоразм ҳамда Термиз каби вилоятларни пойтахт Бухоро атрофида бирлаштириш учун кўп кураш олиб боришига тўғри келди. Масалан, Хоразмни марказий ҳокимиятга киритиш учун (1578, 1596 йй) уч марта урингани ва ахири мақсадига 1596 йили эришганини эсга олишимиз мумкин. Шундан кўринадики, мамлакат сиёсий яхлитлигини сақлаб қолиш бу даврда осон кечмаган эди.

Абдуллахон II А. Темурдан сўнг Дашти Қипчоққа нисбатан қатъий сиёсат юргиза олган ягона ва сўнгги давлат арбоби ҳисобланади. Бу йўлда у 1582 йили Бухоро ҳокимиятини тиклаш ниятида ҳарбий юриш уюштириб, Улуғтоққача (ҳозирги Қарағанда вилоятининг ғарбида, Сариксув дарёсининг шимолида жойлашган тоғлик) борди. Бу тоққа ўз вақтида А. Темур битик ёздирди кетган эди. Абдуллахон II ҳам унинг қарама – қарши томонига битик ёздирди (“Проклятие Тамерлана” ҳужжатли фильмида бу қоя тош тасвири берилган).

Абдуллахон II 1563 йили шайбоний Кўчумхонга лашкар бериб, уни Сибирь хонлигида ҳокимиятга келишида қўллаб – қувватлади ҳамда Сибирь хонлигининг Бухоро хонлиги билан яқиндан сиёсий – иқтисодий ва диний алоқаларда бўлиб туришига эришган ҳукмдор бўлди. Абдуллахон II бундан ташқари 1580 йилларда Хуросонда, 1590 йилларда Сейистон, Гармсир ва Ҳилмонд дарёсигача бўлган ерларда Бухоро ҳокимиятини ўрнатганини, Қандаҳорни қамал қилганини назарда тутсак, Улуғтоғдан Ҳилмонд дарёсигача, Сибирь хонлигидан то Машҳад(Эрон)гача бўлган катта ҳудудни Бухоро хонлиги остида бирлаштирганлигининг гувоҳи бўламиз. Бундай ютуқларга А. Темурдан сўнг фақат Абдуллахон II эришди, холос.

Абдуллахон II 1598 йили 65 ёшида вафот этгач, унинг ўғли Абдулмўмин (1568 йили туғилган) тахтга даъвогарлик йилларида отаси томон бўлган баъзи амирларни қатл эттирди. Бу билан ҳам чекланмай, шайбоний шаҳзодаларни ҳам аямади. Бухоролик беклар Хуросон юришига чиққан, Ўратепа ва Зомин оралиғига етиб борган Абдулмўминга суиқасд уюштириб уни ўлдирдилар. Тахтга сўнгги ҳукмдор Пир Муҳаммадхон чиқди. 1601 йили Самарқанд ҳокими Боқи Муҳаммад билан курашда енгилган Пир Муҳаммадхон ҳам ўлдирилди. Шундай қилиб, 1601 йили мамлакатимиз сиёсий саҳнасида янги сулола Аштархонийлар чиқди.

Шайбонийлар даври давлат бошқарувида тўхталадиган бўлсак, шайбонийлар даврида даргоҳ ва унинг атрофидаги хизматлар мавқеи кучайиб бориб, ижроия

хокимиятидаги девонлар тизими фаолияти чегараланиб қолган эди. Шайбонийлар ҳукмронлиги йилларида ҳам энг олий давлат идораси даргоҳ ҳисобланар эди. Унинг тепасида табиий равишда олий ҳукмдор - хон турар эди. Даргоҳдаги хондан кейинги муҳим давлат вазифаси нақиблик вазифаси ҳисобланар эди (Нақиб - сардор, бошлик, етакчи маъносини беради). Нақиб хоннинг энг яқин ва ишончли кишиларидан ҳисобланар эди. Қабул маросимларида унинг ҳукмдордан чап томондан биринчи бўлиб жой олиши нақибнинг юксак мақомидан далолат беради.

Давлат аҳамиятига молик мансаблардан яна бири оталиқдир (Оталиқ отасининг ўрнини босувчи дегани). Бу мансаб марказий ҳокимиятнинг жойлардаги, яъни вилоятлардаги сиёсатини белгилашда катта аҳамият касб этар эди. Балоғат ёшига етмаган шахзодалар вилоятларга тайинланган ҳолларда, улар то улғайиб вояга етгунларига қадар, давлат ишларини бошқаришлек оғир юк мана шу оталиқлар зиммасига юкланар эди. Оталиқларнинг асосий вазифаси – вилоятлар билан боғлиқ эди. Парвоначи – олий ҳукмдор чиқарган ҳукмлар, ёрлиқлар ва бошқа расмий ҳужжатларни ўз эгалари, масъулларига, ижрочиларига етказиш ишларига жавобгар шахс эди. Даргоҳ - даргоҳга тушган аризаларни қабул қилиш, жавобини бериш ҳамда мамлакатдаги адолат тартибларига риоя қилишнинг назорати билан шуғулланар эди. Шунингдек улар элчиларни қабул қилиш, элчилик юмушларини ташкил этиш ва ҳатто шахсан элчи сифатида бошқа мамлакатларга бориб келиш каби тадбирларни ҳам амалга оширгани маълум.

Кўкалдош - (Кўкалдош – сулоланининг бир вакили билан биронани эмганлик деган маънони англатади) Кўкалдошнинг вазифаси мамлакатда олий ҳукмдор олиб бораётган сиёсатнинг дахлсизлиги, унга кишиларнинг муносабатлари билан боғлиқ юмушлардан иборат эди.

Хон ясовули – Сулола ички муносабатларига оид тадбирлар, яъни олий ҳукмдор билан шахзодалар ўртасидаги алоқаларни тегишли тартиб асосида йўлга қўйиш ишларини олиб борган. Хон ясовули шахзодаларни хон томонидан қабул қилиш, уларнинг пешкашлари, арзлари, илтимосларини етказиш каби тадбирлар билан шуғулланар эди.

Эшикоғабоши – даргоҳдаги хавфсизлик, тартиб, келди – кетдидан хабардорлик билан шуғулланар эди. Чап эшикоғабоши, ўнг эшикоғаси, эшикоғаси каби ички тақсимотлари бўлган бу хизмат вакиллари уруш пайтларида олий ҳукмдорнинг энг муҳим ҳарбий топшириқларини ҳам бажарар эдилар.

Умуман олганда, ўша даврдаги хизмат тури намояндалари уруш пайтларида ўзларининг тўғридан – тўғри вазифаларига қўшимча равишда ҳарбий фаолият билан ҳам шуғулланганлар. Буни биз мирохур (олий ҳукмдорга тегишли йилқи, от – улов, уларнинг таъминоти кабиларга масъул) шиғовул (чет эл элчиларини қабул қилиш бўйича махсус хизмат бошлиғи), қушбеги (ов тадбирларини уюштирувчи), чухрабоши(махсус ҳарбий қисм бошлиғи), баковулбоши, дастурхончи каби хизматлар фаолияти орқали ҳам кўришимиз мумкин. Яъни улар идоравий ишлардан ташқари ҳарбий юмушларни ҳам бажариб келганлар. Даргоҳ билан боғлиқ бошқа хизматлар ҳам мавжуд эди. Масалан, кўрчибоши(курол – аслаҳа хизмати бошлиғи), унинг амалдорларидан бўлмиш жибочи, жарчи, тавочи, қоровулбеги, туғбеги, китобдор, мирзабоши, мунший, муҳрдор, хазиначи, меҳтар ва ҳоказолар ҳам бор эди.

Даргоҳ фаолиятида катта мавқега эга бўлган лавозимлардан бири – шайхулислом бўлиб, давлат ва жамиятдаги мафкуравий ҳаётда унинг ўрни катта эди(Абдуллахон II ни қўллаб – қувватлаган хожа Ислон ҳам шу лавозимда эди). Суд ишларида – бош қози етакчилик қилган бўлса, ҳарбийлар ҳаётида аскар қозиси ва маҳаллий қозилар ҳам бўлиб, улар ҳам бош қозига бўйсунар эди. Бошқа девонларга келсак, манбаларда уларнинг номи кўп ҳам тилга олинавермайди. Бундан чиқадики, ушбу даврда улар ўз аҳамиятини йўқотган эди. Чунки шайбонийлар кўчманчиликдан чиққан ҳукмдорлар бўлгани ҳам бу девонларга ўз таъсирини ўтказган эди.

Маҳаллий бошқарув тизимига тўхталадиган бўлсак, вилоятлар асосан ҳукмдор

сулола намояндалари орасида мулк сифатида тақсимлаб берилар эди. Шайбонийлар даврида ҳам қалъа бошлиғини кутвол дейиш расм бўлган эди. Шу билан бирга у шаҳар ҳокими мақомини ҳам олган эди. Шайбонийлар даврида суғориш ишларида табиий таянч бўлиб келган анъанавий манбалар – Зарафшон, Чирчиқ, Сирдарё, Амударё, Вахш ва Мурғоб дарёлари имкониятларидан кенг фойдаланилди. Масалан, “Меҳмонномаи Бухоро” муаллифи Сирдарё дарёси имконлари ҳақида сўз юритар экан, бу дарёнинг кечув жойларидан, ирмоқларидан кўплаб катта анҳорлар қазилган ва улар суви билан атрофдаги экинзорлар суғорилганини алоҳида таъкидлайди.

Айниқса, Сиғноқ атрофини ободонлаштиришда бу яққол кўрсатилади. Ушбу китоб муаллифи Фазлуллоҳ ибн Рўзбихонга ҳомийлик қилган М. Шайбонийхон 1502 йили Зарафшон дарёсининг Оқдарё ва Қорадарёга айрилиш ерида кўприк – сув айирғичини бино қилдирганини биламиз. Умуман олганда, М. Шайбонийхон ҳукмронлиги ва ундан кейинги беқарорлик йилларида ҳам сунъий суғориш ишларининг аҳамияти йўқолмади. Буни биз XVI асрнинг 20 – йилларида тузилган вақфномалардан бирида келтирилган маълумотлар орқали кўришимиз мумкин. Масалан, биргина Кеш вилоятида Қашқадарёнинг ирмоқлари бўлмиш Сурхоб ва Рудакдан атроф қишлоқларга қазилган ўндан ортиқ каналлар ишлаб тургани маълум.

Лекин сунъий суғориш ишлари XVI асрда гуркираган пайт бу Абдуллахон II даврига тўғри келади. 1582 йили Зарафшон дарёси устида қурилган Кармана кўприги (Пули Кармана) – сув айирғичи, 1583 йили Нурота тоғларида қурилган Оқжоб сув омбори, Зарафшон дарёси сувини тегишли ҳудудларга тақсимлашда катта аҳамият касб этган Меҳтар Қосим, Чаҳорминор ва Жондор кўприк сув айирғичлари, Зарафшон дарёсидан Жиззах воҳасигача тортилган ва Сангзор дарёси билан туташувчи Туятортар канали, Мурғоб воҳасидаги Ҳовузихон сув омбори, 1556 – 1557 йиллари қурилган ва Самонжук даштини ободонлаштиришда катта аҳамият касб этган Хожа Кааб канали, 1559 – 1560 йиллари бунёд этилган Афшона канали, 1568 – 1569 йиллари Амударёдан Чоржўйгача тортилган, Мурғоб дарёсидан Марв атрофига чиқазилган каналлар, 1577 – 1579 йилларда амалга оширилган Ҳисор ва Ромитон, 1579 – 1585 йиллари Вахш дарёсидан қазилган сунъий суғориш иншоотлари кабиларни келтиришимиз мумкин.

Ҳужжатларга кўра, ана шундай тадбирларда ўн минглаб мардикорлар қатнашган. Булар албатта йирик сув иншоотларидир. Улардан ташқари маҳаллий аҳамиятга эга бўлган анҳорлар, ариқлар қозиш, уларни тозалаш (масалан, Тошкент вилоятидаги Зах арик), сардобалар қуриш каби тадбирлар ҳам доимо амалга ошириб борилган. Суғориш ишларининг йўлга қўйилгани табиий равишда ғаллачилик, пахтачилик, полизчилик, боғдорчилик, узумчилик ва ипакчилик каби соҳаларнинг ривожланиб боришига йўл очиб берди.

Шайбонийлар даврида ҳам ишлаб чиқаришга кенг эътибор берилган эди. Бу йилларда тикувчилик (пахта, ипак матолар), кулолчилик, темирчилик, қуролсозлик, заргарлик, дурадгорлик, қоғоз ва қурилиш ашёлари ишлаб чиқариш каби қатор соҳалар фаолият кўрсатиб, ички ва ташқи бозорда сотиладиган турли турдаги маҳсулотлар тайёрланган. Бу маҳсулотлар (ипак, жун, ип газламалар, пилла, гилам, қуруқ мевалар, ширинликлар, қорақўл ва бошқалар) билан савдогарлар Эрон, Ҳиндистон, Араб ўлкалари, сўнгги уч хонлик Россия томонидан босиб олинган (XVI асрнинг 50 – йиллари) Россия каби ўлкаларга қатнар эдилар.

Ички савдоларга келсак, аҳоли турмуш тарзини яхшилаш ниятида пул ислохотлари ўтказилди. 1507 – 1509 йиллари М. Шайбонийхон ўзигача бўлган даврдаги мавжуд турли ўлчов ва оғирликдаги тангалар ўрнига бир хил оғирлик ўлчовидаги (5,2 гр) кумуш ва мис тангаларни жорий этди. Бу албатта пул ва савдо муносабатларини барқарорлаштирди. Аммо М. Шайбонийхон ўлимидан сўнг, бир томондан, шайбонийлараро қарама – қаршилиқ, иккинчи томондан, Бобурнинг Самарқандни олиш ниятидаги ҳарбий юришларидаги жанглар мамлакат иқтисодий ҳаётига катта зарар бўлиб, пул қадрсизланган. Шунинг учун ҳам Кўчкунчихон 1515 йилдан бошлаб пул ислохотига

киришиб, фақат 1527 йилга келибгина аҳволни тўғрилашга эришди.

Шайбонийлар меъморчилик соҳасида ҳам ўзларидан бир қатор ёдгорликлар қолдирганлар, турли мақсадга мўлжалланган қурилиш ишларини амалга оширдилар. Бу борада нафақат сулоланинг намояндалари, балки ўз даврининг кўзга кўринган ва катта моддий имкониятга эга кишилари ҳам четда қолмаган эдилар. Масалан, Самарқанддаги М. Шайбонийхон қурдирган Хонийа, Абу Саъид, Қулбобо Кўкалдош номи билан боғлиқ мадрасалар; Бухорода шахар деворининг таъмирланиши, Мир Араб, Абдуллахон, Модарихон (Абдуллахоннинг онасига аталган), Гавкушон, Жуйбор, Фатхулла қушбеги, Муҳаммадхожа Порсо, Марокан, Қулбобо Кўкалдош (Кўкалдош) мадрасалари, Калон, Хожа Зайниддин, Баланд, Абдуллахон, Чор Бақр (хонақоси билан) масжидлари, заргарлар, саррофлар, телпақфурушлар, ўкчилар, унфурушлар тоқлари, Абдуллахон тими;

Тошкентда Кўкалдош мадрасаси, Қафқол Шоший мақбараси, Бароқхон мадрасаси; Туркистонда (Йасси) М. Шайбонийхон масжиди; Карманда Қосим Шайх масжиди; Балхда қалъа деворининг таъмири (узунлиги тахминан 14 кмлик), Абдуллахон, Қулбобо Кўкалдош(Кўкалдош) мадрасалари, Кўкалдош масжиди ва работи, бир қатор чорбоғлар; Ҳиротдаги Кўкалдош мадрасаси; турли шахарларда қурилган кўплаб карвонсаройлар, ҳаммомлар, бозорлар ва бошқа қатор қурилиш, таъмирлаш ишлари шулар жумласидандир. Манбаларда ёзилишича, биргина Абдуллахон II даврида минтақада 1001 та работ ва сардоба (усти берк сув омбори) қурилган эди.

Шайбонийлар даврида фан ва маданиятнинг ривож топишида ушбу сулола намояндаларининг тутган ўрни катта бўлгани, шубҳасиз. Аввало шайбонийларнинг ўзлари ниҳоятда ўқимишли шахслар эдилар. Чунончи, М. Шайбонийхон, Кўчкунчихон, Убайдуллахон, Рустам Султон, Абдулазизхон, Жавонмардали Султон каби шайбонийлар туркий ва форсийда шеър битганлар, диний ва дунёвий илмларда етарли салоҳиятга эга бўлганлар. М. Шайбонийхон ёшлигида таълимни Бухорода мадрасада олган эди. Шайбонийхон томонидан 1508 йилда ёзилган Чигатой туркий тилидаги “Баҳр ул худо” (“Ҳақиқий йўлнинг денгизи”) номли қасидасининг ягона қўлёзма нусхаси Англиянинг Лондондаги “Бритиш Музейи” кутубхонасида сақланмоқда. Бу қасиданинг бир жойида Шайбонийхон шундай дейди.

Подшоликда Шайбоний факрдан айрилмағил,  
Факр шоҳи икки олам ичра бўлур подшо.  
Тенгри гар берди сенга Эрону Турон,  
Бандалик таврни Шайбоний бермағил  
элдан даҳо.

Шайбонийхоннинг шеърлар тўплами бўлган “Девон”и 191 варақдан иборат бўлиб, у бугун Туркиянинг Истамбул шаҳридаги Тўпқори саройи кутубхонасида сақланмоқда. Туркистоннинг Бухоро, Самарқанд, Урганч ҳамда Ясси (Туркистон) шаҳарлари номларини ўз шеърларида Шайбонийхонга қадар кўп ишлатган бошқа шоир йўқ десак, янглишмаймиз. Масалан,

Кетмади кўнгулдин ҳеч дийдори Самарқанднинг,  
Кўзумдан учар ҳар дам гулзори Самарқанднинг.  
Ҳар нечаки шаҳр ўлса дунёда латиф, аммо  
Барчадин эрур яхши бемори Самарқанднинг.

Ҳақ ўз карами бирлан ул элни омон тутсун,  
Бўлсун бу жаҳондин йўқ ағёри Самарқанднинг.  
Кўптур Ҳирида, билгил, булбул билан тўти ҳам,  
Андалибни уялтти дилдори Самарқанднинг.

Бу шаҳри Ҳири ичра бир зарра сафо йўқтур,  
Жаннат киби хушбудур бозори Самарқанднинг.  
Қош ёси била хўблар ғамза ўқидин отса,

Жон жавшанидин ўтар ўклори Самарқанднинг.

Шабоний тилар ҳар дам Бухору Самарқандни,  
Тенгриси мадад бўлсун, ул ёри Самарқанднинг.

Ёки

Жаннати маъво деган боғи самарқанд эмиш,  
Кавсари аъло деган оби Самарқанд эмиш.

Ёки яна

Бир хаёлим бор кўнгулким пир вофий айлайин,

Ул бухоро шаҳрида Каъба тавофин айлайин.

Шайбонийлардан Убайдуллахоннинг мусиқа илмига қизиқиши катта бўлгани, мусиқий асбоблар чалгани ва нозик ҳуснихат эгаси бўлгани маълум. Абдуллатифхоннинг тарих, илми нужум борасида салоҳияти жуда юқори бўлган. Абдуллахон II нинг эса диний илмлардан кўплаб таълим олганини ҳам биламиз.

Абдулазизхон ва Абдуллахон II га тегишли кутубхоналар ўз замонасининг энг йирик китоб хазиналари ҳисобланган, уларда қўлёзма асарларини кўчириш, таъмирлаш, уларга безаклар ишлаш билан ҳам тарих илми кўп ривож топган. XVI аср тарихини ёритиб берувчи "Таворихи гузида," "Нусратнома," Мулла Шодийнинг "Фатҳнома," Биноийнинг "Шайбонийнома," М. Солиҳнинг "Шайбонийнома," Абдуллоҳ Насруллоҳийнинг "Зубдат ал – асор," Фазлуллоҳ Рузбехоннинг "Меҳмонномаи Бухоро," Зайниддин Восифийнинг "Бадойе ал – вақое," Ҳофиз Таниш Бухорийнинг "Абдулланомат" каби мумтоз тарихий асарлари фикримиз далили бўла олади.

Бундан ташқари М. Шайбонийхон даврида Биноий "Ажойиб ал – махлуқот" географик асарини Кўчкунчихон буйруғи билан Муҳаммад Бухорий Рашидиддин Фазлуллоҳнинг машҳур "Жомеъ ат – таворих" асарини, Шарофиддин Али Яздийнинг "Зафарнома" асарини форсчадан ўзбек тилига ўгирганини ҳам эслатиш лозим. Тарихий ва бошқа даврлардаги манбаларда тўпланган маълумотларга кўра, XVI асрда мамлакатнинг турли марказларида юзлаб олимлар, шоирлар, тарихчилар, рассомлар, ҳуснихат эгалари фаолият кўрсатганлар.

Биргина Бухоронинг ўзида бир вақтда ўнлаб илм ва маданият намояндалари ижод қилганлар. Улар орасида қомусий илм эгалари ҳам кам бўлмаган. Масалан, биз кўпроқ шоир сифатида биладиган мавлоно Мушфиқий (1538 – 1588 йиллар) фалсафа, астрономия, фикҳ, ҳисоб, физика, мусиқа ва араб тили соҳаларида ҳам етук саналган. XVI асрда Тиббиёт соҳасида ҳам асарлар яратилган. Масалан, Кўчкунчихон ва Абу Саъидхон замонларида яшаган машҳур табиб ва олим Султон Али "Дастур ал – илож," "Муқаддимаи дастур ал – илож" рисолаларини битиб, уларда инсон танаси касалликлари шарҳи ва даволари тўғрисида фикр юритади.

Кўз касалликларига оид ишларни Абдуллатифхон шахсий табиби муҳаммад Юсуф, Наврўз Аҳмадхон саройида Шоҳ Али табиб олиб бориб тегишли асарлар ёзганлар ("Кўз табиблари учун қўлланма," "Кўз касаллигига оид асарлар сараси" ва бошқалар). М. Юсуфнинг яна икки асари маълум; булар "Иситмани ўрганишга доир," "Қон томири (пульс) ва сийдик," 1562 - 1567 йиллари Убайдуллоҳ Қаҳҳол томонидан яна бир муҳим қомусий асар "Касаллик шифоси" ёзилган.

Шайбонийлар давридаги ташқи сиёсий алоқалар тўғрисида гапирадиган бўлсак, шайбонийлар даврида теурийлар даврига нисбатан анча ўзгаришлар бўлган. Бу энг аввало, Эронда сафавийлар ва Шимолий Ҳиндистонда бобурийлар ҳокимиятининг ўрнатилиши билан боғлиқдир. Бир сўз билан айтганда, Туркистон, Эрон, Шимолий Ҳиндистондан иборат катта ҳудудда бир вақтда ўзига яраша кудратга эга уч сиёсий куч; шайбонийлар, сафавийлар ва бобурийлар фаолият юргиздилар.

Табиий равишда уларнинг манфаатлари ўзаро тўқнашмай иложи йўқ эди. Ана шу манфаатлар кесишган "нуқта" бўлиб Хуросон ҳисобланиб у эса сиёсий – ҳарбий ва иқтисодий - савдо жиҳатларидан муҳим аҳамият касб этган. Хуросонни Туркистон, Эрон

ва Ҳиндистон йўналишларидаги дарвоза деса бўлар эди. Шайбонийлар каби бобурийлар ва сафавийлар ҳам туркий ҳарбий – сиёсий кучга суянганлар. Улар ўртасида ўхшашликлар ҳар ҳолда кўп эди. Аммо шайбонийлар ва бобурийлардан фарқли равишда сафавийлар шиа мазҳабини расмий давлат мафкураси даражасига кўтарган эдилар. Бу ҳолат эса Хуросон учун курашга мафкуравий тус бериш имконини берган эди. Бу мафкуравий курашда бобурийлар четда турган ҳолда шайбонийлар ва сафавийлар қарама – қаршилиги авжига чиққан эди.

Бутун XVI асрга хулоса қилинганда, Хуросонни назорат қилишда М. Шайбонийхон, Убайдуллахон ҳамда Абдуллахон II даврида шайбонийлар устун эдилар. Қолган пайтларда эса сафавийлар ташаббусни қўлга олишга эришган эдилар. Хуросон учун курашда сафавийлар йўлига ғов бўладиган бир тўсиқ бор эди. У ҳам бўлса, уларнинг шимоли – ғарбидаги қўшнилари ва ашаддий рақиблари усмонийлар салтанати эди. Сафавийлар Хуросонга юзланганларида шимоли – ғарб ҳоли қолар эди ва аксинча. Шайбонийлар бундан усталик билан фойдаланиб келдилар. Сафавийларга қарши курашга улар бобурийларни ҳам жалб қилишга кўп бор уриндилар.

Икки томон ўртасида элчилар айирбошлангани, улар келтирган номалар ҳақида маълумот етарли. Бунда асосан сафавийларнинг бидъат йўлига кирганликлари (яъни шиалик) байроқ қилиниб, шайбонийлар бобурийларни биргаликдаги курашга чорладилар. Бу ҳол, айниқса, Абдуллахон II ва Акбар ёзишмаларида кўзга яққол ташланган эди. Аммо бобурийлар бирон марта ҳам шундай таклифларга амалий жавоб бермаган эдилар. Чунки уларнинг ўзларида шайбонийлар билан сулолавий ва мулкый келишмовчиликлар бор эди.

Масалан, биз Бобурнинг бир неча маротаба Самарқанд тахтини шайбонийлардан тортиб олиш учун уринганлигини биламиз. Сўнгги 1511 – 1512 йилги уринишда у сафавийлар ҳарбий кучига суянган ҳолда иш тутган эди. Бобур мақсадига эришиб, Самарқанд тахтини эгаллаган бўлса – да, аммо мафкуравий масалада хатога йўл қўйган эди. Яъни шиа мазҳабидагилар билан иттифоққа кириб Самарқандни олганидан сўнг бу ерда шоҳ Исмоил ҳамда ўн икки имом номидан хутба ўқитиши, албатта маҳаллий аҳоли орасида унинг мавқеининг йўқолишига сабаб бўлган эди.

Сафавийлар билан иттифоқчилик йўлига бобурийлар Ҳумоюн даврида ҳам кирган бўлсаларда, аммо қўшма ҳарбий куч билан шайбонийларга қарши курашиш имкони туғилмаган эди. Масалан, 1528 йили Ҳумоюн бошлиқ 40 – 50 минглик лашкар Балх томон отланганини биламиз. Ўғлига ёзган хатида Бобурнинг, агар Самарқандни олишга эришсанг, ўша ерда сен ўзинг ўтир. Ҳисор вилоятини эса холиса (яъни давлат тасарруфига киритиш) қиламан, қабилидаги сўзларидан англаш мумкинки Бобур сўнгги вақтларгача Самарқанддан умидини узмаган эди.

Кейинги йилларда эса шайбонийлар ва бобурийлар ўртасидаги муносабатлар асосан бобурийлар назорати бўлди ва шайбонийлар интилиб келган Бадахшон вилояти масаласи билан боғлиқ эди. Масалан, Ҳумоюн ва Комрон ўртасидаги келишмовчиликлар авжига чиққан XVI асрнинг 40 – йилларида Комрон Балхдаги шайбонийлар (Пир Муҳаммад) ёрдамида Бадахшонда ўз мавқеини мустаҳкамлашга ҳаракат қилган эди. Бу ҳол ўз ўрнида Ҳумоюннинг шайбонийларга нисбатан кескин чоралар қўллашига сабаб бўлган эди. Натижада у 1549 йили Балхга қўшин билан кириб борган эди. Хуллас, ўзаро элчилар алмашинилиши, олий ҳукмдорлар ўртасидаги ёзишмаларнинг деярли муттасил олиб борилишига қарамай, XVI аср давомида шайбонийларнинг сафавийлар ва бобурийлар билан муносабатлари кўпроқ кескинлик характерида эга эди.

Айниқса, Бухоро тахтига Абдуллахон II чиққанидан сўнг шайбонийларнинг Хуросон ва унинг атрофидаги устунликлари анча сезиларли бўлган эди. Машҳад, Ҳирот, Сейистон, Заминдовар ва Қандаҳор атрофлари, Бадахшон каби уч томон ўртасидаги талаш ҳудудлар шайбонийлар назоратига ўтган эди. Аммо Абдуллахон II нинг ўлими ва Абдулмўмин фожиасидан сўнг шайбонийлар ҳокимиятида вужудга келган вазият Абдуллахон II томонидан қўлга киритилган ютуқлар деярли кўпчилигининг чиппака чиқишига сабаб бўлган эди.

Шайбонийларнинг шимолий йўналишдаги ташқи сиёсатларига ҳам тўхталадиган бўлсак, М. Шайбонийхондан то Абдуллахон II гача бўлган даврда Сибирь хонлигида Бухоронинг мавқеини оширишга ҳаракат қилинган эди. Сибирь хонлиги ва умуман Сибирда, аввал унинг ғарбида ислом динининг тарқалишида ҳам шайбонийларнинг, улар ташкил қилган тадбирларнинг ҳам роли беқиёс. Масалан, 1574 йили Кучумхон Абдуллахон II номига ёзган хатида, биз томонда кишиларни иймон йўлидан бошловчи азиз – авлиёлар йўқдир. Саййиду шайхлардан юборсангиз, мазмунида ўз илтимосини билдирган эди. Абдуллахон II унинг бу илтимосини қондириб, Сибирга шайх ва саййидлардан бир гуруҳини юбортирган эди.

Умуман олганда, шу вақтлардан бошлаб Сибирда Мовароуннахрликлар (бухороликлар) сони ортиб борди. Уларнинг маълум қисми ўша ерларда ўрнашиб ҳам қолган эдилар (Ҳ. Зиёевнинг “Сибирь Волга ва Урал бўйларидаги ўзбеклар” асарига қаранг). Бухоронинг Ғарбий Сибирь билан алоқаларининг мустаҳкамланиб бориши ғарбдан шарққа томон босқинчилик асосида бегона юртларни ўз тасарруфига олиб келаётган Россия давлатининг ғашига тегар эди. 1556 йили Аштархонни (Астрахан) эгаллаган Россия Туркистонга тўғридан – тўғри кириб бориш имконига эга бўлган эди. Сибирь йўналишида ҳаракат қилган Ермак (1572, 1584 йй) бошлиқ казаклар 1582 йили Кучумхон билан тўқнаш келади.

Кучумхон ўз атрофига барча кучларни йиғиб душманга қарши курашдан ожизлик қилгани учун ҳам жанубга чекинишга мажбур бўлди. Орадан кўп ўтмай – 1583 йили Кучумхон Ермакни енгилган эришса – да, аммо бошда қўлдан кетган ташаббус ва ўзаро уюшмаганлик натижасида русларнинг мавқеини сусайтиришнинг иложи бўлмади. Шарқий йўналишда бир қадар муваффақиятларга эришган Россия ҳукумати Бухоро ва Хива билан элчилик алоқаларини йўлга қўйишга интилди. Худди шундай сиёсатни Бухоро хонлиги ҳам олиб борди.

Чунки, Россия тасарруфида бўлган ҳудудларда савдо қилиш Туркистон савдогарларига фойда келтириши, у ерлик маҳаллий аҳоли учун таъминот масаласини ҳал қилиши мумкин эди. Шу маънода Сибирда ўрнашиб олган рус колонияси аҳолисининг Москва подшосига ёзган аризаларидан билсак бўладики, Россия ўз қўл остига киритган ерлардаги аҳолини боқа олмади. Шунинг учун ҳам оқ подшо бухоролик савдогарлардан солиқ олмаслик, уларга бож солмаслик, ҳеч қандай тўсиқ қўймаслик ва хафа қилмаслик борасида махсус кўрсатма берган эди.

Бухоро хонлиги ва усмонийлараро алоқалар ҳам изчил бўлмаган эди. Буни биз усмонли турк Мурод III (1574 – 1595 йй) томонидан Абдуллахон II га йўллаган мактуб нусхаси ҳам тасдиқлайди. Унда Мурод III Абдуллахон II ни сафавийларга қарши курашга чорлаган эди. Абдуллахон II учун ҳам сафавийларга қарши ҳарбий иттифоқчи керак эди. Шундай қилиб, XVI аср ўзбек давлатчилиги тарихида етакчи сиёсий куч сифатида фаолият кўрсатган сулола бу шайбонийлардир. Юқорида кўриб чиқилган масалалар юзасидан фикр қилинса, шайбонийлар сулоласи ҳар ҳолда давлатчилик ривожига ўз ҳиссаларини қўшдилар.

#### Адабиётлар.

1. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. –Т., “Шарқ”, 2000, 256 -278 б.
2. Асқаров А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи (Ўғуз салжуклари). – Т., “Университет”, 2007 йил, 268 б.
3. Аштархоний (Жоний)лар. – Т., “Ўзбек совет энциклопедияси бош редакцияси”. 1971, 1-жилд, 596 - 597 б.
4. Аннаев Т.Ж. ва Шайдуллаев Ш.Б. Термиз ва Чағониён Темур ва Темурийлар даврида. Сурхондарё тарихидан лавҳалар. – Т., “А. Қодирий”, 1997, б.

5. Турсунов С.Н., Э.О. Қобилов ва бошқалар. Сурхондарё тарихи. –Т., “Шарқ”, 2004.
6. Чағониён тарихи. - Т., “Ислом университети”, 2002, 59 б.
7. Хожа Самандар Термизий. Дастур ул – мулук (подшоҳларга қўлланма). – Т., “Ғ. Ғулом”, 1997, 123 – 133 б.
8. Ўзбекистонда ҳарбий иш тарихидан. – Т., “Шарқ,” 2013, 125 – 128 б.

Шайбоний Абдулмўминхон ҳалокатидан сўнг тахтга чиққан Пир Муҳаммадхон (1599 – 1601 йй) ҳукмронлиги узокқа бормади. Абдулмўминхонга нисбатан суиқасд уюштирилиши ҳодисасининг ўзи мамлакатда марказий ҳокимиятнинг заифлашиб бораётганлигидан, йирик амирлар ва маҳаллий кучлар мавқеи ошиб бораётганидан дарак бераётган эди. Бундай пайтларда одатда кўп нарса олий ҳукмдорнинг шахсига, унинг қанчалик марказий ҳокимиятнинг обрўсини тута билишига боғлиқлигига ҳам бевосита боғлиқдир.

Аммо Пирмуҳаммадхонда юқоридагидай хусусиятлар йўқ эди. Натижада 1601 йили у тахтни қўлдан бой бериб қўйди. Аниқроғи, Самарқанд ҳокими Боқи Муҳаммадни пойтахт ихтиёрида тутиш ниятида тахминан 50 минг қўшин билан унга қарши чиққан Пир Муҳаммадхон Боғи Шамол атрофида мағлубиятга учради. Бухоро тахти эса Боқи Муҳаммадхон қўлига ўтиб, у хон деб кўтарилди. Бошқача қилиб айтганда, шу тариқа шайбонийларнинг бир асрлик ҳукмронлигига нуқта қўйилди. Мамлакат ва давлат тизгинини эса энди янги сулола – Аштархонийлар ўз қўлларига олган эдилар.

Аштархонийлар келиб чиқишларига кўра Олтин Ўрда(Жўчи улуси) нинг заифлашуви оқибатида у бир қанча майда хонликларга бўлиниб кетди. Натижада XV – асрнинг 30 – йилларида Волга бўйи ерларида Аштархон хонлиги юзага келган эди. Аштархон сўзи эса аслида “Ҳожи тархон” сўзидан олингандир. Тархон сўзи туркий тилли халқлар ҳаётида имтиёзли унвонлардан ҳисобланиб, машҳур Ҳазар хоқонлиги (VII – X асрлар) давриданок маълум эди. Шу ўринда талабаларда, қандай қилиб туркий тилли халқларга тегишли ерлардан бўлмиш Ҳожи тархон Астраханга айланган, деган савол туғилиши табиий. 1552 йили Россия Қозон хонлигини босиб олганидан сўнг 1554 йили Аштархон (Ҳожи тархон) хонлигига нисбатан босқинчиликни амалга оширди. Хонликни бу вақтда бошқариб турган манғит сулоласи намояндалари лашкари билан урушиб енгди ва тахтга шу сулоладан (манғит) бўлган Дарвишалини ўтказди. Бундан мақсад уни қарамликда тутиб, хонликни ўз таъсиридан чиқармаслик эди.

Аммо кўп ўтмай Дарвишали ҳам Москвага бўйсунушдан бош тортгач, 1556 йили руслар катта қўшин билан яна бостириб келиб, хонликни бутунлай йўқ қилиб, бу ерларни Россия империясиники деб эълон қилдилар. Худди шу йилларда манба тили билан айтганда, Бухорода Ёр Муҳаммадхонга катта ҳурмат билан қарайдилар. Абдуллахон II нинг отаси Искандархон билан яқин муносабатда бўлгани маълум. Искандар унинг тўнғич ўғли Жони Муҳаммад султонга қизи Зухрабонуни турмушга бериб, ўзаро алоқаларни қариндошлик иплари билан мустаҳкамлайди. Ушбу никоҳдан кейинчалик Дин Муҳаммад ва Вали Муҳаммадлар туғиладилар.

Хуллас, Ёр Муҳаммад ва унинг авлодлари шайбонийлар хонадонининг энг яқинлари ва таянчларидан бирига айланиб, олий ҳукмдорга хизмат қила бошладилар. Бориб – бориб уларнинг ҳам мавқелари ошиб, охири юқорида айтилганидек, мамлакатдаги эътиборли вилоятлардан Самарқандни бошқаришга эришган Боқи Муҳаммадхон олий тахтни шайбонийлардан тортиб олишга муваффақ бўлади. Шу билан мамлакатда аштархонийлар сулоласининг бир ярим асрлик ҳукмронлик фаолияти бошланган эди. Ўзбек давлатчилиги бошқарувига янги сулоланинг келиши амалда бирон – бир кескин тарихий бурилишга сабаб бўлмагани табиий. Чунки, давлат асослари бир, ўзгармас бўлгани ҳолда ҳар бир янги сулола уларга суянган ҳолда ўз зам онаси шарт – шароитини ҳисобга олиб фаолият юритади.

Шу маънода оладиган бўлсак, Боқи Муҳаммадхон (1601 – 1605 йй) олдида турган

вазифаларнинг энг муҳими яна ўша мамлакат сиёсий яхлитлигини таъминлашдан иборат эди. Чунки Шайбоний Пир Муҳаммадхон замонида заифлашиб қолган марказий ҳокимият сулолалар алмашуви билан боғлиқ воқеалар натижасида янада кучсизланиб, Марв, Хоразм ва Балх қабилардаги сиёсий кучлар бошбошдоқлик йўлини тута бошлаган эдилар. Абдуллахон II нинг саъй – ҳаракатлари билан Бухоро ихтиёрига киритилган Хоразм унинг ўлиmidан кейин туркманлар ёрдамида яна итотсизлик йўлига ўтди. Манбада ёзилишича, маҳаллий сулола намояндаси Ҳожи Муҳаммадхон (1558 – 1602 йй) тез орада Амударёдан Аштархон ва Манқишлоққача бўлган ҳудудда ўз ҳукмини ўрнатишга эришди.

Боқи Муҳаммад бунга бефарқ қараб тура олмас эди. Аммо иш урушгача етиб бормай улар орасига оқсоқоллар тушиб қарама – қаршилиқ тинч йўл билан ҳал қилинди. Шундан сўнг мамлакат ғарбий мулкларидан кўнгли бир оз тасалли топган Боқи Муҳаммадхон 1602 йили Балх томон юриш уюштирди. Шунда ҳам очикчасига эмас, Ҳисор юриши баҳонаси билан. Ушбу тadbир муваффақиятли тугаб, Балх ҳам пойтахт доирасига киритилди ва уни Боқи Муҳаммадхон укаси Вали Муҳаммадхонга тортиқ қилди. Бу ерни “фитна ўчоғига айлантирган” Ёр Муҳаммад мирзо, Шерафкон мирзо ва Араб оталиқ қабилар сафавий ҳукмдор шоҳ Аббос I (1587 – 1629 йй) ҳузурига қочиб кетадилар.

Балхнинг яна марказ ихтиёрига қайтарилиши ташаббуси Боқи Муҳаммадхон томонда эканлигидан далолат берар эди. У қулай пайтни қўлдан бермай Андхуд, Шибирғон, Чечакту, Маймана, Фарйоб – Мурғоб дарёсигача бўлган ерларни ҳамда Бағлон, Бадахшон ва Ҳисорни ҳам аслий марказ – Бухоро хонлигига бўйсундирди. Укаси Вали Муҳаммадхонни валиаҳд деб эълон қилиб, ўзи эса пойтахт Бухорога қайтиб келди. Ушбу уринишлар натижасида Боқи Муҳаммадхон мамлакат ва минтақани бирлаштиришда сезиларли ютуқларга эришган бўлса – да, аммо Эронга қочган султонлар 1603 йили сафавийлар қўшини билан яна Балх вилоятига келдилар.

Бу сафар ҳам Бухородан етиб келган Боқи Муҳаммадхон ташаббусни қўлдан бермасдан Хуросонда Бухоро ҳокимиятини тиклаш ниятида сафарга ҳозирлик кўриб турганида эса 1604 йили қозоқ хони Келди Муҳаммаднинг Тошкентга юриши, Самарқандга хавфи ҳақида хабар келиб, Хуросон юриши шу тариқа амалга ошмай қолди. Қозоқ хони Келди Муҳаммадхонни ҳам мамлакатдан ҳайдаб чиққунча вақт ўтиб 1605 йили у ўз ажали билан вафот этди. Олий тахтга валиаҳд Вали Муҳаммадхон (1605 – 1611 йй) чиқди.

Боқи Муҳаммадхон каби Вали Муҳаммадхон ҳам дастлаб мамлакатнинг жанубий чегараларини кўриклашга мажбур бўлди. Чунки Ёр Муҳаммад мирзо, Шерафкан мирзо ва бошқалар 1606 йили сафавийлардан мадад олиб яна Балхга қўшин тортдилар. Бу сафар ҳам бухоро хони қўшини зафар кучди. Сафавийларнинг қизилбошлардан иборат қўшини ҳам қочишга мажбур бўлдилар. Уларни таъқиб қилган Туркистонлик лашкар Ҳиротни яна Бухоро тасарруфига олиш имконига яқин бўлса – да, бироқ об – ҳавонинг айниб қор ёғиб, қаттиқ совуқ тушиши туфайли мақсад амалга ошмай қолди. Аштархонийлардан кетма – кет бир марта мағлуб бўлган сафавийлар ҳукмдори шоҳ Аббос ишни дипломатия йўли билан битирмоққа киришди.

Масалан, у Вали Муҳаммадхон қароргоҳига элчи юбориб, ўзаро қўшничилик ва дўстликни таклиф қилди. Қандайдир сабабларга кўра қўли б аланд келиб турган Вали Муҳаммадхон рози бўлиб, ўзи ҳам Эронга элчи юборди. Натижада Хуросон учун кўп машаққат чеккан бир қатор бухоролик амалдорлар Вали Муҳаммадхоннинг бу элчилик алмашувларидан норози бўлдилар. Хон ҳам бундан хабар топиб уларнинг бир қанчасини жазолади. Қолганлари эса энди очикдан очик қарама – қаршилиққа бориб Вали Муҳаммадхоннинг жияни, Самарқанд ҳокими Имомқули султонни олий тахтга ўтказиш пайига тушдилар.

Бу ҳаракатлар 1608 йили бошланган бўлса, охирида эса Вали Муҳаммадхоннинг Эронга шх Аббос олдига қочиши билан тугади. Бухоро тахтини Имомқули султон эгаллади. Вали Муҳаммадхон 1611 йили Шоҳ Аббос берган ёрдам натижасида вақтинчалик бўлса – да, аммо 1611 йил октябрда Имомқулихон билан Самарқанд

атрофидаги навбатдаги тўкнашувда ҳалок бўлди. Шундай қилиб, мамлакат тахтига Имомқулихон (1611 – 1642 йй) ўтирди. У давлатни 30 йилдан кўпроқ давр давомида бошқарган бўлса – да, Имомқулихоннинг шимолдан Тошкент ва Андижонга хавф солиб турган қалмоқ ва қозоқларга, жанубий чегарада бошқа бир куч – Вали Муҳаммадхоннинг Ҳиротда паноҳ топган ўғли Рустам султонга қарши кураш олиб боришига тўғри келди.

1487-1488 йилларда Ўтрор, Сайрам, Ясса (Туркистон), Сигноқ шаҳарларини босиб олиб, ўз ҳукмронлигини Дашти Қипчоқда мустаҳкамлаган Муҳаммад Шайбонийхон 1499 йилдан Мовароуннаҳрни эгаллашга жиддий киришди. У ердаги асосий душмани Бобурдан 1501 йилда Самарқандни тортиб олган Шайбонийхон 1503 йилда Тошкентни, 1504 йилда Хисорни, 1505 йилда 10 ойлик қамалдан кейин Урганчни, 1507 йилда Ҳиротни, 1509 йилда Марвни ўзига бўйсиндиради. Натижада Дашти Қипчоқ, Хоразм, Мовароуннаҳр, Хуросонни бирлаштирган Шайбонийхон Машҳад ва Тус шаҳарларини эгаллаб Эронда Шох Исмоил асос солган Сафавийлар давлатига хавф солади. 1510 йилда Марв яқинидаги жангда Шох Исмоил қўшинларидан мағлубиятга учраган Муҳаммад Шайбонийхон оғир ярадор бўлиб, вафот этади.

Муҳаммад Шайбонийхон вафотидан кейин Кўчкунчихон (1512-1529) ва Абу Саъид (1523-1533) даврида Мовароуннаҳр ва Хуросонда марказий ҳокимият заифлашиб, амирлар ва султонлар ўртасида низо кучайди. Бу пайтда Хоразм мустақил давлат бўлиб ажралиб чиқди ва Туркистон ерлари парчаланди. Ўзаро урушларга бирмунча барҳам берган, Шайбонийхоннинг укаси Маҳмуд Султоннинг ўғли Убайдулла Султон 1512 йилда Бухоро ҳукмдори бўлган бўлса, 1533 йилдан бутун марказлашган ўзбек давлатининг олий ҳукмдори этиб сайланди. Убайдуллахон пойтахтни Самарқанддан Бухорога кўчирди.

XVI асрнинг 40-йилларига келиб феодаллар ва маҳаллий сулолалар ўртасида шаҳарлар ва ҳудудлар учун кураш авж олиб кетди. Самарқанд ҳукмдори Абдулатифхон (1541-1552 йй.) билан Бухоро хони Абдулазизхон (1540-1550 йй.) ўртасидаги курашни Тошкент ва Сирдарё бўйидаги шаҳарларнинг ҳукмдори Бароқхон (Наврўз Аҳмадхон, 1540-1556) янада кучайтирди. У ҳатто 1551 йилда Самарқандни босиб олди. Кармана ва Миёнқол ҳукмдори Абдулла Султон Бароқхонга қарши кураш олиб борди. Бу курашларда Искандар Султоннинг ўғли Абдуллахон (1534-1598) ўзининг қатъиятлилиги, яхши сиёсатчи ва саркардалиқ қобилияти билан ажралиб турди. У 1561 йилда отаси Искандархонни олий ҳукмдор деб эълон қилди.

Абдуллахон II марказлашган Шайбонийлар давлатини тиклаш мақсадида амирлар ва султонлар билан аёвсиз кураш олиб борди. Тинимсиз урушлар натижасида Фарғона (1573), Шаҳрисабз, Қарши, Ҳисор вилоятлари (1574), Самарқанд (1578), Тошкент, Шохруҳия, Сайрам, Оҳангарон (1582), Балх (1583), Бадахшон (1584), Ҳирот (1588), Хоразм (1595), Абдуллахон қўл остига бирлаштирилди. У 1561-1583 йилларда отаси номидан, 1583-1598 йилларда расмий хон сифатида давлатни бошқарди. Аммо, 1598 йилда Абдуллахон II вафотидан сўнг унинг ўғли Абдулмўмин узоқ муддат тахтни бошқара олмади. Сўнгги Шайбоний ҳукмдори Пирмуҳаммад II (1599-1601) ҳам бебош амирларни тийиб қўя олмади.

Муҳаммад Шайбонийхоннинг марказий ҳокимиятни мустаҳкамлаш учун амалга оширган баъзи чора тадбирлари, бекларнинг кучайиши ва ўзаро курашларига ҳам сабаб бўлди. Масалан, давлат бошқаруви соҳасида суюрғол тизимининг жорий этилиб, босиб олган ҳудудларда бошқарув ишининг фарзандлари, қариндош-уруғлари, қабила бошлиқларига топширилиши унинг вафотидан кейин марказий ҳокимиятдан мустақил бўлишга интилишларни кучайтирди.

Шайбонийлар даврида 40 дан ортиқ солиқ ва жарималар бўлиб, хирож ва закотдан ташқари, тагжой жизя, ихрожат, тоғар, улуфа, қўналға, бегар, мадади лашкар, бож, туҳфа каби номлар билан аталган солиқ турлари ва ясоқ деб аталувчи мажбуриятлар бўлган. Солиқ тўловчи аҳоли фуқаро (райият) деб аталган. Жуйбор шайхлари каби йирик уламолар-дин пешволари барча солиқлардан озод қилинган. Олий табақага хон ва унинг яқинлари кирган. Ҳарбий-маъмурий бошқарув тизимидаги амалдорлар умаро, олим ва

шоирлар фузало деб аталганлар, бундан ташқари яна шайбонийлар даврида қуллар ҳам бўлган.

Шайбонийлар давлати маъмурий жиҳатдан вилоятларга бўлинган бўлиб бошқарув тизими марказий ва маҳаллий амалдорлар қўлида бўлган. Марказий бошқарувда хондан кейин кўкалдош, оталиқ, нақиб, парвоначи, вазири аъзам каби масабдорлар дунёвий ишларни бошқарган бўлсалар шайх ул-ислом, қози калон, аълам, имом, садр, муфтий, райис (мухтасиб)лар диний ишларни назорат қилганлар, ҳамда нўён, туғбеги, товочи, жевачи, қутвол, доруға, тўпчибоши каби ҳарбий унвонлар бўлган. Маҳаллий бошқарув ҳоким ва беклар қўлида бўлиб, бу жараёнда қози, муфтий, райислар муҳим рол ўйнаганлар.

Муҳаммад Шайбонийхон, Кўчкинчихон ва Убайдуллахонлар ўз даврининг ўқимишли кишилари бўлиб, туркий ва форсий тилларда ижод қилганлар. Абдулазизхон ва Абдуллахон II ларда катта кутубхона мавжуд бўлган. Бу даврда математика, астрономия, тиббиёт, тарих, адабиёт соҳаларида кўзга кўринарли ажойиб асарлар яратилган. Шайбонийлар даврида қурилган Мир Араб мадрасаси (1535-1536), Масжиди Калон (1540-1541), Тоқи Заргарон (1559), Тоқи Саррофон (1559), каби иншоотлар ва Модарихон мадарасалари ҳозирга қадар меъморчилигимизнинг ажойиб намуналари сифатида сақланиб турибди. Шайбонийлардан Абдуллахон II даврида марказий ҳокимиятни мустақамлаш йўлида олиб борилган урушлар натижасида темурийлар давридаги кўпгина иншоотлар вайрон қилинган бўлса, иккинчи томондан у кўплаб работ, сардоба, мадраса, масжид, кўприк, сув омборларини қурдириб, мамлакат ободончилигига катта ҳисса қўшган.

Аштархонийлар XIV асрнинг 80-йилларидан бошлаб Астрахан (Ҳожи Тархон, Аштархон) атрофларида ҳукмронлик қилганлар. 1556 йилда рус князлари Астраханни босиб олгач, аштархонийлардан Ёрмуҳаммад Бухорога келиб, Искандар султондан паноҳ топди. Искандар султон қизи Зухрахонимни Ёрмуҳаммаднинг ўғли Жонибекка берган. Жонибек султоннинг Зухрахонимдан учта ўғли (Динмуҳаммад, Боқимуҳаммад, Валимуҳаммад) бўлган.

Жонибек султон Бухоро хони деб эълон қилинган, ўғли Динмуҳаммад фойдасига тахтдан воз кечади. Сейистон ҳукмдори бўлган Динмуҳаммад Ҳирот яқинида сафавийлар билан бўлган жангда ҳалок бўлади ва тахтга Боқимуҳаммад (1601-1605) ўтқазилиб, укаси Валимуҳаммад (1605-1611) ворис деб эълон қилинади.

Боқимуҳаммад 1602 йилда Балхни эгаллади, 1603 йилда эронийларнинг Балхга хужумини қайтарди. 1604 йилда қозоқ хони Келимуҳаммад қўшинларига зарба бериб, давлат ҳокимиятини мустақамлашга ҳаракат қилди. Ундан кейин тахтга кўтарилган Валимуҳаммад ўзи мустақил ҳаракат қилолмас, давлат аҳамиятига молик масалаларни бекларнинг розилиги билангина ҳал этар эди. Мустақил бошқарувга интилган беклар хонга бўйсунмай қўйишган. Ўзаро ички кураш, тарафкашлик Валимуҳаммадга қарши фитна уюштиришга олиб келган ва бунинг натижасида Имомқулихон (1611-1642) тахтни эгаллаган эди. Имомқулихон маҳаллий бекларни бўйсундириш, Эрон қўшинларига зарба беришда қозоқ султонлари кучларидан фойдаланди.

1642-1645 йилларда ҳукмронлик қилган Нодирмуҳаммад мамлакат ҳудудларини 12 та ўғли ва иккита жиянига бўлиб бериб, ижтимоий-сиёсий тарқоқликни кучайтирди. Унинг зодагонлар билан келиша олмаслиги давлат асосларининг зафлашувига олиб келди. Натижада унинг пойтахтда йўқлигидан фойдаланиб амирлар Абдулазизхон (1645-1680)ни хон деб эълон қилдилар. Нодирмуҳаммад Балх шаҳрига қочди ва Ҳиндистон ҳукмдори Шохжаҳон (1628-1658)дан ёрдам сўради. Аммо, унинг ёрдами муваффақиятли бўлмади.

Абдулазизхон ҳукмронлиги йилларида Хива хонлари Абулғозихон (1643-1663) ва унинг ўғли Анушахон (1663-1687) Бухоро ҳудудларига бир неча марта талончилик юришларини амалга оширдилар. Хоразмликлар 1655 йилда Қоракўл, Бухоро атрофларини, 1662-1663 йилларда Бухоро ва Бухоро атрофларига ҳужум қилиб, у ерларни талон-тарож қилдилар. Душман қўшинларига зарба бериш, ўзаро феодал урушларни тўхтатиш

имконини топа олмаган Абдулазизхон тахтдан воз кечди. Унинг ўрнига тахтга ўтирган укаси Субҳонқулихон (1680-1702) даврида ҳам Бухоро-Хива муносабатлари мураккаблигича давом этди. Айниқса Самарқанд амирларининг Хива хони Анушахон ҳукмронлигини тан олиб, унинг номига хутба ўқитишлари баъзи амирларнинг норозиликка сабаб бўлди. Субҳонқулихон ўрнига Убайдуллахон (1702-1711) тахтга ўтирди. У марказий ҳокимиятни мустаҳкамлаш, мустақилликка интилган бебош амирларни бўйсундириш, кўтарилган қўзғолонни бостириш учун тинимсиз урушлар олиб борди. Убайдуллахон йирик зодагонлар, қабила бошлиқларининг мавқеини пасайтириш, сиёсий тарқоқликни бартараф этиш мақсадида уларни марказий ҳокимиятдан четлаштирди, ҳатто диний-сиёсий ҳокимиятга катта таъсири бўлган Жўйбор шайхларини солиқ тўламаслик имтиёздан маҳрум этди.

Аштархонийлар орасида нисбатан қатъиятли, марказий ҳокимиятни мустаҳкамлаш учун бир неча тадбирларни амалга оширган Убайдуллахон даврида ижтимоий-сиёсий парокандалик кучайди ва унинг ўзи фитна қурбони бўлди. Фитна иштирокчиси бўлган укаси Абулфайзхон (1711-1747) тахтга чиқарилди. Иродаси кучсиз Абулфайзхон кучли амирлар таъсиридаги қўғирчоқ хон сифатида тарихда қолди. У номигагина хон бўлиб, ҳақиқий ҳокимият кучли амирлар қўлида бўлган. Айниқса, Абдуллабий, Иброҳимбий, Муҳаммад Ҳакимбийлар давлат бошқарувида катта таъсирга эга бўлганлар. Абулфайзхон даврида сиёсий тарқоқлик ғоятда кучайиб, ҳар бир вилоят амалда мустақил бошқарувга эга бўлган ҳокимиятга айланиб қолган эди. Тошкент, Хўжанд, Балх, Бадахшон, Шаҳрисабз, Ҳисор ва унинг атрофидаги ерлар Бухорога бўйсунмаганди.

Бухоро хонлигидаги поракандалик, ўзаро урушлар 1736 йилда Эронда ҳокимиятни эгаллаб, мустаҳкамланиб олган Нодиршоҳ Афшар (1736-1747) эътиборидан четда қолмади ва у Бухоро ва Хива хонларини ўзига бўйсундириш ҳаракатини бошлади. 1740 йилда Эрон ҳукмдори Бухорога қўшин тортганда Абулфайзхон оғир шартларга кўниб, сулҳ тузишга мажбур бўлди ва Нодиршоҳ ҳокимиятини тан олди. Абулфайзхоннинг Эронга қарамлигини тан олиш билан Аштархонийларнинг мустақил ҳукмронлиги тугади. Мамлакат бошқаруви 1743 йилгача Муҳаммад Ҳакимбий, унинг вафотидан кейин Муҳаммад Раҳимбий қўлида бўлди. 1747 йилда Нодиршоҳ вафоти билан Абулфайзхон ўлдирилди, унинг ворислари Абдулмўмин (1747-1748), Убайдулла III (1748-1756) номигагина хон деб эълон қилиниб, давлат ҳокимияти амалда Муҳаммад Раҳимбий асос солган манғитлар сулоласи қўлига ўтди. Чингизхон авлодига мансуб бўлмаган Муҳаммад Раҳим 1753 йилда ўз номига хутба ўқиттириб, ўзини амир деб атади. Манғитлар сулоласининг 1920 йилгача ҳукмронлик қилган даври тарихда шунинг учун ҳам Бухоро амирлиги деб аталди.

## Бухоро амирлиги

Манғитлар сулоласининг асосчиси Муҳаммад Раҳимбий 1747 йилда эроний қизил бошларни тор-мор келтириб, Бухорода ҳокимиятни тўла ўз қўлига олган эди. У барча вилоят, шаҳар ва қабилалар бошлиқларини Бухорога таклиф қилиб, марказий ҳокимиятни кучайтиришга қаратилган дастурини эълон қилиб, бўйсунмаганларни қатл қиламан деб огоҳлантирди.

1758 йил 24 мартда вафот этган Муҳаммад Раҳимбий ўрнига манғит уруғидан бўлган Миёнқалъа ҳокими Дониёлбий (1758-1785) тахтга кўтарилди. Дониёлбий Муҳаммад Раҳимбийнинг набираси Фозилтўрани хон тахтига ўтказиб, ҳокимиятни ўз қўлида сақлаб қолди. Марказий ҳокимиятни мустаҳкамлаш учун янги солиқлар тизимини жорий қилиб, бир қанча маъмурий чора тадбирларни амалга оширган Дониёлбий кўп вақтини бебош амирларни бўйсундириш, исёнларни бостиришга сарф қилди. У 1784 йилда Бухорода кўтарилган қўзғолон сабабли ҳокимиятни шаҳар аҳолиси орасида обрўлироқ бўлган ўғли Шоҳмуродга топширди.

Амири Маъсум (“Бегуноҳ амир”) номини олган амир Шоҳмурод (1785-1800) ўз

хукмронлиги йилларида саройда камтарона яшаб, бир қанча солиқларни камайтирди, Бухоро аҳлига тархон ёрлигини бериб, баъзи тўловлардан озод қилди, халқ орасида золимлиги билан танилган амалдорларни жазолади. Мадраса таълимини олган Шоҳмурод фикҳ илми ҳақида “Айн ул-ҳикмат” номли рисола ёзиб, унда илгари сурилган қоидаларни барча вилоятларга жорий этди. У пул ислоҳоти ўтказиб тижорат ишларини тартибга солди, сув иншоотларини яхшилаш билан ишлаб чиқаришнинг ривожланишига замин яратди. Буларнинг ҳаммаси марказий ҳокимиятнинг нисбатан кучайишига ва Шоҳмуроднинг умрини охиригача давлатни бошқаришига имкон берди.

1800-1826 йилларда Бухоро тахтини бошқарган амир Ҳайдар даврида ҳар 3-6 ойда узлуксиз ички урушлар ва қўзғолонлар бўлиб турди.

1826 йилда амир Ҳайдарнинг учинчи ўғли Насрулло (1826-1860) тахтга ўтирди. У ўз йўлига тўсиқ бўлиши мумкин бўлган акаларини шавқатсизлик билан қатл эттирди ва бир ой мобайнида кунига 50-100 кишини қатл қилиш билан “Қассоб амир” деган номни олди. Айниқса урушлар пайтида бўйсунмаган шаҳар ва қишлоқлар аҳолисини қаттиқ қирғин қилди.

Амир Насрулло Бухоро амирлиги вилоятларини бирлаштириш учун курашни давом эттирди. Бу кураш 30 йил давом этди. Шаҳрисабз беклигини бўйсундириш учун Амир Насрулло 32 марта юриш қилиб 1856 йилдагина ўз мақсадига эришди. Шундай қилиб Бухоро ҳудудларини тўла бўйсундирган Амир Насрулло Бухоронинг сўнгги мустақил ҳукмдори бўлиб қолди. Ундан кейин ҳукмдорлик қилган Сайид Музаффархон (1860-1885) даврида Шаҳрисабз, Китоб беклари яна Бухорога бўйсунидан бош тортдилар. Бухоро Россия вассалига айлангандан кейин (1868) бу шаҳарлар ҳам русларга бўйсундирилди.

Манғитлар сулоласи ҳукмронлиги даврида давлат тизимида анчагина ўзгаришлар амалга оширилди. Амир олий ҳукмдор бўлиб, давлат ҳаётига тегишли сиёсий, иқтисодий, диний ва бошқа барча масалалар унинг қўлида эди. Марказий ижроий ҳокимият сарой аёнларидан ташкил топган бўлиб Арқда жойлашган. Давлат бошқарувида бош вазир-кушбеги, девонбеги, парвоначи, оталиқ, додҳох, худайчи, мирзабоши каби сарой аёнлари ва шайхулислон, қозикалон каби диний раҳбарларнинг мавқеи катта бўлган. Маҳаллий бошқарув амир томонидан тайинланган вилоят беклари ва унинг қўл остидаги миршаббоши, солиқ йиғувчи амалдорлар, қози, райис, қишлоқ оқсоқоллари қўлида бўлган.

Манғитлар сулоласи даврида амирлик 30 та беклик ва туманлардан иборат маъмурий бирликлардан ташкил топган. Ҳар бир беклик ҳокими хирожнинг бир қисмини амирга юбориб турган.

Бухоро амирлигининг халқ хўжалигида деҳқончилик, чорвачилик, ҳунармандчилик, савдо-сотик соҳалари катта аҳамият касб этган. Аҳолидан хирож, закот, бож, тўла, яксара, нимсара каби солиқлар ундириб олинган.

## 5 – Мавзу. Ўрта Осиё сулолалари XVI – XIX асрларда.

1. Хива хонлигида ҳокимиятнинг М. Раҳимхон бошлиқ қўнғиротлар сулоласи қўлига ўтиши.
2. М. Раҳимхон бошқаруви даврида хонлик чегараларининг кенгайтирилиши.
3. Қўнғиротлар сулоласи даврида Қорақалпоқларнинг ижтимоий – сиёсий ҳаёти.
4. Қўнғиротлар сулоласининг олиб борган ташқи сиёсати.
  1. XVIII – аср бошларида Фарғона водийсидаги сиёсий аҳвол.
  2. Минглар сулоласи вакили Шоҳрухбий томонидан Қўқон хонлигига асос солиниши.

3. Муҳаммад Алихон даврида хонлик чегарасининг кенгайтирилиши.
4. Қўқон хонлигида кипчоқлар ҳукмронлигининг ўрнатилиши ва унинг салбий оқибатлари.  
Адабиётлар.  
1. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. –Т., “Шарқ”, 2000, 278 -303 б.
2. Азамат Зиё. Манғитлар, қўнғиротлар, Минглар ( 23 мақола). Ўзбекистон овози. 1997, 18 февраль, 21- сон.
3. Баёний. Шажарайи Хоразмшоҳий. – Т., “Камалак”, 1991, 177 - 260 б.
4. Кармишева Б. Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана. – М., “Наука”, 1976. с. 86 – 95.
5. Норбоев Н.. 92 бовли ўзбек. Ўзбек элининг қабила ва уруғлари ҳақида. – Т., 1997, 12 – 30 б.
6. Мукминова Р. ва Агзамова Г. Бухоро хонлиги (амирлиги). Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари. – Т., “Шарқ”, 2001, 104 – 109 б.
7. Муҳаммад Ризо Эрнийезбек ўғли Огаҳий. Зубдату – т – таворих. – Т., “Ўзбекистон”, 2009, жами – 232 б.
8. Мукминова Р. ва Агзамова Г.. Хива хонлиги. Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари. – Т., “Шарқ”, 2001, 109 – 112 б.
9. Рўзимбой Ҳасан. Ғийбатлар қурбони ёхуд ... Ватан газетаси. 1994, 32 – сон.
10. Рўзимбой Ҳасан. Бадиркент – Жунаидхон ва Жунаидлар юрти. Туркистон газетаси. 1992, 29 – декабрь, 150 – сон.
11. Ўзбекистонда ҳарбий иш тарихидан. – Т., “Шарқ,” 2013, 129 – 130, 138, 147 б.

1. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. –Т., “Шарқ”, 2000, 278 - 303 б.
2. Азамат Зиё. Манғитлар, қўнғиротлар, Минглар ( 23 мақола). Ўзбекистон овози. 1997, 18 февраль, 21- сон.
3. Бобур З. М. Бобурнома. – Т., “Юлдузча”, 1989,
4. Ибрат. Фарғона тарихи. – Т., “Камалак”, 1991,
5. Кун А.Л. Очерк Кокандского ханства. – СПб., 1876, всего 10 стр.
6. Мукминова Р. ва Агзамова Г. Қўқон хонлиги. Ўзбек давлатчилиги тарихи очерклари. – Т., “Шарқ”, 2001, 112 – 114 б.
7. Муҳаммад Ниёз Хўқандий. Тарихи Шохруҳий.
8. Мулла Ниёз Тошқандий. Ансаб ул – салотин ва таворихи хавоқим.
9. Минглар сулоласи. Ўзбек совет энциклопедияси. – Т., “Ўзбек совет энциклопедияси бош редакцияси”. 1975, 7 – жилд, 241 б.
10. Яҳёхон Муҳаммад. Туркистон хонлари тарихи (Қўқон хонлари Шохруҳбий, Абдулрахимбий ва Абдукаримбийлар). Ватан тарихи газетаси. 1994, 28 – сон.
11. Яҳёхон Муҳаммад. Туркистон хонлари тарихи (Қўқон хонлари Эрдонабий, Норбўтабий ва Саййид Муҳаммад Олимхонлар). Ватан тарихи газетаси. 1994, 31 – сон.
12. Ўзбекистонда ҳарбий иш тарихидан. – Т., “Шарқ,” 2013, 128 – 129, 132,134, 136 – 138, 154 б.
13. Ҳакимхон Тўра Хўқандий. Мунтахаб ут – таворих.

#### Хива хонлиги

Элбарсхон (1512-1525) Урганч ва Хива шаҳарларидан эронийларни хайдаб чиқариб мустақил хонликка асос солади. У билан бирга Дашти Қипчоқдан Хоразмга келган халқлар ўтроқлашдилар. Элбарсхоннинг бешинчи вориси Аванешхон (1526-1538) даврида

Шайбоний Убайдулла султон (1533-1539) Хоразмни босиб олиб, 1537 йилда ўғли Абдулазизни у ерга ноиб қилиб қолдирди. 1538 йилда Хоразм султонлари яна ҳокимиятни қайтариб олдилар. Хоразм ерлари учун Ҳожимхон (1558-1602) даврида Абдуллахон II (1557-1598) бир неча марта юриш қилди. 1575 йилда бошланган ўзаро урушлар натижасида Абдуллахон II 1593 йилдагина Хоразмни ўзига бўйсундирди. 1598 йилда Абдуллахон вафоти билан шайбонийлар давлатида авж олган ўзаро низо ва тартибсизликдан фойдаланиб Хоразм ўз мустақиллигини узил-кесил тиклаб олди.

XVII аср бошларига келиб, Хоразм тахти учун бўлган сулолавий курашлардан сўнг тахтга ўтирган Араб Муҳаммадхон (1602-1621) даврида Хива хонлигида давлат поракандалиги юкори чўққига етди. Рус казаклари, қозоқлар ва қалмиқлар талончилик юришлари қилиб мамлакат аҳолисининг тинчини бузишга сабаб бўлган бўлса, мамлакат ичида мавқеи кучайган дарвеш шайхлари таъсиридаги Араб Муҳаммаднинг ўғиллари Ҳабаш ва Элбарсларнинг отасига қарши чиқиши парокандаликни авж олди. Улар отасига қарши курашда муваффақият қозониб, унинг кўзига мил тортдилар, сўнгра Хивада қатл эттирдилар. Шундай қилиб тахтга ўтирган Елбарс ва Ҳабаш султонлар (1621-1623) укалари Исфандиёр (1623-1643) томонидан тахтдан туширилдилар.

Хоразм тарихида йирик давлат арбоби ва тарихнавис ижодкор сифатида ўз ўрнига эга бўлган Абулғозихон (1643-1663) акаси Исфандиёр вафотидан кейин тахтни эгаллади. Туркман, қалмиқларга қарши муваффақиятли уруш олиб борган Абулғозихон Бухоро хонлиги ҳудудларига ҳам талончилик юришлари қилди. Хива аскарлари Чоржўй, Варданза, Қоракўл, Карманагача бўлган ерларни бир неча бор талашди. 1662 йилда Абдулғози Бухоро хони билан сулҳ тузди.

Лекин унинг Ўғли Анушахон (1663-1687) даврида ҳам Бухоро ва Хива ўртасидаги урушлар давом этди. Субҳонқулихон Хивадаги тарафдорлари ёрдамида тахтга Шоҳниёзни (1688-1702) ўтқазиб, амалда Хивани вассал давлатга айлантди.

Араб Муҳаммад ва унинг вориси Шерғозихон (1715-1728) даврида хонликдаги сиёсий низолар мамлакатнинг иқтисодини ҳам издан чиқарди. 1728 йилда ҳокимиятни қўлга олган Элбарсхон (1728-1740) ички низоларни бостириб, қўшни ҳудудларга босқинчилик юришларини уюштира бошлади.

1747 йилда қозоқ султони Гайибхон тахтга ўтқазилди (1747-1757). Унинг даврида қозоқ султонларининг мавқеи ошиши Хивада қўзғолон кўтарилишига сабаб бўлди. 1757-1758 йилларда Хива тахтини унинг укаси Абдуллахон бошқарган. Хива хонлигидаги сиёсий парокандаликдан фойдаланган Бухоро ҳукмдори Муҳаммад Раҳимбий ўз одами Темур Ғозихонни (1758-1763) Хива тахтига ўтқазди. Шу даврдан бошлаб Хива хонлигида қўнғиротлар уруғининг мавқеи мустаҳкамланиб барган.

Иноқ Муҳаммад Амин (1763-1790) 1770 йилда туркманларнинг, 1782 йилда бухороликларнинг ҳужумини қайтариб, Хива хонлигида қўнғиротларнинг амалдаги ҳокимиятнинг мустаҳкамлайди. Аваз Иноқ (1790-1804) даврида Хива хонлигида марказий ҳокимият мустаҳкамланиб, хонликдаги иқтисодий аҳвол яхшиланди. Бу XIX аср бошларида қўнғиротлар сулоласининг ҳокимиятни расман эгаллашларига замин бўлди. 1804-1806 йилларда ҳукмронлик қилган Элтузархон иноқ Хива тахтига ўтирган қўнғиротлар сулоласининг биринчи хони ҳисобланади. Унинг вориси Муҳаммад Раҳимхон I (1806-1825) Хива хонлигини бирлаштиришни ниҳоясига етказди. 1811 йилда бўйсунмас ороликлар-қорақалпоқларни ҳам Хива таркибига қўшиб олди. У ўтказган сиёсий, иқтисодий, маъмурий ислохотлар натижасида бошқарув тизим такомиллашиб, солиқлар тартибга тушди. Хазина даромадлари кўпайди.

Оллоқулихон (1825-1842), Раҳимқулихон (1842-1845) ва Муҳаммад Аминхон (1845-1855) даврларида Хива қўшинларининг Хуросонга юришлари кучайди, Марв шаҳри учун Бухоро амирлиги билан тез-тез урушлар бўлиб турди. Хива хонлари бу даврда Сирдарёнинг Орол денгизига қуйиладиган жойидан Туркманистон ҳудудидаги Кушкагача бўлган ерларни бошқарганлар. 1855 йилда Серахсни қамал қилиш пайтида Муҳаммад Аминхоннинг ҳалок бўлиши мамлакатда парокандаликка сабаб бўлди. Абдуллахон (1855-

1856), Қутлуғмуродхонлар (1856) 6 ойдан кўп ҳукмронлик қилмасларидан ўлдирилдилар. 1856 йилда тахтни Сайид Муҳаммадхон (1856-1864) эгаллади. У бўйсунмас туркманлар ва қорақалпоқларга қарши уруш уюштирганлиги натижасида бу халқларнинг кўпчилиги кўчиб кетдилар. 1859 йилда Муҳаммад Паноҳ Оренбургдан ёрдам олиб, Орол бўйида мустақил давлат тузиш учун қилган ҳаракати бостирилди. Хиваликлар томонидан дарёга тўсиқ қўйилиши натижасида Бутаков флотилияси қорақалпоқларга ёрдам бера олмади.

Хива хонлигидаги сўнги мустақил ҳукмдор Феруз тахаллуси билан ижод қилган Муҳаммад Раҳимхон II (1864-1910) бўлди. Унинг даврида хонликнинг сиёсий, иқтисодий, маданий жиҳатдан юксалиши кўзга ташланади. Лекин 1873 йилда Россия Хива хонлигини босиб олди ва Муҳаммад Раҳимхон II ва Кауфман имзолаган Гандимиён шартномасига кўра Хива хонлиги Россияга қарам давлатга айланиб қолди.

### Кўкон хонлиги

1710 йилда Фарғона водийсида анча кучли таъсирга эга бўлган, ўзбекларнинг минг уруғи бошлиғи Шохруҳбий (1710-1721) ҳокимиятни қўлга олди. Шохруҳбий ўз ҳукмронлиги даврида Кўкон, Наманган, Марғилон, Конибодом, Исфара атрофларини бўйсундириб, ўз ҳокимиятини мустаҳкамлади. Унинг вориси Муҳаммад Абдурахимбий (1721-1733) Хўжанд, Ўратепа, Самарқанд, Жиззах ҳатто Шаҳрисабзни ўзига бўйсундириб мамлакат ҳудудларини анча кенгайтди. Шунинг билан бирга у қурдира бошлаган шаҳар дастлаб “Қалъайи Раҳимбий” деб аталди. Абдурахимбийнинг бевакт вафоти сабабли укаси Абдулқаримбий (1733-1750) шаҳар қурилишини якунлаб, Тепакўрғондан пойтахтни янги шаҳарга кўчирди ва Эски ўрда деган жойида ўрда-қалъа қурдиради.

Ўш, Андижон, Марғилонни эгаллаган қалмоқлар 1745 йилда Кўконни қамал қилганда Абдуқаримбий Ўратепа ҳокими Фозилбек ёрдами билан қалмоқларни мамлакат ҳудудидан ҳайдаб чиқариб, давлат мустақиллигини сақлаб қолди. Қалмоқлар гаров тариқасида Муҳаммад Абдурахимбийнинг ўғли Бобобекни олиб кетишади. Абдуқаримбий вафотидан кейин хонлар тез-тез алмаштирилади. 1750-1754 йилларда Абдурахмонбий (1750-1751), Эрдонабий (1751-1753), Бобобек (1753-1754) хонлик қилганлар. Ниҳоят, 1755 йилда Эрдонабий 2-март ҳокимиятга келгач, хонлик анча мустаҳкамланди. У Ўш ва Ўзганни бўйсундириб, 1758-1759 йилларда Шарқий Туркистонга ҳам юриш қилган. Бу даврда Кўкон хонлиги Бухоро ва Хитой билан тенгма-тенг курашадиган давлатга айланди. Лекин Эрдонабий даврида олиб борилган урушлар меҳнаткаш халқнинг аҳолини анча оғирлаштирди. Эрдонабий 1769 йилга қадар тахтни бошқарган. Ундан кейин тахтга ўтирган Сулаймонбек бор йўғи 6 ой хонлик қилди.

Кўкон хонлигини 1770-1800 йилларда бошқарган Норбўтабек марказий ҳокимиятни мустаҳкамлаш ва бўйсунмас ҳокимлар қаршилигини бостиришда бир мунча муваффақият қозонди. У Чуст ва Наманган ҳокимларининг ўзбошимчаликларини тугатиб, кўзғолон кўтарган Хўжанд шаҳрини бўйсундирди ва уни хонликка бутунлай қўшиб олди. Лекин 1799 йилда унинг Тошкентни эгаллаш учун юборган қўшини мағлубиятга учради. Унинг ҳукмронлиги даврида олинган мўл ҳосил натижасида халқ фаравонлиги бир мунча яхшиланди, Хитой ҳукмдорлари Норбўтабек мустақил хон эканлигини тан олган. Унинг вориси Олимхон (1800-1810) даврида Кўкон хонлигининг сиёсий қудрати мустаҳкамланди. Ҳарбий ислоҳот ўтказиб, қўшинни анча мустаҳкамлаган Олимхон Ангрен воҳасини, Тошкент, Чимкент ва Туркистонни ўзига бўйсундирди.

Ўзини амир деб атаган Умархон (1810-1822) даврида сиёсий жараён мураккаблашиб, Чимкент, Туркистон ва бошқа шаҳарларда ғалаёнлар кўтарилди. Давлатни бошқаришда йирик ер эгалари, диндорлар, ҳарбий саркардалар манфаатини ҳимоя қилиб, улар билан иттифокда бўлган Умархон бу ғалаёнларни бостириб, хонлик ҳудудини парчаланишдан сақлаб қолди. Узоқ уринишлар натижасида 1817 йилда Ўратепани босиб олди. Россия билан алоқаларни мустаҳкамлади. 1818 йилда Умархон “Амир ул-муслимин” унвонини олиб хонликдаги диний ҳокимиятни ҳам эгаллади.

Амирий тахаллуси билан шеърлар ёзган Умархон даврида Қўқонда адабиёт, шеърият анча юксалди. 1822 йилда Умархон касалланиб вафот этди.

Умархоннинг ўғли Муҳаммад Алихон (1822-1842) хукмронлигининг дастабки йилларида Қўқон хонлигининг ерлари анча кенгайди. У 1826-1831 йилларда Қашғарга бир неча марта юриш қилиб, у ердаги Хитой ҳукумати билан ўзи учун фойдали шартнома имзолаган бўлса, 1834 йилгача Қўқон қўшинлари Қоратегин, Кулоб, Дарвоз вилоятларини босиб олган. Ички сиёсатда Мадалихон хонлик ҳаётида катта таъсирга эга бўлган, отаси томонидан қўллаб-қувватланган йирик амалдорларни сургун қилди, кўпчиликни қатл қилдирди. Бу ҳолат хонликда ундан норози бўлган кучларнинг, бирлашишувига, душманларининг кўпайишига сабаб бўлди. Муҳаммад Алихоннинг Шарқий Туркистон ва Олтой тоғлари ортида қўлга киритган, ғалабаси сабабли хушомадгўйлари уни “ғозий” деб улуғлашгани билан мамлакатда ундан норозилар кўпчиликни ташкил қилар эди.

Худоёрхон (1845-1858; 1863 (4 ой), (1865-1875 йй.) ёш бўлганлиги сабабли хонликдаги бошқарув Мусулмонкул бошлик кипчоқлар қўлига ўтди. Саройда чексиз ҳокимиятга эга бўлган, бош вазир, биринчи амалдор Мусулмонқулнинг ўз мавқеидан шахсий манфаатлари йўлида фойдаланиши 1853 йил охиригача давом этиб, бу ҳолат хонликда кўпчиликнинг норозилигига сабаб бўлди. Ўратепа, Хўжанд, Марғилон ҳокимлари Тошкент ҳокими Нурмуҳаммад бошчилигида Мусулмонқулга қарши гуруҳ ташкил этишди. 1852 йил феврал ва июн ойларида Мусулмонқул Тошкентга катта қўшин билан юриш қилди. Лекин июн ойидаги жангда қайин отаси васийлигидан норози бўлган Худоёрхон қўзғолончилар томонга ўтди. 1853 йил кузига келиб Мусулмонқул ҳам қўлга олиниб қатл этилди. Бу пайтда рус қўшинлари хонлик сарҳадларига бостириб кириб, Оқмачит, Жўлак, Кумушқўрғонни босиб олаётган эди. Россия билан Қўқон уруш ҳолатига ўтди. Россиядек ташқи душман хонлик сарҳадларига хавф солиб турган бир пайтда хон амалдорлари, хонлар бирлашиш ўрнига улар орасидаги ўзаро кураш, фитна авж олди. Натижада Қўқон хонлиги ҳудудлари чет эл босқинчиларининг зулми остига тушиб қолди. 1876 йилда Қўқон хонлиги тугатилди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак XVI-XIX асрдаги ўлкамиздаги ижтимоий, маданий ҳаёт кўриб ўтганимиздек ўзига хосликлардан иборат. Бир томондан адабиёт, тарих, меъморчилик, санъати соҳаларида катта юксалишларни, бетакрор ютуқларни қўлга киритган бўлсак, иккинчи томондан бирликнинг йўқотилиши, ўзаро низоларнинг авж олиши, табиий ва техника фанларига эътиборнинг йўқотилиши ўрта Осиё халқларини нафақат жаҳон тараққиётидан орқада қолишига, балки халқимизнинг чет эл босқинчилари зулми остига тушиб қолишига сабаб бўлдики, бу юртимизнинг 130 йилдан ортиқ қарамликда қолиб кетишига олиб келди.

6 - Мавзу. Ўрта Осиё сулолалари XIX асрнинг ўрталари ва XX аср бошларида.

1– машғулот.

Бухоро амирлигида ички зиддиятларнинг кучаюви ва чор Россияси вассаллигига айланиш сабаблари.

Хива хонлигининг чор Россияси вассалига айлантирилиши.

Қўқон хонлигида ички зиддиятлар. Халқ норозилигининг кучаюви.

Бухоро, Хива ва Қўқон хонликларида янги сиёсий кучларнинг фаоллашуви. Жаҳидлар ҳаракати.

Адабиётлар.

1. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. –Т., “Шарқ”, 2000, 278 - 303 б.

2. Азамат Зиё. Манғитлар, қўнғиротлар, Минглар ( 23 мақола). Ўзбекистон овози. 1997, 18 февраль, 21- сон.

3. Абдурахимова Н.. Ўзбекистон Россия империяси таркибида. Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари. –Т., “Шарқ”, 2001, 128 – 149 б.

4. Аъзамхўжаев С. Туркистон мухторияти; миллий демократик давлатчилик қурилиши тажрибаси. Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари. –Т., “Шарқ”, 2001, 172 – 185 б.
5. Алимova Д. Жадиdчилик ҳаракати ва унинг ижтимоий – сиёсий моҳияти. Жадиdларнинг давлатчиликка оид қарашлари. Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари. –Т., “Шарқ”, 2001, 149 – 172 б.
6. Асадова Ш. Шарқ тарихида ёшлар ҳаракатлари мавзусида ўтказилган халқаро илмий – анжуман ҳақида. Ўзбекистон тарихи журнали. 2004, 1 – сон, 89 – 90 б.
7. Абдуллаев Р.. Миллий сиёсий ғоялар тарихидан. Инсон ва сиёсат. 1991, 9 – сон, 91 б.
8. Мустафо Чўқай ўғли. Истиклол жаллодлари. – Т., “Университет”, 1999, 3 – 171 б.
9. Тошқулов Ж.. Ёш бухороликлар; сиёсий – ҳуқуқий қарашлар тадрижи. Инсон ва сиёсат, 1991, 6 – сон, 75 – 82 б.
10. Турсунов С.Н., Э.О. Қобилов ва бошқалар. Сурхондарё тарихи. –Т., “Шарқ”, 2004.

6 - Мавзу. Ўрта Осиё сулолалари XIX асрнинг ўрталари ва XX аср бошларида.

2– машғулот.

1. XX – асрнинг бошларида Бухоро амирлигидаги сиёсий аҳвол.
2. XX – асрнинг бошларида Хива хонлигидаги сиёсий аҳвол.
3. XX аср бошларида рус мустамлакачиларига қарши меҳнаткаш аҳоли норозилигининг кучайиши.
4. 1917 – 1920 йилларда Туркистон, Бухоро ва Хива хонлигида сиёсий жараёнларнинг кучайиши ва унинг меҳнаткашлар ҳаётига салбий таъсири.

Адабиётлар.

1. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. –Т., “Шарқ”, 2000, 278 -303 б.
2. Азамат Зиё. Манғитлар, қўнғиротлар, Минглар ( 23 мақола). Ўзбекистон овози. 1997, 18 февраль, 21- сон.
3. Абдурахимова Н. Ўзбекистон Россия империяси таркибида. Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари. –Т., “Шарқ”, 2001, 128 – 149 б.
4. Аъзамхўжаев С. Туркистон мухторияти; миллий демократик давлатчилик қурилиши тажрибаси. Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари. –Т., “Шарқ”, 2001, 172 – 185 б.
5. Алимova Д. Жадиdчилик ҳаракати ва унинг ижтимоий – сиёсий моҳияти. Жадиdларнинг давлатчиликка оид қарашлари. Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари. –Т., “Шарқ”, 2001, 149 – 172 б.
6. Баёний. Шажарайи Хоразмшоҳий. – Т., “Камалак”, 1991, 177 - 260 б.
7. Рўзимбой Ҳасан. Ғийбатлар қурбони ёхуд ... Ватан газетаси. 1994, 32 – сон.
8. Рўзимбой Ҳасан. Бадиркент – Жунаидхон ва Жунаидлар юрти. Туркистон газетаси. 1992, 29 – декабрь, 150 – сон.
9. Турсунов С.Н., Э.О. Қобилов ва бошқалар. Сурхондарё тарихи. –Т., “Шарқ”, 2004.
10. Ўзбекистонда ҳарбий иш тарихидан. – Т., “Шарқ,” 2013, 155 – 184 б.

XIX асрнинг биринчи ярмига келиб, Ўрта Осиёда уч хонлик ўртасидаги тўхтовсиз урушлар, келишмовчиликлар хонликлардаги иқтисодий, ижтимоий-сиёсий вазиятни танг аҳволга олиб келди, бу ҳудудлардаги маданий ҳаётни издан чиқарди. Ўлкадаги бундай вазият Россиядек босқинчи давлат учун ўз имкониятларини амалга оширишга қулай шароит яратди.

Уруш ҳаракат-лари дастлаб Қўқон хонлигига қаратилган эди. Империя қўшинлари замонавий қурол-аслаҳага эга бўлиб, уларга Европа урушларида тажриба орттирган генерал-лар раҳбарлик қилдилар. Дастлаб генерал Перовскийнинг қўшини 1853 йили шиддат билан Қўқон хонлигининг стратегик қалъаси бўлган Оқмачитни эгаллаш учун юриш бошлади. Салкам бир ой давом этган қамал натижасида 28 июль куни ҳал қилувчи жангда қалъа ҳимоячилари таслим бўлдилар. Бу ердаги 250 ҳимоя-чидан 74 нафар киши

халок бўлди, ўлганларнинг орасида аёллар ҳам бўлган. Рус ҳукумати Окмачитни қўлга киритилишининг катта аҳамиятини англаб, уруш қатнашчиларининг унвонларини ошириб, орден-медаллар ва пул мукофотлари билан тақдирлади. Окмачит ўрнига қурилган рус қалъасига генерал Перовский номи берилиб, “Перовский порти” деб аталадиган бўлди.

Крим уруши туфайли тўхтаб қолган ҳарбий ҳаракатлар 1860 йил ёзида яна жонланди. Полковник Симмерман бошчилигидаги 6 та рота, 600 та казак, 12 та оғир замбарак, 4 та ракета мосламасидан ташкил топган рус қўшинлари Тўқмоқ, сўнгра Пишпак қалъасини эгаллади. 1861 йилнинг 25 октябрида генерал – лейтенант Дебу бошчилигидаги рус қўшини хонлиқнинг Янгиқўрғон қалъасини вайрон қилиб ташлади. Кейинчалик 1862 йилда полковник Калпаковский 4 та рота, 2 юзлик ва 4 замбарак қўшини билан Марки номидаги Қўқон истехкомини эгаллади. 1864 йил 1 май куни Верний истехкомидан йўлга чиққан полковник Черняевнинг отряди қаттиқ жангдан кейин Авлиё ота қалъасини ҳам босиб олди. Черняев Авлиё отани олганлиги учун генерал унвони ва орден билан тақдирланди. Хуллас, 1847-1864 йилларда рус давлати Қўқон хонлигининг ҳозирги Қозоғистон ва Қирғизистон ерларидаги мавқеига қаттиқ зарба бериб, кўп жойларни қўлга киритди. Туркистон ва Чимкент шаҳарлари Қўқон хонлигининг муҳим ва таянч шаҳарларидан эди. Шу боис душман ушбу икки муҳим шаҳарга шиддат билан зарба беришга киришди. 1864 йил 12 июлда Туркистон босиб олинди. 1864 йил сентябр ойининг бошларида ҳарбий - техник устунликка эга бўлган душман 22 сентябрда Чимкентни эгаллашга муваффақ бўлди.

Туркистон ва Чимкентнинг босиб олиниши натижасида рус ҳарбий қўшинларининг босқинчилик ҳаракатлари янада кенгайиб, эндиликда минтақанинг энг катта ва бой шаҳарларидан бўлмиш Тошкентни босиб олишга кенг йўл очилди. 1864 йилнинг 1 октябрида генерал Черняев катта ҳарбий қўшинлари билан бирга Тошкентнинг шарқидаги Дарвишак қопқа деган жойга етиб келади. 2 октябрда дастлабки ҳужум бошланди. Аммо Тошкент мудофааси меҳнаткаш омманинг умумий мудофаасига айланиб, шаҳар атрофидаги деворларда аскарлар ва халқ кўнгиллилари жойлашган эди. Улар шу даражада қаршилик кўрсатдиларки, гене-рал Черняев мағлубиятга учраб Чимкентга қайтиб кетишга мажбур бўлди. Мағ-лубият ўчини олиш ҳиссида генерал Черняев 1865 йил 28 апрелда Чирчиқ ёнидаги Ниёзбек қалъасини олишга буйруқ берди. Шаҳарни сув билан таъминлайдиган “Кайковус” ариғи тўғонини бузиб, уни Чирчиқ дарёсига буриб юборади. 1865 йил 14 июндан 15 июнга ўтар кечаси генерал М.Г.Черняев бошлиқ қўшинлар Тошкентга яна ҳужум уюштириб, шаҳарнинг Камолон дарвозаси орқали шаҳарга кириб боришга муваффақ бўладилар. Тошкент учун бўлган жанглардан сўнг 1865 йили босиб олинган ҳудудларда Туркистон вилояти ташкил қилинди. 1866 йили Александр II нинг Тошкентни Россия тасарруфига олинганлиги эълон қилинди. 1867 йил июл ойида Туркистон генерал губернаторлиги ташкил этилди. Маркази Тошкент бўлган Сирдарё вилояти, маркази Верний бўлган Еттисув вилоятлари генерал-губернаторлиги таркибига киритилди.

Истилочилар Бухоро хонлигига қарши уруш ҳаракатларини икки ҳарбий мавсумда - 1866 ва 1868 йилларда ўтказдилар. Амирликдан тортиб олинган ҳудудларда 1868 йил Зарафшон округи тузилиб, унга генерал-маёр Абрамов бошлиқ этиб тайинланди. Амир Музаффар томонидан амирлик мустақиллигини амалда йўқотувчи ва катта иқтисодий талофатларга сабаб бўлувчи сулҳга қўл қўйилиши халқ юқори табақа вакилларининг норозилиги ва нафратини янада кучайтирди. Шу важдан ҳам унга қарши ҳаракатлар айниқса Шаҳрисабз ва Қаршида авж олди.

Россия империясининг ҳукмрон доиралари Бухоро амирлиги ва Қўқон хонлиги ерларидан ташкил топган Туркистон генерал-губернаторлигини Ўрта Осиёдаги ҳарбий операциялар учун таянч марказга айлантириб истило тиғини Хива хонлигига қаратди. 1873 йил 29 май куни асосий кучлар Хива остоналарида пайдо бўлди. Муҳаммад Раҳимхон II Хивани ўз ихтиёридаги кучлар билан мудофаа қилиб бўлмаслигига кўзи етиб,

Измиқшўр тарафидаги туркман овулига кетишга мажбур бўлди.

1873 йил 12 августда Гандимиён қишлоғида фон Кауфман сулҳ шартномаларини Муҳаммад Раҳимхон диққатига ҳавола қилди.

Чор Россиясининг амалга оширган мустамлака сиёсати маҳаллий меҳнаткаш аҳолининг манфаатларига бутунлай зид келиши, улар ўртасида норозилик кайфиятларини туғилишида катта замин бўлиб хизмат қилди. 1870 йилларда Фарғонадаги Пўлатхон кўзғолонидан сўнг Туркистоннинг бир қанча шаҳарларида халқ оммасининг оммавий норозилик ҳаракатлари кенг миқёсда бўлиб ўтди. Россия империяси босқинига қарши кўтарилиб турган озодлик ҳаракатлари ичида “Олой маликаси” номи билан машҳур бўлган Қурбонжон додхоҳ Олой ўлкасида тинчлик ўрнатиш учун 1876 йилнинг охирига қадар мустамлакачиларга қарши курашиб келди. 1878 йилда Мингтепада Етимхон бошчилигидаги исён бўлиб ўтди. Бу исёндан сўнг Фарғона вилояти генерал губернатори вилоятдаги маҳаллий аҳолидан ғайриқонуний солиқ ундирувчиларни ишдан олиб ташлашга мажбур бўлди.

1885-1890 йилларда Андижоннинг Қўрғонтепа уездидаги Дарвешхон тўра бошлик халқ ҳаракати қуролли кўзғолонга айланди. Аммо, халқ оммасининг норозилик ҳаракатларини қуролли куч билан бостиришга ўрганиб қолган чор маъмурлари бу ҳаракатларни ҳам шафқатсизларча бостирдилар.

1892 йил “вабо исёни” номини олган Тошкент кўзғолони XIX аср охиридаги муҳим воқеалардан бири бўлди. 1892 йилги кўзғолон кўплаб тарихий адабиётларда империя маъмурларининг ўлкада вабо касали тарқалишининг олдини олиш учун бўлган ҳаракат деб таърифланган бўлса-да, аслида бу кўзғолон Россия империясининг ўлкадаги йиллар давомида олиб борган мустамлака сиёсатига қарши қаратилган ҳаракатлардан бири эди. Гарчи, кўзғолон Тошкент шаҳрининг ўзида юз берган бўлса-да, унинг таъсири бутун Туркистон ўлкаси бўйлаб ёйилди. Чунки бу озодлик ҳаракати мустамлакачилик зулми остида ётган халқлар туйғусини ифода этар эди.

1898 йил Андижонда мутамлакачи маъмурларига қарши, унинг мустамлака сиёсатига қарши яна бир озодлик ҳаракати бўлиб ўтди. Тарихда бу “Андижон кўзғолони” номини олди. Бу кўзғолон 1898 йил Андижон шаҳрининг Мингтепа қишлоғида бошланди. Дастлаб кўзғолончилар сони 500 кишидан ортмаган бўлса-да, бироқ атрофдаги қишлоқлардан келиб қўшилаётган аҳоли ҳисобига кўзғолончилар сони ортиб борди. Кўзғолончиларга Муҳаммадали эшон “Дукчи эшон” бошчилик қилди.

Кўзғолон даҳшатли тарзда бостиришларига қарамай бунинг акс садоси бутун Фарғона водийсига таралди. Асака, Қува, Шаҳрихон, Ўш, Марғилон каби шаҳарлар ва қишлоқларда ҳаракатлар кенг ёйилди. Лекин, рус кўшинлари ҳамма ерда ҳам кўзғолонни шафқатсизлик билан бостирди. Дукчи эшон Арслонбоб қишлоғида қўлга олинди ва бутун халқ олдида мустамлакачи маъмурлари томонидан 1898 йил 12 июнда осиб ўлдирилди.

Ўлка меҳнаткашларининг аҳволи Россиянинг биринчи жаҳон урушига кириши ва уруш асоратларини тугатиш мақсадида маъмуриятнинг кўрган чора – тадбирлари натижасида аҳвол янада оғирлашиб кетди. 1916 йил рус императори Ни-колай II нинг “Империядаги бегона халқлар эркак аҳолисини ҳаракатдаги армия районларида ҳарбий иншоотлар ва шунингдек, давлат мудофааси учун зарур бўлган бошқа ҳар қандай оғир ишларга жалб қилиш” ҳақидаги фармони чикди. Ушбу фармонга кўра Сибир, Ўрта Осиё, Қозоғистон, Кавказ ортидан 19 ёшдан 43 ёшгача бўлган 400 минг кишини мардикорликка олиш бошланиб кетди. Бу фармонга кўра ўлкадаги ҳар беш хонадондан мардикор олинадиган бўлди.

4 июлда савдо ва хунармандчилик маркази бўлган Хўжанд шаҳрида, ундан кейин Самарқанд, Жиззах, Каттакўрғон каби шаҳарларда ҳам халқнинг норозилик ҳаракатлари бўлиб ўтди. Мустамлака маъмурияти зулмига қарши кўзғолон-ларнинг энг каттаси Жиззах шаҳрида бўлиб ўтди.

17 июлга келиб бутун Туркистон ўлкасида ҳарбий ҳолат эълон қилинди. Жазо отрядлари ва мустамлакачи маъмурларга жуда катта ҳуқуқлар берилди. Шу муносабат

билан аҳолининг кўча ва майдонларда тўпланиши таъқиқланди. Империя маъмурлари ҳарбий куч ишлатиб, бу ердаги кўзғолонни бостиришга маваффақ бўлдилар. Жиззах кўзғолони бўйича мингга яқин киши қамоққа олинди. 151 кишининг иши судга берилди. Шулардан 84 киши осиб ўлдиришга ҳукм қилинди, бироқ бу жазо ҳам кейинроқ “юмшатилиб” бошқа жазолар берилди. 1916 йил кўзғолони ўлкада маҳаллий аҳолининг мустамлака сиёсига қарши қаратилган энг катта миллий озодлик ва оммавий халқ ҳаракати эди. Бу кўзғолон жамятнинг барча табақаларини ҳаракатга келтирди ва ўз домига тортди.

#### Жадидчилик ҳаракати ва миллий уйғониш

XIX аср охири - XX аср бошларига келиб, Туркистонда миллат тақдирига таҳдид солувчи ўта қалтис ва оғир ички тарихий муҳит пайдо бўлди. Бир томондан, Россия империяси мусатамлакачилиги сиёсий жиҳатдан мустаҳкамланди. Мустамалка ва зўравонликка муккасидан кетган мустамлака тузим эса, энди ўз мафкурасини сингдириш орқали маънавий устунликка ҳам эга бўлиши учун маҳаллий халқни руслаштириш каби шовинистик сиёсатни кучайтирди. Учинчидан, умуман мусулмон мутаассиблиги (консерватизм ва бидъат) кучайди. Миллатнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий аҳволи ҳамда маънавияти тубанлашди.

Миллат ва халқ мана шундай икки томонлама аянчли ижтимоий-сиёсий муҳит ҳамда вазиятга дуч келган бир пайтда мусулмон зиёлилар дин ҳомийлари орасидан янги бир тараккийпарвар гуруҳнинг ҳаракати пайдо бўлди. Улар «жадид» (янги) деган улуғ номга муяссар бўлган ҳолда, Миллат ва Ватан, мусулмон халқлари учун маънавий қалқон бўлиб, кураш майдонига отилдилар.

Жадидчилик ҳаракати асосан икки даврга бўлинади: 1) XIX асрнинг 90 – йилларидан - 1917 йил февралгача; 2) 1917 йил февралдан - 1929 йилгача. Биринчи даврнинг ўзи уч босқичга бўлинади: 1) Жадидчилик ғоясининг пайдо бўлиши ва мунтазам уюшган ҳаракат шаклига эга бўлиши (XIX асрнинг 90-йиллари-1905 йил); 2) Жадидчилик ҳаракатининг нисбатан тез ва қаршиликсиз ривожланиши (1905-1909 йиллар); 3) Жадидчиликнинг чоризм томонидан озодлик, демократик ва инқилобий ҳаракатларга қарши курашни кучайтирган даврдаги ривожланиши (1909-1916 йиллар). Иккинчи давр ҳам воқеалар ривожланишига қараб уч босқичга бўлинади: 1) 1917 йил феврал-октябр; 2) 1917 йил ноябр-1924 йил; 3) 1925-1929 йиллар.

Жадидлар маорифи. Жадид мактабида диний ва дунёвий таълим-тарбия ҳамда илм ўзаро уйғунлаштирилди. Болалар қулай парталарда ўтириб, харита ва расмлар ёрдамида тез савод чиқарди ва диний – дунёвий илмиларни ўрганди. Жадид мактабларида Қуръони-карим, математика, география, она тили, рус, араб тиллари, ашула ва ҳатто жисмоний тарбия ўқитила бошланди.

Жадид мактаблари тўрт (бошланғич) ва етти йиллик эди. Бундай етти йиллик мактаблар Тошкентдан ташқари, Қўқон, Самарқанд каби йирик шаҳарларда ҳам очилди. Жадид мактаблари пуллик эди. Ҳар ойига ота-оналар баҳоли қудрат, эллик тийиндан бир ярим сўмгача пул тўлаган. Бу ўринда ҳар ота-она ўзларининг бойлик ва камбағаллик даражаларини шариат асосида белгилаб пул берадилар. 35 фоизгача камбағал ва ночорларнинг болалари текин ўқитилган. Ўзига тўқ оилалар эса ўз хоҳиши билан уч сўмдан ва ундан ҳам кўп пул берган. Булардан ташқари жадидларнинг ўзлари ташкил этган хайрия жамятлари ҳам жадид мактабларини маблағ билан таъминлаб турган.

Мактаб очган жадидлар дастур, қўлланма ва дарсликларни ҳам ўзлари яратдилар. Сайидрасул Сайидазизовнинг “Устои аввал”, Мунавварқори Абдурашидхоновнинг “Адиби аввал”, “Адиби соний”, “Тажвид” (Қуръонни қироат билан ўқиш усулига оид қўлланма), “Ҳавойижи диния” (Шариат қонунлари тўплами), “Ер юзи”, “Усули ҳисоб”, “Тарихи анбиё”, “Тарихи ислом”, Абдулла Авлонийнинг “Биринчи муаллим” ва “Иккинчи муаллим”, “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ”, Маҳмудхўжа Бехбудийнинг “Қисқача умумий

география”, “Болалар мактуби”, “Ислоннинг қисқача тарихи”, “Амалиёти ислом”, “Аҳоли географиясига кириш”, “Россиянинг қисқача географияси” ва бошқалар шулар жумласидандир.

Дунёвий ҳозирги замон олий ўқув юрти – университетга асос солишга жадидлар фақат 1918 йилда Мусулмон халқ дорулфунунини ташкил этиш билан муваффақ бўлдилар. Умуман, жадидлар жуда қисқа вақт ичида бутунлай янги яъни жадид халқ маорифи тизими яъни, ҳозирги замон халқ маорифи тизимига асос солдилар.

Жадид матбуоти ва журналистикаси. Жадидчилик ҳаракатининг иккинчи бир муҳим фаолияти миллий матбуот ва журналистикасига асос солиш бўлди. Туркистон жадидлари рус демократик ва инқилобий ҳаракатининг ютуқларидан ҳам самарали фойдаландилар.

Тошкентда Исмоил Обидий “Тараққий” (1906), Мунавварқори Абдурашидхонов “Хуршид” (1906), Абдулла Авлоний “Шухрат” (1907), Сайидкарим Сайидазимбоев “Тужжор” (1907), Аҳмаджон Бектемиров “Осиё” (1908), Убайдуллаҳўжа Асадуллаҳўжаев “Садои Туркистон” (1914-1915) газеталари, шунингдек, Абдурахмон Содик ўғли (Сайёх) “Ал-Ислоҳ” (1915) журналини нашр этишга муваффақ бўлдилар. Самарқандда эса Муҳмудхўжа Бехбудий “Самарқанд” русча (1913) газетаси ва “Ойна” (1913-1915) журналини, Қўқонда Обиджон Маҳмудов “Садои Фарғона” (1914) газеталарини чиқарди. Бу газета ва журналлар доимо маҳфий политсия “охранка”нинг айғоқчилари кузатуви, таъкиби остида бўлдилар.

Жадид матбуоти 1917 йил февралда рус подшоси тахтдан ағдарилгач, янада ривожланди. Жуда қисқа вақт оралиғида февралдан октябргача Тошкентда Мунавварқори Абдурашидхонов “Нажот” (1917 й. март), А. Баттол “Шўрои ислом” (1917 й. май), Абдулла Авлоний “Турон” (1917 й.), Аҳмад Заки Валидий ва Мунавварқори Абдурашидхонов “Кенгаш” (1917 йил июн), “Улуғ Туркистон” (1917 й.), Қўқонда Бўлат Солиев “Ел байроғи” (1917 й. сентябр) газеталарини, Ҳ.Ҳ. Ниёзий “Кенгаш”, Ашуралӣ Зоҳирӣ “Юрт” (1917 йил июн) журналларини, Самарқандда эса Шохмуҳаммадзода “Хуррият” (1917 йил апрел) газеталарини чоп этдилар.

Жадид адабиёти ва санъати. Жадидчилик ҳаракати жадид адабиётининг асосчилари бўлган йирик истеъдод эгалари-жадид адиби, шоири, драматурги ва санъати арбобларини ҳам тарбиялади. Жадидшунос таникли олим профессор Бегали Қосимовнинг таъкидлашича, уларнинг 1905-1917 йилларда адабий-маданий ҳаракатчиликда қизгин фаолият кўрсатганлари саксондан ортиқ бўлган. Маҳмудхўжа Бехбудий (1875-1919), Сайидахмад Сиддиқий Ажзий (1864-1927), Васлий Самарқандий (1869-1925), Мунавварқори Абдурашидхонов (1878-1931), Абдулла Авлоний (1878-1934), Тўлаган Хўжамёров-Тавалло (1882-1939), Сидқий Хондайлиқий (1884-1934), Аваз Ўтар ўғли (1884-1919), Муҳаммадшариф Сўфизода (1869-1937), Абдурауф Фитрат (1886-1938), Садриддин Айний (1878-1954), Абдулвоҳид Бурхонов (1875-1934), Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий (1889-1929), Абдулла Қодирӣ (1894-1938), Абдулҳамид Чўлпон (1897-1938) ва бошқалар шулар жумласидандир.

Жадид адабиётида драматургия яъни жадид драмаси энг сермахсул ва оммабоп жанр сифатида алоҳида кўзга ташланади. Жадид ғояларининг халққа ёйилиши, сингиши ва амалий натижалар беришида драматургия ва театр санъатининг таъсир кўрсатиши кучли бўлди. Шунинг учун ҳам жадид адибларининг аксарият йирик номаёндалари ўз ижодий-амалий фаолиятини драма ёзиш ва театр билан боғлиқ ҳолда олиб бордилар.

Қўқонда “Ғайрат” (1913 й.), Самарқандда “Зарафшон”, Тўрақўрғонда (Наманган вилояти) “Кутубхонайи Исҳоқия” (1908 й.) номли кутубхоналар ташкил топади. Шунингдек, жадид босмахонаси ва китоб дўконлари анча кенг тармоқ отди.

Хива хонлигининг тугатилиши. Хоразм Халқ Совет Республикасининг тузилиши ва ундаги ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар

Туркистон ва Бухородаги каби Хива хонлигида жаидчилик ҳаракатининг шаклланишида ташқи омил, яъни Россиядан келган илғор фикрли зиёлилар, инқилобий руҳдаги сургун қилинган ёшлар ва Россиядаги ўзгаришлар ҳам ўз таъсирини кўрсатган. Хоразмдаги жаидчилик ҳаракатидан 1914 йил август ойида Ёш хиваликлар ташкилоти тузилди, унга райис қилиб Полвонниёз Ҳожи Юсупов (1861-1936) сайланди. Ёш хиваликлар ҳаракатида бу даврда қозикалон Бобо Охун Салимов (1874-1929)нинг ҳам ўрни бўлакча эди. Ёш хиваликлар дастурининг асосини мавжуд тузум доирасида ислохотлар ўтказиш, мактаб-маориф ишини яхшилаш, хон ҳокимиятини чеклаш каби масалалар ташкил қилар эди.

1916 йилда Хивага қайтиб келган Жунаидхон ёлғизланиб қолган Асфандиёрхон томонидан “сардори карим”, яъни хоннинг лашкарбошиси қилиб тайинланди ва хонликдаги ҳокимият тўла равишда Жунаидхон қўлига ўтди. Бироқ, 1918 йил октябр ойларига келганда ёш хиваликлар таъсири билан Жунаидхон ва Асфандиёрхон ўртасига низо солинади ва бунинг натижаси ўлароқ Жунаидхоннинг ўғли Эшши Асфандиёрхонни қатл қилади. Унинг ўрнига акаси Сайид Абдуллохон хон деб эълон қилинади. Бу орда Жунаидхон Хива хонлиги ҳудудида болшевиклардан мустақил бўлган давлатни сақлаб қолишга ҳаракат қилади ва 1918 йил ноябр ойида Амударёнинг ўнг қирғоғидаги ерларда ташкил қилинган совет ҳукуматига қарши бир неча маротаба муваффақиятсиз уруш олиб боради. 1919 йил апрел ойида совет ҳукумати билан Жунаидхон ўртасида Тахта шартномаси тузилди. Унга совет ҳукумати томонидан Христофоров, Хива хонлиги томонидан Жунаидхон имзо чекдилар. Бу вақтинчалик келишув бўлиб, унга иккала томон ҳам амал қилмайди. 1919 йил 22 декабрга келиб мустақил давлат - Хива хонлиги ҳудуди босиб олинади. 1920 йил 1 февралда Жунаидхон қўшинларини тор-мор қилган қизил армия Хива шаҳрига кириб борди. 2 феврал куни сўнги Хива хони Сайид Абдуллохон тахтдан воз кечади.

Шу йили Хивада Жуманиёз Султонмуродов райислигида Муваққат инқилобий кўмита ташкил этилади. 1920 йил 26-30 апрел кунлари Хоразм меҳнаткашларининг биринчи курултойи бўлиб ўтиб, унда Хива хонлиги ҳудудида Хоразм Халқ Совет Республикаси ташкил этилганлиги эълон қилинди ва Полвонниёз Ҳожи Юсупов райислигида Халқ Нозирлар Шўрои тузилди.

Хоразмда сиёсат ва хўжалик соҳасидаги ислохотлар ҳам зиддиятли тарзда кечди. Албатта, XX асрда иқтисодий 1920-1921 йилларда аграр соҳада дастлабки ўзгаришлар амалга оширилиб, 10000 десятина ер деҳқонларга бўлиб берилди. Бундан ташқари, уларга уруғ, деҳқончилик асбоблари ҳамда ссуда (қарз) ажратилди. Деҳқонларга кредит ҳисобидан 5000 чорва мол сотилди. Эски суғо-риш иншоотларини қайта тиклаш билан бирга янгилари ҳам қурилди. Янги иқтисодий сиёсат (НЭП)нинг эълон қилиниши билан карвонсаройлар, корхо-налар, куллар ва тўқайлар ижарага берилди бошланди. Ҳукумат маданий-маърифий ва соғлиқни сақлаш ишларига ҳам катта эътибор қаратди. 1920 йил баҳорида Республикада янги типдаги мактаблар ташкил қилина бошланди. 1921 йил сентябрида Хивада очилган халқ дорулфунуни республика маданий ҳаётида катта воқеа бўлди. Аммо Хивани босиб олиш жараёнида кириб келган қизил армия, унинг кўмондонлари, европалик болшевиклар республикадаги ижтимоий-сиёсий ҳаётга салбий таъсир кўрсатдилар. Улар маҳаллий шароитни, халқ оммаси кайфияти ва қарашларини назар-писанд қилмай тезкорлик билан инқилобий чора-тадбирларни амалга оширишга киришдилар. Бу ишларни амалга оширишда Хоразм Компартияси (1921 йил декабрда тузилган) уларнинг энг яқин ёрдам-чисига айланди. 1923 йил кузидан бошлаб Хоразм республикасидаги демократик ўзгаришларга бутунлай чек қўйилди. Хоразмни советлаштириш жараёни ўзининг юқори босқичига кўтарилди. Бу ҳолат 1924 йилнинг охиригача давом этди.

Бухоро амирлигининг ағдалиши. Бухоро Халқ Совет Республикасининг ташкил топиши

ва ундаги сиёсий ўзгаришлар

Октябр тўнтаришидан кейин совет Россияси билан Бухоро амирлиги ўртасидаги муносабатлар кескинлашди. Туркистон республикасининг болшевиклардан иборат раҳбарияти Бухоро амирлигининг давлат мустақиллигини расмий равишда тан олишига қарамай, амалда унинг ички ишларига доимий равишда аралашиб турди.

1920 йил 25 августда Туркистон fronti қўмондони М.В.Фрунзе қизил аскарларга Бухорони босиб олиш учун буйруқ берди. Кескин жанглардан сўнг-2 сентябрда Бухоро шаҳри босиб олиниб Сайид Олимхон ҳокимиятдан ағдариб ташланди. Шаҳарга кирган қизил аскарлар Аркдаги амир хазинасини, Бухоро қозикалони, қўшбеги ва бошқа амалдорларнинг бойлигини мусодара қилганлар. аскарлар ва қўшин раҳбарлари катта бойлик орттирганлар. Сентябрь ойининг бошида амирлик хазинаси ва бошқа бойликлар ортилган 2 эшелон юк Самарқанд ва Тошкент орқали Москвага жўнатилди. Бухоро шаҳридан сўнг қизил армия 27 беклик (баъзи манбаларда 32 беклик)ни ҳам бирин-кетин эгаллаб, Бухоро амирлигига барҳам беришди.

1920 йил 14 сентябрда бўлган Халқ Нозирлар Шўроси, Ревком (Инқилобий қўмита) ва Бухоро Компартияси МКнинг умумий йиғилишида 9 кишидан иборат Бутун Бухоро инқилобий қўмитаси (райиси-Абдулқодир Муҳитдинов) ва республика ҳукумати-11 кишидан иборат Халқ Нозирлар Шўроси (райиси-Файзулла Хўжаев) тузилди. 1920 йил 6-8 октябрда амирнинг ёзги саройи-Ситорайи Моҳи Хосада чақирилган Бутун Бухоро халқ вакилларининг I курултойида Бухоро Халқ Совет Республикаси (БХСР) тузилганлиги эълон қилинди. 1920 йил октябр-ноябр ойларида БХСР билан РСФСР ўртасида муваққат ҳарбий-сиёсий ахдлашув ва шартнома тузилди. 1921 йил 4 мартда ҳар икки давлат ўртасида Иттифоқ шартномаси имзоланди. Ушбу шартномалар мустақил сиёсат юритишга ҳаракат қилаётган ёш Бухоро давлати арбоблари фаолиятини муайян даражада чеклашга олиб келди.

Бухоро ҳукумати олдида турган энг асосий вазифалардан бири ер-сув масаласини ҳал қилиш эди. 1920 йил 30 сентябрда Бухоро Марказий Ревкоми «Ер тўғрисида»ги декретни қабул қилди. Декретга мувофиқ, собиқ амир унинг қариндошлари ва амалдорлари қўлидаги бутун ер-мулк камбағал ва ерсиз деҳқонларга тақсимлаб берилди. Бухородаги янги тузум ва унинг ижобий чора-тадбирларини аҳоли маъқуллаб кутиб олди. Бироқ янги ҳокимият томонидан мулкдорлар табақасига нисбатан кўрилган қаттиқ чоралар, уларга тегишли бутун мол-мулкнинг мусодара қилиниши, сарой аъёнлари ва амир амалдорларининг ёппасига ҳибсга олиниши ва отиб ташланиши амир хазинасининг Москвага олиб кетилиши, мажбурий озиқ-овқат развёрсткаси ва унинг қаттиққўллик билан амалга оширилиши, ислом дини ва уламоларга нисбатан душманлик сиёсати, республика ҳудудида турган қизил армия таъминотининг аҳоли зиммасига юклатилиши бунинг устига, қизил аскарларнинг босқинчилик ва талончилик фаолияти ҳаққоний равишда халқнинг кучли норозилигига сабаб бўлди.

1921 йил 18-23 сентябрда бўлган Бутун Бухоро халқ вакилларининг II курултойида демократик руҳдаги БХСР Конституцияси қабул қилинди. Бухоро тарихидаги дастлабки Конституция фуқароларнинг демократик ҳуқуқ ва эркинликларини қонун билан мустаҳкамлади. Конституцияда давлатни идора этиш учун халқнинг барча табақа вакилларининг иштироки таъминланди. Хусусий мулк ва савдо-сотик эркинликлари унда ўз ифодасини топди. БХСР Конституцияси барча фуқароларга тенг сиёсий ҳуқуқ берди, миллий тенгсизликни йўқотди.

1923 йил 3 июнда Бухорога СССР Қуролли кучларининг Бош қўмондони С.С.Каменев, Туркфронт Инқилобий ҳарбий кенгаши райиси А.И.Корк, РКП (б) МК Ўрта Осиё бюроси аъзоси Михайлов ва бошқалар келишди. Улар Бухоро ҳукумати фаолиятдан қониқмаётганликларини очиқ айтиб, социалистик ўзгаришларни жадаллаштириш кераклигини таъкидлашди. Орадан кўп ўтмай 12 июнда РКП(б) МК Сиёсий бюроси махсус қарор қабул қилиб, Бухоро ҳукуматини советлаштириш чора-

тадбирларини белгилаб берди. Совет ҳукумати ўз буйруқ-ларини тез ва қаршиликсиз амалга ошириш учун РКП (Б) МК котиби Я.Э.Руд-зутакни Бухорога жўнатди. 1923 йил ёзига келиб мустабид совет тузуми Бухорода ўзига хос давлат тўнтаришини амалга оширди. Миллий қўшин ва миллий валюта большевиклар томонидан тугатилди. 1924 йил 18-20 сентябрда бўлиб ўтган Бутун Бухоро халқ вакилларининг V қурултойида БХСР Бухоро Совет Социалистик Республикаси (БССР)га айлантирилди. БССРнинг тузилиши юқоридан туриб сунъий тарзда амалга оширилган ходиса эди. Натижада тараққиётнинг демократик йўли инкор қилиниб, социалистик йўналиши танланди. 1924 йил ноябр ойи охирида худди Хоразм республикаси сингари Бухоро ССР ҳам туга-тилиб, унинг ҳудуди 1925 йилда ташкил этилган Ўзбекистон ССР (1929 йилгача таркибида Тожикистон АССР ҳам бўлган) ва Туркманистон ССРга киритилди.